

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
А К А Д Е М И Я

Р. М. МАХМУДОВ, Р. Х. ДУШАНОВ

ПЕДАГОГИКА

Маърузалар курси

Тошкент 2014

Т а қ р и з ч и л а р:

Тошкент давлат техника университети педагогика кафедраси
профессори, педагогика фанлари доктори **У. Маҳкамов**;

педагогика фанлари номзоди **Р. Р. Тумпаров**

М-38 Махмудов Р.М., Душанов Р. Х.

Педагогика: Маърузалар курси. – Т.: Ўзбекистон Республикаси
ИИВ Академияси, 2014. – 204 б.

Маърузалар курси таълим стандартлари ҳамда «Педагогика» фанининг ўқув дастури асосида тайёрланган бўлиб, унда фаннинг предмети, методлари, вазифалари, объекти ва субъекти, қонуниятлари, фан сифатида шаклланиши ва ривожланиш босқичлари ҳамда ички ишлар органлари ходимлари фаолиятининг педагогик жihatлари, ўзига хос тоифадаги шахсларни тарбиялашда педагогика фанининг ўрни ёритилган. Шунингдек, маърузалар курсида мавзулар бўйича савол ва топшириқлар берилган бўлиб, бу тингловчиларнинг билимларини ошириш ва мустаҳкамлашга қаратилган.

Тингловчи ва курсантларга, тадқиқотчилар ҳамда профессор-ўқитувчиларга мўлжалланган.

ББК 7400я73

КИРИШ

Республикамизнинг мустақилликка эришиши билан ҳуқуқий демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти куриш, инсон моҳиятини янгидан кашф қилиш, унинг ўзлигини англаш имкониятларини рўёбга чиқариш ва маънавий-интеллектуал, ақлий-амалий ривожланиши учун янгидан-янги шарт-шароитлар яратиш имконияти пайдо бўлди.

Маънавиятни шакллантиришга бевосита таъсир қиладиган омиллардан бири таълим-тарбия ҳисобланади. Шунинг учун ҳам мустақилликнинг дастлабки йилларидан бутун мамлакат миқёсида таълим ва тарбия, илм-фан, касб-хунар ўргатиш тизимларини тубдан ислоҳ қилишга ниҳоятда катта зарурат сезилди. «Таълим тўғрисида»ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ишлаб чиқиш билан боғлиқ жараён узоқ йиллар мобайнида бу соҳада талай муаммолар йиғилиб қолганлигини кўрсатди.

Президентимиз Ислом Каримовнинг «таълимни тарбиядан, тарбияни эса таълимдан ажратиб бўлмайди – бу шарқона қараш, шарқона ҳаёт фалсафаси»¹, деган доно фикрлари нақадар тўғри эканлигини бугунги кунда ҳаётнинг ўзи тасдиқламоқда. Таълим ва тарбияга янгича ёндашиш педагогика фанининг объекти ва предметини кенгайтди. Эндиликда педагогика фани нафақат таълим-тарбия жараёнини назарий, амалий-методик таъминловчи, балки комил инсон шаклланиши, ривожланиши соҳаларни ўз ичига қамраб олган фан сифатида намоён бўлмоқда.

Комил инсон тарбияси кадрлар тайёрлаш миллий дастурида кадрлар тайёрлаш тизимининг бош субъекти ва объекти сифатида қаралади. Маълумки, педагогика фани етук мутахассис шаклланишида тарбия ва таълимнинг инсон ривожи, шахс камоли ва таълим тизими ўз ичига олмайдиган этник, тарихийлик, мустақиллик, табиий-экологик, руҳий-ҳиссий билиш, ривожланиш, комиллик омилларига ҳам суянади. Бундан ташқари, педагогика фани олдига янгича фикрлаш, янгича тафаккур, миллий мафкуранинг кенг қамровли сифатларини шакллантириш вазифалари ҳам қўйилди.

Педагогика фани таълим-тарбияда ҳаётнинг барча соҳаларини,

¹ Каримов И. А. Юксак маънавият – енгилмас куч . –Т., 2008. – 62-б.

жабҳаларини қамраб олмаганида, у ўзининг комил инсон тарбиясидаги жуда катта имкониятларга эга бўлган асосий ижтимоий фан мавқеини эгаллай олмаган бўлар эди. Шунинг учун ҳам янги таълим концепцияси ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида таълим ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг устувор йўналиши сифатида белгиланди.

«Мен, – дейди Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислон Каримов, – Абдулла Авлонийнинг «Тарбия биз учун ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидир» деган фикрини кўп мушоҳада қиламан. Буюк маърифатпарварнинг бу сўзлари асримизнинг бошида миллатимиз учун қанчалар муҳим ва долзарб бўлган бўлса, ҳозирги кунда биз учун ҳам шунчалик, балки ундан ҳам кўра муҳим ва долзарбдир.

Чунки таълим-тарбия – онг маҳсули, лекин айни вақтда онг даражаси ва унинг ривожини ҳам белгилайдиган омилдир. Бинобарин, таълим-тарбия тизимини ўзгартирмасдан туриб, онгни ўзгартириб бўлмайди. Онгни, тафаккурни ўзгартирмасдан туриб эса биз кўзлаган мақсад – озод ва обод жамиятни барпо этиб бўлмайди»¹. Шу маънода таълим-тарбия соҳасида амалга оширилаётган ислохотлардан кўзланган мақсад – баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказишдир.

Ушбу маърузалар курси айнан мана шу мақсадни кўзда тутган бўлиб, Давлат таълим стандартлари ҳамда педагогика фанининг ўқув дастури асосида тайёрланди. Уни тайёрлашда олимлар – З. С. Зарипов, И. Исмаилов, Б. Умаров ва бошқаларнинг илмий ишларидан кенг фойдаланилди.

Ўз навбатида шуни таъкидлаш жоизки, ушбу маърузалар курси давлат тилида яратилган дастлабки ишлардан бири бўлганлиги боис, унда айрим камчиликлар, жузъий хатолар бўлиши табиий. Муаллифлар қўлланма юзасидан билдирилган фикр-мулоҳазалар ҳамда уни тўлдириш, такомиллаштириш борасидаги таклифларни бажонидил қабул қилдилар ва келгуси ишларида албатта инобатга оладилар.

¹ Каримов И. А. Жамиятимиз мафқураси халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин // Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т. 7. – Т., 1999. – 93–94-б.

1-мавзу
ПЕДАГОГИКА ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ, УНИНГ ИЧКИ ИШЛАР
ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИДА ТУТГАН ЎРНИ

- *Ички ишлар органларида педагогик жараён тушунчаси ва унинг таркибий қисмлари.*
- *Профилактик фаолиятни ташкил этишида педагогик билимларнинг аҳамияти.*
- *Ўзбекистон Республикасида таълим тизимини ислоҳ қилиш сиёсати.*

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИДА ПЕДАГОГИК ЖАРАЁН ТУШУНЧАСИ
ВА УНИНГ ТАРКИБИЙ ЭЛЕМЕНТЛАРИ

XXI асрга келиб ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ривожда инсон ақл-заковати ва маънавияти асосий мувофиқлаштирувчи, ривожлантирувчи омил ва восита эканлиги тобора намоён бўлмоқда. Шунинг учун инсонпарварлик бозор иқтисодиёти асосидаги ҳуқуқий демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти қурилишининг бош тамойили сифатида қабул қилинмоқда.

Ижтимоий фанлар тизимида педагогиканинг тутган ўрни шу билан белгиланадики, у шахсни шакллантириш, ривожлантириш, тарбиялаш, маълумотли қилиш ва ўқитиш (таълим бериш)ни назарда тутади.

Шахс турли омиллар таъсирида шаклланади. Тарбия эса шахсни шакллантирувчи, ривожлантирувчи омиллардан биридир. Тарбиячи турли воситалар ва усуллар орқали муайян мақсадни кўзлаган ҳолда тарбияланувчиларда маълум ижобий хислатларни шакллантиради ва ривожлантиради.

Инсоният жамиятининг турли босқичларида таълим-тарбия муассасаларини яратиш, ёш авлодларни ўқитиш ва тарбиялаш соҳасидаги тажрибаларни назарий жиҳатдан англаш, умумлаштириш ва ҳаётга татбиқ қилиш жараёнида педагогика фани пайдо бўла бошлади. Педагогика таълим-тарбиянинг мақсади ва вазифалари, давлат таълим стандартлари, таълим ва тарбиянинг усуллари, ташкил этиш шакллари, умуман, унинг қонуниятлари ҳақида билим, маълумот берадиган фанга айланди.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонунида (1997) таълимнинг давлатимиз ижтимоий тараққиётида устувор йўналиш деб эълон қилиниши педагогика фани зиммасига жуда катта масъулият, улуғвор вазифаларни юклади. Жумладан, бой илмий, маънавий, маданий, диний меросимизни қайта тикланиши уларни ҳозирги замон руҳи, талаби билан уйғунлаштириш, фақат шахсий, миллий манфаат касб этиб қолмасдан, умумжаҳон маънавий, ижтимоий-иқтисодий тараққиётига улкан ҳисса бўлиб қўшилмоқда.

Ҳар бир мустақил фан ўз предмети (мавзуси) ва методологик асосларига эга. Жумладан педагогика фани ҳам бошқа фанлар сингари шаклланган ва узоқ тарихий даврни босиб ўтган бўлиб, у аввало жамиятнинг талаб ва эҳтиёжлари асосида юзага келган.

«Педагогика» атамаси юнонча «пайдогос» сўздан келиб чиққан бўлиб, «бола етакловчи, тарбияловчи» деган маънони билдиради. Тарихий манбаларда қайд этилишича, қадимги Юнонистонда ўз хўжайинининг болаларини сайр қилдирган, эҳтиёт қилган тарбиячини «педагог» (бола етакловчи, тарбияловчи) деб аташган. Кейинчалик эса махсус ўқиган ва педагогликни ўзига касб қилиб олган кишиларни педагог деб атай бошлашган.

Педагогиканинг ривожига IX-XVI асрлар (Шарқ уйғониш даври)да яшаб ижод этган Ал-Бухорий, Ат-Термизий, Абу Носир Форобий, Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино, Юсуф Хос Хожиб, Махмуд Қошғарий, Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбандий, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Захириддин Муҳаммад Бобур каби буюк даҳолар, XIX асрнинг охири XX аср бошларида Туркистонда жадидчилик ҳаракатининг йирик намояндаларидан Абдурауф Фитрат, Махмудхўжа Бехбудий, Мунавварқори Абдурашидхонов, Абдулла Авлоний, Саидахмад Сиддиқийлар, Европа давлатларининг буюк мутаффаккир ва педагог олимларидан Ян Амос Коменский, Жан Жак Руссо, И.Г. Пестолоцци, Адольф Дистервег, К.Д. Ушинский, А. С. Макаренко, Ж. Локк, Жон Дьюи, Эдвард Торндайк, С. Т. Шацкий, Б. Блумлар улкан ҳисса қўшдилар.

Педагогика фанининг методологик асосини Ўзбекистон Республикасининг амалдаги «Таълим тўғрисида»ги қонуни, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Ислом Каримовнинг асарлари ташкил этади («методология» сўзи юнон тилидан олинган бўлиб, *metodos* – ўрганиш йўли, назария ва *logos* – таълимот маъноларини англатади).

Педагогика ёш авлодни баркамол инсон қилиб тарбиялаш учун таълим-тарбиянинг мазмуни, умумий қонуниятлари ва уларни амалга ошириш йўллари ўргатувчи фандир.

Педагогика фанининг предмети таълим-тарбиянинг замонавий қонуниятлари, мазмуни, принциплари, методлари, воситалари ҳамда жамиятнинг моддий ва маънавий ривожига шахснинг камолот уйғунлиги ҳисобланади.

Педагогика фаннинг асосий вазифаси шахсни баркамол инсон қилиб тарбиялаш, касбий қобилиятларни шакллантириш, ақлий, амалий имкониятларини рўёбга чиқариш ҳамда интеллектуал жиҳатдан ривожланишини таъминлаш, ўзи танлаган мутахассислиги бўйича фаолият кўрсатиши учун тарбиявий-дидактик шарт-шароит яратишдан иборат.

Фаннинг объекти тарбияланувчи шахслардир.

Педагогика фанининг мазмун-моҳиятини бойитишда қуйидаги методлардан фойдаланиш мумкин:

1. Педагогик кузатиш усули.
2. Сухбат усули.
3. Сўровнома, тест усули.
4. Фаолият натижаларини таҳлил қилиш усули.
5. Эксперимент, тажриба, синов усули.
6. Статистика маълумотларни таҳлил қилиш усули.

Демак, педагогика фани асосан шахсни *шакллантириши, ривожлантириши, таълим ва тарбия* билан шуғулланади.

Ички ишлар органларида педагогик жараён – махсус ташкил этилган ёки этиладиган, ходимларнинг жиноятчиликка қарши кураш борасидаги тизимли тарбиявий фаолияти. Бу фаолият тарбиянинг мазмуни, шакллари ва усулларини тўлиқ қамраб олади. Ички ишлар органларида педагогик жагауон деганда асосан тарбия объекти ва субъекти ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни тушунамиз.

Педагогик жараённинг асосий мақсади тарбиявий-профилактик ишларга қаратилган бўлиб, улар асосан тарбияси оғир, тарбияга муҳтож бўлган шахслар билан ишлашга қаратилган. Ички ишлар органларининг ходимлари олиб борадиган ҳар қандай педагогик жараён ахлоқий кадриятлар, ҳуқуқий нормалар асосида олиб борилади.

Ички ишлар органлари фаолиятида педагогик жараённинг таркибий қисмлари асосан шахсни *ўқитиш ва тарбиялаш* ҳисобланади. Ўқитиш ва тарбиялаш жараёни, шахснинг онги ва руҳиятига таъсир этиш кучига эга, бу таъсир орқали шахслар ўзини ўзи бошқаради, тарбиялайди. Тарбияланаётган шахс хатти-ҳаракатида ижобийлик юзага келса, таъсир даражасининг натижаси

намоён бўлади. Бу жараён тарбияланаётган шахслар дунёқарашида ўзгаришларни юзага келтиради, бу ўзгаришлар эса унинг хулқ-атворида, шахслараро муносабатларида кўринади. Шу маънода, ички ишлар органлари ходимлари касбий фаолиятида педагогик жараённинг таркибий элементлари фуқаролар билан бўладиган тарбиявий-профилактик суҳбатда, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда жиноий жазони ижро этиш муассасаларида маҳкумларни тарбиялашда намоён бўлади.

Ҳар қандай шахс муайян ижтимоий муҳитда яшар экан, ўша муҳитга мослашади. Педагогикага оид адабиётлардан, ҳаёт тажрибасидан маълумки, тарбия ҳеч қачон силлиқ кечмайди, балки у турли тўсиқлардан иборат. Бу тўсиқлардан ўтишда катта ирода талаб этилади.

Касбий педагогика педагогика фанининг таркибий қисми бўлиб у билан узвий боғлиқликда ўрганилади. Касбий педагогика – ички ишлар органлар ходимлари томонидан олиб бориладиган тарбиявий жараён, бу жараёнда нафақат ички ишлар ходимлари, балки ўзини ўзи бошқариш органлари, маҳалла фаоллари ҳамда бутун жамоатчилик фаол иштирок этиб, ички ишлар идоралари ходимларига амалий ёрдам кўрсатадилар.

Ички ишлар идоралари ходимлари педагогик фаолиятининг ўзига хос томони шундан иборатки, турли тоифадаги ҳуқуқбузар ва жиноятчи шахсларни тарбиялашда қийинчиликларнинг юзага келишидир. Чунки салбий дунёқарашдаги шахсларнинг онгини ўзгартириш анча қийин жараён бўлиб, бу ўзига хос педагогик маҳорат ва сабр-тоқатни тақозо этади. Кўпинча дунёқараши салбий, ижтимоий онги паст ривожланган шахсларнинг ички ҳиссиётларини бошқариши қийин кечади. Бунинг асосий сабабларидан бири шахсни ўраб турган салбий фикр-мулоҳазали шахслар ҳамда муҳитнинг мавжудлиги ва таъсиридир, чунки ижтимоий муҳит инсон онгини белгилайди. Бундай шахсларда эгоизм, дағаллик, кўполлик каби салбий иллатлар кенг илдиз отган бўлади. Бундай тоифадаги шахсларни нафақат тарбиялаш, балки камчиликларини тўғрилаш учун доимий назорат қилиш ва алоҳида ҳисобга олиш талаб этилади. Бу ўзига хос мураккаб педагогик-профилактик жараён бўлиб, у профилактика инспекторлари томонидан амалга оширилади. Бу жараён ходимдан педагогик билим, маҳорат, ҳаётий тажриба, кўникма ва малакани талаб этади.

Шахсларни тарбиялаш ва тўғри йўлга йўналтириш, бошқа ижтимоий фанлар сингари, педагогика фанининг ҳам асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Ички ишлар органлари фаолиятида шахсларни тарбиялашнинг ўзига хос қийин томони мавжуд. Тарбия объекти бўлган шахслар билан ишлашда кўп ҳолларда педагогик жараёни қийинлаштирадиган ҳолатларга, масалан, бир неча мартаба қамалиб чиққан рецидив жиноятчилар билан тарбиявий профилактик ишларни олиб боришга тўғри келади.

Шу нуқтаи назардан, муқаддам судланган шахсларни тўғри йўлга йўналтириш, тарбиялаш жараёнида уларнинг индивидуал хусусиятларини, ички кечинмаларини ҳам инобатга олиш зарур. Нафақат жазони ижро этиш жойларидаги шахсларни, балки яшаш, ишлаш, дам олиш, ўқиш жойларида ҳам шахсларни тарбиялаш педагогик жараён сифатида қаралади. Айниқса, тарбияси оғир шахсларни тарбиялаш жараёнини профилактика инспекторларининг иш фаолиятида кузатишимиз мумкин. Улар ўзларига бириктирилган ҳудудларда доимий равишда тарбиявий жараён билан шуғулланиб борадилар.

Меҳнат-ахлоқ педагогикаси маҳкум шахсларнинг ахлоқини қайта ўзгартириш профилактикасига қаратилган бўлса, касбий педагогикада тарбия жараёни анча кенгроқ тушунчада бўлиб, тарбия объектида чегара йўқ. Бу икки фан бир-бирини тўлдирди ва бойитиб боради.

Ички ишлар фаолиятида шахсни тарбиялаш моҳиятидан келиб чиққан ҳолда тарбия объекти ўрганилади ва таъсир қилиш, тарбиялаш йўллари изланади. Ҳар қандай тарбиянинг самараси объект билан субъект ўртасида бир-бирини тўғри тушуниш ва бири-бирига ўзаро ёрдам асосида юзага келади.

Юқоридаги фикрларни инобатга оладиган бўлсак, педагогика фанининг ички ишлар органлари фаолиятидаги асосий вазифалари қуйидагилардан иборат деб ҳисоблаш мумкин:

– жиноятларнинг олдини олиш мақсадида аҳолининг барча табақалари ўртасида тарбиявий профилактик ишларни олиб бориш;

– жиноят содир этишга мойил ва озодликдан маҳрум этиш жойларидан бўшатишган шахсларга нисбатан маъмурий назорат ўрнатиш ва улар билан индивидуал тарбиявий-профилактик ишларни олиб бориш;

– касбий педагогиканинг энг самарали тарбиявий усулларидан фойдаланган ҳолда жиноятчиликка қарши курашиш;

– вояга етмаган тарбияси оғир шахслар билан профилактик ва педагогик ишларни олиб бориш ва ҳоказо.

ПРОФИЛАКТИК ФАОЛИЯТНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА ПЕДАГОГИК БИЛИМЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

Ички ишлар органларининг профилактик фаолиятида педагогик билимларнинг роли борасида тўхталар эканмиз, ўз навбатида шунини айтиш зарурки, ҳаётни тартибга солувчи ва уни бошқарувчи фақат қонунлар эмас, балки бошқа ахлоқий, маънавий, тарбиявий кадриятлар, масалан, жамоат фикри, урф-одатлар, анъаналар, гуруҳлараро ва шахслараро муносабатлар ҳам мавжуд бўлиб, уларни ўрганиш ва англаш жуда катта аҳамиятга эга. Бундан ташқари, аҳолига педагогик ва психологик таъсир этувчи омиллар ҳам мавжуд, бу омиллар орқали шахсларнинг қанчалик тарбияланганлигини аниқлаш мумкин. Чунки инсон онги ва қарашларини ўзгартириш унинг эътиқодига, дунёқарашига боғлиқ бўлиб, улар муайян кадриятлар ва ҳаётий мезонларни шакллантириш, сингдириш орқали амалга оширилади.

Ички ишлар органларининг профилактик фаолиятида педагогик ишларнинг аҳамият тўғрисида юқорида тўхталдик. Ҳозирги вақтда тарбиявий ишларга катта эътибор қаратилмоқда, дарҳақиқат жиноятга йўл қўйгандан кўра, унинг олдини олган афзал.

Психолог Б. М. Умаровнинг фикрича, «тарбиявий ишларни олиб боришнинг мақсади ва вазифаси билан профилактик чора-тадбирлар ўртасида тафовут бўлмаслиги керак. Улар бир-бирини тўлдирувчи ва давом эттирувчи хусусиятга эга бўлиши лозим»¹.

Ички ишлар органлари ходимлари олиб борадиган педагогик ишлар қуйидаги йўналишларда бўлиши мумкин:

– вояга етмаганлар томонидан содир қилинадиган жиноятларнинг олдини олиш мақсадида уларнинг яшаш, ишлаш ва дам олиш жойларидаги профилактик тарбиявий ишлар;

– хулқ-атворида жамиятга зид хатти-ҳаракатларнинг белгиси бор бўлган шахслар билан бўладиган яқка тартибдаги тарбиявий ишлар;

– рецидивист жиноятчилар билан яқка тартибда олиб бориладиган қайта тарбиялаш ишлари;

– барча табақадаги шахслар ўртасида амалга ошириладиган ҳуқуқий педагогик тарбиявий ишлар;

¹ Умаров Б. М. Ўзбекистонда вояга етмаганлар жиноятчилигининг ижтимоий-психологик муаммолари. – Т., 2008. – 182-б.

– вояга етмаганлар ўртасида олиб бориладиган ичкиликбозлик ва гиёҳвандликка қарши кураш ишлари;

– шартли равишда ҳукм қилинганлар ва ҳукмни ўташдан озод қилинганлар устида маълум муддат давомида ва етарли даражада тарбиявий ишларни такомиллаштириш ва ҳоказолар.

Ички ишлар ходимлари касбий фаолиятларида педагогик-профилактик ишларни қонун доирасида ва ҳуқуқий тарбияга таянган ҳолда олиб боришлари мақсадга мувофиқдир. Чунки ҳуқуқий ва ҳаётий далилларга асосланмаган ҳар қандай тарбиявий жараён ижобий самара бермаслиги мумкин. Шунингдек, ички ишлар органлари ходимлари томонидан олиб бориладиган ҳар қандай тарбиявий-профилактик ишларда аҳолининг қайси табақага мансублиги, уларнинг билим савияси, миллий урф-одатлари ва анъаналари ҳисобга олиниши зарур.

Рус олими Г. А. Аванесов таъкидлаганидек, «тарбия ва профилактикани бир-биридан ажратиб бўлмайди, тарбияга профилактик хизмат ҳам тааллуқли, профилактик хизматга тарбия ҳам бевосита тааллуқлидир»¹.

Аҳоли орасида тарбиявий профилактик ишларни олиб боришда бир неча маротаба судланган шахслар, хавfli рецидивистларни ҳисобга олиш, улар устидан доимий маъмурий назорат ўрнатиш ва тарбиявий ишларни олиб бориш зарур. Чунки улар ҳудуддаги вазиятга таъсир этувчи ижтимоий салбий қилмишларни содир этишлари мумкин.

Ҳудуддаги вазиятга таъсир қилувчи педагогик омилларга қуйидагилар киради:

– аҳолининг билим савияси, тарбияланганлик ҳамда маданият даражаси;

– шу ҳудудда жойлашган ўқув юртларидаги тарбия жараёнининг ҳолати;

– фуқаролар маданий дам олишининг ташкил этилиши;

– аҳоли ўртасида ҳуқуқий тарғибот ва тарбиявий ишларнинг ҳолати ва уларнинг самарадорлиги;

– аҳолининг ижтимоий қатламлари ўртасида тарбиянинг самарали усулларида фойдаланиш;

– профилактика инспекторларининг маданият муассасалари томо-

¹ Аванесов Г. А. Введение в курс профилактики правонарушений. – М., 1998. – С. 460.

нидан уюштирилаётган ҳуқуқий-тарбиявий тадбирларда қатнашиши;
– ҳудуддаги жанжалкаш, носоғлом оилалар ва тарбияси оғир вояга етмаган шахслар билан ишлашда уларга индивидуал ёндашиш.

Профилактика инспектори ҳудудидаги ҳуқуқбузар шахслар билан ишлашда тарбиянинг таркибий қисми ҳисобланмиш яқка тартибдаги тарбияга алоҳида эътибор қаратиши лозим. Чунки ҳуқуқбузар шахсларни, улар орасидаги лидерларни аниқлаш ва уларни ажратиб олиш ички ишлар органлари ходимлари фаолиятини енгиллаштиради. Бироқ, ходимлар ҳуқуқбузар шахсларнинг ижобий томонларини ҳам топа билишлари ва уларни рағбатлантиришлари керак, бу улар фаолиятида муҳим аҳамият касб этади.

Профилактика инспекторининг педагогик фаолияти ижтимоий ҳаёт жараёнида давлат томонидан қабул қилинган қонун ва қарорларни ўз ҳудудида тарғиб ва ташвиқ қилишда, ҳудудидаги жиноят содир этишга мойил бўлган фуқароларни ҳисобга олиш ва жиноий жазони ўтаб келган шахсларни қайта тарбиялашда ҳамда носоғлом оилалар билан профилактик ишларни олиб боришда катта роль ўйнайди.

Ички ишлар органларининг профилактик фаолиятида педагогика фанининг асосий мақсади жиноятчиликнинг олдини олиш, тарбияси оғир шахсларни тарбиялаш ва ғавқуллоддаги ҳолатларни бартараф этишдан иборат. Бинобарин, тарбиявий профилактик фаолият ҳар бир ички ишлар ходими фаолиятининг ажралмас қисми ҳисобланади.

Ички ишлар органлари ходимларининг профилактик фаолияти қуйидаги бир қатор ўзига хос педагогик-психологик хусусиятлар билан тавсифланади:

- ҳуқуқий-тарбиявий профилактик тадбирлар;
- профилактик фаолиятнинг турли кўринишлари ва унинг тарбиявий характери;
- профилактика инспекторларининг ҳокимият ваколатига эгаллиги;
- воқеа содир этилган жойни кўздан кечиришда юқори масъулият билан ёндашиш;
- фуқаролар билан тарбиявий-профилактик ишларни олиб боришда жамоат ташкилотлари ва институтларининг вакиллари ҳамда маҳалла фаоллари билан доимий алоқаларни ташкил этиши.

Ички ишлар тизимида тарбиявий профилактик фаолият асосан фуқаролар, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллари, мансабдор шахслар билан фаол коммуникатив муносабатларга

киришиш орқали олиб борилади. Бу эса, ўз навбатида, ички ишлар органлари ходимларининг коммуникатив ва педагогик қобилиятларини ҳамда фуқаролар билан муносабатда уларнинг ҳуқуқларини қонун, қонуности актларига риоя этган ҳолда ташкил этишларини талаб этади.

Профилактика инспектори учун қуйидаги педагогик-психологик сифатлар муҳим аҳамият касб этади:

- касбий кузатувчанлик;
- зиддиятли ҳолатларда ўзини, хатти-ҳаракатларини бошқара олиш қобилияти;
- ўз атрофига инсонларни жамлаш ва уларнинг ишончига кира олиш қобилияти;
- инсонлар ҳаётига эътиборли бўлиши ва уларнинг хатти-ҳаракатларини кузата олиши;
- ўз фикрини ҳимоя қила олиш;
- воқеа-ҳодисаларнинг ҳаёлий образини хотирасида фикран қайта тиклаш;
- қарама-қарши маълумотлардан тўғри хулоса чиқара олиш уқувининг мавжудлиги;
- инсоннинг ташқи кўриниши ва хатти-ҳаракатларини эсда сақлаб қолиш;
- бегона инсонлар билан тез алоқа ўрната олиш қобилияти.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ички ишлар органлари ходимларининг профилактик фаолиятни самарали олиб боришларига тўсқинлик қиладиган омиллар ҳам мавжуд. Булар: индивидуализм, шахслараро муносабатлар ва ижтимоий ўзаро ҳаракатлар тизимини бузувчи ижтимоий бегоналашиш; пешқадамликка (лидерликка) интилишнинг кучлилиги; фаолият мақсадига эришиш мотивларининг паст даражаси; иродавий жараёнлар ва иродавий интилишларнинг етарли даражада эмаслиги; тарбиявий оғишларнинг мавжудлиги ва бошқалар.

Профилактика инспектори кундалик фаолияти мобайнида фуқаролар билан муносабатга киришади, уларнинг ариза ва шикоятларини кўриб чиқади, зиддиятли ҳолатларни бартараф этади ва уларга тарбиявий таъсир кўрсатади.

Профилактик фаолиятнинг объектлари асосан оддий фуқаролар, носоғлом оилалар, вояга етмаганлар, ўз хулқ-атвори ва фаолиятини ўзгартиришга, тиббий, ижтимоий, педагогик ёрдамга муҳтож бўлган фуқаролар ташкил этади.

Профилактика инспекторларининг фаолиятини умумий ва якка тартибдаги тарбиявий-профилактик усулларга ажратиш мумкин.

Умумий профилактик усуллар ҳуқуқбузарликнинг келиб чиқиш сабаблари ва шарт-шароитларини ўрганиш орқали олиб борилади. Умумий профилактик фаолиятнинг кўриниши сифатида ҳуқуқий тарбиявий тарғибот ва ташвиқот ишлари назарда тутилади.

Якка тартибдаги профилактик усуллар эса бир мақсадга қаратилган, яъни шахс онгига психолого-педагогик таъсир этиш, ундаги мавжуд салбий хислатларни (жамиятга қарши фикр ва мақсадлар, салбий одат ва мотивлар ва бошқалар) бартараф этиш бўйича иродавий сифатларига таъсир этиш ва айна пайтда қонунга итоаткорлик, ижобий фазилатлар кўринишидаги хулқ-атвор кўникма ва малакаларини шакллантиришдан иборат.

Якка тартибдаги профилактик тадбирларни амалга оширишнинг қуйидаги элементлари мавжуд:

- шахсларни ўрганиш ва маълумотларни текшириш ҳамда уларни оператив-профилактик ҳисобга қўйиш;
- маиший турмуш соҳасидаги қонунга хилоф хатти-ҳаракатларни ўрганиб, шахсларга таъсир этиш;
- ҳисобга олинган шахсларни доимо яшаш шароитини ва феъл-атворини кузатиб бориш ҳамда назорат этиш;
- маиший соҳадаги низоли вазиятлар пайдо бўлишига омил бўлувчи ижтимоий муҳитни соғломлаштириш ва уни ҳуқуқбузарликка кўчишининг олдини олиш;
- жабрланувчиларга профилактик таъсир этиш (виктимологик эффе́ктга эришиш йўлида);
- вақти-вақти билан якка тартибдаги профилактик тадбирлар натижаларини текшириш ва уларни таҳлил қилиш.

Ички ишлар органларида шахс тарбиясининг ҳуқуқий тузилиши асосини қонунга итоаткорлик ва қонунийликка ундайдиган куч ташкил этади. Булар:

• *маънавий ва моддий эҳтиёжлар ривожланишидаги уйғунлик*, яъни криминоген оғишларнинг йўқлиги (алкоголизм, гиёҳвандлик, клептомания, ўғирликка мойилликдан иборат руҳий касаллик, жинсий бузуқлик ва ҳоказо);

• *ҳуқуқий онг* – ҳуқуқий қараш, ғоялар, ишончлар, адолат орзуси, қонунийлик, тенг ҳуқуқлилиқ, ҳуқуқий бирлик, мажбурият ва ҳоказо;

• *ҳуқуқий қарашлар* – жамоа, гуруҳнинг бир аъзоси бўлган инсон жамият ҳаётида юзага келадиган ҳуқуқий саволларга синчковлик ва диққат билан қизиқиши ва уни ҳал этишда қонунийликка итоат этиши;

• *қонунийликни ва ҳуқуқий тартиб-интизомни мустаҳкамлашга қўмаклашиш ва қонуний ҳаракатларни амалга оширишдаги қизиқиш ва эҳтиёжлар*, яъни ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш, оилада, ишда ва атрофдаги кишиларни ҳуқуқий норма ва талабларга риоя этишларини таъминлаш;

• *ҳуқуқий мотивлар* – шахсни қонуний хатти-ҳаракатларни ифода этишга ундайдиган куч.

Шунингдек, профилактик фаолият жараёнида психолого-педагогик таъсир этишда профилактика инспектори:

1) касбий фаолиятида педагогик таъсир этиш усуллари қўллашда шахснинг аниқ ўзига хос индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиши;

2) психологик-педагогик таъсир этиш учун инсон руҳиятининг умумий қонуниятлари ва ривожланиш даражасини билиши;

3) таъсир этиш жараёни, унинг элементлари, оқибатларини олдиндан режалаштириш ва башорат қила олиши;

4) шахснинг ижобий таъсирланишини рағбатлантириб бориши;

5) педагогик-психологик таъсир этишда инсон ҳуқуқлари поймол этилишига йўл қўймаслиги;

6) шахсга педагогик таъсир этишни режалаштирганида барча хатти-ҳаракатлари тизими аниқланиши ва ҳисобга олиниши;

7) тарбиявий профилактик ишларни олиб боришда ташқи таъсир этувчи омилларни ҳисобга олиши;

8) шахснинг ҳиссий ҳолатини ҳисобга олган ҳолда тарбиявий таъсир этишни амалга ошириши;

9) таъсир этиш жараёнида шахснинг педагогик-психологик фаоллигини таъминлаши зарур.

Айниқса, маиший турмуш соҳасидаги жиноятлар профилактикаси жараёнида педагогик аспектларни ҳисобга олиш муҳим аҳамият касб этади. Чунки маиший турмуш соҳасида содир этиладиган жиноятларнинг педагогик тавсифи ўзига хос мураккабдир. Унинг мураккаблигининг белгиси жиноятларнинг маълум бир вақт ва масофа оралиғида содир этилишидир. Амалиёт тажрибаларига таянадиган бўлсак, маиший турмуш шароитида юзага келадиган

низолар асосан узоқ вақт давомида етилиб, вақтида тор чегарада бўлган бўлса-да, аста-секин кучайиб бориши ёки дабдурустдан кучайиши кабиларни ўз ичига олади. Вақти-вақти билан такрорланиб турадиган криминоген – низоли вазиятлар ўртача 33%ни ташкил этиб, ярим йилдан уч йилгача, 63% ҳолатларда эса уч йилдан саккиз йилгача ва ундан кўп вақтда юзага келади. Маиший турмуш соҳасидаги жиноятларнинг 85%ни эркаклар содир этади¹.

Маиший турмуш соҳасидаги муносабатлар асосида содир этиладиган жиноятларнинг умумий профилактикаси аҳоли орасида тарғибот ва ташвиқот ишлари орқали амалга оширилади. Бунинг учун кўргазмали тарғибот воситаларидан, турли педагогик-психологик таъсир этиш усулларида кенг фойдаланилади. Тарғибот ва ташвиқот ишлари ҳуқуқий ва маънавий-ахлоқий мавзулардаги маъруза, учрашувлар, яшаш ва ишлаш жойларида ўзини ўзи бошқариш жамоалари фаоллари иштирокидаги муҳокамалар, телевидение кўрсатувлари ва радио эшиттиришларида иштирок этиш ҳамда чиқишлар орқали амалга оширилади.

Юқорида таъкидланган тадбирлар мазмуни оилада ва маиший соҳаларда қонунга итоаткорлик, хатти-ҳаракатлари ахлоқий нормаларга мос келадиган ҳуқуқий, психологик-педагогик ва бошқа билимларни фуқароларнинг онгига тўғри таъсир қиладиган тарзда мақсадли амалга оширишни кўзда тутлади.

Маиший турмуш соҳасида содир этиладиган жиноятларнинг олдини олишда яшаш жойларида ташкил этиладиган тарбиявий профилактик ишлар муҳим ўрин тутлади ва бунда дам олиш жараёнларини самарали ташкил этиш лозим. Бу тадбирларни ҳам умумижтимоий чора сифатида асосан жойлардаги ҳокимиятлар фаолиятлари билан узвий боғлиқ тарзда комплекс ёндашув асосида амалга ошириш талаб этилади.

Вояга етмаганлар орасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш учун профилактик ишларини ташкил этишнинг педагогик асослари:

- оиладаги кўнгилсиз воқеалар профилактикаси;
- мактабдаги кўнгилсиз воқеалар профилактикаси;
- ўсмирга баъзи гуруҳларнинг салбий таъсир этишининг олдини олиш;

¹ Криминология: Дарслик / Профессор З.С.Зарипов таҳрири остида.– Т., 2007. – 398–399-б.

- тарбияси қийин ўсмирда ўзини ўзи тарбиялаш ва ўзини намоён этишини шакллантириш.

Вояга етмаганлар билан ишлаш инспектори профилактик ишларининг асосий мақсади ёшлар ўртасидаги жиноятчиликни тарбиявий таъсир этишининг турли усулларини қўллаш орқали олдини олишга қаратилган. Тарбиявий таъсир этиш усуллари якка тартибда, гуруҳий ва оммавий кўринишларда бўлиши мумкин.

Якка тартибда амалга ошириладиган тарбиявий ишлар вояга етмаганлар билан ишлашнинг асосий кўринишларидан бири ҳисобланади. Унга кўра, вояга етмаганларни ҳисобга олиш, уни ички ишлар органлари бўлимларига чақириш, ишга жойлаштириш, ўқув муассасаларига қайтариш, махсус ўқув масканларига жойлаштириш, спорт ва бошқа секция, тўгаракларга жалб этиш ва расмий огоҳлантириш каби ҳаракатлар амалга оширилади.

Гуруҳий кўринишдаги ишларни олиб боришда тарбиявий профилактик тадбирларнинг объекти носоғлом оилалар ва вояга етмаганлар гуруҳлари ҳисобланади.

Умумий профилактика чоралари асосан беқарор оилаларнинг салбий таъсирини нейтраллаштириш, тарбияга муҳтож ўсмирларга давлат ва жамоат ёрдамини кўрсатиш (васийлик ва ҳомийлик ўрнатиш, меҳрибонлик уйи, мактаб-интернатга юбориш, ўқишга ёки ишга жойлаштириш), вояга етмаганларга таълим-тарбия бериш билан шуғулланувчи муассасалар фаолиятидаги камчиликларни бартараф этиш, ўсмирларнинг дам олишини оқилона ташкил этиш, вояга етмаганлар қонунларга риоя этиши устидан назорат олиб бориш ва ҳоказоларни назарда тутати.

Оммавий кўринишдаги ишлар профилактика инспекторлари томонидан оммавий ахборот воситалари, яъни радио, телевидение ва матбуотда чиқишлар ва омма олдидаги суҳбатлар, ҳудуддаги таълим муассасалари ва бошқа турли ташкилотлардаги учрашувлар орқали амалга оширилади.

Вояга етмаган ҳуқуқбузарлар билан профилактик ишларни амалга ошириш жараёнида уларнинг ёшга оид ўзига хос сифатларни ва оилавий шароитида маънавий қадриятларнинг шаклланганлик даражасини инобатга олиши керак. Шунинг учун, юқорида таъкидланганидек, ўсмир ва болаларни ўраб турган микромуҳитдаги салбий таъсирларни бартараф этиш зарур бўлади. Вояга етмаганлар билан якка тартибдаги профилактик ишларни амалга ошириш

ҳуқуқий, маънавий, ахлоқий, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш орқали амалга оширилади.

Вояга етмаганлар билан профилактик ишларни амалга ошириш усуллари турлича бўлиб, улардан суҳбат усули кенг тарқалган оммавий усул ҳисобланади. Якка тартибда профилактик суҳбатни амалга ошириш жараёнида уларнинг психологик ўзига хослигини, яъни кўнгли нозиклиги, салга хафа бўлавериш, жиззакилик, қўрқув ва ташвишга берилувчанлиги, ғазабланиш, қасоскорлик, тажовузкорлик, тақлид қилишга мойиллиги ва бошқаларни ҳисобга олиш даркор.

Муқаддам судланганлар билан профилактик ишларни олиб боришда қуйидаги педагогик омилларни ҳисобга олиш керак:

- шахсини ҳар томонлама ва синчиклаб ўрганиш (ижобий сифатларини аниқлаш мақсадида);

- ўзларини яхши тутишлари учун махсус ва педагогик вазиятларни ташкил этган ҳолда таъсир этишни амалга ошириш;

- бу тоифа шахсларнинг хатти-ҳаракатлари устидан синчковлик билан педагогик назоратни амалга ошириш керак, хулқида бирор-бир ижобий сифат пайдо бўлганини сезиш асосий мақсад ҳисобланади;

- меҳнат тарбиясида маънавий рағбатлантириш усулидан фойдаланиш;

- муқаддам судланганларни тўғри йўлга солиш жараёнидаги ҳолатларни танлаш ва уларни таҳлил этиш;

- муқаддам судланган шахсларни меҳнат фаолиятга жалб этиш.

Алкоголизм ва гиёҳвандликнинг олдини олиш бўйича профилактик фаолиятни амалга оширишда қуйидагиларга эътибор бериш зарур:

- носоғлом оилалар билан профилактик ишларни олиб бориш;

- соғлом турмуш тарзи ва унинг афзалликлари ҳақида оммавий ахборот воситалари орқали тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб бориш;

- мактабларда алкоголизм ва гиёҳвандликка қарши тарбиявий тадбирлар ўтказиш;

- психолог, педагог, тиббиёт ходимларнинг тадбирларда иштирок этиши;

- ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ҳуқуқий тарғибот ишларини амалга оширишда иштирок этиши;

Профилактик фаолиятни умумий, яхлит тизимда ташкил этиш, табиийки, жамоатчилик фикри ва аҳолининг ташаббускорлигини эътибордан четда қолдирмасликни тақозо этади.

Шу сабабли профилактик ишларни олиб боришда қуйидаги жиҳатларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир:

- турли ҳуқуқбузарликлар ва салбий хатти-ҳаракатларни юзага келтирувчи омилларни ҳисобга олиш;

- шахснинг маънавий шаклланишида муҳим ўрин тутувчи ижтимоий ҳаёт тарзи ва муҳит (оила, мактаб, иш жойи, дам олиш жойлари ва ҳ.к.)нинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олиш;

- жиноий хатти-ҳаракатлар ва криминоген вазиятни бартараф этиш мақсадида турли ижтимоий тузилмаларни профилактик тадбирларга жалб этиш;

- ҳар бир тадбирнинг ўзига хос хусусиятидан келиб чиққан ҳолда турли соҳа вакиллари иштирокида тарбиявий чора-тадбирлар белгиланиш.

Профилактика инспекторининг тарбиявий таъсир этиши бир қатор сифатларига боғлиқ бўлади:

- 1) ташқи қиёфаси;
- 2) ташаббускорлиги;
- 3) обрў-эътиборга эгаллиги;
- 4) демократлиги;
- 5) эшитиш қобилияти;
- 6) фаолиятни ҳаққоний баҳолаш ва қабул қилиши;
- 7) масъулияти.

Профилактика инспекторлари аҳоли билан ҳамкорликда фаолият олиб бориш учун мулоқотда қуйидагиларига эътибор бериши лозим:

- суҳбатдошига тушунарли бўлган сўз ва ифодаларни танлаш, унинг фикрларини диққат билан тинглаш;

- ҳуқуқбузар билан мулоқот даврида аниқ, қисқа ва хушмуомалалик билан суҳбат олиб бориш;

- суҳбатдош томонидан берилаётган ахборотга қизиқиш билан муносабат билдириш. Агар ходимга берилаётган ахборот тушунарсиз бўлса, у ҳолда айтилган фикрларни ва баъзи жумлаларни такрорлаш хушмуомалалик билан сўралади;

- суҳбат давомида салбий таъсир этувчи омилларга эътибор қаратмаслик (кўнғироқлар, бегоналарнинг йўлакда юриши ва бошқалар);

- суҳбатдошнинг мимика, жестлар ва реакцияларига эътибор бериш.

Суҳбатдош фикрларини тугатгач, олинган маълумотлар умумлаштирилади, таҳлил қилинади, аниқ далиллар ойдинлаштирилади, зарур бўлган вақтда далиллар билан ҳужумга ўтилади.

Ходимга қўйиладиган асосий талаблардан бири эшитиш қобилиятини шакллантириш ҳисобланади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ СИЁСАТИ

Ўзбекистон Республикаси сиёсий мустақилликни қўлга киритгач, ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларида туб ислоҳотларни амалга ошира бошлади. Тоталитар усули асосида иш юритаётган халқ таълими тизимида ҳам сўнгги ўн йилликлар давомида юзага келган муаммоларни ҳал этиш вазифаси республика ҳамда мутасадди ташкилотларни таълим тизимида ҳам жиддий ўзгаришларни амалга оширишга ундади. Бу борадаги саъй-ҳаракатларнинг самараси сифатида 1992 йил июль ойида мустақил Ўзбекистоннинг илк «Таълим тўғрисида»ги қонуни қабул қилинди. Мазкур қонуннинг мазмунида республика таълим тизими, унинг асосий йўналишлари, мақсад, вазифалари, таълим босқичлари ва уларнинг моҳияти каби масалалар ўз ифодасини топган эди.

1997 йил январь ойига келиб, «Таълим тўғрисида»ги қонун ва унда илгари сурилган ғояларнинг амалиётга татбиқи, мавжуд аҳвол, ютуқ ва камчиликлар таҳлил этилди. Ўтказилган таҳлил натижаларига кўра таълим тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар аксарият ўринларда чуқур илмий асосга эга эмаслиги маълум бўлди. Шу боис Ўзбекистон Республикаси Президентининг махсус фармонида асосан Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ишлаб чиқувчи махсус комиссия таркиби тайинланди. 1997 йилнинг июль ойида ҳар икки меъёрий ҳужжат мазмуни ўрганилиб чиқилди ва умумхалқ эътиборига ҳавола қилинди. Муҳокама жараёнида билдирилган фикр-мулоҳазалар масъул комиссия томонидан ўрганилди. Умумхалқ муҳокамасида ўтказилган Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури 1997 йил 29 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессиясида қабул қилинди.

Мазкур ҳужжат республика таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар мазмунини очиб берувчи муҳим ҳужжатдир. Унда таълимий ислоҳотларнинг асосий мақсади инсон ўзининг ҳар томонлама уйғун камол топиши ва фаровонлиги, шахс манфаатларини рўёбга чиқаришнинг шароитини ва таъсирчан механизмларини яратиш, эскирган тафаккур ва ижтимоий хулқ-атворнинг андозаларини ўзгартиришдан иборат эканлиги қайд этиб ўтилди.

1997 йил 29 августда Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни қабул қилингандан буён ўтган давр мобайнида янги ўқув режалари, дастурлари, дарслик ва қўлланмалар яратилди. Замонавий дидактик талаблар таълимни ташкил этиш йўллари, метод ва воситаларини аниқлаш, ўқув юртларида аттестация ўтказиш ва аккредитациялаш ишлари амалга оширилди. Мазкур даврда республика меҳнат бозори (энг аввало, қишлоқ жойларида меҳнат бозори)ни шакллантиришнинг ҳудудий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ҳунар-техника таълими қайта ташкил этилди.

Фан ва таълим соҳасида халқаро алоқалар йўлга қўйилди ҳамда бу борадаги дастлабки ютуқлар қўлга киритилди.

Мутахассислар тайёрлаш ҳамда таълим-тарбия тизими жамиятда бўлаётган ислоҳот, янгиланиш жараёнлари талаблари билан боғланди.

Ушбу ҳолатлар мамлакат истиқболи учун хизмат қилувчи Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳамда «Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига мувофиқ тайёрланган бўлиб, миллий тажрибанинг таҳлили ва жаҳон миқёсидаги таълим тизими ютуқлари асосида тайёрланган ҳамда юксак умумий ва касб-ҳунар маданиятига, ижодий ва ижтимоий фаолликка, ижтимоий-сиёсий ҳаётда мустақил равишда мўлжални тўғри олиб бориш маҳоратига эга бўлган, истиқболли вазифаларини илгари суриш ва ҳал этишга қодир кадрларнинг янги авлодини шакллантиришга йўналтирилганлигидир.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури кадрлар тайёрлаш **миллий моделини** рўёбга чиқаришни, ҳар томонлама камол топган, жамиятда турмушга мослашган, таълим ва касб-ҳунар дастурларини онгли равишда танлаш ва кейинчалик пухта ўзлаштириш учун ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, психологик-педагогик ва бошқа тарздаги шароитларни яратишни, жамият, давлат ва оила олдида ўз жавобгарлигини

ҳис этадиган фуқароларни тарбиялашни назарда тутди. «Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг **мақсади** таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, уни ўтмишдан қолган мафкуравий қарашлар ва сарқитлардан тўла халос этиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида, юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлаш миллий тизимини яратишдан иборат эди.

Ушбу мақсадни рўёбга чиқариш қуйидаги **вазифалар** ҳал этилишини талаб этади:

– таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини жамиятда амалга оширилаётган янгиланиш, ривожланган демократик ҳуқуқий давлат қурилиши жараёнларига мослаштириш;

– кадрлар тайёрлаш тизими муассасаларини юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш, педагогик фаолиятнинг нуфузи ва ижтимоий мақомини кўтариш;

– таълим олувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг ва маънавий ишларнинг самарали шакллари ҳамда услубларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

– таълим ва кадрлар тайёрлаш таълим муассасаларини аттестациядан ўтказиш ва аккредитация қилиш сифатида баҳо беришнинг холис тизимини жорий этиш;

– кадрлар тайёрлаш соҳасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш ва ҳоказолар.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг мақсад ва вазифалари босқичма-босқич амалга оширилиб борилди. Ҳар бир босқич муайян вазифаларни ҳал этишни назарда тутди. Бу вазифалар қуйидагилардан иборатдир:

Биринчи босқич (1997–2001 йиллар) – мавжуд кадрлар тайёрлаш тизимининг ижобий салоҳиятини сақлаб қолиш асосида ушбу тизимни ислоҳ қилиш ва ривожлантириш учун ҳуқуқий, кадрлар жиҳатидан илмий-услубий, молиявий-моддий шарт-шароитлар яратиш.

Иккинчи босқич (2001–2005 йиллар) – миллий дастурни тўлиқ рўёбга чиқариш.

Меҳнат бозорининг ривожланиши ва реал ижтимоий-иқтисодий шароитларни ҳисобга олган ҳолда аниқликлар киритиш.

Учинчи босқич (2005 ва ундан кейинги йиллар) – тўпланган тажрибани таҳлил этиш ва умумлаштириш асосида, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш истиқболларига мувофиқ кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва янада ривожлантириш.

Ўзбекистон Республикасининг таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

1. *Таълим ва тарбиянинг инсонпарвар, демократик тавсифда эканлиги.* Давлатимизда ташкил этилаётган таълим ва тарбия жараёнида шахснинг ор-номуси, қадр-қиммати, маънавий ҳамда маърифий ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, унинг иқтидори ва қобилиятини намоёйиш этиш учун имконият яратиш, шунингдек, хоҳиш-истаги ва эҳтиёжларини инобатга олиш масалалари назарда тутилади.

2. *Таълимнинг узлуксизлиги ва изчиллиги.* Таълим жараёни дидактик характер касб этиб, ўқувчиларга берилаётган билим ва шакллантирилаётган кўникма ва малакаларнинг узлуксиз, доимий равишда шаклланишини таъминлайди. Узлуксиз ва изчиллик маълумотлар, ҳодисалар ва фан асосларини ўрганишнинг тартибга солинишини, аввалги ва кейинги материаллар ўртасида кетма-кетликни таъминлашни англатади. Ҳар бир ўқув фани муайян мантиқий изчилликда ўқитилиши лозим. Мазкур принцип шу ҳолатни ифода этишга хизмат қилади

3. *Умумий ўрта, шунингдек, ўрта махсус касб-ҳунар таълимининг мажбурийлиги.* Мазкур принцип Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълимини олишнинг республика фуқаролари учун шартлигини ифодалайди. Республика ҳудудида умумий ўрта, шунингдек, ўрта махсус касб-ҳунар таълими бепул бўлиб, уларнинг фаолиятини ташкил этиш республика ва маҳаллий бюджет маблағлари ҳамда бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан амалга оширилади. Ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасаларига ўқувчилар танлов асосида қабул қилинадилар.

4. *Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналишини, академик лицей ёки касб-ҳунар коллежида ўқишни танлашнинг ихтиёрийлиги.* Ушбу принцип ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналишини ўқувчининг ўз қизиқиши, эҳтиёжи ҳамда лаёқатига мосини (муайян мутахассисликда ихтисослаштирилган академик лицей ёки маълум касб-ҳунар коллежида таҳсил олишни) эркин танлаш ҳуқуқига эгаллигини ифода этади.

5. *Таълим тизимининг дунёвий тавсифда эканлиги.* Ушбу принцип республика ҳудудидаги мавжуд таълим муассасаларида ёшларга дунёвий тавсифдаги илмий билимларни беришни назарда тутди. Таълим муассасаларида жангари, бузғунчилик, шунингдек, миллий низолар ҳамда диний адоватларни келтириб чиқаришга хизмат қилувчи ғояларнинг тарғиб этилиши, уларнинг ёшлар онгига сингдирилиши қонун йўли билан тақиқланади. Ёшларга диний билимларни бериш давлат аккредитациясидан ўтган (республика Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган) ҳамда диний таълим-тарбия бериш ҳуқуқига эга таълим муассасалари, шунингдек, махсус диний маълумотларга эга, ушбу фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини олган шахслар томонидан амалга оширилади.

6. *Давлат таълим стандартлари доирасида таълим олишининг ҳамма учун очиқлиги.* Республика фуқаролари исталган таълим муассасалари (таълим муассасаси Низомида кўзда тутилган талабларга мувофиқ)да Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1999 йил 16 августда қабул қилинган «Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори, шунингдек, бу борада ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълимнинг давлат таълим стандартлари тўғрисидаги Низом асосида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари томонидан ишлаб чиқилган ДТС талабларига мувофиқ таълим олиш ҳуқуқига эгадирлар.

7. *Таълим дастурини танлашга ягона табақалаштирилган ёндашув.* Таълим бўйича яратилган дастурлар орасидан ўқув дастурини яратишга қўйиладиган талабларга мувофиқ яратилган ҳамда энг мақбул деб топилган дастурни танлаб олиш асосида таълим муассасаларида таълимни ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, муайян таълим муассасалари мутахассислик, касб-ҳунар таълими хусусиятларидан келиб чиқиб, маълум мутахассислик ва касб-ҳунар таълимининг ўзига хос жиҳатларини инобатга олган ҳолда яратган дастурлар асосида таълим жараёнини ташкил этишлари мумкин.

8. *Билимли бўлиш ва истеъдодни рағбатлантириш.* Таълимни ташкил этишдан кўзланган мақсад ёш авлодга чуқур билим бериш, улардаги мавжуд лаёқат ва истеъдодларни ривожлантиришда иборатдир. Бугунги кунда жамиятимизда ёшлар орасидан билимли, иқтидорли ўқувчилар (талабалар)ни аниқлаш ва уларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор берилмоқда Ушбу мақсад йўлида

фаолият олиб борувчи қатор жамғармалар, чунончи истеъдодли ёшларни кўллаб-қувватловчи «Умид» ва «Улуғбек» жамғармалари ташкил этилди. Мазкур жамғармаларнинг ҳомийлигида юзлаб таълим берувчи ва талабалар етакчи хорижий мамлакатларда таълим олиш ҳуқуқига эга бўлдилар.

9. *Таълим тизимида давлат ва жамоат бошқарувини уйғунлаштириши.* Самарали таълимни ташкил этиш жамият тараққиётини, миллат ва халқнинг келажагини таъминлайди. Шу боис таълимни ташкил этиш нафақат давлат, балки умумхалқ ишидир. Таълим муассасаларида ташкил этиладиган ота-оналар кўмиталари, ўқувчилар ўз-ўзини бошқариш органларининг кучи ва имкониятларидан, шунингдек, оталиқ (ҳомий) ташкилотларнинг молиявий, маънавий кўллаб-қувватлашлари эвазига таълим самарадорлигини ошириш мумкин. Ушбу принцип мана шу ғояни очиқ беришга хизмат қилади.

10. *Таълим тизими муайян жамиятда ижтимоий-тарихий жараёнда таркиб топган маълум талаблар асосида бошқариладиган ҳамда бир-бири билан боғланган барча типдаги ўқув-тарбия муассасаларининг йиғиндисидан иборат эканлиги.* Ўзбекистон Республикасининг таълим тизими ягона ва узлуксиз бўлиб, мазкур тизим доирасида фаолият юритувчи муассасалар таълимни босқичма-босқич амалга ошириш учун хизмат қиладилар.

Шу боис ҳар қандай давлат (жамият) ўз фуқароларини яшаш, меҳнат қилиш, шунингдек, иқтисоди ва салоҳиятини рўёбга чиқариши, уни намоён эта билиши учун етарли даражада шарт-шароит яратиш бериш масъулиятини ўз зиммасига олувчи субъект сифатида намоён бўлади.

Узлуксиз таълим – малакали рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг асоси бўлиб, таълимнинг барча турлари, давлат таълим стандартлари, кадрлар тайёрлаш тизими тузилмаси ва унинг фаолият кўрсатиш муҳитини ўз ичига олади.

Узлуксиз таълим жараёни шахснинг ҳар томонлама қарор топиши учун энг қулай давр саналади. Мазкур даврда шахс фан асослари ҳамда касб-хунар маълумотларини ўзлаштиради, комил инсон ва малакали мутахассис сифатида акс этиши лозим бўлган сифатларга эга бўлиб, унда муайян дунёқараш шаклланади. Бу эса шахс камолотида муҳим аҳамиятга эгадир.

Демак, узлуксиз таълим миллий моделнинг асосий таркибий қисмларидан биридир. Унга кўра мамлакатимизда узлуксиз таълим тизимининг фаолияти даврнинг изчиллиги асосида таъминланади.

Узлуксиз таълим қуйидаги таълим турларини ўз ичига олади:

- мактабгача таълим;
- умумий ўрта таълим;
- ўрта махсус, касб-хунар таълими;
- олий таълим;
- олий ўқув юртидан кейинги таълим;
- кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш;
- мактабдан ташқари таълим.

Шуниси диққатга сазоворки, «Таълим тўғриси»даги қонун ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий моделимиз чуқур фалсафий маънога эгаллиги билан халқаро миқёсда тан олинди ва ўз ўрнини топди.

Масалан, 1998 йил Австралияда келгуси аср таълими истиқболларига бағишланган халқаро анжуманда таълимни ривожлантиришга қаратилган махсус давлат дастури фақат икки мамлакат АҚШ ва Ўзбекистонда мавжудлиги таъкидланди.

Анжуман қатнашчилари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Олий Мажлисининг IX сессиясида сўзлаган нутқининг асосий мазмуни билан танишдилар.

Қувонарли жиҳати шундаки, анжуман иштирокчилари мамлакатимизда ишлаб чиқилган янги таълим тизими концепциясининг ҳар томонлама пухта ўрганилганлиги, унинг амалга оширилиши эса дунёнинг кўпгина давлатларидаги кадрлар тайёрлаш соҳасида кечаётган ўзгаришларга муносиб ҳисса қўшишини эътироф этишди.

Ўзбекистон халқи ўз олдида ҳуқуқий демократик жамият қуриш мақсадини қўйган. «Таълим тўғрисида»ги қонун ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг ҳаётга татбиқ этилиши халқаро ҳамжамиятда ўз ўрнимизни мустаҳкамлашга олиб келди. Чунки бугунги дунёда давлатларнинг ривожиди, мавқеда ҳал қилувчи омил ҳарбий қудратда эмас, балки интеллектуал салоҳият, фикр, ақл, илғор технологиялар эканлигини ҳаётнинг ўзи исботлаб турибди. Президент Ислом Каримов томонидан айтилган «Куч – билим ва тафаккурда» деган ҳикмат бугун ва эртанги кун учун айтилгандир.

Президент Ислом Каримовнинг 2012 йил 17 февраль куни **«Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти»** мавзусида бўлиб ўтган халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқида «Ўзбекистонда аҳолисининг қарийб 35 фоизини 16 ёшгача бўлган болалар, 62 фоиздан зиёдини эса 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этишини

ҳисобга оладиган бўлсак, бу ислоҳотларнинг роли ва аҳамияти ўз-ўзидан тушунарли ва равшан бўлади.

Қабул қилинган дастурга мувофиқ, мамлакатимизда 9+3 схемаси бўйича 12 йиллик умумий мажбурий бепул таълим тизими жорий этилди. Юртимизда амалга оширилаётган моделнинг принципиал хусусияти шундаки, умумтаълим мактабидаги 9 йиллик ўқишдан сўнг ўқувчилар кейинги 3 йил давомида ихтисослаштирилган касб-хунар коллежлари ва академик лицейларда таҳсил олиб, уларнинг ҳар бири умумтаълим фанлари билан бирга меҳнат бозорида талаб қилинадиган 2–3 та мутахассислик бўйича касб-хунарларни ҳам эгаллайди.

Ўзбекистонда таълим соҳасини ривожлантириш ва ислоҳ етишга йўналтирилаётган йиллик харажатлар ялпи ички маҳсулотнинг 10–12 фоизини ташкил этаётгани ва бу тизимнинг Давлат бюджети харажатларидаги улуши 35 фоиздан ортиқни ташкил этиши ўз-ўзидан мазкур соҳага қаратилаётган улкан эътиборнинг яққол тасдиғи ҳисобланади»¹.

Ўзбекистон Республикасининг Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва «Таълим тўғрисида»ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 24 июлдаги «Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 декабрдаги «Олий ўқув юртидан кейинги таълим ҳамда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори талаблари ижросини таъминлаш, узлуксиз таълим тизимида олий малакали илмий ва илмий-педагог ходимлар тайёрлаш ишларини такомиллаштириш ҳамда сифатини ошириш мақсадида катта илмий ходим-изланувчилар институти ташкил этилди ва бу билан бир қатор муаммолар ҳал этилди.

Хулоса қилиб айтганда, «Таълим тўғрисида»ги қонун ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифаларнинг амалга оширилиши баркамол инсон ва шу аснода онгли жамият шаклланишига, яъни янгича онг, тафаккурга эга бўлган шахсларнинг кўпайишига олиб келди.

¹ Ислом Каримовнинг “Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарт” мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқи. – Т., 2012..

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Тафаккур» журнали бош муҳарририга берган интервьюсида «Таълимнинг янги модели жамиятимизнинг потенциал кучларини рўёбга чиқаришда жуда катта аҳамият касб этади. Ҳар қайси инсонда муайян даражада интеллектуал салоҳият мавжуд. Агар шу ички қувватнинг тўлиқ юзага чиқиши учун зарур бўлган барча шарт-шароит яратилса, тафаккур ҳар бир қотиб қолган эски тушунча ва ақидалардан холос бўлади.»¹, деган фикрларида теран фалсафий маъно мавжудлигини англаш мумкин.

Мавзу юзасидан савол ва топшириқлар

1. *Ислом Каримов қайси асарларида таълим тизимини ислоҳ қилиш муаммосига атрофлича тўхталган?*

2. *Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонунининг асосий мақсади ва принциплари, таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принципларига нималар киради?*

3. *Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишнинг мақсади, вазифалари ва босқичлари, кадрлар тайёрлаш миллий моделининг асосий таркибий қисмлари, узлуксиз таълимни яратиш ва ривожлантириш принциплари, узлуксиз таълим тизими ва турларини айтиб беринг.*

4. *Педагогиканинг фан сифатида шаклланиш босқичларини айтинг.*

5. *Ички ишлар идоралари ходимлари фаолиятида педагогик билимларнинг ўрни қандай?*

6. *Марказий Осиё алломаларининг педагогик қарашлари ҳақида маълумот беринг.*

7. *Ички ишлар органлари ходимларининг профилактик фаолиятни ташиқил этишларида педагогик жараённинг ўзига хослиги нимада ?*

8. *Педагогиканинг асосий категорияларини айтиб беринг.*

9. *Профилактик фаолиятни ташиқил этишда педагогик билимлар қандай аҳамиятга эга?*

10. *Ички ишлар органлари фаолиятида педагогик жараён деганда нимани тушунаси?*

¹ Баркамол авлод орзуси. – Т., 1999. – 171–181-б.

2-мавзу

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ПРОФИЛАКТИК ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА ТАРБИЯ ВА ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИНИНГ ҚОНУНИЯТЛАРИ ВА ПРИНЦИПЛАРИ

• *Ички ишлар идоралари фаолиятида тарбия жараёнининг тизими, принциплари ва қонуниятлари.*

• *Тарбиявий профилактик вазифаларни ҳал этишда таълим жараёнининг ўрни ва унинг принциплари.*

• *Ички ишлар идоралари фаолиятида тарбиявий ишларни олиб боришнинг асосий йўналишлари.*

ИЧКИ ИШЛАР ИДОРЛАРИ ФАОЛИЯТИДА ТАРБИЯ ЖАРАЁНИНИНГ ТИЗИМИ, ПРИНЦИПЛАРИ ВА ҚОНУНИЯТЛАРИ

Маълумки, инсоният тарбиясиз яшаши ва муваффақиятли ривожланиши мумкин эмас. Ёш авлодни тарбиялаш кишилик жамияти вужудга келган пайдан бери мавжуд. Тарбия ишлаб чиқаришда ва ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳаларида авлодлар ўртасидаги давомийлик алоқаси учун зарурдир.

Ички ишлар органлари фаолиятида тарбиявий жараён ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, бу турли ҳуқуқбузарликларни содир этган шахсларни тарбиялаш, жиноий жазони ўтаб қайтган шахслар билан тарбиявий профилактик ишларни ташкил этишда намоён бўлади.

Ички ишлар органларида «тарбия» ва «жиноятнинг олдини олиш» тушунчалари ўзаро боғлиқ бўлиб, бир-бирини тўлдирувчи аҳамиятга эга. Чунки тарбияга профилактик функция, профилактикага эса тарбиявий функция тааллуқлидир. *Тарбия – инсон ҳаёти учун зарур бўлган билим, тажриба ва одоб-ахлоқ қоидаларини ўргатувчи ижтимоий жараён.*

Тарбиянинг асосий мақсади шахсни аниқ мақсадга ва ижтимоий фаол, ижодкор, маънавий-касбий етук ва комилликка интилиб яшашга йўналтиришдан иборат.

Унинг вазифаси эса:

– шахснинг ёш даврлари динамикасига хос сифат ва миқдор ўзгаришларини ўрганиш;

– ёш, жинс, ва индивидуал-психологик хусусиятлар асосида шахс «мен»ига оид муносабатлар мезонини ўрганиш;

– шахс эркинлиги ва уни ижтимоий фаолликка ундовчи омилларни аниқлаш;

– шахс «мен»и ва унинг чегарасини аниқлашдан иборат.

Тарбиянинг асосий методлари:

– кузатиш (бевосита ва билвосита).

– суҳбат.

– тарбияланувчининг фаолиятини ўрганиш.

– сўровнома ва бошқалар.

Ички ишлар ходимлари фаолиятида тарбиявий-профилактик ишларни олиб боришдан асосий мақсад – ҳар кимга сўзсиз бўйсунадиган шахсни тарбиялаш эмас, балки дунёқараши кенг, эркин фикрлайдиган шахсни тарбиялашдан иборат. Ички ишлар ходимлари тинимсиз изланиш, ўқиб-ўрганиш, билимларини бойитиш орқали ҳам ўзларини ўзлари тарбиялаб боришлари керак¹.

Тарбия маънавий манбалар, ҳозирги замон талаблари ва эҳтиёжларини назарда тутган ҳолда тарбияловчининг тарбияланувчи билан аниқ бир мақсадга қаратилган ўзаро амалий ва назарий мулоқотидир.

Ички ишлар органлари фаолиятида тарбия жараёнининг моҳияти ва вазифалари ходим шахси томонидан режалаштирилади ва қуйидагича тартибга солинади:

1) тарбияланувчида ижобий хислатларни шакллантиришга оид мақсадларни режалаштириш;

2) салбий хислатларни бартараф этишга хизмат қилувчи усулларни танлаш ва улардан унумли фойдаланиш;

3) белгиланган мақсад учун хизмат қиладиган назарий ва амалий манбалардан фойдаланишни режалаштириш.

Бундай режалаштирилган тарбия моҳиятини таълим-тарбия тизими, жамият ва инсонларнинг интеллектуал ва жисмоний фаолияти ташкил қилади.

Тарбия жараёнининг тузилиши қўйилган аниқ мақсадлар ва уларни амалга оширувчи усулларни ўз ичига қамраб олади. Шу маънода ички ишлар органлари фаолиятида тарбия жараёнининг тизими қуйидагилардан ташкил топади:

- тарбиявий жараён субъектлари;
- тарбиявий жараён объектлари;
- тарбия принциплари;

¹ Қаранг: *Махмудов Р. М.* Касбий педагогика. – Т., 2003. – 30-б.

- тарбия методлари.

Тарбиянинг жамият тараққиётидаги роли ниҳоятда беқиёс. Инсонни тарбиялаш, уни билим олишга, меҳнат қилишга ундаш ва бу хатти-ҳаракатини секин-аста кўникмага айлантириб бориш керак. Инсонда мушоҳада қилиш қобилиятини тарбиялаш лозим. Зеро, мушоҳада қилиш ақлни, ақл онгни чархлайди, онг эса, ўз навбатида, моддий ва маънавий манбага айланади. Шу тарзда инсон аста-секин такомиллашиб, комилликка эришиб боради. Аммо бунинг учун тарбиячи ва тарбияланувчидан узоқ давом этадиган масъулият, меҳнат ва қунт, ирода талаб этилади. Бу жараёнда тарбияланувчиларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олиш зарур. Маънавий, инсоний сифатларнинг шаклланишида оиладаги, атрофдаги, жамиятдаги муҳит ва тарбияланувчиларга бўлган муносабат муҳим роль ўйнайди. Ота-она ва атрофидагиларнинг бир-бирларига бўлган муносабатларини кўрган ёшлар шунга қараб шакллана боради. Улар аввал катталарга тақлид қиладилар, сўнгра секин-аста қилаётган ишларининг моҳиятини англайдилар. Инсонни тўғри тарбиялашда ота-онанинг онги, маънавияти, билими, тарбияланганлиги муҳим аҳамиятга эга. Жамият аъзоси сифатида оиладан ташқарида тарбия олаётган болани тарбиялаётган тарбиячиларга ҳам кўп нарса боғлиқ. Ички ишлар ходимлари ҳам, ўз навбатида, тарбиячи ҳисобланадилар.

Ички ишлар органлари фаолиятида ходимлар шахсини шакллантиришнинг умумий қонуниятларини очиб берувчи тарбия принципларини қўллаши муҳим аҳамият касб этади. Тарбия принциплари тарбия мазмунини ташкил қилувчи ва шакли ҳамда усулларига асосий талабларни қўювчи дастлабки қоидалардир.

Тарбия принциплари қоидалар йиғиндиси эмас, балки тарбиячининг умумий қарашлари ҳамда унинг ўз фаолиятига фалсафий-педагогик нуқтаи назарини аниқлаб берувчи методологик ёндашувдир.

Ички ишлар органлари фаолиятидаги барча тарбия принциплари маълум бир мақсадга қаратилади. Бу мақсадлар, биринчидан, жиноятчиликнинг олдини олиш, иккинчидан, жиноятчиликка қарши курашиш, учинчидан, жазони ўтаб қайтган шахслар ахлоқини тузатишда муҳим аҳамиятга эга.

Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ички ишлар органлари ходимлари томонидан аҳоли ўртасида тарбиявий профилактик тадбирлар ўтказиш, жамоат ишларида, маҳаллалардаги оммавий ҳашарларда фаол иштирок этиш орқали амалга оширилади. Тарбия

принципларини шахслар фаолиятига татбиқ этиш объектив ва субъектив омилларга, яъни шахслар фаолиятига ижтимоий муҳитнинг тарбиявий таъсирига боғлиқ бўлади. Жиноятчиликнинг олдини олишда тарбиянинг ишонтириш, рағбатлантириш ва мажбурлаш усуллари муҳим рол ўйнайди. Бу принциплар шахсларнинг билим олишига доир фаолиятида ижобий тарбияни шакллантиришга қаратилган.

Тарбия принципларига қуйидагилар киради:

- мақсадга йўналтирилганлик;
- меҳнат фаолияти жараёнидаги тарбия;
- жамоа кучи билан тарбиялаш;
- ички ишлар органлари ходимларининг педагогик фаолиятида қонунларга қатъий риоя қилиш;
- тарбияланувчиларга индивидуал ёндашиш;
- тарбияланувчига талабчанлик қилиш билан бирга, уларнинг кадр-қимматини ҳурмат қилиш;
- тарбия жараёнида ижобийликка суяниш;
- тарбиявий таъсир этишда ҳамкорлик ва бошқалар.

Юқорида қайд этилган барча принциплар бир-бири билан ўзаро боғлиқ бўлиб, бир-бирини тўлдиради, бойитади ва ягона тизимни ташкил қилади. Шу билан бирга, юқоридаги принциплар тарбиявий жараёнда бир-биридан алоҳида эмас, балки ажралмас ҳолда қўлланилади.

Тарбиявий жараён, биринчи навбатда, тарбиячининг ўз олдига қўйган аниқ мақсадлари билан белгиланади. Бу эса тарбиянинг мақсад ва вазифаларини аниқ ҳамда лўнда тушунишни, тарбиянинг турмуш билан чамбарчас боғлиқлигини, тарбияга илмий асосда ёндашишни, ишда тиришқоқлик ва қатъиятлилиқни талаб қилади.

Мақсадга йўналтирилганлик. Ҳар қандай фаолиятда муайян натижага эришиш учун аниқ мақсад бўлиши лозим. Шу нуқтаи назардан ҳар бир ходим фуқаролар билан тарбиявий ишларни олиб боришда уларнинг ёшлари ва индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда бирор мақсадга йўналтиришлари ижобий натижа бериши мумкин. Тарбияланувчи қўйилган мақсадга эришса, интилувчанлиги, ўз кучига ишончи ортади.

Меҳнат фаолияти жараёнидаги тарбия. Меҳнат фаолияти жараёнидаги тарбия тарбиянинг бош принципи ҳисобланади. Меҳнат орқали тарбиялаш ҳуқуқбузарларга тўғри йўл кўрсатиш ва ахлоқан

ижобий томонга ўзгартиришнинг асосий омили бўлиб, шахсни тарбиялашда зарурий шартлардан биридир.

Ижтимоий-фойдали меҳнат инсон онгини унинг хулқи билан боғлашга имкон яратади ҳамда мустақиллигини, ташаббускорлигини ва ижтимоий фаоллигини ривожлантиради.

Жамоа кучи билан тарбиялаш. Жамоа доимий биргаликдаги фаолият билан боғланган инсонлар бирлашмаси. Жамоа ҳар бир аъзосининг жамоа олдидаги жавобгарлиги турмушнинг ажралмас белгиси бўлиши лозим.

Жамоа таъсирида инсоннинг дунёқараши ўзгаради, унинг хулқ-атворида меҳр-оқибат, иймон-этикод, ўзаро ёрдам, дўстлик ҳамда ўзаро ҳамкорлик каби инсоний фазилатлар намоён бўлади. Бундан ташқари, жамоа инсоннинг индивидуал хусусиятига бевосита таъсир этади ва жамоа тизимида хос феъл-атвори шакллантиради.

Ички ишлар органлари ходимларининг педагогик фаолиятида қонунларга қатъий риоя қилиши. Ички ишлар органлари ходимлари ўз фаолиятларини амалга ошириш давомида қонунлар билан ишлашлари табиий ҳол ҳисобланади. Улар фуқаролар билан профилактик ишларни олиб боришда шахсий намуна бўлиш билан бирга, фуқаролар ва ҳуқуқбузар шахсларни ҳам тартиб-интизомга ўргатиб боришлари керак.

Тарбияланувчига индивидуал ёндашиш. Ҳар бир инсон ўз ҳаётини тажрибаси, онглилик даражаси, маданияти, маълумоти, қизиқиши, дунёқараши, феъл-атвори ҳамда қобилияти билан ажралиб туради. Ушбу индивидуал хусусиятларни билиш ҳамда ҳисобга олиш тарбия самарадорлигини оширади. Инсон шахсини шакллантиришда юқори ва оқилона талабчанликсиз тарбия самарадорлигига эришиб бўлмайди. Тарбияланувчига нисбатан юқори талабчанлик ижобий фазилатларни шакллантиришда, хулқидаги камчиликларни енгишда, иродавий сифатларини чиниқтиришда, хулқ-атворида ижтимоий-фойдали одатларни юзага келтиришда муҳим рол ўйнайди. Талабчанлик тарбиявий жараённинг бир томони, аммо инсонга бўлган ҳурмат-этибор, ишонч ва ғамхўрлик бу тарбиянинг иккинчи томони ҳисобланади. Индивидуал ёндашиш ҳар бир шахсдан хоҳиш-истакни талаб қилади.

Тарбия жараёнида ижобийликка суяниш. Ушбу принципнинг моҳияти кишининг энг яхши фазилатларидан фойдаланиш ва унга суянишдир. Кишининг яхши фазилатларини топиш ва унинг ёмон хулқини енгиш педагогик моҳирликнинг зарур таркибий қисмидир.

Хуқуқбузарнинг нафақат салбий, балки ижобий жиҳатлари ҳам борлигига ишонч билан ёндашиш лозим. Тарбиячининг асосий вазифаси инсондаги яхши фазилатларни аниқлаш, шакллантириш ва мустаҳкамлашдан иборатдир. Хуқуқбузар шахсларнинг тарбияси қанчалик «қийин» бўлмасин, уларни жамиятнинг фойдали аъзоси бўлишлари мумкинлигига ишонтариш зарур. Бу вазифа жуда мураккаб, чунки шахснинг қараш ва эътиқодлари, феъл-атворининг салбий томонлари ундаги яхши фазилатларни тўсиб қўйиши мумкин. Педагог хуқуқбузар шахсларда ижобийлик топмаган ҳолатларда психологик қонунлар асосида ижобий деб топилган жиҳатларга эътибор қаратиши лозим.

Тарбиявий таъсир этишда ҳамкорлик. Бу тарбиянинг асосий принципларидан бири ҳисобланади. Ушбу принципти амалга оширишда хуқуқбузарларга тарбиявий таъсир этувчи ҳар бир ходим бошқалар билан ҳамкорликда иш олиб бориши ва тажрибали мутахассисларнинг маслаҳатига таяниши керак. Тарбияланувчига бир ходим қўйган тарбиявий талабни бошқа ходимлар ҳам рад этмасликлари, лекин ундаги мавжуд камчиликларни биргаликда тузатишлари мақсадга мувофиқ бўлади. Бошқача қилиб айтганда, тарбиявий ишларни олиб боровчилар тарбияланувчига биргаликда, ҳамжиҳатликда тарбиявий таъсир кўрсатишлари лозим.

Юқорида тарбия қонуниятлари амалда қўлланилганда принцип асосий қоида сифатида ишлатилади, деб айтдик. Демак, тарбия жараёни билан шуғулланувчи ҳар бир мутасадди ходим тарбия принципларига амал қилган ҳолда иш юритиши мақсадга мувофиқдир.

Педагогик вазифаларни ҳал қилиш ҳамда профилактик фаолиятни олиб боришда тарбиячи тарбия жараёнининг қонуниятларини ҳам ҳисобга олиши зарур.

Тарбия қонуниятлари деганда, шахснинг ривожланиши ва шаклланишида самарали натижаларга эришиши имконини берувчи педагогик жараёндаги мустаҳкам, такрорланувчи ва аҳамиятга молик боғланишлар тушунилади.

Тарбия қонуниятларини билиш тарбиявий ишларни самарали олиб бориш, башорат қилиш учун шароит яратади, унга чуқур маъно-мазмун бахш этади.

Қуйида айрим тарбия қонуниятларини кўриб чиқамиз.

Шахс тарбияси ва ривожланишининг ўзаро боғлиқлиги ва бирлиги қонунияти, биринчидан, инсоннинг шахс сифатида тарбияга

мойиллигини, иккинчидан, ривожланиш хусусиятига эга эканлигини англатади. Бу қонуниятнинг асосий мазмунини шахснинг тарбияси ва ривожланишидаги узвий боғлиқлик ташкил этади, яъни тарбия ва ривожланиш биргаликда кечади. Инсон шахс сифатида ривожланиши учун унга тарбиявий таъсир ўтказилиши лозим ва бу таъсирни субъект сифатида шахс қабул қилиши керак.

Тарбия жараёни ва тарбияланувчиларнинг индивидуал хусусиятларининг ўзаро боғлиқлиги. Психологиядан маълумки, тарбияланувчилар ўзларига хос хусусиятлар, яъни йўналганлик, характер, темперамент ва қобилиятларга эга. Шунга кўра, тарбиячи тарбияланувчига педагогик таъсир ўтказар экан, унинг индивидуал хусусиятларини инобатга олиши шарт.

Чунки холерик темпераментга эга бўлган тарбияланувчига меланхолик темпераментли кишига қилингандагидек муомала қилиш тўғри келмайди. Яна шуни ҳам унутмаслик керакки, бир хил темпераментли кишиларнинг характери, турмуш тарзи, қизиқишлари ва бошқа хусусиятлари турлича бўлиши мумкин. Демак, тарбиячи тарбиявий таъсир ўтказишда тарбияланувчининг барча индивидуал хусусиятларини инобатга олиши лозим.

Раҳбарларнинг педагогик фаолиятда қўл остидагилар билан муомалада қонунийликка қаттиқ риоя қилишлари. Бу қонуниятнинг замирида бир қанча психологик омиллар, хусусан тарбиячининг шахсий намуна кўрсатиши ётади. Раҳбар қўл остидагиларга нисбатан талабчан бўлиши маълум. Шу билан бирга, қонун доирасида уларга ёрдам бериши, фаолиятда рағбатлантириб бориши керак. Ўзи қонунларга хилоф хатти-ҳаракат қилувчи раҳбар қўл остидагилардан қонунийликни талаб қила олмайди. Ички ишлар органлари ходимлари фаолиятида касбий муомала маданияти муҳим ўрин тутаети (ИИВнинг 2011 йил 4 июлда қабул қилинган «Ички ишлар идоралари ходимларининг касб маданияти ҳақида»ги 96-сонли буйруғи).

ТАРБИЯВИЙ ПРОФИЛАКТИК ВАЗИФАЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШДА ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИНИНГ ЎРНИ ВА УНИНГ ПРИНЦИПЛАРИ

Ички ишлар идораларида тарбиявий профилактик вазифаларни ҳал этишда таълим жараёнининг ўрни ва аҳамияти ўзига хосдир. Бу ўзига хослик вояга етмаганлар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда, тарбияси оғир шахслар билан ишлашда бевосита намоён бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 29 сентябрда қабул қилинган «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги қонунида белгиланганидек, таълимни бошқариш органлари ва таълим муассасалари вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи органлар ҳамда муассасалар тизимига киради ҳамда бу борада бошқа давлат органлари ва жамоат тузилмалари ҳамкорликда узлуксиз фаолият олиб боради.

Профилактика инспекторлари билан таълимни бошқариш органлари ва таълим муассасалари ходимлари ўртасидаги ҳамкорликнинг асосий йўналишлари: *биринчидан*, вояга етмаганлар ва ёшларнинг узлуксиз таълим олишларини таъминлаш, уларни ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоялаш, ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш; *иккинчидан*, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини таъминлаш; *учинчидан*, вояга етмаганларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этишда ўз қисмини топади.

Профилактика инспекторларининг таълимни бошқариш органлари ва таълим муассасалари ходимлари билан ҳамкорлиги қуйидагиларда намоён бўлади:

– умумтаълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари раҳбарияти тарбиявий-профилактик ишлар олиб боришига қарамай, мунтазам равишда сабабсиз ўқишга келмайдиган, ҳуқуқбузарлик ва бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларни содир этишга мойил, шунингдек, фанларни ўзлаштириши паст ўқувчиларнинг рўйхатини тузиб, ҳудуд профилактика инспекторига тақдим этади. Профилактика инспектори бундай тоифадаги вояга етмаганларнинг аҳволини уларнинг ота-оналари, таълим муассасаларининг раҳбарияти, маҳалла фаоллари, хусусан диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи иштирокида муҳокама қилиб, уларга мураббийлар бириктиради.

Жойларда академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг машғулотларга қатнашмасдан, мақсадсиз дайдиб, вақтларини турли кўнгилочар (интернет клуб, кафе ва бошқ.) масканларда ўтказишининг олдини олиш, бундай ҳолатларга чек қўйиш мақсадида, ҳудуд профилактика инспектори туман, шаҳар ички ишлар раҳбариятининг кўрсатмаси асосида ҳокимликлар ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва таълим муассасалари билан ҳамкорликда «Давомат», «Ўқувчи» тадбирларини ўтказиб боради.

Профилактика инспектори хизмат ҳудудидаги таълим муассасаларида маҳаллий ҳақимликлар ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия вакиллари, прокуратура органлари ходимлари, махсус диний билимга эга бўлган вакиллар, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг фаоллари, жамоат тузилмалари аъзолари билан биргаликда вояга етмаганлар ўртасидаги назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар, сурункали алкоголизм, гиёҳвандлик ва заҳарвандлик, одам савдоси ҳамда бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш борасида ҳуқуқий тарғибот ишларини олиб боради, жумладан давра суҳбатлари ва учрашувлар ўтказди, маърузалар ўқийди¹.

Таълим жараёнининг бошланғич (дастлабки) вазифаси таълим олувчиларни ўқитиш ва комил инсон руҳида тарбиялаш иборат. Ўз навбатида, *таълим бериш* – таълим олувчиларнинг интеллектуал, руҳий ва маънавий салоҳиятини юксалтиришга қаратилган педагогик жараёнидир.

Таълим мазмунини инсонни ўқитиш жараёнида у эгаллаши лозим бўлган билим, кўникма ва малакалар ҳажми ва характери ташкил этади. Таълим мазмуни белгиланган мақсадга мувофиқ йўналиш ва ҳажмга эга бўлиши лозим. У тегишли меъёрий ҳужжатлар: таълим стандартлари, ўқув режа, дастурлар шаклида расмийлаштирилиб, ўрнатилган тартибда тасдиқланади.

Тарбиявий профилактик фаолиятда таълим олаётган шахслар олган билимлари орқали ўзларининг дунёқарашларини янада бойитадилар, шаклланадилар, хулқ-атворларини тартибга соладилар, ўзларидаги мавжуд ҳар хил салбий иллатлардан халос бўлишга ҳаракат қиладилар.

Профилактик таълим – ўқитиш ва тарбиянинг натижаси. Бунда шахснинг умумий дунёқараши шакллантирилади, билиш қобилияти ривожланади.

Профилактик фаолиятда олиб бориладиган таълим жараёни жуда мураккаб бўлиб, бунда таълим олувчилар устидан педагогик назорат ўрнатилади, уларнинг хулқ-атвори, ўқиши ва ижтимоий фаоллиги ўрганилади. Унинг самарали бўлиши дидактик талаблар, қонуниятлар ва тамойилларга қай даражада амал қилинишига боғлиқ. Шунинг учун ҳам ўқитиш принциплари таълим жараёнининг энг муҳим

¹ Икромов Ш.Т., Зиёдуллаев М.З. Милиция таянч пунктлари негизда ҳамкорликни ташкил этиш ва бошқариш. – Т., 2013. – 114–116-б.

масалаларини назарий ва амалий жиҳатдан тўғри ҳал қилишнинг асоси ҳисобланади.

«Қонуният» тушунчасини тарбия қонуниятларини ўрганаётганда кўриб ўтган эдик. Қонуният – барқарор, зарурий, у ёки бу ҳодиса, жараёнлар ўртасидаги мутаносиблик ва муҳим алоқа. Ижтимоий эҳтиёжлар ва шароитлар ўқув жараёнининг характери, вазифалари, мазмуни, шакллари, усуллари ва воситаларини қонуний равишда аниқлаб беради. Агар ўқитиш жамият талабларини эътиборга олмаса, у ҳолда уни албатта қайта кўриб чиқиш ва такомиллаштириш керак. Ўқув жараёнининг самарасини оширишда педагогик қонуниятлар, принциплар, дидактик қоидалар, янги педагогик технологиялардан самарали фойдаланиш муҳимдир.

Таълим бериш қонуниятларидан самарали фойдаланиш натижасида муайян талаблар юзага келади, бу таълим бериш принциплари дейилади.

Таълим принциплари деб, *умуминсоний тарбиянинг мақсад ва вазифаларини амалга оширишга қаратилган таълим олиш ва таълим бериш жараёнларининг йўналиши, таълим олувчилар томонидан илмий билимларнинг ўзлаштирилиши, билим ва малакалар ҳосил қилишнинг асосий қонун ва қоидаларининг йиғиндисига айтилади.*

Таълим принципларининг қуйидаги турларини кўрсатиб ўтиш мумкин:

- таълимнинг илмийлиги принципи;
- таълимнинг тизимлилиги ва изчиллиги принципи;
- таълимда кўргазмалилик принципи;
- таълимда онглилик, фаоллик ва мустақиллик принципи;
- таълимда назариянинг амалиёт билан боғлиқ бўлиши принципи;
- таълимда илмий билим ва кўникма, малакаларни пухта, мустаҳкам ўзлаштириш принципи;
- таълим ва тарбиянинг бирлиги принципи ва ҳоказо.

Энди мана шу принципларнинг тавсифланишини кўриб чиқайлик.

Таълимнинг илмийлиги принципи. Илмий билимлар воқеликнинг ҳаққоний инъикосидир. Теварак атрофни ўраб олган моддий оламнинг қонуниятларини, нарса ва ҳодисаларнинг ички муҳим хоссаларини ва ўзаро алоқаларини акс эттирувчи билимларгина илмий ҳисобланади. Таълимнинг илмийлик принципи таълим олувчиларнинг ўқув материалидаги қонуниятларни тушуниши ва ўзлаштириши учун шароит яратиш мақсадида зарурдир.

Назарий қоидаларни тушуниш манбаларни илмий асосда изоҳлаб беришнинг муҳим белгиси бўлиб, у таълим олувчи фикрлаш фаолиятининг хусусиятларини белгилайди. Илмий билимлар илмийлигича қолиб, воқеликни ҳар хил даражада акс эттириши мумкин. Илмийлик принципи берилаётган манбалар таълим олувчиларнинг ўрганиши учун илмий жиҳатдан ишонарли, содда, амалда синаб кўрилган бўлишини талаб этади. Илмий билимларни эгаллаш жараёнида уларда илмий дунёқараш, эътиқод таркиб топади. Тафаккури ривожланади. Таълимнинг илмийлик принципи таълим жараёнида таълим олувчиларни ҳозирги замон фан-техника тараққиёти даражасига мувофиқ келадиган илмий билимлар билан қуроллантириш, ёшларни илмий тадқиқот усуллари билан таништириб боришни таъминлашга қаратилган.

Таълимнинг тизимлилиги ва изчиллиги принципи. Ижтимоий тараққиётнинг ҳар бир даврида педагогиканинг тарихий тажрибаси таълим вазифасини маълум бир тизимсиз бажариб бўлмаслигини кўрсатади. Педагогик фаолият тизимли бўлиши билан бирга, ўқув материали аниқ баён қилинган ғояларга, педагогнинг таълим олувчиларга мавжуд ғояларнинг мазмунини етказа олишига, уларнинг савияси, ёш даврлари хусусиятларига, билимларни ўзлаштириш жараёни қандай кечишига боғлиқ.

Замонавий ўқитишда хусусийдан умумийга қараб боришни талаб қилувчи классик қоидага ўзгартиришлар киритилди. Кўп ҳолатларда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда умумий ҳолатлардан яна хусусий ҳолатларга бориш мумкинлиги кузатилганлиги, исботланганлиги сабабли таълим олувчилар тафаккурини ривожлантириш ишида ютуқларга эришилди.

Таълимда изчилликка риоя қилиб ўқитилиши лозим ёки бугун ўрганилган билимлар кеча ўрганилганларни мустаҳкамласин, эртага ўрганиладиганларга асос бўлсин. Таълим жараёнида баён қилинаётган янги материални таълим олувчилар олдин ўзлаштирган илмий билимлар, кўникма ва малакалар билан изчил ва узвий боғлаш орқали ўқув материалларини ўзлаштириш, келажакда янги билимларни эгаллаш, шунингдек, навбатдаги таълим босқичига замин яратиш назарда тутилади.

Таълимнинг тизимли бўлиши унинг изчиллиги билан боғлиқ. Изчилликка асосланган таълимнинг ўзига хос жиҳати шундаки, у таълим олувчиларнинг олдин ўзлаштирган билимлари замирида янги билим, кўникма ва малакалар ҳосил қилиш, янги билимларни баён

қилиш жараёнида олдин ўзлаштирилган билим, кўникма ва малакаларни кенгайтириш ва мустаҳкамлашни таъминлашга қаратилганлигидир.

Тизимлилик ва изчиллик таълим олувчиларда ўқув фанларининг бир-бири билан узвий боғлиқлигини кўрсатишда ҳам муҳим аҳамиятга эга. Таълимнинг тизимли бўлиш принципи педагог томонидан баён қилинаётган ўқув материалларини мустаҳкамлаш ва тўлдиришга хизмат қилишини; таълим олувчининг узлуксиз ва тизимли суратда фаолият олиб боришини; улар ўзлаштирган билим ва ҳосил бўлган кўникма, малакаларни ҳисобга олиб боришни ҳам қамраб олади. Тизимлилик ва изчиллик принципи ўқув фанларини ҳамда кундалик ўқув материалларини мантиқий жиҳатдан бир-бирига боғлиқ ҳолда ўзлаштириб боришни таъминлайди.

Таълим ва тарбиянинг бирлиги принципи таълим олувчиларга таълим-тарбия бериш жараёни бир бутунликда, мақсадли амалга оширилишини англатади. Касбий педагогикада таълим ва тарбиянинг бирлиги принципи асосий принциплардан бири саналади. У дидактик қонунларнинг ўқиш ва ўқитиш борасидаги туб моҳиятини ифодалайди. Бинобарин, мавжуд ўқув фанларининг ҳар бири, ҳатто ҳар бир мавзу, шубҳасиз, шахсни тарбиялаш характериға эга.

Таълимда мавзулар мазмунидан келиб чиқадиган тарбиявий жиҳатларни тўғри белгилаш ва уларга бўлган муносабатни таркиб топтириш жараёни ажралиб туради. Таълим муассасаларида бериладиган таълим билан тарбия ўртасидаги педагогик жараённинг бутунлигини ташкил этувчи узвий бирлик ҳамиша мавжуд. Юридик фанлар ҳам, гуманитар фанлар ҳам муайян тарбия функциясини амалга оширишга хизмат қилади.

Таълим-тарбиянинг бирлиги таълим жараёнини тўғри ташкил қилиш ва ўқитишнинг хилма-хил усул ва услубларидан фойдалана олишга кўп жиҳатдан боғлиқ. Таълим билан тарбиянинг бирлигини таъминлаш учун:

1) таълим жараёнида ўқув материалининг мазмунини ҳам илмий, ҳам ғоявий жиҳатдан тўғри ташкил қилиш;

2) ўқитилаётган мавзунинг илмий ва тарбиявий моҳияти очиб берилиши, таълим жараёнида ҳадислардан фойдаланиш имкониятини яратиш;

3) таълим жараёнида муаммоли вазиятларни вужудга келтириш, тингловчиларда қизиқишлари, фаоллик ва ташаббускорликни таъминлашга бўлган эътиборни кучайтириш;

4) таълим жараёнида таълим олувчиларда уюшқоқлик, интизомлилик ва жавобгарликни сезиш, ўзаро ёрдам ҳисларини тарбиялаш муҳим омиллардан ҳисобланади.

Таълимда назариянинг амалиёт билан боғлаб ўқитиш принципи. Таълим жараёнида назарияни амалиёти билан боғлаб олиб бориш энг асосий ва етакчи принципдир. Назария таълим олувчиларнинг амалий фаолияти эҳтиёжлари асосида юзага келиб, ана шу фаолиятга хизмат қилганлиги ва ҳаёт билан боғланганлиги сабабли, бу билимларни эгаллаш учун уларнинг мазмунини ўзлаштириб олишгина эмас, балки билимларни амалда қўллай билиш ҳам керак.

Бу принцип таълимнинг илмийлик принципи билан мустаҳкам боғланган. Таълим олувчилар илм билан қуролланар, моддий борлиқни назарий жиҳатдан ўрганар экан, илмнинг амалий эҳтиёж туфайли пайдо бўлганини, ишлаб чиқариш кучларини қандай тараққий этаётганини, техника ва иқтисод соҳасидаги янгиликлар илмни тобора ривожлантира боришини, илм эса, ўз навбатида, ишлаб чиқаришни такомиллаштиришга ва ҳаётни яхшилашга ёрдам беришини билиб борадилар. Бинобарин, баркамол инсон тарбиясининг мақсад ва вазифалари ҳам, таълимнинг мазмуни ҳам, ўргатиш усуллари, таълимни ташкил этиш шакллари ҳам назария билан амалиётнинг бирлигига асосланади. Бу бирлик илмий билимларни пухта ўзлаштириш ва уни амалда қўллай олиш, ўқув материални идрок қилиш, англаш, шунингдек, уни мустаҳкам эсда сақлаб қолиш каби руҳий операциялар билан боғлиқ ҳолда бир бутун жараённи ташкил қилади. Чунки назариясиз амалиёт кўр, амалиётсиз назария чўлоқдир.

Таълим жараёнида назария билан амалиётнинг бирлиги принципининг изчиллик билан амалга оширилиши оқибатидагина тингловчилар ўқув материалнинг туб моҳиятини чуқур тушуниб оладилар ва келажак амалий фаолиятлари учун зарур бўлган маҳорат, кўникма ва малакаларни ҳосил қиладилар.

Таълимда онглилик, фаоллик ва мустақиллик принципи. Бу принцип асосида таълим олувчилар илмий билимларни ҳамда уларни амалда қўллаш усулларини онгли ва фаол эгаллаб олишига замин яратилади. Уларда ижодий ташаббускорлик ва ўқув фаолиятида мустақиллик, тафаккур, нутқ маданияти ва илмий дунёқараш, эътиқод шаклланади. Онглилик принципи таълим олувчилар янги материалларни идрок қилишда ҳаётий ҳодисалар, жараёнлар билан боғлиқ бўлган мазмунини ҳам тушунишларини талаб этади. Акс

ҳолда таълим олувчиларнинг билимида юзакилик вужудга келади, материал қуруқ ёдлаб олинади. Таълим олувчилар эшитганларини қайта айтиб беришлари мумкин, лекин унинг моҳиятини тушунмайдилар ва амалий фаолиятларда қўллай олмайдилар.

Билимларни онгли равишда ўзлаштириш таълим олувчиларда бу билимларга нисбатан маълум муносабат ҳосил бўлиши, эмоционал кечинмалар уйғотишини ҳам ўз ичига олади. Таълим олувчининг билимларни ўзлаштиришга бўлган ижобий муносабати унинг билиш фаолиятини фаоллаштиришга ёрдам беради. Ўқиш жараёнида онглилик ва фаоллик принципи таълим олувчиларда касбий тафаккур ва нутқни ривожлантиришига ёрдам беради. Касбий тафаккур турли усуллар билан ҳосил қилинади. Тафаккурни шакллантириш усулларида бири мустақил ҳал қилиш бўлиб, муаммони ижобий ҳал этишга ўргатади.

Таълим жараёнида таълим олувчилар фаоллиги уларнинг ақлий фаолияти – тафаккур қилиш фаолиятининг бир бўлаги ҳисобланади. Таълимда билимларни онгли тарзда бир мақсадга йўналтириш, бир томондан, таълим олувчиларнинг мустақил, фаол фикрлашларини назарда тутса, иккинчи томондан, айнан шу жараён давомида уларнинг мустақиллик ва фаолликларини ҳамда мантиқий фикрлаш қобилиятларини тарбиялаб, такомиллаштириб боришни назарда туттади.

Таълимнинг кўргазмалилик принципи. Ушбу принцип ўқитиш жараёнининг сифатини оширади, таълим олувчиларнинг билим олишларини осонлаштиради. Тажрибалар шуни тасдиқлайдики, агар таълим олувчиларда ўрганилаётган нарса ва ҳодисаларни бевосита идрок қилиш билан боғлиқ муайян ҳиссий-амалий тажриба бўлсагина улар билимларни фаол тарзда ўзлаштирадилар. Бу принцип ўқитиш жараёнида кўриш, эшитиш, ҳид билиш, таъм-маза билиш тери, мускул каби сезги органларининг бир мақсад йўлида сафарбар қилинишини талаб этади. Кўргазмалилик принципи таълимнинг етакчи принципларидан бири бўлиб:

биринчидан, ўқитилаётган мавзунинг мазмунига мос келадиган материаллардан унумли ва тўғри фойдаланиш таълим олувчиларнинг ўтиллаётган мавзунинг ўзлаштиришга бўлган қизиқишини кучайтиради, дарс қизиқарли ўтади;

иккинчидан, таълим олишда қўлланилаётган кўргазмали қурооллар таълим олувчиларнинг қай даражада яққол ва аниқ, образли идрок қилишини таъминласа, ўқув материаллари шунчалик тез, қулай ва

осон ўзлаштирилади, узоқ вақт эсда сақлаб қолиш ҳамда қайта эсга тушириш мумкин бўлади, натижада ўқув материалларининг пухта ўзлаштирилиши таъминланади;

учинчидан, мультимедиа материаллари орқали таълим олувчилар объектив борлиқ воқеалари билан танишадилар. Мавхум ҳодисаларнинг аниқ образлар орқали идрок қилиниши натижасида уларнинг мантикий фикрлаш қобилиятлари ривожланади;

тўртинчидан, ўқув материалларини мультимедиа орқали ўзлаштириш илмий билимларни тажрибада, ишлаб чиқариш амалиётида қўллай олишлари учун зарур бўлган кўникма ва малакаларни шакллантиради.

Таълимда билим, кўникма ва малакаларни мустаҳкам ўзлаштириш принциплари. Таълим жараёнида билимларни пухта ўзлаштириш принципи муҳим дидактик талаб ва қоидаларни, яъни таълим олувчилар томонидан тизимли ва онгли ўзлаштирилган илмий билимларни мустаҳкам эсда сақлаб қолиш ҳамда ўзлаштирилган билимларни касбий фаолиятда қўллай олиш малакалари билан қуроллантиришни назарда тутади. Билимларни ўзлаштиришнинг характерли белгиси эсда сақлаб қолишдир. Бу уларнинг хотира фаолияти, яъни ўқув материалларини эсда қолдириш, эсда сақлаш ва қайта эсга тушириш каби хотира жараёни фаолиятига боғлиқ. Пухта ўзлаштиришнинг муваффақияти кўп жиҳатдан такрорлаш ва машқ қилдириш билан амалга оширилади.

Бунда асосий эътибор дидактик таълимга, яъни таълимнинг мақсади, мазмуни, вазифалари, назарияси, усуллари, принциплари воситалари, шакллари, дастурлари масалаларига қаратилади.

Дидактика – ўрганиш, таълимнинг мақсади, вазифалари, уларни ташкил этиш, эришилган натижалар ҳақидаги фандир.

«Дидактика» грекча сўз бўлиб, *didaktikos* – ўқитувчи, «*didako*» ўрганувчи маъноларини англатади. Ушбу сўз илк бор немис педагоги Волфган Ратке асарларида ўқитиш санъати сифатида ифодаланган. Ян Амос Каменский бу сўзга ҳаммани барча нарсага ўқитиш универсал санъати маъносида қараган. Дидактика ҳозирги замон фанида «қачон, қаерда, кимни ва нима учун ўқитиш муаммосини тадқиқ этиш», деб таърифланмоқда.

Дидактика – ўрганиш ва таълимнинг мақсади, мазмуни, методлари, вазифалари, таълимни ташкил этиш, эришилган натижалар тўғрисидаги фандир.

Дидактика фан сифатида ўз предмети қонуниятларини ўрганади, ўқитиш жараёни натижалари билан жараённинг бир-бирига боғлиқлигини таҳлил қилади, режалаштирилган мақсад ва вазифаларни амалга оширишни таъминлайдиган шакл ва воситаларни аниқлайди. Дидактика ўз таркибига барча ўқув фанларини ва барча даражадаги ўқитиш фаолиятларини, барча таълим тизимини қамраб олади.

Бир бутунлик, умумийлик – дидактик жараённинг муҳим, асосий хусусияти саналади. Дидактик жараён фақатгина ўқитиш, ўргатиш маъносида эмас, балки ривожланувчи ва зарур бўлган вазифани ҳам амалга оширишни таъминлайди. Дидактик жараённи тарбиясиз ва ривожланишсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бу узвийлик таълим жараёнида мақсад, вазифа, шакл ва методлар ўртасида ўзаро алоқани вужудга келтиради.

Ички ишлар идораларида таълим тизимини самарали ташкил этишда таълим методларидан ҳам унумли фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. «Метод» сўзи юнон тилидан олинган бўлиб, йўл, усул, йўналтирувчи услуб деган маъноларни англатади, яъни бирор-бир мақсадга эришиш йўлидир.

Таълимнинг методлари қуйидагилардан иборат:

- сўз орқали ифодалаш методи;
- кўргазмали метод;
- амалий метод.

Восита – методларни муваффақиятли амалга ошириш учун зарур бўлган ёрдамчи ўқув материаллари, мультимедиа воситалари ва бошқалар.

ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИ ФАОЛИЯТИДА ТАРБИЯВИЙ ИШЛАРНИ ОЛИБ БОРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Ички ишлар идоралари тизимида ислохотларни амалга ошириш юзасидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улар асосида Ички ишлар вазирлиги томонидан қабул қилинган идоравий норматив ҳужжатлар таҳлили тарбиявий профилактик фаолиятни шартли равишда қуйидаги етти йўналишга ажратган ҳолда ўрганишни тақозо этади:

биринчи йўналиш – носоғлом оилалар, фарзанд тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларни аниқлаш ҳамда улар билан профилактик ишларни амалга ошириш;

иккинчи йўналиш – вояга етмаганларнинг қаровсизлиги ва улар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш;

учинчи йўналиш – муқаддам судланган шахслар томонидан қайта жиноятлар содир этилишининг олдини олиш;

тўртинчи йўналиш – диний-экстремизм ва у билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олиш.

бешинчи йўналиш – одамлардан фойдаланиш учун уларни ёллаш билан боғлиқ ҳамда ахлоқ-одоб доирасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш;

олтинчи йўналиш – аҳолининг ҳуқуқий билимини ошириш, онги ва маданиятини юксалтириш;

еттинчи йўналиш – ҳуқуқбузарликлар, шу жумладан жиноятларнинг олдини олиш¹.

Юқорида қайд этилган йўналишлар бўйича содир этиладиган жиноятларнинг олдини олиш, бартараф этиш, кучсизлантириш, тўсиқлар қўйиш учун ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий, маънавий, тарбиявий ва бошқа мазмундаги комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш талаб этилади.

Шу маънода, ички ишлар органлари ходимларининг профилактик фаолиятида тарбия жараёнининг асосий вазифаси тарбияланувчиларни ижобий томонга йўналтириш (бошқариш), тартиб-қоидалар бузилишининг олдини олиш ҳамда ҳуқуқбузар шахсларнинг салбий хулқ-атворларини тузатишга қаратилган.

Ходимлар тарбиявий профилактик фаолиятни икки, яъни профилактик ва қайта тарбиялаш йўналишида олиб борадилар. Ҳар икки тарбия йўналишини қўллашда ходимлар тарбия субъекти сифатида меҳнат жамоалари, жамоат ташкилотлари ва маҳалла қўмиталари эътиборини ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган тадбирларга жалб эта олишлари шарт. Бундай ҳамкорлик ўзаро келишув ва бир-бирини қўллаб-қувватлаш асосида амалга оширилади.

Маълумки, инсон ижтимоий муносабатларга киришганда ташқи муҳит таъсирига берилади ва натижада унинг хулқ-атвори ўзгариб боради. Баъзи ҳолатларда қонунга хилоф хатти-ҳаракат қилиб, жиноят содир этиши мумкин. Жиноят содир этган шахсларни тўғри йўлга солиш ички ишлар органлари ходимларининг асосий вазифаси

¹ *Мухторов Ж. С.* Ички ишлар идоралари профилактика хизматлари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари. – Т., 2008. –11–30-б.

ҳисобланади. Шахсни тўғри йўлга солиш эса мураккаб педагогик жараён бўлиб, маълум вақтни ўз ичига олади ва бу жараён босқичма-босқич амалга оширилади. Бу, бир томондан, инсонда мавжуд бўлган эски салбий одатлар, қарашлар, эътиқод ва хулқ-атворларни инқирозга учраши бўлса, иккинчи томондан, янгича дунёқараш, эътиқод ва хулқ-атворлар вужудга келади. Бу ўзгаришлар шахсда маълум руҳий зўриқишни юзага келтиради ва ундан катта иродавий куч талаб этади. Шу нуқтаи назардан ҳуқуқбузар шахсларни тўғри йўлга солишни муваффақиятли амалга ошириш учун уларнинг руҳий қаршилиқ даражаси ва ташқи муҳит таъсирининг қай даражада эканлигини билиш муҳим аҳамият касб этади. Чунки ҳуқуқбузар шахсларнинг руҳий қаршилиқ даражасини билмай туриб уларни тўғри йўлга солиш оғир кечади. Ҳуқуқбузар шахсларнинг руҳий қаршилигини енгиб ўтгандагина яхши натижага эришиш мумкин. Бу эса ҳар бир ходимдан билим, маҳорат ва малакаларга эга бўлишни талаб қилади.

Содир этилган жиноят шахс руҳиятига маълум даражада таъсир қилади ва бу унинг онги, ҳиссиёти ва одатларида стереотип ҳосил қилиши мумкин бўлган шарт-шароитларни келтириб чиқаради. Шу сабабли ҳуқуқбузар шахслар тарбиявий таъсирни турлича қабул қиладилар, уларга нисбатан қўлланилган тарбиявий ишлар жараёни турли натижаларни келтириб чиқариши мумкин. Кўпчилик ҳолатларда ҳуқуқбузар шахсларнинг руҳиятида қайта қурилиш асосан асабий ва маънавий-руҳий қарама-қаршилиқлар билан кечади. Айниқса, ҳуқуқбузар шахснинг ахлоқий ва ғоявий эътиқодлари, яъни дунёқараш, нуқтаи назари, ҳаётий фалсафаси, қотиб қолган салбий одатларининг ўзгариши оғир кечади. Шундай экан, ҳуқуқбузар шахсни тўғри йўлга йўналтириш ва ахлоқан тузатиш бу шахсни ўзгартириш, унинг нуқсонларини йўқ қилишга қаратилган мақсадли режа асосида ташкил қилинадиган жараён бўлиши лозим. Ҳуқуқбузар шахсни ўзгартиришда, аввало, қонун доирасидан четга чиқмаслик ва белгиланган қоидаларга риоя қилиш шарт эканлигини онгли равишда қабул қилишига эришиш лозим.

Тарбия жараёни шахснинг ривожланишида юзага келган камчиликларни ўрганиш ва уни бартараф қилиш мақсадида ижобий таъсир қилувчи воситаларни ишлаб чиқишни кўзда тутаяди.

Педагогикада ҳуқуқбузар шахсларнинг тарбияланганлик даражалари уч гуруҳга ажратилади: 1-даража – ҳуқуқбузар шахснинг қисман тарбияланганлиги; 2-даража – ҳуқуқбузар шахснинг тўлиқ

тарбияланганлиги ва бу йўлга қатъий ўтиши; 3-даража – ҳуқуқбузар шахс тўғри тарбияланганлигини амалда исботлаши.

Ҳуқуқбузар шахсларнинг тўғри йўлга ўтганлиги ҳам уч даража билан белгиланади:

1) меҳнат тартибига ва сиёсий-тарбиявий ишларга ижобий ёндашади, бироқ мавжуд бўлган эски салбий эътиқодлар, қарашлар, одатлар таъсири натижасида шахс ўз фаолиятида катта муваффақиятлар сезмайди;

2) ҳуқуқбузар шахс ўз айбини тан олади ва содир этган жиноятидан қаттиқ изтироб чекади, натижада тартиб-интизом қоидаларига қатъий риоя қилади;

3) ўтмишдаги жинойий фаолиятини ҳуқуқ ва одоб-ахлоқ қоидаларига хилоф деб тан олади. Меҳнатга виждонан ёндашади. Онги, хулқ-атвори ва хатти-ҳаракатларида сезиларли даражада ижобий ўзгаришлар юзага келади. Шунингдек, ўз устида ишлаш истаги пайдо бўлади.

Буларни тўғри йўлга қўйиш жараёнида юзага келадиган педагогик муаммоларни ечишда тарбия жараёнининг қонуниятларини ҳисобга олиш муҳим аҳамият касб этади.

Шахснинг камол топишида катта аҳамиятга эга бўлган тарбия категорияларидан бири ўзини ўзи тарбиялаш ҳисобланади. Кенг маънода бу категорияга тарбиянинг ўзига хос усули деб қараш мумкин. Ўзини ўзи тарбиялаш – шахс ички имкониятларини ишлатиб, ўз ташаббуси билан аجدодлар тажрибасини ўрганиш жараёни.

Бу жараёнга яна шундай таъриф бериш ҳам мумкин: Ўзини ўзи тарбиялаш – шахс томонидан ўз дунёқарашини, маънавий қиёфасини, эстетик ва жисмоний камолотини таркиб топтиришга қаратилган фаолият.

Келтирилган таърифдан ҳам кўриниб турибдики, ўзини ўзи тарбиялашда ташқи тарбиявий таъсир бевосита амалга оширилмайди. Бунда асосий ролни шахснинг ички ҳис-туйғулари ўйнайди. Ўзини ўзи тарбиялашнинг асосини ўз-ўзини ўрганиш ва ўз-ўзини бошқариш жараёнлари ташкил этади.

Шахс томонидан ўзининг шахсий психик ва жисмоний хусусиятларини ўрганиши – ўз-ўзини ўрганиш, ўз хатти-ҳаракатларини бошқариш қобилияти, ўз-ўзини бошқариш деб аталади.

Шунингдек, юқоридаги таърифлардан келиб чиққан ҳолда ўзини ўзи тарбиялаш воситаларини таснифлаш (классификациялаш) ҳам мумкин. Масалан, дунёқарашни шакллантириш воситалари, киши-

нинг маънавий қиёфасини, эстетик туйғуларини, жисмоний жиҳатларини ривожлантирувчи воситалар ва ҳоказо.

Ички ишлар органлари ходимлари учун ниҳоятда муҳим бўлган жисмоний жиҳатлар турли хил машқлар, тренажерлар ва ҳоказолар орқали ривожлантирилади.

Киши ўзини ўзи тарбиялашида қуйидагилардан фойдаланиши мумкин:

- ўз-ўзини кузатиш;
- ўз-ўзини назорат қилиш;
- ўз-ўзига ҳисоб бериш;
- ўз фаолияти натижаларини таҳлил этиш;
- атрофдагиларнинг ўзига муносабатини ўрганиш.

Асосийси, ҳар бир киши ўзини ўзи тарбиялаши учун ички эҳтиёж шаклланиши лозим. Эҳтиёж пайдо бўлганда киши ўз олдига мақсад қўяди ва мақсадини амалга ошириш учун тинмай ҳаракат қилади. Дастлабки босқичда мақсад қўйилган ҳолда ўзини ўзи тарбиялаш дастури тузилади. Дастурни тузишда ички ишлар органи ходимларига қўйиладиган талаблардан келиб чиққан ҳолда ҳар бир ходим ўзида шакллантирмоқчи бўлган хусусиятларни белгилайди.

Мавзу юзасидан савол ва топшириқлар

1. Тарбия ва таълим жараёнларини ифодаловчи асосий белгилар нинималардан иборат?

2. Ички ишлар идораларида тарбиявий ишлар қандай мақсадларда қўлланилади ва қандай вазифаларни бажаради?

3. Ички ишлар идораларида тарбиявий ишлар субъектлари кимлар саналади?

4. Кимлар тарбиявий ишларнинг объекти сифатида намоён бўлади?

5. Тарбиявий ишларнинг мазмуни деганда нималарни назарда тутиш мумкин?

6. Ички ишлар органлари фаолиятида олиб бориладиган педагогик ишларнинг йўналишларини айтинг.

7. Тарбиявий жараённинг қонуниятлари ва тизими тўғрисида нималарни биласиз?

8. Тарбиянинг қандай принциплари мавжуд?

9. Хуқуқбузарларни тарбиялаш ва қайта тарбиялашнинг моҳиятини очиб беринг.

3-мавзу

ХОДИМ ШАХСИ ВА УНИНГ КАСБИЙ МАҲОРАТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИ

- *Ички ишлар органлари ходимларининг педагогик маданиятига умумий тавсиф.*
- *Касбий бузилишларни олдини олишининг педагогик асослари.*
- *Ходимларнинг ўзини ўзи тарбиялаши – шахсни ривожлантиришга йўналтирилган мақсадли жараён.*
- *Тарбиявий-профилактик вазифаларнинг самарадорлигига таъсир этувчи касбий муҳим хислатлар.*

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИНИНГ ПЕДАГОГИК МАДАНИЯТИГА УМУМИЙ ТАВСИФ

Маданият ҳар бир миллатнинг ривожланиши, маънавий бойлиги, миллий ва умуминсоний қадриятлари ҳамда миллий мафкураси шаклланишида муҳим аҳамият касб этиб, инсоннинг моддий ва маънавий эҳтиёжини қондириш учун хизмат қилади. Маданият кенг қамровли тушунча бўлиб, инсон амалий фаолиятида юзага келадиган барча моддий ва маънавий бойликлар йиғиндиси.

Маданиятнинг қиймати мутафаккирлар фаолияти ва қолдирган мероси билан ўлчанади. Ички ишлар органлари фаолиятида ходимларнинг дунёқарашини шакллантиришда маданият ва қадриятларимиз муҳим аҳамият касб этади. Ходимларнинг маданияти, маданий савияси хизмат фаолиятида, касбий қобилиятида ҳамда ўзаро муносабатлар жараёнида яққол намоён булади. Шу нуқтаи назардан маданият нафақат ички ишлар органлари ходимларининг касбий фаолиятида, балки умумий тарзда инсон ва жамиятнинг ўзгарувчанлик фаолиятининг барча турлари ва соҳаларида намоён бўлади, бошқача айтганда ана шу фаолият натижалари мажмуидир.

Шу ўринда ИИВ томонидан 2011 йил 4 июлда қабул қилинган «Ички ишлар идоралари ходимларининг касб маданияти ҳақида»ги 96-сонли буйруғи ҳам касбий фаолиятда фойдаланишга ўзига хос ўринни эгаллайди.

Маданият ички ишлар органлари ходимларининг шахсий ҳаёти ва фаолиятининг турли кўринишларида ҳамда улар яратган моддий ва

маънавий бойликларда намоён бўлар экан, демак ходимларнинг тараққиётини, моддий ва маънавий ҳаёт даражасини белгилаб берувчи омиллардан биридир.

Педагогик маданият мураккаб ижтимоий жараён бўлиб, назария ва амалиётни ҳамда илғор тарбия тажрибасини олий даражада ўрганиш ва қўллашни тақозо этади.

Ички ишлар органлари ходимларининг педагогик маданияти қуйидаги таркибий қисмлардан ташкил топади:

- 1) педагогик йўналиш;
- 2) миллий мафкура;
- 3) психологик ва педагогик эрудиция;
- 4) сиёсий ва ахлоқий билим;
- 5) эмоционал, этик ва эстетик билим;
- 6) юқори даражадаги педагогик маҳорат;
- 7) кундалик хизмат фаолиятидаги интизом;
- 8) ташкилотчилик ва ташаббускорлик;
- 9) педагогик жиҳатдан йўналтирилган муомала ва ахлоқ;
- 10) ўзига нисбатан жиддий талабчанлик;
- 11) ўз устида ишлаш, маънавий дунёсини доимий бойитиб бориш;
- 12) ўзини жисмоний ва ақлий томондан ривожлантириш.

Ички ишлар ходимлари педагогик маданиятининг юқори даражадаги кўринишларидан бири касбий педагогик маҳорат бўлиб, у ўзида муайян шахсий сифатларни, қобилиятларни мужассамлаштирган бўлиши керак. Касбий педагогик маҳорат тушунчаси кеча ёки бугун юзага келган эмас, балки унинг генезиси узоқ йилларга бориб тақалади. Педагогик маҳорат йиллар давомида шаклланган бўлиб, ходимнинг касбий маҳоратини намоён қилади.

Педагогик маҳорат – таълим берувчининг устоз-мураббийлик фазилатлари, таълим-тарбия бериш касбининг сирларини чуқур эгаллаганлиги, инсонийлик истеъдоди ҳамда интеллектуал салоҳияти ва шу қабилар асосида ундаги касбий таълим, тушунча, кўникма ва малакаларнинг мукамал шаклланган касбий фаолиятидир.

Педагогик маҳорат таълимни ҳам, тарбияни ҳам ўзида қамраб олади. Таълим билим бериш, яъни ўқитиш орқали, тарбия эса намуна бўла олиш орқали шакллантириб борилади. Иккаласи ҳам битта мақсадга хизмат қилади, яъни комил инсонни шакллантиришга қаратилган хатти-ҳаракатдир.

Шу билан бирга, ходим педагогиканинг усулларини яхши билиши ҳамда фуқароларнинг шахсий индивидуал психологик

хусусиятларини инобатга олиши лозим. Энг муҳими, ходим ўз фикрини шахс онгига тўлиқ етказиш қобилиятига эга бўлиши зарур.

Педагогик маҳорат педагогик маданиятнинг муҳим жиҳатларидан бири ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, педагогик маҳорат педагогик фаолиятни ташкил қилиш ва рўёбга чиқаришда, шунингдек, психологик ва педагогик билимларни ҳар томонлама комплекс олиб боришда муҳим аҳамият касб этади. Педагогик маданиятнинг таркибий қисмлари ва тизими бўлгани каби, педагогик маҳоратнинг ҳам қисмлари мавжуд бўлиб, қуйидагилардан ташкил топган:

- психологик ва педагогик билимлар;
- педагогик техника;
- педагогик таъсир этиш.

Ички ишлар органлари ходимларининг психологик-педагогик билимлари дейилганда, асосан, ўқув жараёнида ҳамда хизмат фаолиятида ўзининг махсус соҳасига хос бўлган психологик ва педагогик билимлар кўзда тутилади. Шу билан бирга, ички ишлар ходимлари шахс ва жамоа психологиясига оид билимларни, шунингдек, шахс психологиясини ўрганиш методларини мукамал билишлари зарур.

Ички ишлар органлари ходимларининг педагогик маданиятини шакллантиришнинг яна бир йўли – педагогик техникадир. Педагогик техника педагогик маҳоратнинг таркибий қисми ҳисобланади. Педагогик техника бошқарув воситаси бўлиб, шахс ва жамоага нисбатан таъсир қилиш усуллари, воситалари, малака ва маҳорат йиғиндисини ўз ичига қамраб олади. Педагогик техника ва педагогик маҳорат бир-бири билан бевосита боғлиқ бўлиб, улар техника воситаларини қўллаш орқали ўқитиш, ҳар хил кўрғазмали қуроллар орқали тушунтириш, шахсни педагогик кузатиш, педагогик мулоқотни ўргатиш, муомала маданиятини мукамал эгаллаш, муомаланинг вербал ва невербал воситаларидан кенг қўламда фойдаланиш ва бошқа усулларни ўз ичига олади.

Ички ишлар органлари ходимларининг педагогик техникаси қуйидагилардан иборат:

- ўқув машғулотларини ташкил қилиш малакаси ва маҳорати;
- нутқ техникаси;
- нутқ маданияти;
- хизмат фаолиятида шахслар билан ўзаро мулоқот жараёнида ўз муносабатини мазмунли ва ифодали намоён эта билиши, яъни жест, мимика ва бошқа ҳаракатларни қўллай билиши;

– таълим-тарбиянинг барча тармоқларини чуқур ўрганиш, техника воситаларидан унумли фойдаланиш ва педагогик маданиятнинг тизими ва таркибий қисмларини мукамал равишда ўзлаштириш.

Педагогик техника ходимларга таъсир қилиш маҳоратини талаб этади. Педагогик маҳорат эса фуқаролар билан алоқа ўрнатиш, уларга педагогик ва психологик жиҳатдан таъсир кўрсатиш, қонунга итоатгўйлик ҳамда муомала маданияти асосида суҳбатлашиш учун қулай шароит яратиб беради. Муомала маданияти ички ишлар ходимлари фаолиятида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, фуқаролар билан мулоқот ўрнатишда, ҳамкасблар билан ўзаро фикр алмашишда жуда қўл келади.

Ходимларнинг муомала маданияти фуқаролар билан мулоқот ўрнатишда этник нормаларга риоя қилишни талаб этади ва педагогик алоқа ўрнатиш учун имконият яратиб беради. Яъни, ходимлар хизмат жараёнида ва хизматдан ташқари пайтда сўзлашиш одобига, муомала маданиятига алоҳида эътибор қаратишлари лозим. Ҳар бир сўзни ўз ўрнида қўллаш, фуқаролар билан хушмуомалада бўлиш инсоннинг мавқеини юксалтиради, унинг жамоадаги ва жамиятдаги ўрни ҳамда обрўини белгилаб беради. Ҳар бир ходим фуқаролар билан самимий муносабатда бўлиши, уларнинг мурожаатини диққат билан эшитиши, ваколати доирасида кўриб чиқиши ва масалани ҳал қилишга интилиши зарур¹.

Ходимларнинг фуқаролар билан бевосита педагогик алоқа ўрнатиши қуйидагиларда намоён булади:

- фуқаролар фикрини эшита билиш;
- фуқаролар билан бўладиган мулоқот жараёнида касбий хислатларини намоён қилиш;
- мулоқот жараёнида муомала маданиятига риоя қилиш;
- мулоқот жараёни давомида суҳбатдош шахсиятига тегмаслик;
- фуқароларга самимий тарзда маслаҳатлар бериш;
- фуқароларга ўзининг хулқи, одоб-ахлоқи ҳамда қонунга итоатгўйлиги билан намуна бўлиш ва бошқа шу каби ижобий хислатларини намоён қилиш ва ҳоказо.

Шу нуқтаи назардан ички ишлар органлари ходимлари фаолиятида мулоқот маданияти бир мақсадга қаратилган ўзаро таъсир

¹ Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари ходимларининг касб маданияти ҳақида: қўлланма. – Т., 2011. – 12-б.

қилиш хусусиятига эга бўлиб, унинг мазмунида ўзаро фикр алмашиш, керакли ахборотларни олиш ва жамланган ахборотларни етказиб бериш ўз аксини топади.

КАСБИЙ БУЗИЛИШЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШНИНГ ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИ

Ички ишлар ходимлари жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш фаолиятини амалга оширар экан, улар томонидан фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига тааллуқли қонунларни бузиш ҳолатлари ҳам учраб туради. Бундай ҳолатлар «баъзи ходимлар Республикамизнинг амалдаги қонунчилик асосларини тўлиқ тушуниб етмасликлари оқибатида юзага келади», деган нуқтаи назари мавжуд ва қайд этиш лозимки, бундай қараш асослидир. Сўнгги пайтларда ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг педагогик жиҳатларини ўрганиш, уларнинг олдини олишда профилактика ишларини олиб бориш борасидаги изланишлар фаоллашиб бормоқда.

Касбий бузилиш, шунингдек, ҳуқуқий нормаларга риоя қилмаслик жисмоний ёки юридик шахсларнинг қасдан ёки эҳтиётсизлик оқибатида шахс, жамият ва давлат манфаатларига зарар етказишида намоён бўлади.

Ички ишлар органлари соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар биринчи галда республикамиз учун ҳар томонлама етук ва муносиб кадрлар тайёрлаш масаласини кун тартибига қўймоқда. Айни дамда олиб борилаётган ислоҳот ва кадрлар тайёрлаш дастурлари эътиборни ходимларда мавжуд касбий хусусиятларга, уларнинг жисмонан, маънан соғломлиги, дунёқараши, фикрлаш доирасининг кенглиги, Ватан ҳимоясида ўз ақидаларига содиқлиги, ўқув ва иш жараёнида ахборот, билим ва тажрибаларни ўзлаштиришларига қаратишни назарда тутмоқда.

Фуқаролар томонидан ходимларнинг салбий хатти-ҳаракатлари доим ҳам танқид қилинавермайди ёки фуқаролар адолат ўрната олмаслигига ишончи ортган сари бундай ҳолатга қўл силтайдилар, оқибатда ҳеч қандай жазога тортилмай қолган ходимлар томонидан қўполлик, тан жароҳатлари етказиш, ҳақорат, тамагирлик ёки порахўрлик, хизмат ваколатини суиистеъмол қилиш каби иллатлар давом этаверади.

Фуқаролик ҳуқуқлари поймол бўлаётган вақтда ҳам одамлар зўравон ходимларга бас келишга ҳадлари сиғмайди ва ходим жавобгарликдан осонгина қутулиб кетади.

Хуш, ходимларнинг касбий бузилишларига қандай омиллар сабаб бўлмоқда?

Масалан, Россияда бу муаммони бир қатор илмий тадқиқотлар ўтказиш натижасида психолог А. В. Буданов 3 та асосий омиллар гуруҳига бўлиб ўрганди, яъни:

- хизмат соҳасининг ўзига хослиги (спецификаси);
- шахсий фазилатлар омили;
- ижтимоий-психологик¹.

Яна бир рус олими С. Медведевнинг фикрича, ходимнинг соҳа йўналиши унинг ҳуқуқбузарликка мойиллигига таъсир қилувчи асосий омилдир. Хусусан, унинг тадқиқоти натижасида энг кучли таъсир даражаси жиноят қидирув ходимларида, ўртача таъсир даражаси патруль-пост хизмати ва тергов ходимларида, паст таъсир даражаси эса паспорт ва шахсий таркиб билан ишлаш соҳаларида аниқланган.

Бу тадқиқотни ўтказган Россия психологлари ходимларнинг касбий бузилишларини уларнинг иш тажрибаси билан солиштириб, қуйидаги натижаларга эришганлар:

- 1) 5 йилгача ишлаган ходимлар хизмат сирини энди тушуниб бораётганлиги боис касбий таназзул арзимас бўлиб, паст даражада;
- 2) 6–10 йил ишлаётганларда касбий бузилиш ўртача даражада;
- 3) 11–15 йил ишлаётганларда касбий бузилиш даражаси жуда юқори;
- 4) 15 йилдан ортиқ ишлаётганларда эса ахлоқий-касбий бузилишларнинг бўлиши табиий.

Бироқ ҳар қандай статистик маълумотнинг нисбийлигини инобатга олиш лозим. Шу билан бирга, бу ахлоқий-касбий жиҳатдан бузилган ходимнинг ҳар бири пора олади ёки тамагирлик қилади дегани эмас. Шахсий таркиб билан ишлаш хизматидаги кўп йиллик кузатишлардан келиб чиққан ҳолда шуни айтиш мумкинки, кўп ишлаган ходимларда хизмат вазифаларини бажаришга нисбатан бепарволик, лоқайдлик, сансалорлик (масалан фуқароларнинг аризаларини кўришда) каби иллатларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиш

¹ Қаранг: Буданов А.В. Работа с сотрудниками органов внутренних дел по профилактике профессиональной деформации: Практическое пособие для руководящих работников УВД, ОВД, служб по работе с личным составом, подразделений морально-психологического обеспечения деятельности ОВД. – М., 1992.

ҳолатлари кўплаб учрамоқда. Бунинг асосий сабабларидан бири ходимнинг сурункали рухий ва жисмоний жиҳатдан зўриқишидир.

Масалан, республикамиз ички ишлар органлари тизимларида 2010 йилда 72 нафар ходим жиноий жавобгарликка тортилган.

Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2011 йил 10 мартдаги 2/1237-сонли кўрсатмасида эса «айрим мутасадди раҳбар ходимларнинг масъулиятсизлиги оқибатида хизмат интизомини бузиш ҳолатлари ўтган қисқа давр давомида 143,1% (357/868)га ошиб кетган. Бу кўрсаткич Қорақалпоқистон Республикаси ИИВ (19/64), Андижон (11/39), Бухоро (6/18), Қашқадарё (20/90), Наманган (17/24), Самарқанд (30/46), Сурхондарё (17/30), Сирдарё (9/19), Тошкент (19/58), Фарғона (19/41), Хоразм (3/29), Жиззах (7/26), Навоий (19/31) вилоятлари, Тошкент шаҳар (125/259) ва Транспортдаги (1/16) ИИБ ходимлари ҳисобига кўпайган. Ўз навбатида, қонунчиликни бузиш кўрсаткичи ҳам 72,2 %га (22/38) ошган. Жумладан, қонунчиликни бузган ходимлар сони Андижон ва Сирдарё вилоятларида 1 тадан 2 тага, Қашқадарё вилоятларида 3 тадан 4 тага, Фарғона вилоятида 4 тадан 7 га ошган»¹ лиги кўрсатилган.

Бу Республика миқёсида ишлаётган ички ишлар органлари умумий ходимлари сонига нисбатан олинганда юқори кўрсаткич эмасдир, шундай бўлса-да, уни хизматлар бўйича тақсимланганда қуйидаги ҳолат намоён бўлади:

- 1) ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш йўналишида 23 та.
- 2) тергов фаолиятида 9 та.
- 3) йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматида 7.
- 4) жиноят қидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш йўналишида 5 та.
- 5) патруль-пост ва жамоат тартибini сақлаш хизматида 4 та ва ҳоказо.

Ҳозирги кунда ходимлар томонидан касбий бузилиш ҳолатларининг кўпайганлиги моддий қийинчиликларга бориб тақалади, деган фикрлар мавжуд. Бироқ, агар ходимларнинг ойлик иш ҳақлари оширилса, бу ҳолатга чек қўйилади, деган фикр психологларнинг ўрганишича ўз тасдиғини топмади.

¹ Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2011 йил 10 мартдаги 2 / 1237-сонли кўрсатмаси.

Иш ҳақининг оширилиши муҳим омил, лекин ойлик маошнинг 2-3 баробар оширилиши иш унумдорлигини 3 ёки 4 ойга яхшилайдди, кейин у яна пасайишни бошлайди¹.

Ахлоқий-касбий бузилишнинг хавфли томони шундаки, унинг энг паст даражаси ҳам ички ишлар органлари ходимларининг шахсий ва хизмат қобилиятларига жиддий зарар етказди.

Ходимларнинг касбий бузилишида уларнинг шахсий хусусиятлари таъсирини рус психологи А. В. Буданов қуйидагича таҳлил қилади:

1. Ходимнинг интеллекти таъсири (яъни мустақил фикрлаш ва мустақил қарор қабул қилиши тормозланади, мустақил тарзда ўз устида ишлашда ва касб маҳоратини оширишда лаёқатсиз бўлиб қолади, экстремал ёки кутилмаган вазиятда қарор қабул қила олмайди).

2. Шахсий салбий сифатлари таъсири (очкўзлик, кўполлик, тажовузкорлик, фақат ўз манфаатларини кўзлаш, билимсизлик, тўпорилик, ўз шахсига юқори баҳо бериш)².

Бу хусусиятлар хизмат таъсирида (ваколат доирасининг кенглиги, хизмат кийимидан ҳаволаниш, ҳамманинг диққат-марказида бўлиш) ходимга янада ўзига юқори баҳо беришига сабаб бўлиб қолиши мумкин.

Ички ишлар органлари ходимлари фаолияти самарасини белгиловчи шахсий хусусиятларни аниқлаш учун, аввало, ушбу фаолиятнинг психологик жиҳатларини таҳлил қилиш, ўзига хос томонларини аниқлаш, шу орқали бу фаолиятни такомиллаштириш чора-тадбирлари тизимини ишлаб чиқиш ва йўлга қўйиш талаб этилади.

Юксак маданиятли, ўз касбининг моҳир устаси бўлиш ходимлардан мураккаб шароитларда давлат манфаатларини, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қила олишни, аҳолининг ҳар хил тоифалари билан ишлай олишни, жиноятчиликка қарши курашда зарур бўлган кўникмаларни шакллантиришни тақозо этади.

Ички ишлар идоралари хизматига танланаётган номзод кўпинча хизмат талабларига жавоб бермаяпти. Бу ҳам етмагандай, унинг

¹ Қаранг: Буданов А.В. Работа с сотрудниками органов внутренних дел по профилактике профессиональной деформации: Практическое пособие для руководящих работников УВД, ОВД служб по работе с личным составом, подразделений морально-психологического обеспечения деятельности ОВД. – М., 1992.

² Ўша манба.

шахсий салбий сифатлари форма кийганидан кейин хизмат кийими ва ваколоти таъсирида янада зўраяди¹.

Бундан ташқари, номзодда хизматда учрайдиган ташқи омиллар таъсирига руҳий иммунитетнинг ривожланмаганлиги, қалтис вазиятда тез ва аниқ қарор қабул қила олиш реакциясининг пастлиги, ўзига юқори баҳо бериши, ирода қобилиятларининг яхши ривожланмаганлиги, дунёқараши ва маданий даражасининг пастлиги хизмат бошлаганидан кейин қисқа муддат ичида унинг ахлоқий жиҳатдан бузилишига сабаб бўлади.

Касбий бузилиш аввало ходимнинг ўзида, кейинчалик эса унинг ҳаракатлари орқали фаолияти ва атроф-муҳитидаги муносабатларда намоён бўла бошлайди. Бу ҳолат ички ишлар органлари жамоалари орасида ҳам юз бериши мумкин. Масалан, спиртли ичимликларга ружу қўйиш ҳолати шу бўлим ёки бўлинмада хизмат интизомининг сустлигига далил бўла олади.

Касбий бузилишнинг хавфли томони шундаки, у яширин тарзда намоён бўлади. Ижтимоий тажрибалар шуни кўрсатмоқдаки, кўп ҳолларда ходимнинг маст ҳолатда хизматга чиқишини, аввало, раҳбарларнинг ўзлари (ўзларига гап тегмаслиги учун) яширадилар. Интизомий жазога тортилмаган ходим эса қилган ҳаракатига масъулият ҳиссини сезмай, осонгина жазосиз қолади. Бу бошқа ходимларга ўз салбий таъсирини кўрсатмай қолмайди.

Аксарият касбий бузилишларни ходим психологиясидаги ўзгартиришлар, оғишлар натижаси деб оладиган бўлсак, уларга мойилликни аниқлаш ва психологик профилактика қилишни ички ишлар органларидаги психологик фаолият орқали амалга ошириш мумкин.

Ходимлар психологик, психотерапевтик ёрдамни психиатрия хизмати билан адаштирадилар ва бу ўз ўрнида психодиагностика ишларини қийинлаштиради.

Юқорида айтиб ўтилган ҳолатлар бугунги куннинг муҳим муаммосига айланганлигини инобатга олган ҳолда республикамиз ички ишлар органлари тизимларида муҳим бир ислоҳот амалга оширилди. Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2010 йил 7 сентябрдаги 44-сонли буйруғи билан штатларга ўзгартириш киритилиб, жойлардаги ички ишлар бўлимларига «ахлоқий психологик таъминлаш гуруҳлари инспектори (катта инспектор)» штат бирлик-

¹ Профилактика профессиональной деформации личности сотрудника органа внутренних дел: Методическое пособие. – М., 2004. – С. 10.

лари жорий этилиб, уларнинг хизмат вазифаларига қўйидагилар киритилди:

- шахсий таркибни бир йилда бир мартаба мажбурий психологик диагностикадан ўтказиш ҳамда жамоадаги руҳий муҳитни ўрганиш;

- ходимларнинг индивидуал хусусиятлари, психологик ҳолатлари, асаб турғунлиги даражаларини, уларнинг қобилияти, хизматга яроқлилиги, шахсий таркибнинг хизматдан қониққанлиги ва ходимлар ўртасидаги муносабатларни аниқлаш;

- ходимлар ўртасида хизмат интизоми ва қонунчиликни бузиш, ўз жонига қасд қилиш (суицид) ҳолатлари, хизмат фаолияти давомида юзага келадиган турли қийинчиликлар ва йўл қўйиладиган интизом бузилиш сабабларини ўрганиб, уларнинг олдини олиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш юзасидан раҳбариятга таклифлар киритиш;

- узоқ хизмат сафаридан қайтган ходимларнинг хизматга кўникма ҳосил қилишларига кўмаклашиш;

- янги ишга қабул қилинган ходимлар билан психологик методларни қўллаган ҳолда суҳбат ўтказиш.

Бу янгилик ички ишлар органлари ходимларининг касбий бузилишини тугатиш, унинг келиб чиқишининг олдини олиш йўллари тадқиқ этишда муҳим қадамдир. Чунки ички ишлар органлари ходимлари давлат ҳокимиятининг вакили сифатида иш кўрар эканлар, уларнинг ҳар бир хатти-ҳаракати фуқароларнинг диққат-эътиборида бўлади. Бир ходимнинг қилган хатоси, қўполлиги ёки пора олиши бутун ички ишлар тизимини халқ олдида абгор қилиши, бошқа ҳалол ишлаётган ходимларнинг обрўсига путур етказиши табиий. Шунинг учун касбий бузилишнинг олдини олиш, унга йўл қўймаслик бугунги куннинг энг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади.

Ички ишлар органлари ходимлари касбий бузилишларининг олдини олишда асосан қўйидаги йўналишларда чора-тадбирларни амалга ошириш талаб қилинади.

1. Профессional фаолиятни ташкил этиш соҳасида:

- ҳар бир ходимни танлаш ва ишга тайинлашда унинг қобилиятларини инобатга олиш;

- ходимларга аниқ вазифалар, топшириқлар бериш, уларнинг бажарилиши учун барча чора-тадбирларни кўриш;

– ходимларга фуқаролар билан муомала қилиш маданиятини, руҳий алоқа ўрнатиш маҳоратини ўргатиш;

– хизмат вазифасини бажаришда ишга ижодий ёндашувчи, чигал масалаларнинг ечимини тезликда топувчи, муаммоларни ҳал қилишда илм-фан ютуқларидан унумли фойдаланувчи ходимларни тақдирлаш, иззат-ҳурматини жойига қўйиш;

– қўл остидагиларни ўз ишини ўзи таҳлил қилишга, ўзини ўзи назорат қилишга ўргатиш;

– ходимларнинг бўш вақтларидан самарали фойдаланишлари учун, оиласининг тинчлиги, ҳаётининг сермазмун бўлиши учун тинмай ғамхўрлик қилиш;

– фуқароларга руҳий таъсир ўтказиш усулларини амалда қўллашни ўргатиш ва ходимни мураккаб, ностандарт ҳолатларда ишлашга руҳий жиҳатдан тайёрлаш ишларини амалга ошириш;

– жисмонан чиниқтириш ва чидамлилигини ошириш.

2. Тарбиявий ишларни амалга ошириш соҳасида:

– ходимларда илмий дунёқарашни, ахлоқий-ҳуқуқий эътиқодни, ғоявий-сиёсий маданиятни ва иродавий хислатларни, қисқача айтганда, миллий истиқлол мафкурасини шакллантириш;

– уларни танқид ва ўз-ўзини танқид руҳида тарбиялаш;

– ирода ва характерни чиниқтириш;

– жинойтчилар оламининг таъсирига қарши тура олиш қобилиятини ҳосил қилиш;

– хизматда ва турмушда шахсий намуна орқали таъсир кўрсатиш;

– тарбиялаш жараёнида ўргатиш ва мажбурлаш, рағбатлантириш ва жазолаш усул ва воситаларидан унумли фойдаланиш;

– жамоада соғлом руҳий муҳитни вужудга келтириш;

– қўл остидагиларнинг яшаш шароитларини, дам олишини яхшилаш борасида ғамхўрлик қилиш;

– тарбиянинг барча турларини, усул ва воситаларини, принципларини бирга қўшиб олиб бориш, айниқса, ҳуқуқий ва ахлоқий тарбиянинг узвий бирлигига асосий эътиборни қаратиш;

– халқимизнинг асрлар давомида яшаб келган анъаналари, урф-одатлари ва тили билан боғлиқ бўлган қадриятлардан тарбия жараёнида миллий ғурурни ўстириш ва миллий онгни шакллантиришда унумли фойдаланиш.

3. Ходимларнинг ахлоқий-руҳий муҳитини шакллантириш соҳасида:

– янги хизматга келган ходимларнинг ва ёш мутахассисларнинг касбий фаолиятга кўникишларини тезлаштириш учун зарур шароитларни яратиб бериш;

– кўл остидагилар тўғрисида мунтазам равишда ижтимоий-руҳий маънодаги маълумотларни тўплаб бориш, яъни улар тўғрисидаги мишмишлар, гап-сўзлар ва ҳоказолардан огоҳ бўлиб туриш;

– ходим ва жамоа, бошлиқ ва тобе ходим ўртасида ўзаро ишонч ва дўстона муносабатга асосланган муносабатларни ўрнатиш;

– жамоа олдида яқин кунлар ичида ва келгусида қилинадиган ишлар тўғрисида ахборот бериб туриш, бу тўғрида фикр алмашиш;

– жамоатчилик фикрига қулоқ солиш ва ундан унумли фойдаланиш;

– хизмат кўрсатган ходимларни моддий ва маънавий рағбатлантириш ишларини очик ва ошкора тарзда ҳал этиш;

– профессионал фаолият давомида вужудга келган ижобий анъаналарни ўрганиш ва мустаҳкамлаш;

– жамоа ва бўлинмадаги ходимларнинг руҳий ҳолатини, қобилиятини инобатга олган ҳолда оператив ишларга жалб қилиш, ишга тайинлаш ва ҳоказо.

Ички ишлар органлари ходимлари ахлоқий-касбий бузилишларининг сабаблари ва уларни тугатиш чора-тадбирлари тўғрисида Ислом Каримов шундай деган эди: «Ҳуқуқни ҳимоя қилиш органларининг айрим нопок ходимлари ўз вазифасини суиистеъмол қилиб, жиноятга кўл урмоқда. Ҳуқуқни муҳофаза этувчи идоралар – милиция, суд, прокуратура ходимлари сафларини малакали, Ватанга ва ўз бурчига садоқатли, инсофли, ёш, иқтидорли ва замон талабларига жавоб берадиган кадрлар билан тўлдириш ишлари кучайтирилиши лозим.

Барча бўғинларда инсофли, диёнатли, билимдон, тажрибали раҳбарлар бошчилик қилмас экан, мустақил мамлакатимизнинг обрўси, унинг манфаати учун мардлик, жонқуярлик билан ишламас экан, ишларимиз кўнгилдагидек бўлмайди»¹.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, ички ишлар органлари ходимлари касбий бузилишларининг олдини олиш асосан икки йўналишда, яъни умумий ва яқка тартибдаги чора-тадбирларни қўллаш асосида олиб борилади.

Умумий чора-тадбирларга жамиятдаги зиддиятларни тадрижий йўл билан ҳал қилган ҳолда, ҳуқуқни ҳимоя қилувчи барча идораларда қонунга итоаткорликни, ҳаётнинг барча жабҳаларида қонунларнинг устунлигини таъминлаш кабилар киради.

¹ Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. Т. 4. – Т., 1996. – 287–288-б.

Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, «мамлакатимизни демократик янгилашнинг бугунги босқичдаги энг муҳим йўналишларидан бири бу – қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштиришдан иборатдир. Бир сўз билан айтганда, юртимизда ҳуқуқий давлат асосларини янада такомиллаштириш ва аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш биз учун ҳал қилувчи вазифа бўлиб қолмоқда»¹.

Шундай экан, қонунга бўйсунуш юксак ҳуқуқий онглилик, жамият ва давлат манфаатларини чуқур тушуниб етиш, ижтимоий бурч, яъни ўз қилмишлари учун давлат олдида жавобгарлик туйғуси билан узвийдир. Ҳар бир қонунга итоаткор фуқаро қонунларнинг талаблари жамиятнинг юксак манфаатларини ифода этишини, ҳуқуқий қонунларга риоя қилиш фақат халқ манфаатларига эмас, балки унинг ўз манфаатларига ҳам хизмат қилишини яхши тушунади. Мазкур маънода қонунларга итоат қилишни халқ бирлиги ва куч-қудратининг манбаи деб аташ мумкин.

ХОДИМЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ ТАРБИЯЛАШИ – ШАХСНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН МАҚСАДЛИ ЖАРАЁН

Ходим шахсининг ўзини ўзи тарбиялашида унинг йўналтирилганлиги ва «Мен» концепцияси ўз-ўзини тарбиялаш механизмларининг асосини ташкил этади. Шахснинг ахлоқий етуклик даражаси, ўзига хос хусусиятлари ҳамда ўзлаштирган билим, кўникма ва малакалари билан биргаликда ўзини ўзи тарбиялаши, олдида қўйган мақсадларига етишишининг асосий мезони ҳисобланади. Шахс ўз меҳнат фаолияти натижасини англаш, баҳолаш кўникма ва малакалари: ўқув фаолияти натижаларини англаши, ўзини ўзи назорат қилиши, муаммолар ечимининг тўғрилигини аниқлаши, воқеа ва ҳодисаларга реал баҳо бериши, назарий ва амалий кўникмаларининг тўғрилиги, яъни мустаҳкамлигини текшириши ўзини ўзи бошқариши ва назорат қилишининг муҳим тизими саналади. Бу тизим асосида шахс ривожланишининг психологик омиллари: эҳтиёжлари, йўналтирилганлиги ва «Мен» концепцияси мавжуд.

¹ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Т., 2010. – 15–16-б.

Шахсинг ўзини ўзи тарбиялаш ва бошқариш механизми амалий таълимда замонавий педагогик технологиялар ва психологик билимларга асосланган ҳолда ташкил этилади. Замонавий педагогик технологияларга асосланган таълим-тарбия жараёнларида ходимларнинг қизиқиши, қобилияти ва эҳтиёжлари ҳамда мотивларини ҳисобга олган ҳолда ўзини ўзи тарбиялаш ишлари амалга оширилади.

Ходим шахсинг ўзини ўзи тарбиялаш ва бошқариш механизмига унинг ўзини ўзи билиши, ўзини тарбиялаши, ўзини кўрсата олиши, хатти-ҳаракатларини назорат қилиши қиради.

Ички ишлар органлари профилактик фаолиятнинг асосий вазифаларидан бири ҳам шахсни ўз-ўзини ривожлантиришга, мустақил равишда билимини оширишга, ижодий фикрларини шакллантиришга йўналтиришдан иборат. Бундай вазифани амалга ошириш учун тайёр билимлар, кўникма ва малакалар муҳим ўрин тутди. Ваҳоланки, бугун ички ишлар органлари ходимлари билимларни ўзлаштиришдаги пассив истеъмолчи эмас, балки унинг фаол ижодкорига айлантириш зарурати мавжуд. Бўлғуси мутахассис ҳар қандай назарий ва амалий муаммони еча оладиган, уни ечиш йўллари илмий ёки методик жиҳатдан таҳлил қилишни уддалайдиган, энг муносиб ва мос йўллари топиб, унинг тўғрилигини исботлаб бера оладиган бўлиши керак.

Ходимларнинг ўз-ўзини тарбиялашида ўз устларида мустақил ишлашлари касбий фаолиятда интеллектуал ташаббус ва тафаккурни ривожлантириш учун психологик-дидактик шароитларни яратишдан иборат. Ходимнинг ўз-ўзини тарбиялашида хатти-ҳаракатини назорат қилиши бирор-бир масалани ўрганиш жараёнида муҳим ўрин тутди.

Ўзини ўзи тарбиялаш ҳам олдиндан мўлжалланган ва мўлжалланмаган кўринишда бўлиши мумкин. Биринчи ҳолда киши ўзидаги салбий хислатларни бартараф қилиш учун онгли равишда ҳаракат қилади, иккинчи кўринишда эса бу ҳаракатни беихтиёр бажаради.

Ўзлаштирган билимларни мустаҳкамлаш ва ўз-ўзини назорат қилиш функцияси тингловчининг педагог раҳбарлигида ёки мустақил тарзда дарсликдаги назорат саволлари, тест материалларидан фойдаланган ҳолда ўз билимини текшириши ҳамда уларга таянган ҳолда амалий машғулотларни бажара олишига кўмаклашишдан иборат бўлиб, мустақил билим олиш, изланиш ва ижодий ишлаш қобилиятларини ривожлантиришга, ўз-ўзини баҳолашга имконият яратади.

Шахнинг ўз-ўзини англаш туйғусига эга бўлиши унинг ҳар томонлама ривожланиши, етук мутахассис бўла олиши йўлидаги муҳим омилдир.

Шахс камолоти, энг аввало, унинг ўзига боғлиқ. Шу боис миллий дастурда шахс ва унинг камолотига алоҳида эътибор қаратилган. Таълим тизимида давлат ва жамоат бошқарувини уйғунлаштириш, самарали таълимни ташкил этиш жамият тараққиётини, миллий ва халқнинг порлоқ келажагини таъминлайди. Шу боис, таълимни ташкил этиш нафақат давлатнинг, балки умумхалқ ишидир. Таълим муассасаларида ташкил этилган ота-оналар кўмитаси, ўзини ўзи бошқариш органларининг кучи ва имкониятлари, шунингдек, оталиқ (ҳомий) ташкилотларнинг молиявий, маънавий қўллаб-қувватлашлари эвазига таълим самарадорлигини янада ошириши мумкин.

Мавзу юзасидан савол ва топшириқлар

1. Ички ишлар идоралари ходимлари педагогик маданияти таркибида педагогик маҳоратнинг ўрнини тушунтириб беринг.

2. Педагогик маданиятни шакллантиришнинг қандай асосий йўллари мавжуд?

3. Касбий бузилишларни бартараф этиш чоралари тизимида касбий-педагогик тайёргарликнинг ўрни нималарда намоён бўлади?

4. Ходимларнинг ўзини ўзи тарбиялаши – касбий шаклланишининг зарурий қисмларини айтинг.

5. Ички ишлар идоралари ходимларининг касбий маҳорати нима?

6. Ички ишлар идоралари ходимларининг касбий маҳорати ва педагогик маданияти ўртасидаги ўзаро боғлиқлик нималарда намоён бўлади?

7. Педагогик муомаланинг асосий таркибий қисмлари тушунтиринг.

8. Ички ишлар идоралари ходимларининг касбий педагогик маданиятига қўйиладиган талаблар нималардан иборат?

9. Касбий маҳоратнинг шаклланиш босқичлари қандай кечади?

10. Касбий вазифаларни бажариш кўникмаларини шакллантиришнинг маънавий-руҳий асослари айтиб беринг.

11. Тарбиявий-профилактик вазифаларни самарали бажаришига ижобий таъсир этувчи муҳим касбий хислатларни шакллантириш омилларини тушунтиринг.

4-мавзу
ЯККА ТАРТИБДА ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ
ОЛИШДА ПСИХОЛОГИК-ПЕДАГОГИК ТАЪСИР
ЭТИШ УСУЛЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ

- *Ички ишлар органлари фаолиятида психологик-педагогик таъсир кўрсатиш механизми.*
- *Психологик-педагогик таъсир кўрсатиш усуллари ва йўллари.*
- *Психологик-педагогик усулларнинг танланишига таъсир кўрсатувчи омиллар.*

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИДА ПСИХОЛОГИК-ПЕДАГОГИК
ТАЪСИР КЎРСАТИШ МЕХАНИЗМИ

Ҳар қандай ҳуқуқбузарликнинг олдини олишда шахсга ижобий психологик-педагогик таъсир кўрсатилмас экан, тарбиявий ишларда самарадорлик бўлмайди.

Психологик-педагогик таъсир этиш усулларини қўллашдан асосий **мақсад** – тарбияланаётган шахсларга якка тартибда психологик-педагогик таъсир этиш орқали уларнинг ички руҳий оламига ижобий таъсир кўрсатиш ва жамият учун фойдали ишга жалб қилишдир.

Психологик-педагогик таъсир этиш мавжуд руҳий-тарбиявий усуллар йиғиндиси эмас, балки тарбиячининг тарбияланувчи онгига ижобий таъсири, муомаласидир. Ҳар бир шахсга психологик-педагогик таъсир этиш мақсадли бўлиб, унга эришиш учун мавжуд барча чора-тадбирлар кўрилади. Шахсларга якка тартибда психологик-педагогик таъсир этишда ҳар доим ҳам ижобий натижага эришиш мумкин, деб айта олмаймиз. Чунки айрим шахсларда салбий жиҳатлар устун бўлади, масалан, жанжал чиқаришга мойиллик, бошқаларни тушунишни хоҳламаслик ва ҳоказо. Педагогикада ҳуқуқбузарликнинг олдини олишнинг *психологик-педагогик таъсир этиш принциплари* мавжуд бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

1. Психологик-педагогик таъсир этишни шахснинг ўзига хос сифатларини ҳисобга олган ҳолда амалга ошириш.

2. Психологик-педагогик таъсир этиш учун инсон психологиясининг умумий қонуниятларини ва ривожланиш даражасини билиш.

3. Таъсир этиш жараёни, унинг элементлари, оқибатларини олдиндан режалаштириш ва башорат қила олиш.

4. Шахсининг ижобий таъсирланишини рағбатлантириб бориш.

5. Таъсир этишда инсон ҳуқуқларини поймол этмаслик.

6. Шахсларга таъсир этишни режалаштирганда барча хатти-ҳаракатлар тизимини аниқлаш ва ҳисобга олиш.

7. Шахсга таъсир этиш жараёнида ташқи таъсир этувчи омилларни ҳисобга олиш.

8. Таъсир этиш шахсининг ҳиссий ҳолатини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши.

9. Таъсир этиш жараёнида таъсир йўлланаётган шахсининг психологик фаоллигини таъминлаш ва ҳоказо.

Ҳуқуқбузарларга психологик-педагогик таъсир этиш қуйидаги томонлари билан ажралиб туради:

– аниқ мақсадга йўналтирилганлиги;

– шахсга таъсир этиш самарадорлиги, имкониятининг кучлилиги;

– таъсир этишнинг қулайлиги, яъни ҳар қандай вақтда, жойда, шароитда олиб боришнинг мумкинлиги.

Ички ишлар органлари ходимлари психологик-педагогик таъсир этиш усуллари (ишонтириш, рағбатлантириш ва мажбурлаш)ни қўллашда таълим-тарбия жараёнининг қуйидаги таркибий қисмларига эътибор қаратишлари муҳимдир:

– тарбияланаётган шахсининг индивидуал-психологик хусусиятларини (темперамент, характер, қобилият ва бошқ.) чуқур ўрганиш;

– тарбияланувчи шахс билан тарбиявий профилактик ишларни олиб бориш дастурини тузиш;

– тарбияланувчи шахсга психологик-педагогик таъсир этишнинг усули ва воситаларини тўғри танлаш;

– олиб борилган тарбиявий-профилактик фаолият натижаларини мунтазам кузатиш ва назорат қилиш.

Тарбия тизимида ички ишлар органлари ходимларининг психологик-педагогик фаолиятини шахсларнинг руҳиятига оғзаки, ёзма ва мультимедиа воситалари орқали таъсир этиш ҳамда шахсларнинг интеллектуал даражаси ва уни ривожлантиришга педагогик фаолиятни йўналтириш орқали олиб бориш яхши самара беради.

Хуқуқбузарликларнинг олдини олиш ишларини ташкил этишнинг психологик-педагогик асослари ҳақида тўхталадиган бўлсак, аввало, содир этилган хуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида уларнинг тоифаларини тавсифлаб, ҳар бир гуруҳ йўналишига мос профилактика ишларини амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Юртбошимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, ёшлар ўртасидаги жиноятчилик биз катталарнинг уларни тарбиялашда йўл қўйган жиддий хатоларимиз оқибатидир. Шунинг учун ҳам руҳий ва маънавий жиҳатдан шахс сифатида шаклланмай қолиб, жиноят содир этган ёшларимизни жамиятга қайтариш, аввало, биз – ота-оналар ва давлатнинг зиммасига тушади¹.

Шу маънода, Ўзбекистон Республикасининг «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги қонуни қабул қилиниши вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хуқуқбузарликларнинг профилактикаси борасида муҳим ҳуқуқий пойдевор бўлди. Қонуннинг 8-моддасига биноан ушбу тоифадаги вояга етмаганлар билан профилактика ишлари қуйидаги тизим асосида амалга оширилади:

- вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар;
- ички ишлар органлари;
- таълимни бошқариш органлари ва таълим муассасалари;
- соғлиқни сақлашни бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари;
- васийлик ва ҳомийлик органлари;
- меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари².

Мазкур тизим фаолиятини самарали ташкил этишда маҳалланинг имкониятлари ниҳоятда катта.

Вояга етмаганлар билан ишлаш бўйича инспекторнинг тарбиявий-профилактик ишлари турли усулларни қўллаш орқали амалга оширилади. Тарбиявий таъсир этиш усуллари якка тартиб, гуруҳий ва оммавий кўринишларда бўлиши мумкин.

Ўз навбатида шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, якка тартибдаги хуқуқбузарликнинг олдини олиш ва шахсларга психологик-педагогик

¹ Қаранг: *Каримов И. А.* Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. – Т., 2002. – 41-б.

² Ўзбекистон Республикасининг “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги қонуни. – Т., 2010. – 28 сент.

таъсир этишда ички ишлар органлари ходимларининг касбий жиҳатдан бундай тарбиявий фаолиятга тайёр эмасликлари ҳам уларнинг тарбиявий таъсир этиш усулларидан тўла фойдалана олмасликларига сабаб бўлади. Бундай ҳол иложи бориша такрорланмаслиги керак, агар қайта такрорланса, кейинги сафар ташкил этиладиган тарбиявий профилактик тадбирга фуқаролар келмасликлари ҳам мумкин ёки келганларида ҳам ижобий эмас, балки салбий фикр билан қайтиб кетадилар, ўзларида тарбиянинг ҳеч қандай таъсир кучини сезмайдилар.

Бундай пайтларда тарбиячи шахс билимли, нотиклик санъатини мукамал эгаллаган (аудиторияни ўзига жалб қила олиши), амалий тажрибага эга, аудиториянинг кайфиятини тез илғай олиш хислатларига эга бўлиши керак.

Ходимлар томонидан тарбиявий-профилактик ишларни олиб боришда кузатиш усули жуда кўл келади, чунки биринчи учрашганларида ходим доимо ўзига хос, ҳеч ким билан тенглаштириб бўлмайдиган шахсдек туюлади. Ички ишлар органларининг ходимлари тарбиявий-профилактик ишларни олиб боришда ана шундай тўсиқларни йўқ қила олиш санъатини эгаллаганликлари билан ҳам ажралиб туришлари лозим. Биринчидан, тарбиявий-профилактик ишларни олиб боришда объект билан субъект ўртасида тўғридан-тўғри тарбиявий таъсир этиш ишлари олиб борилади. Бунда, дастлаб тарбиявий жараён атайлаб олиб борилмаётгандек туюлади, лекин ҳар қандай учрашув ва тадбирнинг асосида ўзига хос тарбия, таъсир этиш ҳамда унинг элементлари мавжуд бўлади.

Жинойатларнинг олдини олиш ишлари икки томонлама – умумижтимоий ҳамда педагогик, яъни махсус ташкил этилган тадбирлар орқали олиб борилади.

Якка тартибдаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳақида Ю. В. Солопоновнинг фикри ўзига хос. Унинг фикрича, шахснинг судланганлиги – бу унинг учун ўзига хос синов муддати ҳисобланади, чунки шахс жазони ўтаб, ўзини эркин ҳаётга мослашганлигини кўрсата билиши керак¹.

Юқорида тўхталиб ўтганимиздек, якка тартибдаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва психологик-педагогик таъсир этишда рағбатлантириш ҳамда ишонтириш усуллари муҳим ҳисобланади.

¹ Солопонов Ю. В. Основания профилактического воздействия. – М., 1999. – 54-б.

Энг асосийси – шахсларга ушбу психологик-педагогик усулларни қўллаш орқали ичкиликбозликка, текинхўрликка, шунингдек, жамоат тартибини сақлаш ва рецидив жиноятчиликка қарши тўла маънодаги кураш тадбирларини амалга ошириш мумкин.

ПСИХОЛОГИК-ПЕДАГОГИК ТАЪСИР КЎРСАТИШ УСУЛЛАРИ ВА ЙЎЛЛАРИ

Якка тартибдаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва шахсларга психологик-педагогик таъсир этишда тарбия объекти доимо тарбияланувчи шахслар, уларнинг қизиқиши, дунёқараши, психологияси ва ахлоқи бўлади. Бошқача айтганда, ички ишлар органлари ходимларининг тарбия объекти алоҳида шахслар, бир гуруҳ шахслар, меҳнат жамоалари, оилалар бўлиши мумкин. Шу ўринда айтиш мумкинки, тарбияланувчилар ўртасида тарбиявий иш олиб боришда, энг аввало, кимга қандай тарбиявий таъсир этиш зарурлигини билиш керак, деган фикр мавжуд. Ушбу фикр жуда тўғри ва айти пайтда жуда долзарб.

Психологик-педагогик таъсир этиш чораларини қўллашнинг бевосита ижрочилари қўйидагилар ҳисобланади:

- фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари;
- яраштириш комиссиялари;
- хотин-қизлар кўмиталари;

– давлат корхона, муассасалари раҳбарлари, ходимлари, жамоат ташкилотларининг аъзолари, жиноятлар профилактикасини ўз ижтимоий бурчи сифатида амалга оширадиган фуқаролар ташкил қилади.

Психологик-педагогик таъсир этиш чораларини самарали йўлга қўя оладиган тарбиячи ижобий натижаларга эриша олади. Эътиборли томони шундаки, шаклланиб бораётган шахснинг психологик ўзига хослигини ўрганиш ва шахсга психологик-педагогик таъсир этиш усули ва воситалари қўллашда инобатга олиниши керак. Масалан, мунтазам равишда спиртли ичимлик суиистеъмол қиладиган ва шу асосда оилада жанжал қўзғатадиган шахс ҳам, манфаатпарастликка мойил бўлган ва ишлаб чиқаришдаги майда ўғриликлар эвазига ўз эҳтиёжларини қондиришдан тоймайдиган шахслар ҳам педагогик-психологик таъсир чораларига муҳтождир. Шу нуқтаи назардан, уларга нисбатан қўлланиладиган психологик-педагогик таъсир чоралари турлича бўлиши керак.

Таъкидлаш жоизки, психологик-педагогик таъсир этиш чораларини индивидуаллаштириш, профилактик таъсир кўрсатилиши лозим бўлган шахсларни аниқлаш сингари, хулқ-атворни прогностлаш (башорат қилиш) асосига қурилади. Масалан, илгари фирибгарлик ҳаракатлари содир этган шахслар бундай ҳаракатларни яна содир этишга жуда мойил эканликлари аниқланган. Ўғирлик қилганлиги учун судланган шахс ушбу жиноятни яна содир этиши эҳтимоли жуда юқори. Жиноятлар профилактикаси субъектлари бундай қонуниятни билгани ҳолда ўз фаолиятларини «умуман» эмас, балки муайян қилмишларнинг олдини олишга қаратишлари керак.

Якка тартибдаги тарбиявий профилактик ишларни амалга оширишда психологик-педагогик таъсир этиш чораларининг қайси вазифаларни бажаришга қаратилганлигига ва мазмунига қараб уч тоифага бўлиш мумкин:

- а) ахборот чоралари;
- б) таъсир чоралари;
- в) назорат чоралари.

Ахборот чораларига психологик-педагогик таъсир кўрсатилишига муҳтож бўлган шахсларни аниқлаш ҳамда улар билан ишлашни тўғри йўлга қўйиш учун зарур бўлган маълумотларни тўплашга қаратилган чоралар киради.

Психологик-педагогик таъсир чоралари якка тартибдаги профилактиканинг ўзига хос ўзагини ташкил қилади. Айнан улар профилактика қилинаётган шахс ижтимоийлашувидаги нуқсонларни бартараф этиш ва бу билан уни жиноят содир этишдан тўхтатиб қолишга қаратилган.

Нazorat чораларининг вазифаси психологик-педагогик таъсир чоралари қандай натижалар берганлигини аниқлаш ва шунга кўра кўрсатилган тарбиявий чораларини етарли деб топиш ёхуд қўшимча таъсир чораларини белгилашдан иборат.

Психологик-педагогик таъсир этиш чорасини қўллаш лозим бўлган шахсларни аниқламай ва ҳар томонлама ўрганмай туриб бундай таъсир кўрсатилишини режалаштириш ва амалга ошириш ижобий самара бермайди.

Психологик-педагогик таъсир этиш усуллари сифатида қуйидагиларни таъкидлаш мумкин:

- ишонтириш;
- рағбатлантириш;
- мажбурлаш.

Ишонтириш – профилактика қилинувчига тарбиявий таъсир ўтказишнинг асосий методи. Тарбиялаш – ишонтиришдир. Ишонтириш иш ва сўз орқали амалга оширилади. Ишонтириш усули соф тарбиявий хусусиятга эга бўлиб, улар профилактика қилинаётган шахснинг ҳуқуқларини асло чекламайди. Жиноятларнинг яқка тартибдаги профилактикасида қўлланиладиган одатдаги ишонтириш чораларига суҳбатлар, жамоат ташкилотлари ва меҳнат жамоаларидаги муҳокамалар, жамоат тарбиячилари, мураббийлар тайинлаш кабилар кирилади.

Рағбатлантириш – профилактик таъсирнинг муҳим методларидан бўлиб, шахснинг ижобий қарашлари, хизматларини такомиллаштириш ва мустаҳкамлашга хизмат қилади. Рағбатлантириш моддий ёки маънавий бўлиши мумкин. Рағбатлантиришдан кўзланган асосий мақсад профилактика қилинаётган шахснинг ижтимоий муҳит билан муносабатини тўғри йўлга қўйиш ва жинойий ниятидан қайтаришдан иборат. Масалан, профилактика қилинаётган шахсни ишга жойлаштиришнинг ўзи етарли эмас, унга жамоа билан тил топиши, унинг тўла ҳуқуқли аъзосига айланишида кўмаклашиш зарур. Профилактика қилинаётган шахсни гуруҳнинг салбий таъсиридан сақлаб қолиш учун уни нафақат гуруҳдан ажратиб олиш, балки унга ижобий таъсир кўрсата оладиган гуруҳга киришишига имкониятлар яратиш зарур бўлади.

Мажбурлаш – профилактика қилинувчига тарбиявий таъсирнинг истисно тариқасидаги ёрдамчи усули. У фақат бошқа усуллар самара бермаганида қўлланилади. Масалан, муқаддам судланганлар профилактик характердаги суҳбатлардан хулоса чиқармай, салбий хулқ-атворини намойиш этиб, ҳуқуқбузарликларни давом эттирса, унга нисбатан маъмурий назорат ўрнатилади, мажбурий даволаш муассасасига юборилади ва ҳоказо.

Яқка тартибдаги профилактика таъсири остига тушувчи шахсга (объект) нисбатан таъкидлаб ўтилган усулларни қўллашда қуйидагиларни инобатга олиниши шарт:

1) биринчи навбатда ҳуқуқбузарлик ва жиноят содир этиши мумкин бўлган, шунингдек салбий хулқ-атвор ва одатларга эга шахсларни аниқлаш;

2) аниқланган шахсларни профилактик ҳисобга қўйиш;

3) профилактика қилинаётган шахснинг ижтимоий-демографик, ахлоқ нормаларининг бузилиши, тарбиявий жараёни, бошқа шахслар билан муносабати, маънавий сифатлари, психологик жиҳатларини ҳар томонлама ўрганиш.

Педагогик адабиётларда тарбия усулларидан энг кўп тарқалгани меҳнат қилишга ундаш бўлиб, у меҳнатга жалб қилиш орқали амалга оширилади. Меҳнат қилиш эса жиноятларнинг олдини олишнинг ўзига хос усули. Барча ҳуқуқбузарликларнинг асосини бекорчилик ташкил этади. Шунинг учун ҳам якка тартибда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда ички ишлар органлари ходимлари доимо диққат-эътиборларини ушбу тоифа шахсларга қаратишлари керак бўлади.

Ўтказилган психологик-педагогик таъсир чоралари самарасини, профилактик тадбирларнинг натижаларини, биринчидан, шахснинг ижтимоий турмушида ижобий ўзгаришларнинг юзага келишида; иккинчидан, унинг ижтимоий фаоллигида; учинчидан, шахснинг ўзи доимо фаол, бошқаларни ҳам фаолликка жалб этишида кўришимиз мумкин.

Одамлар бир-бирлари билан муносабатга киришар экан, уларнинг асосий мақсадлари ўзаро бир-бирларига таъсир кўрсатиш, яъни фикр-ғояларига кўндириш, ҳаракатга чорлаш, қарашларини ўзгартириш ва яхши таассурот қолдиришдир. *Психологик таъсир* турли воситалар ёрдамида инсонларнинг фикр, ҳиссиёт ва хатти-ҳаракатларига таъсир кўрсатишдир. Ижтимоий психологияда психологик таъсирнинг учта асосий воситаси фарқланади.

1. *Вербал таъсир* – сўз ва нутқ орқали кўрсатиладиган таъсир. Бунда асосий восита сўз ҳисобланади. Маълумки, нутқ – сўзлашув, ўзаро муомала жараёни бўлиб, унинг воситаси сўзлар йиғиндиси ҳисобланади. Монологик нутқда ҳам, диалогик нутқда ҳам одам ўзидаги барча сўз бойлигидан фойдаланиб, энг таъсирчан сўзларни топиб, шахсга таъсир кўрсатишни хоҳлайди.

2. *Паралингвистик таъсир* – нутқни безовчи, унинг таъсирини кучайтирувчи ёки сусайтирувчи омиллар мажмуи. Бунга нутқнинг баланд ёки паст товушда ифодаланаётганлиги, артикуляция, товушлар, тўхталишлар, дудукланиш, йўтал, тил билан амалга ошириладиган ҳаракатлар, нидолар киради. Шунга қараб, масалан, дўстимиз бизга бирор нарсани ваъда бераётган бўлса, биз унинг қай даражада самимийлигини билиб оламиз. Куйиб-пишиб, очик юз ва дадил овоз билан «Албатта бажараман!» деса, ишонамиз, албатта.

3. *Новербал таъсир* – нутқсиз таъсир этиш. Бунга суҳбатдошларнинг бир-бирларига нисбатан тутган ўринлари, ҳолатлари (яқин, узоқ, интим), қилиқлари, мимика, пантомимика, қарашлар, бир-бирини бевосита ҳис қилиш, ташқи қиёфа, ундан чиқаётган турли

сигналлар (шовқин, ҳидлар) киради. Уларнинг барчаси мулоқот жараёнини янада кучайтириб (ёки сусайтириб), суҳбатдошларнинг бир-бирларини яхшироқ билиб олишларига ёрдам беради. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, мулоқотдаги характерли жиҳат шундан иборатки, суҳбатдошлар ўзаро бир-бирларига таъсир кўрсатмоқчи бўлишганда, даставвал нима дейиш, қандай сўзлар воситасида таъсир этишни ўйлайди. Аслида эса, ўша сўзлар ва улар атрофидаги ҳаракатлар муҳим рол ўйнар экан. Масалан, машҳур америкалик олим Меграбян формуласига кўра, биринчи марта кўришиб турган суҳбатдошлардаги таассуротларнинг ижобий бўлишига гапирган гаплари 7%, паралингвистик омиллар 38% ва новербал ҳаракатлар 58% гача таъсир қилар экан, кейинчалик бу муносабат ўзгариши мумкин, албатта. Лекин халқ ичида юрган «Уст-бошга қараб кутиб олишади, ақлга қараб кузатишади», деган мақол ҳақиқатга яқинроқ.

Мулоқотнинг қандай кечиши ва кимнинг кўпроқ таъсирга эга бўлиши шерикларнинг ролларига ҳам боғлиқ. *Таъсирнинг ташаббускори* – бу шундай шерикки, унда атайлаб таъсир кўрсатиш мақсади бўлади ва у бу мақсадни амалга ошириш учун барча юқорида таъкидланган воситалардан фойдаланади.

Агар бошлиқ иши тушиб, бирор ходимни хонасига таклиф этса, у ўрнидан туриб кутиб олади, илтифот кўрсатади, хол-аҳволини ҳам қуюқроқ сўрайди ва сўнгра асосий мақсадга ўтади.

Таъсирнинг адресати – таъсир йўналтирилган шахс. Лекин ташаббускорнинг суҳбатга тайёргарлиги яхши бўлмаса ёки адресат тажрибалироқ шерик бўлса, у ташаббусни ўз қўлига олиши ва таъсир кучини қайта эгасига қайтариши мумкин бўлади.

Якка тартибда ҳуқуқбузарликнинг олдини олишда психологик-педагогик таъсир чораларининг ўрни беқиёс. Масалан, жиноятлар содир этилишининг олдини олишда психологик-педагогик усулларни амалиётда қўллашда уни тўғри танлаш ва қўллай олиш ниҳоятда муҳим ҳисобланади, чунки тўғри танланган психологик-педагогик таъсир кўрсатиш усуллари амалиётда шахсларнинг ахлоқида ижобийлик юзага келишига ижобий таъсир этади. Бундай ижобийлик шахснинг жиноят содир қилиши ёки ҳуқуқ нормаларини бузишининг олдини олади. Ҳатто бошқалардан ҳам жиноят ёки ҳуқуқбузарлик содир этмасликни талаб қилиш даражасигача етади. «Ҳар қандай ақлли одам касални тузатишдан аввал, касал бўлмасликнинг ҳаракатини қилади», деган машҳур ҳикмат жиноятга қарши курашгандан

кўра, содир этилиши мумкин бўлган жиноятнинг олдини олган яхши, деган фикрни тасдиқлайди.

Психологик-педагогик таъсир этиш усуллари касбий фаолиятни тартибга солиш билан бирга, шахсларни ҳар қандай бошқа салбий ҳаракатлардан ҳам қайтаради. Бу жамият ривожига ўзига хос ўрин эгаллайди, масалан, жиноий жазони ўтаётган шахслар, нафақат айнан содир этган жиноятлари учун жазо ўтаяпмиз деб ўйлайдилар, балки бошқа жиноят содир этмаслик, уни содир этган шахснинг қилмиши асло кечирилмаслигини ҳам англаб етадилар.

Ички ишлар органлари фаолиятида психологик-педагогик таъсир этиш усуллари ўзига хос қонуниятлари мавжуд. Ходимлар жамоат тартибини сақлаш фаолиятини ташкил қилишда маҳоратли, тажрибали психолог-педагогларнинг ёрдами ва тажрибасига эҳтиёж сезадилар. Улар якка тартибдаги профилактик тадбирлардан ташқари, боғча, мактаб, болалар уйларида ҳам ўзига хос педагогик-профилактик йўналишдаги тадбирларни олиб борадилар. Масалан, профилактика инспекторлари нафақат ўзларининг маъмурий ҳудудларидаги фуқароларнинг ёшини, миллатини, қизиқишини, ҳаёт тарзини, балки уларнинг билим савияси ва тарбияланганлик даражасини ҳам ўрганадилар.

Якка тартибдаги тарбиявий-профилактик ишларни олиб боришда танланган психологик-педагогик таъсир этиш усуллари доим ҳам ўз самарасини беради, дейиш қийин. Чунки унинг самарадорлиги бевосита тарбияланувчининг индивидуал хусусиятига, психологик ҳолати ва психик жараёнларига боғлиқ. Бундан ташқари, тарбияси оғир, ҳаёт тажрибаси фақат салбий оқибатлар билан тўла шахслар ҳам жамиятимизда етарли, бундай шахсларни қайта тарбиялаш дастлабки тарбиядан бир неча бор қийин жараён ҳисобланади. Шунинг учун ҳам тарбия фақат қонунларга, норматив ҳужжатларга суянган ва асосланган ҳолда олиб борилади дейиш бутунлай тўғри эмас, чунки бу жараён шахс ва унинг фаолияти билан боғлиқ бўлгани учун бу ерда, албатта, педагогик ва психологик нуқтаи назардан шахсга таъсир этувчи турли анъана ва урф-одатларнинг аҳамиятини таъкидлаб ўтиш керак.

Ҳуқуқбузарлар билан якка тартибда тарбиявий ишларни олиб боришда психологик-педагогик таъсир этиш усуллари қўллашда психология ва педагогика фанининг принципларига суянилади. Бу принциплар – детерминизм, объективлик, тўғрисиўзлик, мақсадга интилиш, режа асосида тарбиявий ишларни олиб бориш, масалага

алоҳида-алоҳида ва якка тартибда ёндашиш, ишонч, қатъиятлилик асосида талаб қилиш, яхшилик қила олиш, ишбилармонлик ва ҳоказо.

Ички ишлар органлари ходимлари ҳуқуқбузар шахсларни тарбиялашда уларнинг билим савияси, онглилик даражасини ҳисобга олишишлари зарур. Чунки онглилик шахснинг тарбияланганлик даражасини кўрсатади.

Юқоридаги фикрлардан шундай хулоса қилиш мумкин: *биринчидан*, ички ишлар органлари ходимлари якка тартибдаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда психологик-педагогик таъсир этиш усулларини тўғри танлаши ва уларни амалиётда қўллай олишлари зарур; *иккинчидан*, ички ишлар органлари ходимлари психологик-педагогик таъсир этиш усулларини қўллашда психологик-физиологик мезонларни инобатга олишлари керак. Чунки бу мезонлар ўз-ўзидан орган ходимининг амалиётдаги фаолиятига ўз таъсирини кўрсатади. Жиноятчиликнинг олдини олишда бир қанча вазифалар ҳал қилинади, бу вазифалар бир-бири билан узвий боғлиқдир.

ПСИХОЛОГИК-ПЕДАГОГИК УСУЛЛАРНИНГ ТАНЛАНИШИГА ТАЪСИР КЎРСАТУВЧИ ОМИЛЛАР

Ҳуқуқбузарликнинг олдини олишда энг қийин жараён психологик-педагогик тарбиявий таъсир этиш усулларини тўғри танлаш ҳисобланади. Чунки ҳар қандай тартибдаги тарбиявий таъсир этиш ўзига хос тарбия усулини қўллашни талаб қилади.

Тарбиявий ишларни олиб боришда психолог-педагог назариётчилар илмий кузатишларининг ҳам ўз ўрни бор. Масалан, амалиётда тарбиявий ишларни олиб борувчи ички ишлар органлари ходимлари қўлламаётган усулларни назариячилар аниқлашлари ва ходимларга ўша усулларни қўллаб кўришни тавсия этишлари мумкин.

Ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш асосини ташкил қилувчи психологик-педагогик тарбиявий таъсир этиш усуллари ижтимоий муносабатларга киришганда ўз кучини, таъсирини кўрсатсагина ўз вазифасини бажаради.

Психологик-педагогик таъсир этиш усулларини тўғри қўллай олиш турли шаклларда намоён бўлади:

биринчидан, ҳуқуқий нормаларга риоя қилиш, уларни амалиётда қўллаш. Энг асосийси, у шахсларнинг хатти-ҳаракатида нималар мумкин ёки мумкин эмаслигини аниқлаб, кўрсатиб берувчи қурол ҳисобланади;

иккинчидан, ҳуқуқбузар шахснинг ҳуқуқий нормалардан ҳаётда ва амалиётда фойдаланиши, бу эса уларни амалиётга татбиқ этиш деб қаралади;

учинчидан, шахс хатти-ҳаракатларида ижобийликни таъминлаш, бу шахс ўз бурчини амалга оширишида намоён бўлади;

тўртинчидан, шахс хулқида ҳуқуқ нормалари ва қонунларни қўллаш маданияти, бунда қонун чиқаришнинг ўзи бирдан-бир мақсад эмас, балки ҳар қандай норматив ҳужжат каби ҳуқуқ нормалари ҳам турмушда тўла маънода қўлланилгандагина ўз натижасини беради.

Якка ёки умумий тартибдаги профилактик тадбирларни амалга ошириш ҳозирги кунда республикамизда жиноятларнинг олдини олиш ва уларга қарши курашишда жуда қўл келади. У жамиятни ҳуқуқий жиҳатдан бошқариш қонуниятига бўйсунди. Қонун бузилишининг олдини олиш ҳуқуқий нормаларга, қонунга тўла риоя қилиш орқалигина амалга оширилади.

Қонун, аҳолининг талаб ва истакларидан келиб чиқиб, ўз вақтида қабул қилинсагина доимо ижрода бўлади. Профилактик тадбирлар ҳам аҳоли ўртасида изчил равишда олиб борилса, кўзланган мақсадга эришилади. Профилактик тадбирларнинг бажарилиши ва профилактик қонунларга амал қилиниши доимо давлат томонидан қўллаб-қувватланишга муҳтождир.

Ёшлар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда уларни меҳнатсеварлик, сабр-тоқат, сабот-матонат, дўстлик ва бирдамлик руҳида тарбиялаш жуда муҳим бўлиб, бу оила бахти ҳамда бола келажагининг мустаҳкам заминидир. Шунинг учун ҳам ҳар бир ота-она ўз фарзандини ёшлигидан ўзига мос ишларга жалб қилишлари лозим.

Ота-она боласининг ишини кўриб, унинг қилган меҳнати оила учун қанчалик фойдали эканлигига баҳо берса, болани меҳнат қилишга қизиқтирса бу ҳам рағбатлантириш, ҳам педагогикада тарбиянинг бир тури ҳисобланади.

Баъзи ота-оналар тарбияда ўта қаттиққўлликни қўллаб, фарзандларига яхши тарбия бермоқчи бўладилар. Бу усул орқали болаларни тарбиялаш тўғри эмас, чунки бундай тарбияланган болалар ота-онанинг меҳри ва эркинликни сезмасликлари сабабли, кўпинча қўпол муомалали ва чехрасида кулги бўлмай, бемехр бўлиб етишадилар. Болаларнинг бундай ҳолати билан жиноятнинг ўртаси бир қадамни ташкил этади.

Жиноятчиликнинг олдини олиш бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган бир қатор вазифалардан ташкил топган. Шулардан биринчиси,

жиноятчиликнинг йўналишига, тузилишига, даражасига, сабаб ва шароитларига таъсир қилиш ҳисобланади. Жиноятларнинг олдини олиш – бу жиноятларнинг олдини олиш субъектларининг жамиятга зид йўналишлари, ғайриижтимоий ҳаёт тарзи, салбий хулқ-атвори ва одатлари оқибатида жиноят содир қилишга мойил бўлган шахсларни аниқлаш ва улар томонидан жинойий хатти-ҳаракатлар содир қилинишига йўл қўймаслик мақсадида уларга нисбатан тарбиявий ва бошқа турдаги таъсир кўрсатувчи чора-тадбирларни амалга оширишдир.

Жазони ўтаб қайтган шахслар содир этадиган жиноятларнинг олдини олишда, аввало, улар бўш вақтларини қандай, қаерда ўтказишлари ва қандай машғулотлар билан шуғулланишлари ўрганилади. Шуларни ўрганиш асосидагина якка тартибдаги тарбиявий ишларни олиб бориш мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки бундай шахсларнинг бўш вақтини самарали ташкил этилишига ички ишлар органлари ходимларининг етарли, керакли даражада эътибор бермаслиги тарбияда камчиликларга, энг асосийси, жазони ўтаб қайтган шахслар устидан ўрнатиладиган назоратнинг пасайишига олиб келади. Бундай ҳол эса жазони ўтаб қайтган шахсларнинг жамиятга зид психологияга эга кишилар билан умумий тил топишишларига ёрдам беради, бу жараённи тезлаштиради.

Жиноятларнинг олдини олиш педагогика, касбий психология, педагогика фанлари билан узвий боғлиқдир. Чунки жиноятларнинг олдини олишда дастлабки фаолият – бу шахсда эндигина жамиятга зид бўлган салбий йўналиш куртаклари шакланаётган даврда, шахснинг умуминсоний, ахлоқий меъёрлардан четга чиқишининг бошланиш вақтида амалга оширилади. Меъёрлардан четга чиқишнинг олдини олиш эса педагогика фанининг вазифасига киради.

Якка тартибдаги психологик-педагогик таъсир чораларини тўғри танлаш ва қўллаш ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишдаги тарбиявий-профилактик ишларининг асосини ташкил қилади.

Унинг қуйидаги турлари мавжуд :

1) умумий; 2) махсус; 3) ҳуқуқни ҳимоя қилувчи ва ҳуқуқни тартибга солувчи; 4) процессуал; 5) бошқарувчи.

Якка тартибда ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш учун жиноят ва жиноят-процессуал қонунларни такомиллаштириш зарур, шунингдек, бу муаммони юристлар, назариётчилар, амалиётчилар, психологлар, педагоглар ҳамкорликда ҳал қилишлари керак бўлади.

Маълумки, педагогик мулоқотда асосий мақсад тарбиявий таъсир кўрсатиш ҳисобланади. Мулоқотнинг самарадорлиги ана шу икки қирранинг қанчалик ўзаро мослиги, бир-бирини тўлдиришига боғлиқ. Фуқаролар билан муомала жараёнида уларнинг гапиришига шароит яратиш муҳимдир. Машҳур америкалик нотик, социолог Дейл Карнеги «Яхши суҳбатдош – яхши гапиришни биладиган эмас, балки яхши тинглашни биладиган суҳбатдошдир», деганда айнан шу қобилиятларнинг инсонларда ривожланган бўлишини назарда тутган эди.

Мутахассисларнинг аниқлашларича, ишлаётган одамлар вақтининг 45% тинглаш жараёнига кетар экан, одамлар билан доимий мулоқотда бўладиганлар 35–40 % ойлик маошларини одамларни «тинглаганлари» учун олар эканлар. Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, коммуникациянинг энг қийин соҳаларидан ҳисобланган тинглаш қобилияти одамга кўпроқ фойда келтиради.

Шунинг учун бўлса керак, немис файласуфи А. Шопенгауэр: «Одамларни ўзингиз тўғрингизда яхши фикрга эга бўлишларини хоҳласангиз, уларни тингланг», деб ёзган экан. Дарҳақиқат, агар сиз куюниб гапирсангиз-у, суҳбатдошингиз сизни тингламас, бошқа нарса билан овора бўлаверса, ундан ранжийсиз, нафақат ранжийсиз, балки у билан алоқани ҳам узасиз. Ўқитувчи гапираётган пайтда уни тингламаслик одобсизликнинг энг кенг тарқалган кўриниши деб баҳоланишини биласизми? Нима учун биз кўпинча яхши гапирувчи, сўзловчи бўла оламиз-у, яхши тингловчи бўла олмаймиз? Психологларнинг фикрича, бунга асосий халақит берувчи нарса – бу бизнинг ўз фикр-ўйларимиз ва хоҳишларимиз оғушида бўлиб қолишимиздир. Шунинг учун ҳам баъзан расман шеригимизни тинглаётгандай бўламиз, лекин аслида хаёлимиз бошқа ерда бўлади.

Тинглашнинг ҳам худди гапиришга ўхшаш техникаси, усуллари мавжуд. Уларнинг тури ҳам кўп, лекин асосан биз кундалик ҳаётда унинг икки усулини қўллаймиз: *сўзма-сўз қайтариши* ва *бошқача талқин этиши*. Биринчиси, суҳбатдош сўзларининг бир қисмини ёки яхлитлигича қайтариш орқали суҳбатдошни қўллаб-қувватлашни билдиради. Иккинчи усул эса суҳбатдошимиз сўзларини тинглаб, ундаги асосий ғояни ўзимизнинг талқинимизда ифода этиш. Иккала усул ҳам суҳбатдош учун муҳим, чунки у сизнинг тинглаётганингизни, ҳаттоки ундаги ғояларга қарши эмаслигингизни билдиради.

Демак, аслида суҳбатдош шахси етакчи, у суҳбатнинг мутлак ҳокими деган тасаввур унчалик тўғри эмас. Яхши тинглашда ҳам шундай куч борки, у суҳбатдошни Сизга жуда яқинлаштиради, ишончини орттиради. Чунки мулоқот жараёнидаги энг қимматли нарса – бу мантиқий ахборотнинг ўзи. Тинглаётган суҳбатдош маъноли, яхши диалогдан фақат яхши, фойдали маълумот олади. Гапирган эса аксинча, ўзидаги борини бериб, гапирмайдиган суҳбатдошдан «тескари алоқани» олиб улгурмай, ҳеч нарсасиз қолиши ҳам мумкин. Шунинг учун мулоқотга ўргатишнинг муҳим йўналишларидан бири – суҳбатдошни фаол тинглашга, бунда барча паралингвистик ва новербал омиллардан ўринли фойдаланишга ўргатишдир.

Профессионал тинглаш техникасига қуйидагилар киради:

Фаол ҳолат. Бу, агар кресло ёки диван каби мебель бўлса, унга бемалол ястаниб ёки ётиб олмаслик, суҳбатдошнинг юзидан ташқари жойларига қарамаслик, мимика, бош чайқаш каби ҳаракатлар билан унинг ҳар бир сўзига қизиқаётганлигинингизни билдиришни назарда тутати.

Суҳбатдошга самимий қизиқиш билдириш. Бу нафақат суҳбатдошни ўзига жалб қилиб, балки кейин навбат келганда ўзининг ҳар бир сўзига уни ҳам кўндиришнинг самарали йўлидир.

Ўйчан жимлик. Бу суҳбатдош гапираётган пайтда юзда масъулият билан тинглаётгандай тасаввур қолдириш орқали ўзинингизнинг суҳбатдан манфаатдорлигинингизни билдириш йўли.

Агар биз суҳбатдошимизни яхши, диққат билан тингласак, бу билан биз унда ўз-ўзига ҳурматни ҳам тарбиялаймиз. Демак, тинглаш жараёни кўпчилик тасаввур қилгани каби унчалик пассив жараён эмас экан. Мулоқотнинг самарали бўлишида тинглашнинг аҳамияти ниҳоятда катта. Чунки тинглаш қобилияти гапирувчини илҳомлантиради, уни руҳлантиради, янги фикрлар, ғоялар шаклланишига шароит яратади. Шунинг учун маърузачи профессорнинг ҳар бир чиқиши ва маърузаси талабалар диққат билан тингласа, бу педагогик мулоқотдан иккала томон ҳам тенг ютади.

Агар мулоқот жараёнида иштирок этувчи икки жараён – гапириш ва тинглашнинг ўзаро таъсир учун тенг аҳамиятини назарда тутсак, бу жараён қатнашчиларининг психологик саводхонлиги ва мулоқот техникасини эгаллашининг аҳамиятини англаш қийин бўлмайди. Шунинг учун ҳам ижтимоий психологияда одамларни самарали мулоқотга атайлаб ўргатишга жуда катта эътибор берилади.

Мавзу юзасидан савол ва топшириқлар

1. Якка тартибда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда педагогик таъсир этиши усуллари нималардан иборат?
2. Педагогик таъсир этиши тушунчаси, унинг умумий тузилиши ва механизм-ларига таъриф беринг.
3. Шахсга тарбиявий-профилактик таъсир этишининг қонунийлиги ва унга йўл қўйилиши билан боғлиқ муаммоларни айтиб беринг.
4. Тарбиявий таъсир этиши усуллари тушунчаси ва уларни ички ишлар идоралари ходимлари фаолиятида самарали қўллашнинг педагогик шарт-шароитлари нималардан иборат.
5. Профилактик хизмат вазифаларини ҳал этишда мажбурлаш, шонти-риш, рағбатлантириш каби усулларни қўллаш ва улардан унумли фойдаланиш самарадорлиги нималарга боғлиқ?
6. Ички ишлар идоралари ходимларининг ҳуқуқбузар шахсларга педагогик таъсир этишига қўйиладиган талабларни айтинг.
7. Ички ишлар идоралари ходимлари томонидан ҳуқуқбузарлар ва бошқа шахсларга таъсир этишининг қандай мақбул усуллари мавжуд?

5-мавзу
ФУҚАРОЛАРНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРБИЯЛАШНИНГ ПЕДАГОГИК
АСОСЛАРИ ВА ҲУҚУҚИЙ ТАРҒИБОТ

- *Аҳолининг сиёсий-ҳуқуқий маданиятини оширишда ҳуқуқий тарбиянинг ўрни.*
- *Ички ишлар органлари ходимлари аҳоли олдида сўзга чиқишларининг педагогик асослари.*
- *Ахборот-психологик хавфсизлик.*

АҲОЛИНИНГ СИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТИНИ ОШИРИШДА
ҲУҚУҚИЙ ТАРБИЯНИНГ ЎРНИ

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини мустаҳкамлашнинг асосларидан бири аҳолини *сиёсий-ҳуқуқий* жиҳатдан саводли қилиш, *маданиятини ошириш ва ҳуқуқий* онгини шакллантиришдек энг долзарб муаммоларни ҳал қилишдир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданият даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамотчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида»ги (1997 йил 25 июнь) фармонида кўра, ҳокимият ва ички ишлар органларининг юқори малакали ҳуқуқшунос кадрларга бўлган эҳтиёжини қондириш, замонавий билимлар асосида ҳуқуқшунос ходимларнинг касбий тайёргарлигини ҳамда уларни қайта тайёрлашни тубдан яхшилаш, шунингдек, ҳуқуқшунослик соҳасидаги илмий тадқиқотларнинг савиясини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг «Ҳуқуқий маърифат тарғиботи марказини ташкил қилиш ва ҳуқуқий адабиётларни аҳолига етказиб беришни йўлга қўйиш тўғрисида»ги (1997 йил 22 июль) қарори аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ва ҳуқуқий маданиятини шакллантиришда муҳим қадам ҳисобланади. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури» айна вақтида қабул қилинган ҳужжатдир. У аҳолининг сиёсий-ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ва ҳуқуқий маданиятини шакллантиришга қаратилган.

Шахсни ҳуқуқий тарбиялаш муаммоси бир қанча фанларнинг, жумладан криминология, жиноий жазони ижро этиш психологияси ва

касбий педагогика фанининг ўрганиш объекти ҳисобланади. Фуқароларни ҳуқуқий тарбиялаш – қонунни билиш, уни ҳурмат қилиш, бошқалардан ҳам қонунга риоя қилиб яшашни талаб қилувчи шахсларни тарбиялаш, демакдир.

Ҳуқуқий тарбия моҳиятига кўра, махсус ташкил этилиши ёки шахснинг ўзи ҳуқуқий билимларини мустақил таълим ва мустақил иш фаолиятида, энг асосийси, ҳаётий тажрибалари асосида бойитиб бориши мумкин. Махсус ташкил этилган ҳуқуқий-тарбиявий жараён шахсларнинг ҳуқуқий фаолиятини бир мақсадга йўналтиради.

Ҳуқуқий тарбиянинг асосида қонунга риоя қилиб яшаш, уни ҳурмат қилиш, шахсда ҳуқуқий маданиятни шакллантиришдек муҳим вазифа ётибди. Ҳуқуқий тарбия асосан ҳуқуқий тарғиботга, ҳуқуқий хабарга суянган ҳолда шаклланади. Ҳуқуқий тарбия оила, боғча, мактаб, ўрта махсус ва олий ўқув юртларида ҳамда ишлаб чиқариш жамоаларида шакллантирилиб борилади. Ҳуқуқий тарбияни махсус ҳуқуқий билимларга эга бўлган шахслар, яъни ҳуқуқшунос назариячилар, амалиётдаги ҳуқуқни муҳофаза қилувчи шахслар олиб борсалар мақсадга мувофиқ бўлади. Ҳуқуқий тарғибот асосида ҳуқуқий тарбиянинг элементлари мавжуд.

Шахсларни ҳуқуқий тарбиялаш фаолияти ва унинг самарадорлигини ошириш қуйидагича олиб борилади:

– ички ишлар органлари ходимларининг ҳуқуқий, ўқув-тарбиявий жараёнларни ташкил қилишларининг шакл ва усулларини аниқ белгилаш орқали;

– ички ишлар органлари ходимларининг педагогик маҳоратини илмий асосда такомиллаштириб бориш орқали.

Шахсларни ҳуқуқий жихатдан тарбиялашда ички ишлар органлари ходимлари учун педагогик жараённинг объекти, предметдан ташқари, унинг категорияларини билиш ҳам фойдадан холи эмас.

Ички ишлар органлари фаолиятидаги педагогик жараённинг мақсад ва вазифалари ҳақида гапирганда, ҳуқуқий тарбиядаги педагогик жараён нима, деган савол туғилади. Ҳуқуқий тарбиянинг педагогик жараёни тарбиянинг барча категориялари йиғиндисиدير.

Ҳуқуқий тарбия кенг ва тор маъноларда тушунилади. Кенг маънодаги ҳуқуқий тарбия шахснинг оилада ва боғчада билим олиши, ўқиши, ўзининг ҳуқуқий билимларини мустақил бойитиши, умуман, ўз устида мустақил ишлаши орқали олинadиган ҳуқуқий билимларининг йиғиндисиدير.

Тор маънодаги ҳуқуқий тарбия шахснинг юридик ўқув юртларида оладиган ҳуқуқий билимлари йиғиндисини билдиради. Ҳуқуқий тарбия – шахснинг бир мақсад йўлида, онгли равишда жамият тараққиёти ва сиёсатидан келиб чиқиб олиб борадиган тизимлашган ижобий фаолияти. Шахснинг ўзини ўзи ҳуқуқий тарбиялаши онгли равишда, бир мақсад йўлида, ўз феъл-атворида ижобий ҳуқуқий йўналишни шакллантиришидир. Бу ижобийлик давлат томонидан белгилаб қўйилган қонун-қоидаларга зид бўлмаслиги, энг асосийси, ахлоқ нормаларидан четга чиқмаслиги керак. Бу билан шахс ўзининг хатти-ҳаракатларини бошқара олиши мумкин. Шарқ халқларининг ҳаётида шундай ижтимоий омиллар мавжудки, улар шахснинг турмуш тарзини тартибга солади, уни бошқаради, булар – жамоатчилик фикри, анъаналар, миш-миш гаплар, гуруҳлараро ва шахслараро муносабатлардир. Шахсларнинг ҳуқуқий жиҳатдан тарбияланишида ҳуқуқий онг муҳим аҳамият касб этади, чунки ҳар қандай ҳуқуқий тарбиянинг асосида шахснинг ҳуқуқий онги ётади, ҳуқуқий онгнинг тўғри шаклланиши, шахсларнинг ахлоқи ва руҳиятига ҳуқуқий педагогик таъсир кўрсатади. Бу омилларда шахсларнинг қанчалик тарбия кўрганлиги билинади ва бунда шахснинг тарбияга мойиллиги бор-йўқлигини аниқлаш мумкин бўлади.

Ҳуқуқий тарғибот ва таълим ишларини олиб боришда ички ишлар органлари ходимлари, айниқса, профилактика нозирлари қўйидаги омилларни ҳисобга олишлари керак:

1) профилактика нозирлари ўз ҳудудларида ҳуқуқбузарликларнинг аҳволи қай даражада эканлигини билган ҳолда аҳоли ўртасида ҳуқуқий тарғибот ва тарбия ишларини олиб боришлари;

2) жинойтчилик ва ҳуқуқбузарликка қарши курашишда фуқароларнинг қай даражада фаоллиги ва бу ишга қанчалик ҳисса қўшаётганлиги билан қизиқиб, ўрганиб боришлари;

3) жинойт жазони ўтаб қайтган шахсларнинг қонунга қай даражада риоя қилиб яшаётганликларини аниқлаб, уларни ўз вақтида маъмурий назоратга олишлари;

4) фуқароларнинг аризаларини диққат билан ўрганиб чиқиб, тегишли чораларни кўриб боришлари;

5) янги, самарали қонунлар, қарорлар ва норматив ҳужжатларни ҳаётга ўз вақтида татбиқ эта билишлари;

6) ўз хизмат вазифаларини бажаришларида қонунга қатъий риоя қилишлари;

7) фуқаролар ўртасида ҳуқуқий мавзулардаги чиқишларида ўзларининг нотикликлари, нутқларининг равлонлиги билан ажралиб туришлари лозим.

Лекин, шу билан бирга, аҳолининг яшаш, ишлаш ва дам олиш жойларида оператив вазиятга ва аҳолининг ҳуқуқий онгига таъсир қилувчи баъзи бир омиллар мавжуд, булар:

– ўша ҳудудда яшовчи аҳолининг ҳуқуқий саводхонлиги ва умумий маданияти даражаси;

– ўша ҳудудда жойлашган олий, ўрта махсус ўқув юртлари ва муассасаларида олиб бориладиган ҳуқуқий тарғибот ва ҳуқуқий тарбиянинг аҳволи;

– ўша ҳудуддаги аҳолининг бўш вақтлари ва маданий дам олишининг қай даражада ташкил этилганлиги;

– жамоат ташкилотларида, маданият муассасаларида уюштирилган ёки уюштирилган ҳуқуқий тарбия ва тарғибот тадбирларининг аҳволи;

– ички ишлар органлари ходимларининг аҳолининг яшаш жойларида носоғлом оилалар ҳамда тарбияси қийин ёшлар билан ишлашлари ва улар билан яқка тартибдаги ишларни қай даражада йўлга қўйганликлари;

– профилактика нозирлари муайян ҳуқуқбузарликка оид далиллар билан аҳоли орасида чиқишлар қилишлари.

Профилактика нозирлари жиноят содир қилишда гумон қилинаётган шахсларнинг фаолияти билан қизиқиб, улар тўғрисида аҳолидан баъзи бир маълумотларни билиб олади. У гумон қилинувчиларнинг кимлар билан алоқада бўлиши, хулқ-атвори, аҳолининг жиноят ҳақидаги хабарга муносабатларини ўрганади.

Бугунги кунда ҳуқуқий тарбия ва ҳуқуқий тарғибот кўнгилдагидек кетяпти. Айниқса, вояга етмаганлар ўртасида олиб бориладиган ҳуқуқий-тарбиявий ишларнинг сусайиб кетганлиги, ҳуқуқий тарбия ва тарғибот устидан назоратнинг бўшлиги, аҳолининг ҳуқуқий билимлар билан таъминлаш етарли даражада олиб борилмаётганлиги учун ҳам мавжуд муаммоларнинг ўз ечимини топиши қийин кечмоқда. Ёшларнинг кўплаб ҳуқуқбузарлик ва жиноятларни содир этиш ҳолатлари, айниқса, гиёҳвандлик ва ичкиликбозликка берилиш, диний ақидапарастлик ёки турли зарарли оқимлар, гуруҳлар таъсирига тушиб қолишлари каби салбий ҳолатлар ҳали ҳам учраб турибди. Бундай муаммолар ва камчиликларни бартараф этиш, «вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаат-

ларини ҳимоя қилиш, уларнинг назоратсиз, қаровсиз қолиши ҳамда улар ўртасида содир этилаётган ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг келиб чиқиш сабаблари, шарт-шароитларини аниқлаш ва бартараф этиш чораларини амалга ошириш, вояга етмаган ёшларнинг онгини, тафаккурини шакллантириш ва юксалтириш, дунёқарашини кенгайтириш ҳамда ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида маънавият ва маърифат ишларини жонлантириш»¹, давр талабидир.

Ҳуқуқий тарбия орқали ҳар бир шахснинг ҳуқуқий онги ўсади ва ахлоқида ижобийлик юзага келади. Ҳар қандай ҳуқуқий тарбия ва ҳуқуқий тарғибот миллий ғоя ва ғоявий-сиёсий тарбияга асосланади. Ички ишлар органлари ходимлари зиммаларидаги ҳуқуқий тарғибот ва ҳуқуқий тарбия ишларини муваффақиятли амалга оширишлари, нафақат ходимларнинг юксак даражадаги ҳуқуқий билимлари, балки уларнинг ғоявий эътиқоди, уюшганлиги, интизоми, умумий юксак касбий тайёргарлик ҳолатлари билан ҳам боғлиқлигидан гувоҳлик беради².

Ҳуқуқий тарбия ишлари ҳеч қачон ҳуқуқий ахборотсиз олиб борилмайди, ҳуқуқий ахборот эса ҳуқуқий билимлар манбаига суянган ҳолда олиб борилади ва тарғиб қилинади. Ҳуқуқий тарғибот турли воситалар орқали амалга оширилади, телевидение, радио ва матбуот ана шундай воситалар ҳисобланади. Ҳуқуқий тарғибот мазмунга бой бўлса, ҳеч қачон ўз кучини йўқотмайди. Аҳолининг ҳуқуқий онгига таъсир қилишда ҳуқуқий тарғибот янгидан-янги далилларга асосланса, унинг долзарблиги кучаяди. Телевидение бугунги кунда, нафақат ҳуқуқий тарғибот ишларини олиб боришда энг кучли қурол, балки барча янгиликларни аҳолига манзур бўладиган шаклда етказиб берадиган восита ҳамдир. Турли муаллифларнинг ҳуқуқий тарғиботга турлича ёндашувларини илмий таҳлил этиб, ҳуқуқий тарғибот оммавий-мафкуравий ишнинг муайян туридан иборат, деган хулосага келиш мумкин.

Ҳуқуқий тарғибот учта – оғзаки, ёзма, кўргазмали йўналишларда олиб борилади. Учала йўналиш ҳам бир-бирини мазмунан бойитади ва тўлдиради. Ҳуқуқий тарғибот ишлари шахсларнинг ҳуқуқий билимларга бўлган қизиқишларини ўрганган ҳолда олиб борилади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш ҳақида»ги қарори // Халқ сўзи. – 2000. – 28 сент.

² Таджиханов У. Ички ишлар идоралари фаолиятида ҳуқуқий маданият ва қонунга итоатгўйлик. – Т., 1995. – 78-б.

Шундай ҳуқуқий нормалар мавжудки, бу нормалар аҳолига оммавий равишда етказилади. Бундай тарғибот ишлари ўзининг олдига кимларнидир ҳуқуқий жиҳатдан тарбиялашни мақсад қилиб қўймайди, балки ҳуқуқий билимларни фуқароларнинг барча қатламлари ўртасида тарғиб қилиш билан бирга, уларнинг ҳуқуқий ҳиссиётига ҳам таъсир қилади. Ҳар қандай ҳуқуқий тарғиботнинг самарасини ҳуқуқий тарғиботнинг мазмуни белгилайди.

Ҳуқуқий тарғибот ишлари оммавий равишда, якка тартибда ва гуруҳлар ўртасида ташкил этилади. Оммавий шаклдаги тарғибот аҳолининг барча табақаларига бир хил усулда таъсир этади, аудиториядаги шахсларнинг жинси ва ёши ҳисобга олинмайди. Аудиториянинг ҳуқуқий хабарни қандай қабул қилиши маърузачининг нотиклик санъатига, далилларни жойига қўйиб ишлатиши, ҳуқуқий саводхонлиги ва тайёргарлигига кўпроқ боғлиқ бўлади. Тингловчи шахслар ҳуқуқий хабарни ўзларининг яшаш, турмуш тарзидан келиб чиқиб қабул қиладилар. Аудиторияда ўтирган турли табақадаги шахслар олдида жонли чиқиш қилиш ҳар қандай ҳуқуқшуноснинг қўлидан келавермайди, нотик нотўғри чиқиш қилса ёки сал нотўғри ҳуқуқий хабар берса, албатта, аудиторияда акс-садо юзага келади, нотикни аудиториядан ҳайдаб чиқариш ҳолатлари ҳам бўлиши мумкин, амалиётда, ижтимоий турмуш тарзимизда бундай ҳолатлар ҳам учраб туради.

Гуруҳлар ўртасидаги ҳуқуқий тарғибот, ўз моҳиятига кўра, оммавий-ҳуқуқий тарғиботдан фарқ қилади, чунки гуруҳлар ўртасидаги ҳуқуқий тарғиботда аудиториядаги шахслар маърузачига бемалол, тортинмай савол беришлари мумкин, шунингдек, аудиториядаги шахсларни мунозарага ундаш, маърузачининг дунёқарашини уларнинг дунёқараши билан таққослаш мумкин. Гуруҳлар ўртасида олиб бориладиган ҳуқуқий тарғиботнинг яна бир ўзига хос томони шундаки, бу гуруҳларга ҳуқуқий билимларга қизиқишлари бир хил бўлган шахслар йиғилиши мумкин. Масалан, жиноий жазони ижро этиш жойларидаги шахслар гуруҳ-гуруҳга бўлиниб олишлари ва бир гуруҳнинг иккинчи бир гуруҳ билан дунёқарашлари тўғри келмаслиги оқибатида содир этиладиган жиноятларнинг олди олиниши мумкин.

Шахслар ўртасида ҳуқуқий тарғибот ишларини ҳуқуқшунослар, тарбиячилар, маҳалла оқсоқоллари, участка нозирлари олиб борадилар.

Якка тартибда ҳуқуқий тарғибот ишларини олиб бориш икки йўл билан амалга оширилади:

1) бевосита ҳуқуқий тарғибот ишлари ташкил этилади, бунда тарғиботчи субъект атайлаб, махсус ҳуқуқий тарғибот ишларини олиб боради, бундай ишларни амалга оширишда психологик алоқа ва зиддиятли ҳолатларга дуч келади;

2) ҳуқуқий тарғибот ишлари билвосита олиб борилади, масалан, ҳаётий воқеа-ҳодисаларни гапириб бериш орқали шахслар ҳуқуқий жиҳатдан тарбияланади. Ички ишлар органларининг ходимлари ҳудудида содир этилган ҳуқуқбузарликлар, жиноятлар ва уларнинг оқибатлари нималарга олиб келганлиги ҳақида гапириб, тушунтириб бериш орқали ҳар бир шахснинг ҳуқуқий онига таъсир этиши мумкин.

Муомала усули орқали олиб бориладиган ҳуқуқий тарғибот субъект шахснинг нутқи, билим даражаси ва муомала жараёнида қўллайдиган ҳуқуқий атамалар ва уларга қандай изоҳ беришига ҳам боғлиқ бўлади.

Ҳуқуқий тарбия ва тарғиботни якка тартибда олиб боришда профилактика нозирга тушган аризалар ҳам ўзига хос хабар манбаи ҳисобланади. Чунки оиласи тинчлик бўлган шахс, агар ўз оиласи, кўни-кўшнисидан кўнгли тўқ бўлса, ҳеч қачон профилактика нозирга шикоят билан мурожаат қилмайди.

Якка тартибда ҳуқуқий тарғибот ишларини олиб боришда профилактика нозирга қуйидаги омиллар туртки бўлиши мумкин: оилаларда қайноналар ва келинлар ўртасида жанжаллар содир бўлганда, эрнинг хотинга ёки хотиннинг эрга рашки кучли бўлганда, оилалардаги яшаш жойларининг торлиги ва ҳоказо. Бундай ҳолатларда фуқаролар ўртасида оила ҳуқуқи бўйича ҳуқуқий билимлар тарғибот қилинса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Аҳоли ўртасида ҳуқуқий тарғибот ишларини олиб боровчи ички ишлар органлари ходимларини икки тоифага, яъни касбий баркамол, ўз ишини яхши биладиган, касбий фаолияти жараёнида ўз билимларини мустаҳкамлаб борадиган ходимлар ва ўз устида ишламайдиган, бор билимлари билан чекланиб қолган, фавқулодда вазиятларда тўғри қарор қабул қила олмайдиган ходимларга бўлиш мумкин. Биринчи тоифа ходимларнинг ҳуқуқий тарғибот ва ҳуқуқий-тарбиявий ишларида мунтазамлик, чуқур маъно мавжуд. Иккинчи тоифа ходимларнинг фаолияти эса ҳар қандай ҳуқуқий тарғибот ва тарбия ишларининг орқага кетишига олиб келади.

Ҳозирги кунда ички ишлар органларининг кўпгина ходимлари ўзларининг ҳуқуқий саводхонлигини оширмай, ўз устларида ишламай қўйдилар. Ҳуқуқий билимларини ошириш устида мунтазам равишда ишлаб борадиган ходимлар кам учрамоқда, кўпчилик ички ишлар органларининг ходимлари эски ҳуқуқий билимлари билан қаноатланиб қолмоқдалар.

Ҳуқуқий тарғибот ва тарбия ишлари жойларда ҳуқуқбузарликлар камайса ва аҳоли ҳуқуқ нормаларига риоя қилиб яшаса, ўз самарасини беради.

Ҳуқуқий тарғибот ишларини олиб боришда ички ишлар органлари ходимлари учун ишонтириш усули энг кучли ва энг катта қурол ҳисобланади. Ишонтириш усули касбий педагогикада ўзига хосликка эга бўлиб, шахслар психологиясига таъсир этади. Шахс тарбиявий ишларни олиб боришда унинг натижасини кўра билиши керак, агар тарбиявий ишларнинг натижаси кўринмас экан, тарбиявий фаолиятнинг ҳеч қандай самараси бўлмайди.

Ҳуқуқий тарбия шахс тарбиясининг таркибий қисмларидан бири бўлиб, тарбиянинг умумий қонуниятларига бўйсунди. Шу маънода тарбия жараёнининг таркибий қисмлари – ақлий тарбия, ахлоқий тарбия, эстетик тарбия, меҳнат тарбияси, жисмоний тарбия билан бир қаторда ҳуқуқий тарбия ҳам шахс ҳаётида асосий ўринлардан бирини эгаллайди.

Ҳуқуқий тарбия ҳуқуқий онгни, қонунларга итоаткор хулқ-атвор кўникмалари ва одатларни шакллантирувчи, тизимли, тарбиячи ва тарбияланувчиларнинг аниқ мақсадга қаратилган биргаликдаги фаолиятидир. Ҳуқуқий тарғибот шахсларнинг ҳуқуқий онгини оширади, қонунларга итоаткорлик руҳида тарбиялаш учун хизмат қилади. Умуман, онг ҳуқуқий, сиёсий, маънавий омиллар билан белгиланади.

Ўз навбатида, ҳуқуқий онгнинг ҳам ўзига хос таркибий элементлари мавжуд, улар қуйидагилардан иборат:

- ҳуқуқни билиш;
- ҳуқуқ ҳақидаги тасаввур;
- амалдаги ҳуқуққа бўлган муносабат;
- ҳуқуққа қўйиладиган асосий талаблар;
- ҳуқуқий кўрсатмаларнинг ижро этилишга бўлган муносабат.

Ҳуқуқий тарғибот олиб борувчи шахслар аввало қонунларнинг моҳиятини тушуниб етишлари, сўнгра тарғиб қилишлари керак. «Тарғибот» лотин тилидаги «пропаганда» сўзидан олинган бўлиб,

«тарқатиш» деган маънони билдиради ва кенг маънода оладиган бўлсак, шахснинг шаклланишига бевосита таъсир этадиган тушунча саналади. Ички ишлар органлари ходимлари, шунингдек, судьялар, прокурорлар, назариётчи олимлар ҳуқуқий тарғибот ва ташвиқот жангчилари ҳисобланадилар.

Ҳуқуқий тарғиботнинг моҳиятига назар соладиган бўлсак, биринчидан, ҳуқуқий тарғиботнинг мазмунини давлатимиздаги қабул қилинган қонунлар ташкил қилади. Иккинчидан, ҳуқуқий тарғибот қонунларимиз ва уларнинг моҳиятини кенг омма орасида ёйишни назарда тутди.

Ҳуқуқий тарғибот ҳуқуқий тарбия билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, аҳолининг барча қатламлари орасида амалга оширилади ва жойларда қонунчиликка сўзсиз риоя қилишга ундайди.

Ҳуқуқий тарбиянинг асосий мақсади – шахсларни жиноят содир этишдан қайтариш, уларга қонун, жиноят, жазо нима эканлигини, жиноятнинг оқибатлари нималарга олиб келишини тушунтириш, улар онгида қонунларимизга ҳурмат, уни бузмаслик, аксинча, ҳамма вақт қонунларга қатъий амал қилиш, ҳуқуқий билимларни такомиллаштириб бориш билан бирга, қонунбузарликларга нисбатан мурасизликни ўргатишдан иборат. Бу эса комил инсонни тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади.

Ҳуқуқий тарбиянинг объекти алоҳида олинган шахс, гуруҳ ёки жамоа бўлиши мумкин. Ҳуқуқий тарбиялаш тарбиянинг турли усуллар, масалан, ўқитиш, ташвиқот, яқка тартибдаги тарбиявий ишлар орқали амалга оширилади. Юридик соҳада ҳуқуқий тарбиянинг қуйидаги шакллари мавжуд: ҳуқуқий таълим, ҳуқуқий тарғибот, ҳуқуқий ташвиқот. Уларни амалга оширишда турли шакллардан: оғзаки, ёзма, оммавий ахборот воситалари орқали тарбиялаш ва ҳоказолардан фойдаланиш мумкин. Шахсни ҳуқуқий жиҳатдан тарбиялашнинг шакллари ва усуллари ҳар хил бўлиши мумкин, лекин мақсад битта. Ҳуқуқий тарғиботнинг энг кўп қўлланадиган усули оғзаки усулдир, чунки оғзаки ҳуқуқий тарғибот барча қатламдаги шахсларга, ёши, жинси, касбидан қатъи назар, бир хилда етказиб берилади. Шунингдек, кўрғазмали воситалар орқали аҳолининг ҳуқуқий онгига етказиб бериладиган қонун-қоидалар ҳам мавжуд. Масалан, йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидалари асосан белгилар орқали оммага етказилади. Ҳуқуқий тарғибот ҳуқуқий тарбиянинг бошқа шаклларида ажралиб қолган эмас, балки ҳуқуқий тарбия бутун жамиятимизда мавжуд бўлган тарбияларнинг мазмунини тўлдиради.

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИ АҲОЛИ ОЛДИДА СЎЗГА ЧИҚИШЛАРИНИНГ ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИ

Муомала ва нотикликни санъат даражасига кўтариш учун энг аввало психология ва мантиқ фанларини пухта эгаллаш лозим. Мантиқ фикрлаш қонунларининг усул ва воситаларини ўргатувчи фан ҳисобланса, психология ана шу усул ва воситалардан унумли фойдаланиш ва шахсга таъсир этиш техникаларини ўргатувчи фанлар сирасига киради. Маълумки, ички ишлар органлари ходимларининг ўзаро ва фуқаролар билан бўладиган муносабатлари ИИВнинг тегишли низом, буйруқ ва кўрсатмалари билан қатъий тартибга солинган. Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2011 йил 4 июнда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари ходимларининг касб маданияти ҳақида»ги қўлланмани тасдиқлаш тўғрисида»ги 96-сонли буйруғида: *«Ходимларнинг ўз ҳамкасблари билан сўзлашиш одоби ва муомаласи ходимнинг хизматдошлар орасидаги нуфузини белгилайди. Ходим хизматдошлари билан катталарга ҳурмат, кичикларга иззат ва тенгдошларига эҳтиром тарзида самимий сўзлашади. Ўзаро мулоқотда камтар, мулойим, босиқ, вазмин ва самимий бўлади. Сўзларни аниқ, раво ва тушунарли талаффузда, шошилмасдан, ифодали баён этади. Ҳамкасблари ва бошлиқларига уларнинг унвонини айтиб мурожаат қилади. Раҳбарлар томонидан берилган топшириқларни диққат билан тинглайди. Бошлиқлари ва ўзидан катта унвондаги ходимлар билан муносабатда ўзини вазмин тутади»*¹, дейилган. Бу талабларни бажариш ҳар бир ходимнинг бурчи ва касбий маданиятининг асоси эканлигини унутмаслик лозим.

Ички ишлар ходими нутқида ҳар бир сўз мантиқан асосланган тақдирдагина унинг таъсири кучли бўлади. Нутқни тўғри ифодалаш учун фикрлар аниқ ва бир-бирига изчил боғланган бўлиши лозим. Фикр юритилаётган мавзудан четга чиқмаслик зарур, фикр тиниқ, мазмунида мантиқий зиддиятлар ва мужмал гаплар бўлмаслиги керак.

Ички ишлар органлари ходимларининг мантиқий фикрлаш усулларига *солиштириш (таққослаш), таҳлил (анализ), синтез, мовҳимлаш (абстракциялаш), умумлаштириш* кабиларни киритиш мумкин ва уларнинг нутқ фаолиятини тўғри ташкил этишдаги ўрни жуда муҳимдир.

¹Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари ходимларининг касб маданияти ҳақидаги қўлланма. –Т., 2011. – 7-б.

Солиштириш (таққослаш) усули ёрдамида ходим таққосланадиган буюм, нарса, ҳодиса ва воқеа ҳақидаги фикрлар учун муҳим аҳамиятга эга бўлган белгиларни аниқлайди.

Таҳлил (анализ) мантикий усул бўлиб, унинг ёрдамида ходим ишга тегишли буюм, ҳодиса, воқеа ва жараёнларни фикран қисмларга бўлиб, хусусиятларини ва муҳим белгиларини ажратади.

Таҳлил асосида ажратилган қисмлар *синтез усули* ёрдамида фикран бирлаштирилади ва бир бутун ҳолга келтирилади.

Мавҳумлаш (абстракциялаш) усулида ходим ишга тегишли нарса, ҳодиса, воқеа ва жараёнларнинг муҳим хусусиятларини фикран қисмларга ажратади ва иккинчи даражалиларини четлаштиради.

Умумлаштириш усул ёрдамида ходим ишга тегишли жинсдош нарса, ҳодиса, воқеа ва жараёнларнинг умумий хусусиятларини фикран бирлаштиради.

Ушбу усуллардан унумли фойдаланган ҳолда фикр юритиш ҳар бир ходимни ўз соҳаси йўналишида олиб бораётган хизматини тўғри ташкил этиши ва ўз фикр-мулоҳазаларини мантиқан изчил баён этишига асос бўлади.

Ички ишлар органлари ходимлари фуқаролар билан тушунтириш ишларини олиб боришда қуйидаги усуллардан фойдаланишлари мақсадга мувофиқ.

1. *Кўрсатиш* – идрок этилаётган предмет билан бевосита танишишнинг энг содда усули. Ходим ўз нутқини кўргазмали курул билан асосласа, фикри фуқаролар онгига чуқур етиб боришига эришади. Масалан: йўл-патруль хизмати ходимлари, ёнғин хавфсизлиги, профилактика инспекторлари ва бошқа хизмат ходимлари фуқароларга у ёки бу масалада тушунтириш ишларини олиб боришида кўргазмалилик усулидан фойдаланиши мақсадга мувофиқ бўлади.

2. *Тасвирлаш* – фикр юритилаётган у ёки бу воқеанинг белгиларини бирма-бир санаб кўрсатиш. Тасвирлаш содир этилган жиноят тафсилотларини тўғри таҳлил қилишига ёрдам беради.

3. *Ақлий хулоса* – у ёки бу турдаги муҳокамалардан ҳукм чиқариш. Ақлий хулосанинг уч тури мавжуд: *дедуктив, индуктив ва аналогия*.

Дедуктив хулосада фикр умумийдан хусусийга, индуктив хулосада фикр хусусийдан умумийликка, аналогик хулосада эса фикр хусусийдан хусусийга қараб боради. Мазкур хулоса чиқариш усуллари терговчи учун жиноят ишини очида тусмоллар тузишда муҳим ҳисобланади.

4. *Исбот, ишонтириш, далиллаш* ҳар бир фикрнинг муҳим белгисидир. Ҳар қандай мантиқий далил уч қисмдан иборат бўлади: тезис, асос (далил ёки сабаб), муҳокама.

Исбот тезисининг ҳақиқатлигини асослаб бериш учун бир қанча зарур қоидаларга риоя этиш зарур:

- тезис аниқ ва равшан таърифланган бўлмоғи лозим;
- исботнинг бошидан охиригача тезис айнан бир хил бўлиши керак;
- тезисни мустаҳкамлаш учун келтирилган далиллар шубҳадан холи, чин далиллар бўлиши шарт;
- далиллар тезис учун етарли асос бўлиши керак;
- далиллар ростлигидан қатъи назар, мустаҳкам қайд этилиши керак.

Ушбу мантиқий ва психологик қоидаларни билиш ҳар бир ички ишлар ходими учун зарурий элемент ҳисобланади. Буни эгаллаш учун эса тил, яъни грамматика қоидаларини, мантиқ ва психология фанларини яхши билиш керак.

Бундан ташқари, ички ишлар органлари ходимлари нутқ сўзлагандан бир қатор қоидаларга амал қилишлари керак бўлади. Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2011 йил 4 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари ходимларининг касб маданияти ҳақидаги қўлланма» эълон қилинган 96-буйруғининг 23-бандида шундай дейилади: «Ҳар бир ходим фуқаролар билан самимий муносабатда бўлиши, уларнинг мурожаатини диққат билан эшитиши, ваколоти доирасида кўриб чиқиши ва масаласини ҳал қилишга интилиши зарур. Фуқаролар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликларнинг қонунга зидлигини тушунтиради ҳамда қонунда белгиланган чорани қўллаш масаласини ҳал этади». Худди шу буйруқнинг 29-бандида эса, «ички ишлар идоралари ходими аҳоли билан алоқани мустаҳкамлаб, такомиллаштириб боради. Ички ишлар идоралари ходими деган юксак номни ёдда сақлаган ҳолда, хизмат вазифасига доир иш юритуви давомида ҳамда инсонийлик бурчини бажариш вақтида фуқаролардан турли кўринишдаги ҳадя ва совғаларни олмайди ва хизмат айтмайди»¹, деб таъкидлаб ўтилган. Юқорида қайд этилганларга асосланиб, ички ишлар органларининг ходимлари бир қатор қоидаларга қатъий амал қилишлари лозим. Бу қоидалар орқали ҳар қандай

¹Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари ходимларининг касб маданият ҳақидаги қўлланма. – Т., 2011. – 9-б

аудиторияни, меҳнат жамоаси ва турли тоифадаги шахсларни ўзига жалб қила олиш ва улар билан муносабатга киришиш имкониятига эга бўладилар.

Умуман, ҳар қандай тарғибот, жумладан ҳуқуқий тарғибот билан шуғулланувчилар қуйидаги қоидаларга эътибор қаратишлари зарур:

1. Ҳар доим эркин сўзлашга интилинг, сўзлашдан олдин ҳаяжонланмасликка ҳаракат қилинг. Чунки, эркин сўзлаган одам ҳаяжонланмайди.

2. Нутқ сўзлашдан олдин пухта тайёргарлик кўринг. Яхши тайёргарлик аъло нутқ гаровидир. Нутқ қисқа бўлсин, шунда унга тайёрланиш имконият кўпаяди.

3. Ҳар қандай нутқнинг давомийлиги 20 дақиқадан ошмасин. Ундан ошиб кетса, зерикарли бўлади.

4. Гапириб ўйламанг, балки ўйлаб гапиринг.

5. Кўпроқ тингланг, шунда кўп нарсани билиб оласиз. Тинглай олиш ҳам санъат. «Сўз – кумуш, сукунат – олтин» нақлига амал қилинг.

6. Ўзингизда қатъиятни шакллантириш учун кўпроқ машқ қилинг. Энг аввало ўз яқинларингиз, ҳамкасбларингиз олида нутқ сўзлаб кўринг.

7. Бирор-бир жойда нутқ сўзлайдиган бўлсангиз камроқ овқатланинг, чунки кўп овқатланиш фикрлашни сусайтиради.

8. Омма олдида сўзлашдан олдин унинг тахминий сценарийсини режалаштириб олган яхши. Аммо ташқи таъсирларни ҳам инобатга олиш зарур. Масалан, нутқ сўзлаганингизда сизга тасодифан савол беришлари мумкин. Шунинг учун гапираётган гапингиздан қандай хулосалар чиқиши мумкинлигини олдиндан англаб олинг.

9. Сиз қандай аудиторияда нутқ сўзлашингиз мумкинлигини олдиндан билганингиз маъқул. Чунки, уларнинг ёши, касб-кори, яшаш жойи, эҳтиёжларини олдиндан билиш нутқингизнинг жонли чиқишига асос бўлади.

10. Ҳар доим регламентга риоя қилинг. Бунинг учун нутқингизни кенг ва тор шакллариини ўйлаб кўйганингиз маъқул. Бунда кўпроқ статистик маълумотлар ва кам ишлатиладиган мураккаб терминлардан фойдаланишга ҳаракат қилинг.

11. Шуни ёдда тутингки, ҳар қандай нутқнинг боши, ўртаси ва охири бўлади. Энг асосийси, сиз нутқингизни қандай тугатиш ҳақида ўйланг.

12. Сиз нотиксиз, биринчи жумлани ва нутқнинг хулоса қисмини ўйлашга мажбурсиз, қолган гапларни ўз йўналишида боғлаб кетаверишингиз мумкин.

13. Расмий хужжатларни, нотаниш матнларни ўқиб беришингиз мумкин. Нутқнинг бошқа турлари эса ўқилганларни мустаҳкамлайди. Яъни юқорида кўрсатилган матнлардан ташқари кўшимча нутқ матнинг ёзиш шарт эмас Чунки ёзган матнингиз гапиришингизни қийинлаштиради. Тажрибасиз нотик ёзилганлардан ниманидир тушириб қолдиришдан қўрқиб, баттар хатога йўл қўйиши мумкин.

14. Оммавий тадбирларда нутқ сўзлашдан олдин ташқи кўринишингизга эътибор беринг. Иложи борича дадил, вазмин ва қоматни тик тутиб гапиришга ҳаракат қилинг.

15. Сиз гапирганингизда ҳаяжонлансангиз асло кўрқманг, ҳар қандай ақлли одам омма олдига чиққанида ҳаяжонланиши табиий, сиз ҳаяжонни сўзларга, эмоцияга ўтказишга ҳаракат қилинг ва маърузангиз эмоционал ва жозибали бўлишига интилинг.

16. Жуда қаттиқ ҳаяжонланиш зарарли. Ундан қочиш керак. Чиқиш қилишдан олдин яхши нарсалар ҳақида ўйланг ва нутқ мазмунидан ўзингизни чалғитинг. Аудитория ҳақида ўйлаб ваҳима қилманг. Агар буни иложини топа олмасангиз ёки чалғиш ёрдам бермаса, қўлларингизни елка кенглигига қўйиб, бармоқларингизни букинг. Сўнгра сакраб, бир қанча ҳаракатлар қилиб, орқага чалқайинг. Агар буни ҳам иложини топа олмасангиз оёқларингиз бармоқларини кучли ҳаракат қилдириг.

17. Нутқ олдидан ва гапираётган пайтингизда сув ичманг, сув юрагингизга кераксиз юк бўлади ва овозингизни бўғади. Чиқиш қилиш олдидан кераксиз гаплардан гаплашманг.

18. Гапириш вақти келганда ташқи кўринишингизни тўғрилаб, дадил қадамлар билан нутқ сўзлаш лозим бўлган жойни эгалланг.

19. Устингиздаги кийим-кечакларингиз кенг ёки ўта тор бўлмасин, пойафзалингиз оёқларингизни сиқиб қўймасин, галстугингиз бўйнингизни бўғиб қўймасин. Либосларингиздаги кенглик ва торлик эркин гапиришингизга ва ўзингизни эркин тутишингизга ҳалақит беради.

20. Ўзингизни тўғри тутинг, елкангизни бироз буринг. Иягингизни бироз кўтариб бошингизни тўғри тутинг. Оёқларингиз елка кенглигида бўлсин. Қўлларингизни қорин устида сиқиб ушламанг, букламанг, бармоқларингизни чалкаштирманг, қўлларни орқага қилманг, чўнтакка тикманг, оёқларингизни чалиштирманг.

21. Нотик қотиб турмаслиги, қўлларини эркин тутиши, гапираётган пайтда қўлларини силкитмаслиги, жуда қотириб гавдага ёпиштириб ҳам турмаслиги лозим. Гапириш темпини, овозини мазмунга қараб ўзгартириб туриши керак. Нутқ юмшоқ ва ишончли бўлиши, лекин жуда чўзилиб кетмаслиги керак.

22. Гапираётганда оғизни меъёрида очиб гапириш, меъёрида нафас олиш ва чиқариш лозим. Овозни аудиториянинг катта-кичиклигига қараб мослаш, ўта баланд овозда қичқириб гапирмаслик керак.

23. Овозни юқорига ва пастга йўналтирманг, тингловчиларга тўғри йўналтиринг.

24. Имкони борича микрофондан фойдаланманг, микрофон аудиториядагилар билан тўғридан-тўғри боғланишга халақит қилади.

25. Аудиторияга табассум билан юзланинг, улар диққат билан сизга қарамоқда. Уларга кучли назар ва хушқайфият билан боқинг.

26. Оз фурсат жимлик сақланг. Агар шовқин бошланса, жимликни чўзинг ва бирдан аудиторияга қаттиқ назар ташланг.

27 Нутқингизни юмшоқ ва енгил қилиб бошланг. Кучли зарб билан бошланг, бўлмаса нутқингизни якунлашга кучингиз етмай қолади, тингловчиларнинг ҳам тоқати тоқ бўлади.

28. Гапираётганингизда унутманг, нимани ёзсангиз ҳам сиғдира-верадиған қоғозга эмас, сизни эшитишни истаган одамларга мурожаат қиляпсиз.

29. Ўзингизни тутиб, ишонч билан гапирсангиз сизни ҳамма завқ билан тинглайди.

30. Темп оралиғини сақлаган ҳолда баланд овозда гапиринг. Кенг ва муҳим маълумотни қисқа вақтга сиғдиришга уринманг. Шошиб гапирган нотик маълумот беришдан кўрқади ва минбардан тушириб юборишларини кутади.

31. Гапираётган вақтингизда аудиторияни кузатинг. Тингловчиларнинг диққати сизга қаратилган. Бироқ нутқингиз давомида бир шахсга ҳадеб мурожаат қилаверманг, чунки ҳар бир тингловчи қайси нуқтага қараётганингизни, кимга қараб гапираётганингизни кузатиб турибди.

32. Катта аудиториядан кўрқманг, кичик аудиториядан кўрқинг. Аудитория қанча катта бўлса, ишонтириш шунча осон бўлади.

33. Ортиқча гапирманг. Нотик ниманики гапирса, омма шуни гапиради, нимани ўйласа, шуни ўйлайди. Шунинг учун нотик нима гапиришини ҳамиша ўйлаб гапиради. Лекин у нимани ўйласа, ҳаммасини гапира олмайди. Гапириб улгурмайди.

34. Иложи борича қисқа гапиринг, нутқнинг оммабоп жаранглаши тингловчиларнинг бутун борлиғига таъсир қилади. Айни дамда тингловчилар айтилаётган нарсаларнинг ўзлари учун энг керакли эканлигини англайди.

35. Иложи борича адабий тилда гапиришга одатланинг, чет эл сўзларидан имкон даражасида камроқ фойдаланишга ҳаракат қилинг.

36. Бир сўзни қайта-қайта такрорлашдан қочинг, бу ёмон иллат.

37. Нутқингизни сўз билан эмас, жумла билан безашга одатланинг. Жумлалар бир-бирига мантиқан боғлансин. Бошлаган жумлангизни якунига етказинг. Гапираётган жумлаларингизнинг узун-қисқалигини аудитория ва хонанинг кенглигига қараб тузинг. Аудитория қанча катта бинода бўлса, гапираётган жумлаларингизнинг ўртача узунлиги шунча қисқа бўлиши керак.

38. Нутқда сўз ва жимликнинг (пауза) ўрни галма-галдан алмашилиб туриши керак. Жим туриш сўз ва жумланинг тузилишига вақт ажратиш демакдир. Жим туришда аудиториянинг сизнинг фикрларингизга бераётган баҳосини англайсиз. Аммо тўғри келган жойда тинимсиз жимлик ҳам ярашмайди. Жимлик аудиториядан жавоб кутаётган пайтингизда керак.

39. Оммабоп нутқ оҳангга боғлиқ, оҳанг жумлаларга аъзо бўлган сўзга сайқал беради. Нутқ мазмунига нотикнинг муносабатини белгиловчи оҳанг табиий ва ишончли бўлиши керак. Оҳангни ҳеч қачон жумлалар охирига сурманг.

40. Нотик оммабоп нутқ сўзлаётганда ўзини булбулдай ҳис этмаслиги керак. Сиз одамларнинг фойдасига гапиряпсиз, ўзингизни кўз-кўз қилиш учун эмас. Шунинг учун ҳамма вақт нутқингиз устида ишланг, унинг аудиторияга таъсирини кузатинг. Одамларнинг маълум гуруҳи сизни қўллаш-қўлламаслигини аниқланг. Улар сизга эътиборли ёки паришонхотир, қизиқиб эшитяпти ёки аҳамият бермаяпти, дўстона ёки зўрма-зўраки тинглаётганини кузатинг. Нотик гапираётганда аудиторияда нима бўлаётганини кўриб туриши лозим ва ўз вақтида аудитория ҳолатини изга солиб туриш керак.

41. Агар аудиторияда шовқин кўтарилса, овозингизни баландлатмасдан, аксинча, пасайтиринг ёки жимгина аудиторияга диққат билан қаранг.

42. Залдаги қочирик гаплардан кўркманг. Нутқ сўзлаётганингизда дискуссияга йўл қўйманг. Мўлжалдаги гапларингизнинг ҳаммасини айтишингиз шарт. Нутқ давомидами ёки ундан кейинми, сизга берилган

саволларга жавобни аниқ, тушунарли, қисқа қилинг, тўлиқ жавоб бериш шарт эмас.

43. Ҳар қандай нутқнинг якуни дадил ва мустақкам бўлсин. Якунловчи оҳангда овозни кўтариб, керакли гапларнинг ҳаммасини айтганингизни сездилинг, аудиториянинг диққат-эътибори учун миннатдорчилик билдиришни унутманг.

Нотиқ нутқи мантиқ қоидаларига мувофиқ бўлиши учун қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

- нутқ аниқ, равшан бўлиши;
- нутқда фикр (баён) изчиллиги сақланиши;
- нутқ жараёнида фикрда зиддият бўлмаслиги;
- фикрлар далиллар асосида бўлиши керак.

Мазкур талаблар расмий мантиқнинг тўрт асосий қонуни: эътироф қонуни, қарама-қаршилик қонуни, учинчисини инкор этиш қонуни ва етарли асос қонуни билан чамбарчас боғлиқ.

Сиз мана шу юқорида санаб ўтилган мантиқий-психологик қоидаларга ҳар доим ҳам амал қила олмаслигингиз мумкин. Аммо ҳар доим ёдингизда бўлсин: одамлар сизни кийимингизга қараб кутиб олади ва ақлингизга, яъни гап-сўзингизга қараб кузатади.

Маълумки, ҳар қандай нутқий фаолият аввало оғзаки нутқ орқали амалга ошадиган жараён ҳисобланади. Оғзаки нутқ эса икки кўринишда содир бўлади. Биринчиси, *оддий сўзлашув*, иккинчиси эса *адабий тил* нормаларига қатъий амал қилган ҳолда адабий сўзлашув нутқи кўринишида бўлади.

Оддий сўзлашув шева таъсирида бўлган кундалик сўзлашувнинг ўзи. Бу сўзлашувда нутқ базасини адабий тил ташкил этмайди. Адабий сўзлашув нутқи адабий тил маданиятига, адабий тил нормаларига асосланиб нутқ сўзлашдир. Адабий тилда сўзлаш адабий тилда ёзишга нисбатан анча мураккаб кечади. Бунинг сабаблари қуйидагича: оғзаки нутқда албатта шеванинг таъсири бўлади, жуда бўлмаганда нотиқнинг талаффузида сезилади; оғзаки нутқда ёзма нутққа нисбатан ўйлаш, фикр юритиш имконияти, вақти кам бўлади. Чунки оғзаки нутқ тезкор жараён, бошни қашлаб ўтиришга вақт йўқ; оғзаки нутқда талаффуз, оҳанг, имо-ишора воситаларидан фойдаланса бўлади; оғзаки нутқнинг муваффақиятли чиқиши нотиқнинг кайфиятига, соғлигига, аудиториядаги вазиятга жуда боғлиқ; нотиқ сўзлаётганда ўз нутқига ёзма нутқидагидек етарли эътибор бера олмайди.

Шуни ҳам эсдан чиқармаслик керак-ки, матн асосида нутқ сўзлашнинг ижобий ва салбий томонлари бор. Ижобий томони нотиқ ўз фикрларини олдиндан ўйлаб тайёрлаган матнга асос қилиб олади,

фикрларининг мантиқан бирлигини таъминлайди. Фактик ва фикрий хатоларга йўл қўймайди. Салбий томони эса тингловчилар назарида билимсиздай, фикр юритишни эплай олмайдигандай кўринади. Нотик ва тингловчилар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик анча сусаяди.

Матнсиз нутқ сўзлаш нотикнинг хотираси ўткирлиги, матн мазмунини чуқур ўзлаштириб олганини кўрсатади. Ўзига ишонган нотикгина матнсиз нутқ сўзлай олади. Бу нотикнинг мазкур санъатни мукамал эгаллаб олганлигидан, бу соҳада у эришган маҳоратдан дарак беради.

АХБОРОТ-ПСИХОЛОГИК ХАВФСИЗЛИК

Ҳозирги вақтда деярли барча давлатлар ахборот соҳасида тадрижий ривожланиш ва турли хил тазйиқлар мавжуд бўлган шароитда унинг амал қилиши учун шарт-шароитлар яратиш бўйича фаолиятни кучайтирдилар. Шунинг учун XXI аср – ахборот технологиялари асри деб бежиз айтмаяптилар. Шу ўринда Акинавада 2000 йил 22 июлда жаҳоннинг ривожланган 8 мамлакати томонидан имзоланган Глобал ахборот жамияти хартиясини эшлаш мақсадга мувофиқдир. Мазкур хартия янги асрда жаҳон ҳамжамияти ривожланишининг муҳим омили бўлиб ахборот-коммуникация технологиялари ҳисобланишидан яққол далолат беради. Илмий техника тараққиёти инсоният ва жамият моддий эҳтиёжларини қондириш учун улкан имкониятлар яратди. Янги технологиялар жамият аъзолари турмушини исталган маҳсулот билан таъминлаш, sanoat, хизмат соҳасини жадал ривожлантириш учун шарт-шароит яратиш имконини беради.

Кишилар ўртасида хабар етказишни таъминлашга қодир ҳисоблаш техникаси, ахборот-алоқа тизими, Интернет тизими, шунингдек бошқа ахборот технологиялари инсон ва жамият ҳаёти ҳамда фаолиятида ахборотнинг аҳамиятини кескин ошириб юборди. Ҳозирги кунда ижтимоий-техникавий ривожланиш билан ижтимоий-сиёсий ривожланиш ўртасида мутаносиблик мавжуд бўлган жамиятгина ҳар томонлама уйғун ривожланиши мумкин. Шунинг учун ҳар қандай жамият ўзининг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва бошқа ахборотга бўлган талаб ҳамда эҳтиёжини тўлиқроқ қондиришга интилади. Юқорида айтиб ўтилганидек, бугунга келиб илмий-техникавий, ишлаб чиқариш, ижтимоий ривожланишнинг миқёси мазкур соҳаларда тўпланган ва алмашинаётган ахборотлар,

уларнинг алмашилиш суръати ва ўзлаштирилиш тезлиги билан белгиланади.

Мана шунинг учун ҳам мазкур муаммоларни ўрганишда ахборотнинг шакли ва моҳияти; ахборот хавфсизлигини таъминлаш; очиқ ахборот тизимларининг ўзига хослиги; шахс, жамият ва давлат ахборот-психологик хавфсизлигини таъминлаш манбалари ва турлари; ахборот соҳасида миллий хавфсизликни таъминлашнинг аҳамияти ва тамойиллари; ОАВ ва ахборий қарама-қаршилик; ахборот-психологик хавфсизликни таъминлашда асосий йўналиш ва усуллар; очиқ ахборот тизимларида шахснинг ўз-ўзини ҳимоя қилиши; жамоатчилик фикри ва жамият ахборий-психологик хавфсизлиги; Ўзбекистон ОАВлари ва жамиятнинг психологик хавфсизлиги каби мавзуларини ойдинлаштириш талаб этилади.

Очиқ ахборот тизимлари (ОАТ)га ахборот агентликлари, газета ва журналлар, журнал тарзидаги нашрлар, бошқа нашр маҳсулотлари, радио, телевидение, аудио ва видео маҳсулотлар киради. Интернет, матбуот хизмати, жамоатчилик билан алоқалар, давлат, жамоатчилик ва бошқа ташкилотлар ва муассасалар, реклама агентликлари тузилмалар ҳам шулар жумласидандир.

Вақтли матбуот, ахборот тарқатишнинг аудио ва видео воситалари, ахборот агентликлари, интернет-журналистика ОАВлари ҳисобланади. ОАВ ахборот тарқатишнинг асосий қисмини ташкил этади.

Ахборот моддий дунёнинг организмда ёки организмлар жамоасида акс этган ҳамда улар томонидан атроф-муҳит ўзгаришларига мослашиш учун фойдаланиладиган моддий дунё объектларининг аксидир. У маълумотлар, хабарлар шаклида намоён бўлади. Маълумотлар моддий дунё объектлари акси натижада ҳосил бўлади. Хабарлар эса бошқа хабар етказиш учун юзага келади.

Очиқ ахборот тизимларида «хабар» атамаси кишилар, ижтимоий гуруҳлар, умуман, жамият қуршаб турган оламда мўлжал топа билиши учун ижтимоий аҳамиятга эга хабар маъносини беради. Шунингдек, муайян жамиятнинг ижтимоий табиатини белгилаб берадиган маънавий қадриятларни қарор топтириш учун хизмат қилади.

Жамиятнинг ахборот хавфсизлиги унинг маънавий, иқтисодий, сиёсий соҳаларига, маданий қадриятларига, инсонлар хулқ-атворини ижтимоий тартибга солувчиларга, ахборот инфратузилмаларига ва булар ёрдамида узатилаётган хабарларга зарар етказиш мумкин эмаслигидан иборатдир.

Давлатнинг ахборий хавфсизлиги предмети ахборот ва жамият ахборот инфратузилмаларидан ташкил топган жамият ишларини бошқаришни бажариш бўйича давлат фаолиятига зарар етказиш мумкин эмаслигидан иборат.

Тазйиқ ўзаро муносабатлар объектлари ўртасидаги қарама-қаршилиқларни объектлардан бирининг салбий томонга куч билан ўзгартириш киритиш мақсадида зарар етказиш йўли билан ҳал этиш усулидир.

Миллий манфаатларга тазйиқ деганда, мамлакат миллий манфаатларини амалга оширишга тўсқинлик қилувчи миллий қадриятлар ва миллий турмуш тарзига хавф туғдирувчи шарт-шароитлар мажмуи тушунилади.

Ахборот соҳасидаги миллий манфаатларга тазйиқ деганда, ахборот соҳасида ва манфаатларни амалга ошириш бўйича фаолиятда миллий манфаатлар объектларига зарар етказиш хавфини туғдирувчи шарт-шароитлар мажмуи англашилади. Яъни ахборий фаолият соҳасида инсон ва фуқаро ҳуқуқий мавқеини амалга оширишга, ахборотлар, ахборий инфратузилмага, шунингдек, мазкур объектлар билан боғлиқ миллий манфаатларни амалга ошириш бўйича фаолиятга зарар етказиш тазйиқидир.

Ахборот соҳасида шахс ва жамият манфаатларига тазйиқ деганда, инсон ва фуқаронинг очиқ ахборотга эга бўлиши, қонун билан тақиқланмаган фаолиятни амалга оширишда фойдаланишга бўлган ҳуқуқини чеклаш тушунилади. Булар эса шахсий хавфсизлик маънавий ва ақлий ривожланишни таъминловчи ахборотлар ҳисобланади. Бундан ташқари, индивидуал, «вертуал ахборот» майдонини, унинг руҳий фаолиятга таъсир этиш технологияларидан фойдаланиш имконини шакллантириш ҳисобига жамоатчилик онгини чалғитиш имконини кенгайтириш шахснинг манфаатларига бўлган энг хавфли тажовуз ҳисобланади.

«Ахборий қурол»ни тарқатиш ва бу соҳада «қуролланиш пойгаси»ни кучайтириш ҳам ахборот соҳасидаги давлат манфаатлари учун хавф манбаи ҳисобланади. Бундай хавфлар давлат сири ҳисобланган, бошқа махфий ахборотлардан иборат бўлган маълумотларга қонунга хилоф равишда эга бўлишдан иборатдир. Буларнинг ошкор бўлиши, шубҳасиз, давлат манфаатларига зарар етказади.

Ахборий қарама-қаршилиқ – аудиторияга дунёдаги бирор ҳодисага нисбатан муносабатда бўлишга ўз қарашлари, фикрини

тиқиштириш ҳамда қарши томон ғояси ва нуқтаи назарини инкор этиш роли билан таъсир этишга интилиш.

Ахборий психологик кураш – бошқа мамлакат ёки мамлакатларда мавжуд ижтимоий тузумни бўшаштириш, жамият ахлоқини издан чиқариш, ривожланиш миллий дастурига путур етказиш, шунингдек, ўз кадриятлари ва турмуш тарзини тўғридан-тўғри экспорт қилиш мақсадида ахборот хизмати ва кўпоровчилик билан шуғулланувчи хизматларнинг ўзаро ҳамкорлиги.

Топшириқ – индивиднинг эътибор қаратишига, муносабат билдиришига, жумладан келаётган ахборотга ҳам психологик жиҳатдан тайёр эканлиги. Психологик жиҳатдан топшириқ у ёки бу қарорга келиш йўлида шаклланади. Бунда муайян ҳолат билан унга боғлиқ бўлган турли факторлар ҳисобга олинади.

Омма онгига у ёки бу кадриятларнинг психологик жиҳатдан таъсир кўрсатишида ахборий воситаларидан фойдаланиш – ахборот манипуляцияси ёки ахборот ишлатиб мақсадга эришиш ҳисобланади. Бунда кўпчилик ўзи англамаган ҳолда, ҳатто ўзларининг манфаатларига зид бўлса ҳам таъсир қилиш манбаига, объектига айланганликларини билмайдилар.

Ахборот (лотинча «informatio» – тушунтирма, баён этмоқ) замонавий фан ва сиёсатнинг асосий тушунчаларидан бири бўлиб, дастлаб кишилар томонидан оғзаки, кейинроқ ёзма ёки бошқа шаклларда узатилган маълумот. XX асрнинг ўрталаридан бошлаб инсонлараро, инсон-автомат, автомат-автомат ўртасидаги маълумот ҳамда ҳайвонлар ва ўсимликлардаги сигнал алмашинуви, ҳужайрадан-ҳужайрага муайян белгиларнинг узатилиши ва шу кабиларни англата бошлади.

Ижтимоий ҳаётга татбиқ этадиган бўлсак, ахборот кишилар, предметлар, фактлар, ҳодисалар, жараёнлар ва шу кабилар ҳақидаги маълумотлар мажмуини англатади.

Ахборот ресурслари – муайян (кутубхона, архив, фонд, маълумотлар банки каби) ахборот тизимларидаги алоҳида ҳужжатлар ва ҳужжатлар мажмуи.

Ахборотлашув жараёни жамиятдаги иқтисодий ҳамда ижтимоий-маданий ўзгаришларга жиддий таъсир кўрсатади. Ғарб социологлари фикрига кўра, ахборотлашган жамият:

- техника соҳасида ишлаб чиқариш, иқтисодиёт, таълим ва маиший ҳаётга ахборот технологияларининг кенг жорий этилиши;
- иқтисодий ҳаётда ахборотнинг товарга айланиши;

– ижтимоий ҳаётда ахборот турмуш, ҳаёт даражаси ўзгаришининг асосий омилига айланиши;

– сиёсий соҳада кенг миқёсда фикр алмашишга замин яратувчи хилма-хил ахборотларни эркин олишга йўл очилиши;

– маданият соҳасида ахборот алмашинуви давр эҳтиёжларига жавоб берадиган нормалар ва қадриятларнинг шаклланиши билан характерланади.

Айни пайтда ахборотлашган жамият:

– уйда ишлашнинг кенгайишига, транспорт ҳаракатининг камайишига ва бунинг оқибатида табиатга тушадиган «юк»нинг кескин қисқаришига олиб келади;

– иш кунининг қисқариши, одамларнинг уйда кўпроқ бўлишига, оилавий муҳитнинг барқарор бўлишига замин яратади;

– кейинги юз йилликларда кишилар шаҳар яшаш ва ишлаш учун энг қулай макон, деган хулосага келдилар. Ахборотлашув жараёни эса, қишлоқдан туриб ҳам бутун олам билан мулоқот қилиш, энг обрўли ташкилотларда ишлаш, шаҳар аҳолиси баҳраманд бўлаётган маданият ютуқларини истифода этиш имконини яратади. Бу эса, ўз навбатида, нисбатан осуда ва тинч бўлган, табиатга яқин қишлоқларга қайтиш ёки у ерда доимий қолиш учун замин яратади;

– масофавий таълим билим олишнинг энг қулай шаклига айланиш баробарида, аҳолининг кенг қатламлари учун ҳатто энг элитар олий ўқув юртлари эшикларининг очилишига замин яратади. Содда қилиб айтганда, маълумотлилик кўп даражада инсоннинг хоҳиш-иродасига боғлиқ бўлиб қолади.

Мутахассислар фикрига кўра, бугунги кунда жамиятда айнан ахборотни олиш, унга йўл топиш соҳасида кескин бўлиниш, табақалашув содир бўлмоқда.

Иқтисодий, сиёсий, маданий-маърифий ва бошқа соҳалардаги ахборотлар таъсирлашуви ижтимоий ҳаётнинг мазмунан бойиши, такомиллашувининг муҳим омили ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан қараганда, бугунги кунда ахборот алмашинуви инсоният тараққиётининг муҳим шартига айланди, дейиш мумкин.

Шубҳасиз, зарур ахборотларга эга бўлиш давр талаби. Бирок, бугунги кунда шахс, ижтимоий гуруҳ, миллат, жамият ва давлатнинг ўзи ҳақида ахборотларни тарқатиши ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бунинг икки асосий жиҳати мавжуд. Биринчидан, масалан, Интернет тармоғи имкониятлари кенгайиб бораётган ҳозирги даврда ундан мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида тутган ўрнини мустаҳкам-

лашда кенг фойдаланиш мумкин. Республикамиз Президенти Ислон Каримов таъкидлаганларидек, «бу борада ишни тўғри ташкил этиш учун Интернетдан самарали фойдаланиш, уни ўзимизнинг маълумотлар билан тўлдириш керак... Бизнинг заиф томонимиз шундаки, Интернетда Ўзбекистон билан боғлиқ маълумотлар жуда кам. Нега деганда, бизда бу жараённинг техникаси ва технологияси талаб даражасида эмас, миллий қадриятларимиз, тарих ва меросимиз, бугунги фан, санъат ва адабиётимизнинг энг яхши намуналарини Интернетга киритиш дастури ишлаб чиқилмаган»¹.

Иккинчи муҳим жиҳати шундаки, юртимиз ҳаётига доир айрим ноҳолис, тор доирадаги манфаатлардан келиб чиқиб тарқатилаётган маълумотларга жавобан ахборотларни глобал миқёсда тарғиб-ташвиқ этиш ташқи ахборот хуружларига қарши ўзига хос қалқон вазифасини бажаради. Бу эса, турли геосиёсий манфаатлар доирасидаги ахборот хуружлари таъсирини камайтириш ва миллий ахборот макони хавфсизлиги таъминланишининг муҳим шарти ҳисобланади.

Бунинг учун кишиларда ахборот истеъмоли маданиятини юксак даражада шакллантиришга эришиш зарур. Шундагина маълумотларга кўр-кўрона эргашиш, уларни нотўғри талқин этишнинг олди олинади. Энг муҳими эса, ахборот истеъмоли маданиятига эга инсон, жамият, халқ ва миллат ғаразли манфаатлар доирасидаги геохабарлар таъсирига тушиб қолмайди. Албатта, ахборот истеъмоли маданиятининг шаклланиши мураккаб жараён бўлиб, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида тизимли равишда саъй-ҳаракатларни олиб боришни тақозо этади.

Ахборот истеъмол маданияти ҳам маданиятнинг бошқа шакллари каби бир қатор функцияларни бажаради. Коммуникатив, регулятив (тартибга солиш), ахборот, аксиологик (баҳолаш) каби функциялар шулар жумласидандир. Биз таҳлил этаётган муаммо доирасида ахборот истеъмоли маданиятининг аксиологик функцияси алоҳида аҳамиятга эга. Масалан, Интернет орқали жуда кўп ижобий маълумотлар билан бирга, Шарқ маданиятига, хусусан, кишиларимиз хулқу одобига салбий таъсир этувчи ахборотлар ҳам узатилаётгани, табиийки, кишиларимиз, айниқса, ёшларимизнинг ғоявий тарбиясига салбий таъсир этиши мумкин. Ахборот истеъмоли маданиятини шакллантириш орқалигина бундай таъсирларнинг олдини олиш

¹ Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т. 13. – Т., 2005. – 301–302-б.

мумкин. Шунингдек, «биз баъзан Ғарб маданияти тўхтовсиз кириб келаётгани ҳақида таассуф билан гапирамиз. Бу шундай кучли оқимки, унга қарши чиқиш жуда мушкул. Бунинг фақат битта йўли бор. У ҳам бўлса, Интернетга ўзимизга мос бўлган маълумотларни ўз вақтида киритишдан иборат. Ҳамма гап мазкур ресурсдан ким ва қандай мақсадларда фойдаланишида»¹.

Шахс, жамият ва давлат манфаатлари, жамоатчилик фикри ва мамлакат маънавий юксалишига ахборотнинг таҳдиди. Ахборот таҳдиди шундай универсал характерга эгаки, унинг барча соҳаларга: шахс дунёқарашига, жамият барқарорлигига, давлат тинчлигига, жамоатчилик фикрини чалғитишга ва охири оқибатда ҳар бир мамлакатнинг маънавий, сиёсий, иқтисодий, маданий юксалишига ҳам жиддий салбий таъсир қилиш имконияти бор. Чунки ахборотнинг жамият, ташкилот, оила, шахс онгига кириб келиши унча ҳам кўзга ташланмайди. Ижобий ва салбий ахборотни фарқлаш, яхши маълумотни ўзлаштириш ва зарарлисини рад этиш учун инсон онги ривожланган, унинг ўзи эса мустаҳкам иродага эга бўлиши зарур. Ҳар қандай мамлакат аҳолисининг асосий қисми эса бундай имкониятга эга эмас. Шунинг учун ахборий-психологик барқарорликка биринчи ўринда ахборот тарқатувчилар, яъни давлат тузилмалари хизматчилари, журналистлар, педагоглар, жамоат ташкилотлари ходимлари ва бошқалар эга бўлиши шарт.

Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов: «Маърифатпарварлик биз учун ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ, йўқотмайди ҳам. Ақл-заковатли, юксак маънавиятли кишиларни тарбиялай олсаккина, олдимизга қўйган мақсадларга эриша оламиз, юртимизда фаровонлик ва тараққиёт қарор топади. Агар шу муаммони ечмасак, барча тоат-ибодатларимиз бир пул: тараққиёт ҳам, келажак ҳам, фаровон ҳаёт ҳам бўлмайди»², деган эди.

Ахборот – психологик таъсир воситаси сифатида. Инсон учун ахборот энг таъсирчан восита, чунки унинг онги бор. Мантиқий исбот, қолаверса, ахборот етказишнинг энг оддий усуллари шу қадар катта кучга эгаки, унга ҳеч ким ҳеч нарсани қарши қўя олмайди. Шунинг учун тарғиботи ҳаддан ташқари кучли мамлакатнинг аҳолиси фанатикларга ўхшайди. Масалан, Гитлер давридаги немис

¹ Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т. 13. – Т.: Ўзбекистон, 2005. – 304-б.

² Каримов И.А. Миллий истиқлол мафқураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. – Т., 2000. – 23–24-б.

бюргерлари бунга яққол мисол бўла олади. Инсоннинг табиати шундай яратилганки, у ахборотни қабул қилмасдан, уни тушунишга ҳаракат қилмасдан яшай олмайди. Ҳар бир одам маълумотни кўради, эшитади, ўқийди ва, энг муҳими, доимо, узлуксиз равишда, кеча-ю кундуз унга етиб борадиган ахборотнинг таъсирида яшайди. Шунинг учун ахборот ёрдамида кимгадир руҳий таъсир қилмоқчи бўлганларга ўша одамнинг психологияси, агар ушбу инсон ахборотни ўйламасдан қабул қилаверса, кўмаклашади.

Шахс ахборот-психологик хавфсизлигига таҳдиднинг манбалари ва умумий тавсифи: ташқи ва ички таҳдид, унинг тузилиши ҳамда моҳияти. Юқорида айтганимиздек, шахс томонидан ахборотни қабул қилишнинг ҳал этувчи мезони бу инсоннинг онглилигидир. Мазкур онгдан фойдаланиб, мантикий исбот ёрдамида одамга хоҳлаган, энг номаъқул ғояни ҳам «тўғрилигини» исботлаш мумкин, бу қийин эмас. Бунинг учун далилларни усталик билан танлаб, исботлаш жараёнини яхши тузиш кифоя. Демак, ахборот-психологик хавфсизликка таҳдиднинг биринчи манбаи инсоннинг ўзидир.

Ундан ташқари, бошқа манбалар ҳам бор. Улар, энг аввало, ташқи ва ички таҳдидлар сирасига аҳолини ахборот билан таъминлашнинг ҳуқуқий ва иқтисодий асослари етарли эмаслиги, фуқаролик жамияти институтлари ривожланмаётганлиги ва фуқароларнинг давлат ва нодавлат ташкилотларига мурожаатлари жавобсиз қолиб кетиши, ахборот бозори қандай ривожланиши давлат томонидан назорат қилинмаслиги, фуқаролар давлат тузилмалари фаолияти ҳақида етарли ахборот ола олмаслиги ҳамда юқори ташкилотлар томонидан қабул қилинган қарорлар уларга тушунтириб берилмаслиги ва бошқалар киради.

Шахс руҳиятининг биоижтимоий табиати, унинг хусусияти, шаклланиши ва бошқарилуви, кишининг шахсий тавсифи ва ахборот-психологик хавфсизлик таҳдиди тизимида унинг аҳамияти. Инсон руҳияти биоижтимоий табиатга эга эканлигини кўпчилик билса-да, бу ҳолатга ва бундан келиб чиқадиган оқибатларга унча ҳам эътибор берилмайди. Биоижтимоий табиат эса инсон хулқи ва онги учун етакчи омил. Демак, кенг аудитория билан ишлаш жараёнида психология қонунларини билмасдан самарали фаолият кўрсатиб бўлмайди. Инсон психологиясининг негизини биологик фазилатлар ташкил этади, одатда биологик жиҳатдан тинч бўлган оддий одам ижтимоий сифатларга эга бўлишга қодир. Зигмунд Фрейд, Карл Юнг каби файласуф-психологлар исботлаб бергани бўйича, инсон

онгининг фундаментини онгсиз биологик хусусиятлар (шахсий ва жамоавий онгсизлик) ташкил этади. Шундай экан, ахборот хавфсизлиги соҳасида ихтисослашаётган мутахассислар буни эътиборга олишлари зарур.

Масалан, ҳар бир инсоннинг хулқи, нуқтаи назари ва позицияси турли ахборот ёрдамида ҳар хил бошқарилиши мумкин. Сиёсатшунослар ёки журналистлар бир воқеани, битта фактни шундай талқин қила оладик, ундан кенг аудитория ижобий ёки салбий хулоса чиқариши одатий ҳол бўлиб қолган. Шундай экан, ахборот-психологик хавфсизлик таҳдиди тизимида фаолият кўрсатадиган Ўзбекистон ОАВ улар учун энг муҳим омиллар бўлган тезкорлик ва ҳақиқатгўйлик принциплари асосида иш олиб боришлари ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади.

Жамият ахборот-психологик хавфсизлигига таҳдиднинг манбалари. Бундай манбалар кўп, уларнинг асосий қисми шахс ахборот-психологик хавфсизлигига таҳдиднинг манбалари таркибида келтирилди. Қўшимча равишда бутун жамият ва миллатга хавф солаётган манбаларни келтириш мумкин, масалан, миллатчиликни, шовинизмни, империявий тафаккур, мафкуравий экспансионизм ва бошқа шу каби иллатларни қўзғатувчи давлатлар, ташкилотлар ва шахслардир¹.

Ахборотда ҳудудий муносабатлар: ахборот олиш ҳудудини таъминлаш; шахсий ҳаёт ва оила сири, сирли ёзишмалар дахлсизлигини таъминлаш. Энг аввало айтиш керакки, ахборий хуружни ҳудудий жиҳатдан олтига асосий турга ажратиш мумкин: 1) умумсайёравий (бир қутбли, яъни «однополярный» дунёни ташкил этишга ҳаракат қилувчи давлатлар томонидан амалга оширилади); 2) қитъавий (Осиё ёки бошқа қитъага нисбатан); 3) регионли (ўзаро чегарадош, масалан, Марказий Осиё мамлакатларига нисбатан); 4) давлат (Ўзбекистон)га нисбатан; 5) минтақавий (масалан, Фарғона водийси); 6) маҳаллий (вилоят, шаҳар, туманга нисбатан).

Табиийки, ҳар бир давлат ўз ахборот ҳудудини ўзи ташкил этади. Бошқа давлат томонидан ушбу мамлакат ҳудудида интенсив равишда ахборот тарқатиш ахборий хуруж ҳисобланади, бундай ҳаракат ушбу давлатни ўз ахборий маконини ҳақли равишда ҳимоя қилишга ундайди. Ҳимоя қилинадиган соҳаларга давлат ва жамият

¹ Қаранг: *Пахрутдинов Ш.* Тараққиётга таҳдид: назария ва амалиёт. – Т., 2006. – 73-б.

манфаатларидан ташқари, шахсий ҳаёт дахлсизлигини, оилани асраш ва сирли ёзишмаларни асраш ҳам киради.

Ахборот-психологик хавфсизликни шахсга таъсир этувчи восита ва усуллари. Ахборотни қабул қилиш, қайта ишлаш, тарқатиш механизмлари, жамиятдаги трансформация ва унинг қайталаниши. Ахборот-психологик хавфсизликнинг шахсга таъсир этувчи восита ва усуллари аслида кўп, лекин анъанавий равишда улар учта асосий турга бўлинади: давлат етказадиган, ОАВ ва норасмий мулоқотдаги ахборот. Норасмий ахборот – шахснинг маҳалла, иш жойи, ўртоқлари, транспорт воситаларида, жамоат жойларида эшитган маълумоти.

Инсоннинг ахборот билан ишлаши бир нечта асосий бўғинни ташкил этади, улар қуйидагидан иборат: 1) маълумотни қабул қилиш, англаб олиш ва эслаб қолиш; 2) ахборотни англаш ва эслаб қолиш жараёнида, материални қабул қилувчининг билими ва психологиясидан келиб чиққан ҳолда, қайта ишлаш ва янгиланган ахборотни хотирада сақлаш; 3) ахборотни тарқатиш.

Ҳар бир босқичнинг ўз қоидалари бор ва уларга риоя қилмаган одам ушбу фаолиятда инқирозга учрашиши аниқ. Ахборотни қабул қилиш энг оддий нарса, лекин бу ерда ҳам, агар эшитиш, кўриш ёки ўқиб олиш учун етарли шароит бўлмаса, кенг омма маълумотни тушунмайди ва эслаб қола олмайди. Ахборотни англашга келсак, аудитория вакиллари турли ижтимоий қатламларга тегишли бўлиши туфайли улар барча ахборотни эслаб қола олмайди, шунинг учун хорижий шоввоз журналистлар ўз хабарларини иложи борича содда, қисқа ва аниқ тарзда узатишга ҳаракат қилади, материалнинг асосий ғоясини эса бир неча марта такрорлайди. Улар ҳар бир фуқаро эшитган янгилигини ўзи яшайдиган шароитга қиёслаб тушунишини жуда яхши билади ва узатиладиган маълумотларни айнан ушбу талабга мослаштириб тарқатади. Шунинг учун ахборот хавфсизлиги соҳасидаги мутахассислар юқорида келтирилган қонуниятларни эътиборга олиб ишлашлари зарур.

Ахборотни тарқатиш механизми эса катта тизим орқали амалга оширилади, булар матбуот, радио, телевидение ва интернет. Бу ҳақда биз кейинги маърузада тўхталамиз.

Шахс ахборот-психологик хавфсизлигига таҳдиднинг шаклланиш омиллари, унинг таъсир доираси кенгайиши. Замонавий босқичда шахснинг ахборот-психологик хавфсизлигига таҳдидларнинг кўлами анча кенг бўлиб, улар ичида асосийлар деб қуйидагиларни келтириш

мумкин: *биринчиси*, шахс кадр-қимматини поймол қилмаслик, фикр ва сўз эркинлиги, адабий, бадиий ва илмий ижод эркинлиги; *иккинчиси*, шахсий ҳаётнинг дахлсизлиги, шахсий ва оилавий сир ҳимояси; *учинчиси*, оммавий ахборот воситалари эркинлиги, ҳар бир киши уларда қонун доирасида ўз фикрини айта олиши. Мутахассисларнинг кузатишларига кўра, ОАВда фуқаролар ўз фикрларини эркин айтишлари давлат учун хавфли эмас, одамлар эса уларнинг сўзини бошқалар ҳам эшитишини хоҳлайди ва шунга интилади; *тўртинчиси*, маънавий қадриятларга, халқнинг урф-одатлари, жамиятнинг маданий меросига кимдир томонидан хужум қилиниши.

ОАВ ахборот-психологик урушни олиб бориш воситаси сифатида. Афсуски, айрим ОАВ бугунги кунда шундай воситага айланганлар. Ушбу урушда ОАВнинг ўрни ва ролини аниқлаш учун энг аввало ахборий-психологик уруш маъносини англаб олиш зарур. «Ахборот уруши» иборасининг асосчиси физик олим Томас Рон ҳисобланади, 1976 йилда у ахборотни ҳарбий кучларнинг энг заиф буғини деб таърифлаб, ушбу масалага барча давлат миқёсидаги масъул кишиларнинг эътиборини қаратди. Шундан бери мазкур иборанинг аҳамияти кундан кунга ортиб келмоқда.

Бевосита ахборот уруши таърифига қуйидаги иқтибосни келтирмоқчимиз: «Ахборот уруши деб, ижтимоий, сиёсий, этник ва бошқа тизимларнинг моддий ютуққа эга бўлиш мақсадида бири-бирига очик ва яширин мақсадли ахборий таъсирларга айтилади. Шу билан бир қаторда ахборот уруши деб янада рақиб устидан ахборий ҳуқмронликка эришиш ва шунинг эвазига унга моддий, мафкуравий ёки бошқача зарар етказиш учун давлатнинг ҳарбий кучлари, ҳукумати ҳамда хусусий ташкилотлари томонидан амалга ошириладиган тадбирлар ва операциялар мажмуасига айтилади»¹.

Турли ОАВ (телевидение, радио, даврий матбуот)нинг ўзига хос психологик таъсири. Ҳар бир ОАВ аудиторияга ўзига хос таъсир этиш кучига эга. Интернетгача уларнинг ичида энг самаралиси телевидение эди, чунки у томошабинга уч йўл билан, яъни тасвир, овоз ва мантиқ орқали ахборот етказди. Шунинг учун телевидение оммавий равишда тарқалганидан кейин беш-ўн йил ичида беш юз йиллик тарихга эга бўлган матбуотдан узиб кетди. Радио ҳам катта кучга эга, чунки у овоз ва мантиқ орқали таъсир кўрсатади. Унинг

¹ Қаранг: *Манойло А.В., Петренко А.И., Фролов Д.Б.* Государственная информационная политика в условиях информационно-психологической войны. – М., 2006. – С. 203.

афзаллиги – жонли овоз ёрдамида аудитория билан мулоқот қилиш, бундай усул ахборот манбаи билан тингловчи ўртасидаги масофани йўқотади. Инсон овози, унинг юракдан чиқиши, ундаги ҳаяжон ва самимийлик радионинг имкониятини кескин оширади.

Психологик таъсир технологияси. Юқори технология ва оммавий коммуникация. Психологик таъсир инсон ахборотни қабул қилиш йўллари билан боғлиқ: кўриш, эшитиш, таъмини билиш, ҳидини сезиш, қўл билан тегиш, фикрлаш ва ҳоказо. Ахборот хавфсизлиги масаласига келганда психологик таъсир кўпроқ ОАВ ёрдамида амалга оширилади, шу боис улар мутахассислар томонидан тинмай мукамаллаштирилмоқда. Натижада ривожланган мамлакатлар матбуот, радио ва телевидениенинг барча имкониятларини ўзида мужассамлаштирган Интернетдек юқори технологияга эга бўлдилар.

Интернет оммавий коммуникация таъсирини энг баланд поғонага кўтарди. Сайтга жойлаштирилган маълумот бир зумда бутун дунё бўйича тарқалиб кетади. Унинг адади (тиражи) эса чексиз. ОАВнинг роли Интернетгача ҳам кучли бўлган, энди эса уларнинг таъсири тасаввур қилиб бўлмайдиган даражага етди. ОАВдан ташқари Интернет реклама, маълумотлар етказиш, электрон почта хизматларини ҳам бажаради. Энг қулайи шундаки, Интернетда маълумот жуда кўп, у арзон ва ўта тезкор.

Ахборот урушини аниқлаш. Ахборот уруши таркиби: психологик, электрон ва дезинформацион; ахборот ҳужуми ва унинг турлари (тўғридан-тўғри, айланма), ахборот тизимининг ишдан чиқиши. Ахборот урушининг таърифини биз юқорида келтирган эдик. Ушбу фикрни давом эттираемиз. Ахборот урушининг хусусиятлари қуйидагилардан иборат: *биринчидан*, ахборот қуролини ишлаб чиқиш унчалик ҳам қиммат эмас ва бу ишни турли соҳа мутахассислари бажариши мумкин; *иккинчидан*, чегараларнинг нисбийлиги: давлатлар, қонуний ва ноқонуний ҳаракатлар, ҳарбий ва ноҳарбий жанглар ўртасида ва ҳоказо; *учинчидан*, ҳужумнинг олдини олишнинг иложсизлиги; *тўртинчидан*, зарарни ҳисоблаб чиқишнинг мураккаблиги; *бешинчидан*, ҳарбий блоklar, бирлашмалар тузиш қийинлиги ва ҳоказо.

Ахборот қуроли, унинг ўзига хослиги, замонавий дунёда уни қўллаш имконияти ва кўлами. Ахборот қуролининг кенг ва тор маънолари бор. Кенг маънода ахборот қуроли рақибни керакли йўналишда фикрлашга ундайдиган, унинг нуқтаи назарини ўзгартиришга қодир бўлган ва керакли ахборот ёрдамида амалга

ошириладиган ҳаракатлар. Тор маънода ахборот қуроли рақибнинг ахборот захиралари устидан назоратни таъминлайдиган ва унинг телекоммуникациялари тизимларига зарар етказа оладиган техникавий усуллар ва технологиялар. Демак, ахборот қуроли – рақибнинг ахборот ва бошқарув тизимларига таъсир этувчи махсус мослама ва воситалар. Табиийки, ахборот технологиялари ривожланган мамлакатлар томонидан бундай қуролдан фойдаланиш имкониятлари жуда кенг.

Ахборий қарама-қаршиликнинг мақсади, восита ва шакллари, уни назорат этиш, жамиятнинг умумий ҳолатига келтирадиган психологик зарарлари. Ахборий қарама-қаршиликнинг мақсади – дунёвий (глобал) ахборот майдонида миллий манфаатлар ҳимоясини таъминлаш. Мазкур мақсадга эришиш эса турли мамлакатлар томонидан турлича амалга оширилади: технологик кучли давлатлар ҳукмронлик қилишга интилади, ривожланаётган давлатлар эса ўзини ҳимоялашга ҳаракат қилади. Иккала томон ҳам ўзига қулай келадиган усуллардан фойдаланади.

Оммавий коммуникация – хориж ОАВда ахборот экспансиясидан ҳимояланиш, фикрлаш ва ўзини тутиш воситаси сифатида. Хорижий ОАВ экспансиясидан ҳимояланиш учун энг қулай чоралардан бири – маҳаллий ОАВ. Ўзбекистон шароитида бунинг учун миллий газета, радио ва телевидениемизнинг имкониятлари бор, фақат улардан самарали фойдаланишимиз зарур. Бунда бош омил ва мустаҳкам фундамент миллий истиқлол ғоясидир.

Жамоа руҳияти ва унинг ўзига хос хусусиятлари. Ахборот манипуляцияси, унинг мақсад ва вазифалари, қоида, усул ва шакллари. Жамоатчилик фикрига таъсир этувчи ахборотнинг ижтимоий феномени. Оммавий аудиторияга психологик таъсирнинг усул ва шакллари. Алоҳида бир одамнинг руҳияти жамоа руҳиятига тенг эмас, албатта. Энг қизиғи шундаки, жамоа руҳиятида онгсизлик даражаси баландроқ. «Ум хорошо, два лучше (бир ақл яхши, икки ақл янада яхши)» деган рус мақоли ОАВ хабарларини оммавий қабул қилинишига тўғри келмайди. Оммавий таассуротда ОАВ томонидан айтилган гапларга бирдан ишониш, ваҳимага тушиш, салбий информацияга кўпроқ берилиш кайфиятлари анча кучли. Буни Карл Юнг «жамоавий онгсизлик» («коллективное бессознательное») деб таърифлаган ва бугунги кунда ушбу психологик категорияни топиб, уни исботлаб берилгани Юнгнинг буюк кашфиёти деб ҳисобланади.

Умуман олганда, ахборот-психологик хавфсизлик тушунчаси қандай пайдо бўлди? Унинг ҳаётийлиги, инсоният тақдирига дахлдорлиги нимада? Ана шундай савол туғилишининг ўзи муаммонинг долзарблигини ва ўта кескинлигини кўрсатади. Бизнингча, ахборот-психологик хавфсизлик тушунчаси қуйидагиларда намоён бўлади:

Биринчидан, ахборот-психологик хавфсизлик – бевосита инсон руҳиятига таъсир ўтказиш орқали уни ўз ақидаларидан, муқаддас идеалларидан, эътиқодидан айирадиган бузғунчи ғоялардан асраш. Демак, ахборот-психологик хавфсизликка эҳтиёж, энг аввало, бевосита инсон ва жамият, инсон ва давлат, шахс ва унинг дахлсизлиги, миллат ва миллий қадриятлар, жумладан урф-одатлар, анъаналар, тарихий ва маданий мерос, авлодлар ворисийлиги, миллатнинг истиқболи билан боғлиқ бўлган қадриятларга маънавий-руҳий таъсир, бузғунчи ғоялар ва тажовузкор мафкураларнинг мавжудлигидан келиб чиқади.

Иккинчидан, ахборот-психологик хавфсизликка риоя қилинмаса, унга нисбатан таъсирчан чоралар кўрилмаса, бузғунчи ғоялар миллий қадриятларни барбод этиш орқали тарихан мавжуд бўлган халқлар ва миллатларни геноцидга олиб келиши муқаррар.

Учинчидан, тифиз ахборотлашган жамиятда ахборот орқали замонавий руҳий таъсир технологияларининг тобора ривожланиб бораётганлиги шахс ва жамият тафаккурининг шаклланишига у ёки бу тарзда кучли таъсир ўтказади. Жамоатчилик фикрининг қай даражада шаклланганлигига, жамиятнинг сиёсий онги, ҳуқуқий билимлари савияси, маънавий-маърифий даражасига қараб жамият тараққиётга ёки таназзулга юз тутиши муқаррар.

Тўртинчидан, ижтимоий фикрни шакллантиришда ахборотнинг таъсири, ахборот технологияларидан фойдаланиш усуллари ва воситаларининг тобора кенгайиб бораётганлигини назарда тутсак, ахборот-психологик хавфсизлик муаммоси яна ҳам кескинлашади.

Бешинчидан, мазкур атаманинг моҳияти шундаки, у инсон, жамият тушунчалари доирасидан чиқиб, яхлит инсоният, бутун кишилик тақдир билан боғлиқ бўлган глобал масалаларни ҳам қамраб оладика, натижада ҳозиргача мавжуд бўлган глобал муаммоларнинг энг тажовузкори, энг бузғунчиси ёки аксинча, энг ташаббускори бўлиб қолиши муқаррар. Бу ҳолат халқаро сиёсатда, давлатлараро, минтақалараро муаммоларни ҳал этишда буюк давлатчилик шовинизми авж олиши мумкин бўлган ҳолатларда яна ҳам хавфлироқ моҳият касб этади. Бу кўпроқ анъанавий сиёсий

мувофиқлаштириш тажрибаларидан кенгроқ фойдаланишни тақозо этади. Яъни шарқона муносабатлар илми, мулоҳазалилик, мушоҳадалилик, ҳар қандай воқеа ва ҳодисаларга ақл-идрок йўриғи билан ёндашиш тамойили устувор бўлмоғи лозим.

Ахборот сиёсатини тигиз ахборотлашган жамият шаклланаётган бир пайтда ҳозирги замонавий талаблардан келиб чиқиб янгилаш, модернизациялаш зарур.

Ахборот орқали юзага келган психологик можаролар шароитида давлат ахборот сиёсатининг вазифаси жамиятни салбий ахборот-психологик хуруждан ишончли сақлаш, қатъий ҳимоя қилиш механизмини яратиш билан белгиланади.

Ҳар бир янги ахборот-психологик можаро ҳимоя қилинаётган жамият учун янги таҳдидларни келтириб чиқариши ҳам мумкин. Демак, таҳдид қанча кўп бўлса, қўрқув, ҳадик ва ишончсизлик шунча кўпаяди. Ана шундай маънавий, руҳий, ижтимоий вазиятдан келиб чиқиб, жамият кайфиятини мувофиқлаштириб, йўналтириб, бошқариб туриш муҳим аҳамият касб этади.

Олтинчидан, ахборот-психологик хавфсизлик тушунчаси маълум бир халқ, миллат, мамлакат ҳаётида жиддий ижтимоий хавф туғдириши мумкин бўлган замонавий ахборот технологиялари имкониятларидан тинчлик ва барқарор тараққиёт йўлида унумли фойдаланиш, уни бошқариш, ҳар қандай ижтимоий-иқтисодий манфаатларга сиёсий тус бермаслик усуллардан фойдаланишни тақозо этади.

Бизнинг назаримизда ахборот-психологик хавфсизлик бевосита сиёсий можароларнинг олдини олиш, энг аввало, инсоннинг ўзини ўзи тушуниши ва фуқаролараро муносабатларни юксак маънавий-маърифий мезонлар асосида шакллантириш, ахборот куролидан замонавий инсонпарвар тафаккурни, ижодкорлик руҳини, яратувчилик қобилиятини, бунёдкорлик имкониятларини шакллантиришни тақозо этади.

Ахборот-психологик хавфсизлик тушунчаси ана шу тарзда маънавий-ахлоқий мезонга айланади. Эркин шахс ва озод кишилик жамоаси бўлган фуқаролик жамияти шароитида ахборот-психологик хавфсизликнинг ўзига хос тизимлари шаклланмоғи лозим. Бу бевосита ОАВ фаолияти ва унда хизмат қиладиган ахборот олувчи, сақловчи ва тарқатувчи ходимларнинг сиёсий савиясига, касб маҳоратига ва энг муҳими, фуқаролик позициясига, жамият ишига дахлдорлик туйғусига боғлиқ. Зотан, ахборот-психологик хавфсиз-

ликни таъминлашнинг бош мезони ва асосий таянчи – миллат-парварлик, ватанпарварлик, фидокорлик туйғуси!

Албатта, ахборот-психологик хавфсизликни таъминлашнинг ўзига хос асослари бор. Булар:

биринчидан, ташкилий-техник жиҳатдан таъминланганлик. Замо-навий техника ва технологиялар билан етарли даражада қуролланиш;

иккинчидан, мустаҳкам моддий-молиявий асосларга эга бўлиш. Ахборот-психологик хавфсизликни таъминлашга хизмат қиладиган соҳа ходимларининг моддий манфаатдорлигини ошириш;

учинчидан, замонавий ахборот технологияларини бошқарадиган, ундан самарали фойдалана оладиган, замонавий билимларга эга бўлган, ҳар томонлама кенг фикрлайдиган қобилиятли кадрларни тайёрлаш.

Демак, ахборот хуружи тобора авж олиб бораётган, якка тартибда ҳар бир фуқаро, ҳар бир инсон онгига кучли таъсир ўтказаётган, кенг миқёсда олганда эса жамият тараққиёти ва миллат тақдирини ҳал қилишга қодир бўлган, глобал миқёсда эса бутун инсоният ҳаётини кафолатлайдиган, унинг тараққиёти ёки таназзулини белгилашга қодир бўлган тифиз ахборот тизимини бошқариш, тартибга солиш, ундан фойдаланиш меъёрларини ишлаб чиқиш ҳозирги замоннинг энг долзарб муаммоларидан биридир.

Шахс онгида гоя ва фикрнинг пайдо бўлиши. Мафкура ва психологик хавфсизлик муаммолари. Жаҳон ҳамжамиятининг мустақил Ўзбекистонни тан олиши, давлатимизнинг кенг ташқи сиёсий ва иқтисодий фаолияти ўзбек халқининг маънавий қадриятлари ва имкониятлари тикланишига, ўзини бошқа халқлар орасида тўла ҳуқуқли миллат сифатида англаб етишига кенг имкон яратмоқда. Тобора кенгайиб бораётган халқаро алоқалар жаҳон маданиятини янада чуқурроқ билиш, умуминсоний қадриятлардан баҳраманд бўлиш учун қулай замин яратмоқдаки, бу, ўз навбатида, ўзбек халқининг турли фаолият соҳаларида истеъдоди ривожланишига, унинг тадбиркорлик ва киришимлилик, бир неча чет тилларни ва компьютер технологияларини тез ўрганиб олиш каби иқтидори рўёбга чиқишига, хориж мамлакатларига бориш, улар билан алоқалар ўрнатиш, дунё стандартлари бўйича олий ўқув юртларида таҳсил олиш имконини берди. Ана шу алоқалар туфайли миллий меҳмоннавозлик ва саховат анъаналари янада ривожланди.

Алоқаларнинг кенгайиши ҳақиқий маънавий ва маданий қадриятларни муносиб баҳолаш имконини берди. Ҳозирги ёшлар

ҳам, уларнинг ота-оналари ҳам учраган кинони кўриб, дуч келган маза-матраси йўқ китобларни ўқиб кетаётгани йўқ Атайлаб юртимизга олиб келинаётган Ғарбнинг сунъийлаштирилган санъатидан, «кенг истеъмол»даги маданиятидан норозилик бизнинг халқ билан бўлаётган деярли барча учрашувларимизда сезилиб турибди. Бундай маҳсулотнинг илгариги «ман этилган неъмат»га хос «лаzzати», жозибадорлиги деярли қолмаган. Ҳозирги кунда хорижнинг маданий кадриятларидан фойдаланишга анча жиддий ва танлаб ёндашиш эҳтиёжи кучайиб бормоқда. Лекин очиқ оммавий ахборот воситалари орқали тинимсиз маълумотлар қуюлиб келаётган шароитда онги ҳали шаклланиб улгурмаган фарзандларимиз учун таҳдид ҳам, атайлаб уюштирилаётган мафкуравий тажовузлар ҳам бор.

Дарҳақиқат, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, «миллий ғоя ва истиқлол мафкураси ҳақида гап борар экан, биз ниҳоятда кенг қамровли, мураккаб, серқирра, инсоният тарихида аниқ ва мукамал ифодаси, тугал намунаси ҳали-хануз яратилмаган тушунчаларни ўзимизга тасаввур қилишимиз керак, деб ўйлайман. Бу тушунчалар Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги каби юксак ғояларнинг маъно-мазмунини теран англаб етишга хизмат қилади. Бу мафкура халқни халқ, миллатни миллат этадиган, унинг шаъну шарафи, ор-номуси, ишонч-эътиқодини ифодалайдиган, жамиятимизнинг ўзига хос тараққиёт йўли, турмуш тарзи, туб манфаатларига таянган ҳолда муттасил ривожланиб, такомиллашиб борадиган ғоялар тизимидир».

Давлатимиз раҳбарининг кўрсатмалари ва истиқболли ғояларидан келиб чиқиб, ҳозирги мураккаб шароитда халқимиз, аввало, ўсиб-униб келаётган ёш авлодимиз онги ва қалбида *мафкуравий иммунитет* ҳосил қилиш муҳим аҳамият касб этган вазифалардан биридир. Бу ишни бамисоли ниҳолга мевали дарахт куртагини пайванд қиладиган уста боғбондек нозиклик ва меҳр билан, оқилона йўл танлаш орқали амалга ошириш лозим.

Очиқ ахборот коммуникация тизимида инсоннинг ахборот таҳдидларини баҳолаш ва хавфсизликни таъминлаш имкониятлари. Шахс турли мафкуравий таҳдидлардан қандай сақланиши мумкин? Ушбу масалага ойдинлик киритиш учун аввало «эгоцентризм» тушунчасига изоҳ бериш даркор. «Эгоцентризм» лотинча «ego» – мен ва «centrum» – доира маркази сўзларидан олинган бўлиб, ўз фикр-ўйлари, манфаатлари доирасида қотиб қолган инсоннинг

атроф-муҳит ва одамларга оид ўз билимлари ва ўзгаларга муносабатини ўзгартира олмаслигини билдиради. Психологияда эгоцентризмнинг бир қанча турлари мавжуд. Улар билишга оид, ахлоқий, коммуникатив ва бошқаларга бирор маълумот бериш жараёнида уларнинг фикри билан ҳисоблашмаслик, уларни менсимасликдир. Назаримизда, замонавий инфорацион хуружлар муаллифларида айнан шу каби эгоцентризм кузатилади ва улар ўзларига ўхшаш фақат ўз манфаатинигина кўзлайдиган авлод онгини қамраб олишга ҳаракат қилади. Шунинг учун ҳам шахсга психологик ҳимоя зарур. Психологик ҳимоя бўлиши учун эса шахсда мустақил фикр бўлиши лозим.

Демак, бугун таълим муассасаларида таълим олаётган, лекин минг афсуски, ўз мустақил фикрига эга бўлмаганлар билан ишлашда қуйидагиларга эътибор қаратиш керак:

биринчидан, хулқ-атвордаги хатоликлар энг аввало нотўғри фикрлашнинг оқибати бўлгани учун талабаларнинг негатив фикрлаш тарзи схемасини ўзгартириш;

иккинчидан, фикрлаш тарзига таъсир кўрсатиш учун педагоглар ўзларининг тушунтириш усулларини, тарбия методларини ўзгартиришлари лозим. Яъни, илгари юқори тонда, директив оҳангда, «катта роли»даги талаба билан мулоқот қилган педагог, энди керак бўлса, «тенгма-тенг», демократик оҳангда, босқичма-босқич хатти-ҳаракатларни биргаликда таҳлил этишга ўтишлари;

учинчидан, ўқувчи-талабанинг ўз-ўзини идрок қилишини, ўзига берадиган баҳосини ўзгартириш, яъни талабани ижобий ишларга йўналтириш орқали ўзига бўлган қарашини ўзгартиришга эришиш;

ниҳоят, шундай вазият яратиш лозимки, ўқувчи ижобий тажриба орттирсин, яъни ўзига, оиласига ёки синфдош дўстларига, мактабига манфаати тегиб, олқиш олсин. Бунинг учун уларни жамоат ишларига кенг жалб этиш амалиётини кенгайтириш, бу ишдан манфаатдорлигини ошириш лозим.

Демак, таълим ва тарбия жараёнида ҳар бир педагог ёшларнинг мустақил фикрлашлари учун шароит яратиши керак, акс ҳолда унинг онги тайёр шаблонлар, стереотипларга шу қадар ўрганадики, охир-оқибат улар ҳар қандай бидъат ёки ёт ғояларга эргашиб кетаверадиган бўлиб қолади. Дарсни ташкил этишнинг ноанъанавий усулларига кенг йўл очиш, машғулотларда ўқувчилар билан интер-фаол мулоқотни ташкил этиш уларнинг мияси яхшироқ ишлаши, қизиқишлари ортиши ва мустақил фикрлашларига ёрдам беради.

Психологик манбалардан яна шу нарса маълумки, ёшлар мустақил фикрлашлари учун таълим жараёнининг ўзида жорий этилган тартибларда бюрократияни минималлаштиришга эришиш керак. Чунки эски таълим тизими ўқитувчининг айтганини, у ёзган маъруза матнини айнан кўчириб ёзиб келиш, айтиб беришни талаб қиларди. Бу ҳолат мияни автоматик тарзда ишлашига, зомби каби ёдланган бир хил қолипда бўлишига ўргатади. Бундай мияда албатта ўзига хос вакуум ҳосил бўладики, бу вакуумга кейинчалик бошқа ёт ғоя ва тушунчалар жуда тез сингади, чунки мия деярли тормозланган бўлиб, ҳар қандай бошқа хабар унинг миясига осон кириб олади.

Турли ахборот-психологик вазиятларда шахснинг ижтимоий хулқи. Психологик ҳимоя тушунчаси. Очик ахборот коммуникацияси жараёнида ёшлар онгига таъсир этаётган ёт ғояларга қарши ҳимоя воситаларини ишлаб чиқишдан аввал ёшларнинг ижтимоий хулқида кўзга ташланадиган энг муҳим ҳолатлардан бири – ташвишланиш, нимадандир чўчиш ва шу туфайли ижтимоий муносабатлардан ўзини олиб қочишга интилиш ҳислари намоён бўлишини ўрганиш керак. Чунки, агар психологик ҳимоя ҳолатининг моҳиятидан келиб чиқадиган бўлсак, бу шахс ички кечинмаларини ифодаловчи шундай ҳолатки, унда одам ички руҳий мўътадилликни асраш учун ўзидаги хавотирланиш, кўрқув ва ҳадиксирашларини босишга, улардан халос бўлишга интилади. Психологик ҳимоя шахсни турли салбий таъсирлардан асрашга, психологик дискомфортни бартараф этишга хизмат қилади. Шундай ҳолатларда одам шахслараро муносабатларда ўзини бошқачароқ тутадиган бўлиб қолади. Психологлар ҳимоя механизмларига одатда қуйидагиларни киритадилар:

- очик ҳис-кечинмаларни босиш, кўтармасликка уриниш;
- рад этиш, яъни номаъқул маълумотни очик рад этиш, қўшилмаслик;
- проекция – ўзидаги ҳиссиёт ва кечинмаларни ташқи объектларга кўчириш орқали пайдо бўлган ҳолатнинг сабабларини ташқаридан қидиришга мойиллик;
- идентификация – ўзини ахборот эгасига ўхшатиш, унинг ўрнига ўзини қўйиш орқали қадриятларни рад этиш ёки танқидсиз ўзлаштириш;
- регрессия – илгари ҳаётида, масалан, ёшлигида бўлиб ўтган қайсидир воқеага қайтиш, уларнинг яхши ва маъқулларини яна хотирада тиклаш ва хулқда қайтариш орқали ўзида психологик ҳимоя ёки оқловни ташкил этиш.

– ёлғизланиш – жамиятдан ўзини олиб қочиш, ўзидаги ўзгаришларни бошқаларга билдирмасликка интилиш (айрим талабалар ўқишга бормай қўядилар);

– рационализация – мулоҳаза ва фикр юритиш орқали ўзида ҳимоя инстинктларини ҳосил қилиш;

– конверсия – мулоқотдаги қандайдир тўсиқлар ёки барьерларни олиб ташлаш учун кутилмаган усулларни қўллаш, масалан, хавотирли информацияни юмор билан алмаштириш йўли.

Шахсинг маънавий-ахлоқий такомил, ўзини ўзи ҳимоя қилиш ва бошқариш имкониятлари. Очиқ ахборот хуружлари вазиятида шахсинг ўзини ўзи ҳимоя қилишини бошқаришда айрим жиҳатларга алоҳида эътибор бериш лозим. Аввало, ҳар бир инсон учун мустақил фикр зарурлигини таъкидладик. Мустақил фикрга эга бўлган инсонгина ўзига нисбатан қаратилган яхши ёки ёмон маълумотнинг моҳиятига етиши ва унга нисбатан адекват реакция кўрсатиши, ҳимоя механизмларини ишга солиши мумкин.

Иккинчидан, ёшлар турли ёт ва бемаза ахборот хуружларига берилмаслиги учун биз уларда миллий ғурурни тинмай тарбиялашимиз ва бунда ҳар бир фан предмети ва тарбиявий мулоқотлардан оқилона фойдаланишимиз зарур. Масалан, 2006 йилнинг ўзида нишонланган қатор тантаналар, жумладан Маъмун Академияси ва унинг нима учун айнан Ўзбекистон ҳудудида ташкил этилганлигига ёшлар эътиборини қаратиш ва уларни очиқ фикр алмашинувига чорлаш уларда миллий ғурурни уйғотади.

Миллий ғурурнинг аҳамияти шундаки, бундай сифати бор инсон бошқаларга қул бўлишни хоҳламайди, жумладан ахборот хуружларига тобе бўлмайди.

Учинчидан, миллий ғурури бор инсонда имон, инсоф ва диёнат тушунчаларини шакллантириш мумкин. Чунки инсон қалби билан боғлиқ бу кадриятлар Интернет ва очиқ ахборотлар оламида адаштирмайдиган «компас» вазифасини ўтайди. Ҳозирги замонда «Интернет» шундай ўрмонки, унда компасиз юриб бўлмайди.

Тўртинчидан, олий ўқув юртларида профессор-ўқитувчиларнинг обрў-эътибори, улар айтадиган ҳар бир сўзнинг аниқ мўлжалли бўлишини таъминлаш зарур. Ўқитувчи ахборот қандай бўлишидан қатъи назар, у қабул қилувчи инсоннинг измида бўлиши, унинг манфаатига хизмат қилиши кераклигини, бунинг учун ёвуз ниятли, ёт ғояларни тарғиб этувчиларнинг асл ниятларини, улар саъй-ҳаракатларининг оқибати нима билан тугагини очиқ айтиши лозим.

Шундай қилиб, ахборот хуружларига қарши туришнинг психологик йўллари ҳар бир талаба онгига сингдириш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун қуйидагиларни ёдда тутиш лозим:

1) аслида атайлаб таъсир этишга мўлжалланган хабарни шахс дарров қабул қилмайди. Чунки, биринчидан, унда илгаридан психологик ҳимоя мавжуд, иккинчидан, ҳар қандай янги нарсанинг сингиб кетишида муайян ахборот тўсиқлари ҳам бўлади;

2) бундай шароитда «учинчи шахс таъсири» (эффект третьего лица) рўй беради. Бунинг маъноси шуки, шахс «бу хабарга ҳамма ишонаверсин, менга таъсир қилмайди» деб ўйлайди, лекин шундай фикрлаши орқали маълум маънода у ахборот таъсирига тушиб қолган бўлади. Юқоридаги фикрни ўзи учун ҳар эҳтимолга қарши хаёлидан ўтказди;

3) ишонтирувчи чақириқларга, масалан, реклама орқали етказилаётган хабарларга ёш болалар жуда ўч бўлади ва айнан улар ота-онани кўндиради. 90% оналар айнан реклама қилинган маҳсулотларни болаларига олиб беради. Худди шундай «Интернет»га уланиш, уйда замонавий компьютерга эга бўлиш фикри ҳам болалардан чиқади, бунга ота-онани кўндирадилар ҳам. Шу маънода ёшлар энг ҳимояланмаганлар тоифасига киради;

4) хабарнинг асл мақсади аслида маълумот бериш эмас, балки ишонтириш эканлигини тушуниш керак. Одамнинг маълумотлилик даражаси қанчалик юқори бўлса, унинг турли хабарларга ишонқирамай муносабатда бўлиши ҳам юқори бўлади. Лекин хабарга ишонқирамай қарашимиз уни қабул қилиш ёки қилмаслигимизни билдирмайди. Агар биз очикчасига ёшларга «бу ахборот манбаига ишонманглар, улар атайлаб ёлғон маълумот бермоқда» десак, бу нарса уларнинг шу ахборотни қабул қилмасликларини кафолатламайди. Лекин «огоҳлантирилган одам қуролланган, муҳофазали бўлади» деган тамойилдан келиб чиқиб, биринчи огоҳлантиришдан сўнг, яна ўз фикримизни фактлар билан асосласак, улардаги иммунитет кучлироқ бўлади. Лекин шуни назарда тутиш лозимки, огоҳлантириш муддати ҳам роль ўйнайди. Масалан, экспериментларда бир ҳафта аввал огоҳлантиришнинг таъсири узоқроқ муддатдан кўра камроқ эканлиги маълум бўлган ёки уйда холи, комфорт шароитда қабул қилинган таъсир билан одамлар орасида, кўпчиликнинг ичида ёмон хабарни қабул қилиш фарқланади, чунки ёлғиз уйдаги таъсир скептизмни кучлироқ намоиш этиши кузатилган.

Иккинчи томондан, бевосита ахборотни қабул қилиш арафасидаги огоҳлантиришлар қарши аргументлар ишлаб чиқиш вақтини камайтиради, ундан сал аввалроқ огоҳлантириш эса инсон миясида маълумотни қайта ишлашга имкон беради.

5) таниш нарсалар ҳақида маълумотга эга бўлган одамни ишонтириш тезроқ амалга ошади. Лекин самарали тактикалардан бири – ахборот каналлари орқали берилаётган маълумотлар ортиқчасига жамият манфаатларига зид эканлиги, уларнинг адолатсиз, худбинларча узатилаётганлиги, нималаридир қонунга хилоф эканлигини қайд этишдир. Яъни, тарбиячи, ўқитувчининг очиқ тарзда ўз норозилигини баён этиши, тарғиботчи фикрига қарши чиқишидир.

Таълим билан қамраб олинмаган аҳолига зиёлилар орқали соғлом гояларни етказиш усуллари. Миллий гоя мамлакатимизда истиқомат қилаётган салкам 30 миллион аҳолига мақсад-муддаолари, истиқболда тинч ва фаровон яшашига кафолат берувчи куч бўлиб, у миллатни миллат, халқни халқ этиб бирлаштирувчи кучли омилдир. Бугунги кунда миллий гоя, миллий мафкура тарғиботи билан кенг жамоатчилик шуғулланмоқда, айниқса, таълим тизимида бир қатор илмий манбалар, дарсликлар яратилиб, ўқув жараёнларида қўлланилмоқда ва ёшларни ўз Ватанига содиқ, мард, фидойи, юксак маънавий фазилатлар эгаси бўлишга ундамоқда. Лекин мамлакатимизда таълим тизими билан қамраб олинмаган аҳолига ҳам миллий гояни сингдириш зарурати бор. Таълим билан қамраб олинмаган аҳоли онгида миллий ғурур, ватанпарварлик, юртга садоқат, халқ ишига камарбасталик хислатларини шакллантиришнинг самарали механизмларини ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан биридир.

Маънавий-маърифий тарғиботни оила, маҳалла, кенг жамоатчиликка ахборот тармоқлари, нотиклик клублари, жамоат ташкилотлари орқали узатиш мумкин. Бизнинг ижтимоий хулқатворимиз, хатти-ҳаракатларимиз дунёқарашимиз билан белгиланади. Тарғибот ва ташвиқот ҳам таълим-тарбиянинг бир кўринишидир, агар у тўғри тарғиб қилинса, инсонларни бузғунчи гоялардан асрайди, уларнинг дунёқарашларини ўзгартиради.

Ижтимоий сўровлар орқали жамоатчилик фикрини ўрганиб, уларнинг билдирган фикр-мулоҳазалари асосида мафкуравий тарғиботни олиб бориш мумкин. Жамоатчилик фикрини ўрганаётганда асосан учта омилга аҳамият бериш керак. Биринчи омил –

сўровда иштирок этаётганларни мазкур сўровдан *ижтимоий манфаатдорлиги*, иккинчи омил – *баҳс-мунозарага сабаб бўладиган вазият*, учинчи омил – иштирок этаётганларнинг мазкур *фикрга нисбати аниқ фикрлари* бўлиши керак.

Тарғибот ва ташвиқотнинг самарали воситаларидан бири оммавий ахборот воситасидир. Оммавий ахборот воситалари кенг жамоатчиликка тез ва кучли таъсир эта олади. Чунки ҳар бир оила оммавий ахборот воситалари хабарларидан фойдаланади ва инсонларнинг маълумот олиш манбаи бўлган бу восита орқали халқимизга миллий ғояларни сингдириш қулайроқдир.

Биз ҳар куни ишонарли маълумотларга бой бўлган хабарларга дуч келамиз, улардан унчалик муҳим бўлмаган қисми ҳам таъсир этиши мумкин. Бирор-бир хабар, ғоя инсоннинг хулқ-атворини ўзгартириши учун *психологик таъсир этишининг* олти босқичи амалга ошиши лозим:

- 1) хабар, ғоя аудиторияга берилиши;
- 2) берилган хабар, фикр аудиториянинг диққатини жалб қилиши;
- 3) аудитория хабар, фикрнинг моҳиятини тушуниши;
- 4) берилган хабардан янги ғоя сифатида хулоса чиқариш;
- 5) янги ғояни ёдда сақлаб қолиш;
- 6) ёдда сақланган ғояни ўзининг хулқ-атворида қўллай олиш керак.

Урф-одатлар, миллий қадриятларимиз орқали ҳам халқимизга миллий ғояни тарғиб этиш мумкин. Ўзбек оилаларининг ўзига хос миллий қадриятлари мавжудки, бу одатлар ер куррасининг ҳамма ерида ҳам топилавермайди Масалан, оддий овқатланиш маданиятини олайлик, ҳамма оила аъзолари жам бўлгандан сўнг дастурхонга таом тортилади. Сўнг таомга биринчи бўлиб оиланинг каттаси бува, буви, ота кетма-кетлигида қўл узатилади. Оддий кундалик давом этадиган бу жараёнда ҳам катталарни ҳурмат қилишга, сабр-қаноатли бўлишга ундалади.

Ахборот хавфсизлигини масаласида жамоатчилик фикрини шакллантириш жараёнларида миллий менталитетни ўзгараётган замон мантиғига мувофиқ равишда ўзгартириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратиш лозим. Президентимизнинг «Тафаккур» журнали бош муҳарририга берган интервьюси ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати мажлисида сўзлаган нутқлари ва бошқа чиқишларида ёш авлод табиатида шижоат, ташаббускорлик, янги-

ликка интилиш сингари фазилатларни шакллантириш хусусида тўхталган эдилар. Бу эса миллат менталитети таркибида мустақиллик, индивидуал ривожланишга эриша билиш хусусиятларини ривожлантиришни ҳам табиий равишда тақозо этади. Ахборот хавфсизлигини таъминлаш, мафкуравий таъсирдан огоҳлик масаласида фаолият дастурларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш зарурати кун тартибига чиқади.

Хуллас, мамлакатимиз Президенти халқимизни озод ва обод жамият барпо этиш ишларига қатъий азму қарор, шижоат билан киришишга даъват этмоқда. Бунинг учун эса кўпгина масалалар ечими ўзимизга боғлиқ эканлигини теран англамоғимиз, енг шимариб, ғайрат билан ишга киришмоғимиз лозим.

Ахборот-психологик хавфсизликни таъминлашдан мақсад қуйидагилардан иборатдир:

– халқ, фуқаро, ижтимоий гуруҳлар ва сиёсий элита руҳиятига таъсир ўтказишнинг олдини олиш;

– геосиёсий рақиблар томонидан сиёсий элита доирасида ва халқ орасида ахборот идрок қилинишини манипуляция қилиш ҳаракатларига қарши туриш;

– ахборот маконида (глобал, регионал, МДҲ давлатлари орасида) миллий қарашларни, мақсадларни татбиқ эта олиш;

– Ўзбекистон жамиятини миллий хавфсизликнинг муҳим муаммоларига муносабатини доимий мониторинг қилиб бориш (ижтимоий фикр диагностикаси);

– диний-маданий соҳада тазйиқ ўтказмоқчи бўлган давлатлар экспансиясига қарши тура олиш.

Ахборот-психологик хавфсизликни таъминлаш вазифалари ва йўналишлари. Ўзбекистон Республикасининг ахборот-психологик хавфсизлигини таъминлаш соҳасида юзага келган вазият зудлик билан қуйидаги вазифалар ечимини талаб қилинади:

– ушбу соҳада давлат сиёсатининг асосий йўналишларини ва бу сиёсатни амалга оширувчи механизмлар ва тадбирларни ишлаб чиқариш;

– ахборот-психологик хавфсизликни таъминлаш тизимини яратиш ва такомиллаштириш;

– ушбу соҳа дастурини ёки концепциясини ишлаб чиқиш.

Юқорида келтирилганлардан хулоса қиладиган бўлсак, ҳозирги кунда шиддат билан ривожланаётган ахборот технологиялари даврида ҳар хил салбий информацион хуружлардан ўзимизни ўзимиз

ҳимоя қилишимиз, яъни ўз уйимизни ўзимиз асрашимиз керак бўлади. Зеро, огоҳлик давр талабидир.

Мавзу юзасидан савол ва топшириқлар

1. «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириши миллий дастури»нинг аҳамияти, уни ҳаётга татбиқ этишининг мақсади ва вазифалари нималардан иборат?

2. Ҳуқуқий маданият ва ҳуқуқий тарбия ўрасидаги ўзаро боғлиқлик нималарда намоён бўлади?

3. Шахс ҳуқуқий ижтимоийлашувининг педагогик механизмларига нималар киради?

4. Ҳуқуқий тарбия тушунчаси ва мазмунини айтиб беринг.

5. Ички ишлар идоралари ходимларининг ҳуқуқий-тарбиявий ишларни ташкил этиши шакллари ва усуллари нималардан иборат?

6. Ҳуқуқий тарбияга табақалашган ва яқка тартибда ёндашиш ҳамда уни аҳолининг турли гуруҳлари билан ўтказишининг ўзига хослиги нималарда кўринади?

7. Ҳуқуқий тарғиботнинг вазифалари, хусусиятлари, мазмуни ҳамда қиёсий самарадорлиги ҳақида айтиб беринг .

8. Аҳоли ўртасида ва меҳнат жамоаларидаги ҳуқуқий тарғибот қандай амалга оширилади?

9. Ички ишлар идораларининг оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорлиги қандай натижаларни беради?.

10. Ахборот хавфсизлиги. Уни таъминлашга қаратилган асосий йўналишлар, психологик шарт-шароитлар, мақсад ва вазифалар нималардан иборат.

6-мавзу
ВОЯГА ЕТМАГАН ХУҚУҚБУЗАРЛАР БИЛАН ИШЛАШНИНГ
ПЕДАГОГИК ЖИХАТЛАРИ ВА ОИЛАВИЙ НОТИНЧЛИКЛАРНИНГ
ОЛДИНИ ОЛИШ

- *Ўсмирлик ёши ва ўсмирлар жиноятчилигининг психологик хусусиятлари.*
- *Вояга етмаганларнинг нормадан огувчи хулқи бўйича замонавий первензив-коррекцион (олдини олиш ва тузатиш) амалиёт.*
- *Оилавий нотинчлик ва унинг жинсий хулқ шаклланишига таъсири.*
- *Носозлом, муаммоли ҳамда ҳуқуқбузарлик содир этишига мойил бўлган оилалар билан ишлашнинг педагогик хусусиятлари.*

ЎСМИРЛИК ЁШИ ВА ЎСМИРЛАР ЖИНОЯТЧИЛИГИНИНГ
ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Ўсмирлик ёши инсон шахси шаклланадиган давр ҳисобланади. Ушбу босқичда шахс ниҳоятда ўзгарувчан бўлиб, ўзини назорат қилиш етарли ривожланмаганлиги боис, юзага келадиган «ижтимоий турғунлик» туфайли жамиятга мослашув нуқсонлари ғайриижтимоий қилмишлар кўринишида нисбатан осон намоён бўлади, баъзан эса барқарор хулқ-атвор сифатида мустаҳкамланади, вақт ўтган сари тузалиши қийин бўлиб боради. Инсон ўз ҳаётидаги энг жиддий қарорларни, масалан, касб танлаш, оила қуриш ва шу кабиларни айнан мана шу ёшда, яъни ўзининг ҳаёт тажрибаси энг кам бўлган ёшда қабул қилади, агар у ўзи қабул қилган қарорининг кейинчалик муваффақиятсиз деб баҳолайдиган бўлса, у ҳолда бу ишончсизлик унинг хулқ-атворида ниҳоятда ёмон таъсир кўрсатиши мумкин.

Агар ўсмирлик ёшининг классик тадқиқотларига назар соладиган бўлсак, унда турли хил назариялар, фаразлар ва фундаментал изланишлар борлигини кўриш мумкин. Ўсмирлик ёшига хос ёрқин психологик концепциялардан бири XX асрнинг бошларида Л. С. Виготский томонидан яратилган маданий-тарихий назария бўлиб, унда ўсмир психологиясидаги барқарор ва тарихий

ўзгарувчанлик, унинг феноменларига оид илмий концепцияларнинг интерпретацияси берилган.

Ўсмирлик даврининг йирик тадқиқотчиларидан яна бири – немис файласуфи ва психологи Э. Шпрангер ўсмирлик ёши қизларда 14–21, ўғил болаларда 13–19 ёшларгача давом этишини, унинг биринчи босқичи 14–17 ёшларга тўғри келиб, бу ёшда болаликдан кутилиш содир бўлишини таъкидлайди.

Ўсмирлик ёшини «пубертат давр» деб атаган Ш. Бюлер ишларида ушбу даврнинг биологик моҳияти очиб берилган. Пубертат давр биологик ўсиш даври ҳисобланиб, жинсий етилиш ўз ниҳоясига етади, аммо жисмоний ривожланиш давом этади. У пубертат даврни иккига: психик ва жисмоний даврларга ажратади. Ўсмирнинг етилишига таъсир этувчи ташқи ва ички қўзғатувчилар ундаги ўзидан ўзи қониқиш ва хотиржамликни издан чиқариб, уни ўзга жинсни қидиришга ундайди. Биологик етилиш ўсмирни изланувчан қилиб қўяди ва унинг «мен»ида «у» билан учрашиш истаги туғилади. Ш. Бюлер психик пубертатликни танадан фарқлашга ҳаракат қилади. Унинг фикрича, жисмоний етилиш ўғил болаларда ўртача 14–16, қиз болаларда эса 13–15 ёшларга тўғри келади. Албатта, бундай фарқлашларда шахар ва қишлоқ, алоҳида мамлакатлар ва ҳатто иқлимнинг таъсири ҳам ҳисобга олинади. Пубертатликнинг қуйи чегараси 10–11 ёш, юқори чегараси 18 ёш бўлиши керак. Шу маънода ўсмирлик ёши дунёқараш, эътиқод, нуқтаи назар, принцип, ўзлигини англаш, баҳолаш ва ҳоказолар шаклланадиган давр ҳисобланади. Кичик мактаб ёшидаги бола катталарнинг кўрсатмалари ёки ўзининг тасодифий, беихтиёр орзу-истаклари билан ҳаракат қилса, ўсмир ўз фаолиятини муайян принцип, эътиқод ва шахсий нуқтаи назар асосида ташкил қила бошлайди.

Ўсмирлик ёшининг психологик хусусиятлари алоҳида намоён бўлганда улар «ўсмирлик комплекси» ва унинг кечиши билан боғлиқ тарздаги хулқ-атвор бузилиши – «пубертат инқироз» деган ном олади. Адабиётлар таҳлилининг кўрсатишича, мазкур ҳолат иккига – «инқироз» ва «стабил» (муқим)га ажратилади. Инқироз ҳолати ўткинчи хусусиятга эга бўлиб, уларни 1 ёш, 3 ёш, 7 ёш ва 13 ёшда кўриш мумкин. Ўсмирлик ёшидаги инқирознинг кескин ўтиш даври 12–16 ёш бўлиб, унинг икки фазаси мавжуд ва улар негатив (13–14 ёш) ва позитив (15–16 ёш) деб аталади. Умуман, ўсмир шахсида жуда қисқа вақт оралиғида шиддатли, ҳаттоки баъзан фожиали тарздаги ўзгаришлар сезилади. Инқироз эски ва янги психологик ўзгариш-

ларнинг тўқнашуви бўлиб, яхлит ҳолда қараганда позитив қайта қурилишлар характери белгилаб беради. Ўсмирлик даврининг пубертат инқирозларини конструктив баҳоланишини Д. Е. Элконин (1972), В. В. Давидов (1974), А. Н. Леонтьев (1975) ишларида кўриш мумкин.

Ўсмир инқироз доирасига қириши билан унинг ривожланишида психологик силжишнинг айрим ўзига хос кескин кўринишлари: инқироз бошланиши ва тугашининг ноаниқлиги; тарбиясида қийинчилик; ривожланишнинг негатив хусусият касб этиши кабилар намоён бўлади. Айрим хориж психологлари ўсмирлик даври инқирозларининг илдизларини қуйидагича талқин қиладилар.

Масалан, З. Фрейднинг фикрича, ўзини ўзи севиш, Э. Эриксон айнанлик инқироzi, Э. Дойч ижтимоий омил инқироzi, авлодлар орасидаги низолар ва ҳоказоларда деб тушунтиришади.

Ўсмир шахсининг таркиб топишида ахлоқ, ўзига хос онг алоҳида аҳамият касб этади. Ўсмир шахсини таркиб топтиришда унинг атроф-муҳитга, ижтимоий ҳодисаларга, кишиларга муносабатини ҳисобга олиш лозим. Чунки ўсмирда муайян нарсаларга муносабат шаклланган бўлади.

Ўсмирларнинг кўпчилиги қатъиятлилик, камтарлик, мағрурлик, самимийлик, меҳрибонлик, дилкашлик, адолатлилик каби маънавий-ахлоқий тушунчаларни тўғри англайдилар. Уларнинг турмуш тажрибасида, фан асосларини эгаллашлари натижасида барқарор эътиқод ва илмий дунёқараш таркиб топади, шулар замирида ахлоқий идеаллар юзага кела бошлайди. Ўсмирларнинг идеаллари негизда орзу, мақсад ва уларни рўёбга чиқариш режалари намоён бўла бошлайди. Муайян касбга майл ва қизиқиш туғилади. Орзу-истаклар ранг-баранглиги билан бир-биридан кескин ажралиб туради.

Ўсмирлик ёшида психологик жиҳатдан энг муҳим хислат – вояга етиш ёки катталиқ ҳиссининг пайдо бўлиши алоҳида аҳамиятга эга. Катталиқ ҳисси ижтимоий-ахлоқий соҳада, аклий фаолиятда, қизиқишда, муносабатда, кўнгил очиш жараёнида хулқ-атворнинг ташқи шаклларида ўз ифодасини топади. Ўсмир ўз кучи ва қувватининг чидамлилиги ортаётганини ва билим савияси кенгаётганлигини англай бошлайди. Буларнинг барчаси унда катталиқ ҳиссини ривожлантиради.

Ўсмирларнинг жисмоний ўсиши ва жинсий етилиши уларнинг психикасида кескин ўзгаришларни вужудга келтиради. Ўқув фанларининг кўпайиши, ахборотлар тармоғининг кенгайиши улар-

нинг фикр юритишини жадаллаштиради. Тафаккурнинг ривожланиши интеллектни кўшимча маълумотлар билан бойитади.

Ўсмирнинг энг муҳим хусусиятларидан бири – мустақил фикрлашидир. Бу эса унинг ақлий фаолиятида янги давр бошланганини билдиради.

Ўсмирлик даврида улар томонидан содир этиладиган ҳар қандай хатти-ҳаракат актлари: аксилижтимоий хулқ-атвор, педагогик қаровсизлик, мослаша олмайдиган хулқ, ахлоқсиз хулқ, девиант хулқ, аутодеструктив (ўзини ўзи фoш қилиш) хулқ ва ҳоказолар ўтиш даврининг ўзига хос одат тусига кириб қолган тартиб шакли сифатида тан олинади. Кўпгина адабиётлар таҳлиliga кўра IQ (интеллект)нинг кўрсаткич даражаси қанчалик паст бўлса, тарбияси «қийин»лик даражаси шунчалик юқори кўрсаткичга эга. Шу сабабли IQ (интеллект) тарбияси «қийин»лик кўрсаткичи сифатида маълум даражада ижтимоий маъно касб этувчи психологик жараён билан алоқадор¹.

Ўсмирларда биринчи жиноий ҳаракатларини амалга оширгунларича дастлаб уйдан сўроқсиз чиқиб кетиш, уйга келмай қолиш, ота-она ва катталарнинг панд-насихатларига кулоқ солмаслик каби одатларга берилганликлари маълум бўлган. Ўсмирларда уйдан чиқиб кетиш одати кўпинча 14-15 ёш даврига тўғри келган².

Шу маънода, ўсмир шахси ғайриқонуний хатти-ҳаракатларининг психологик мазмун ва моҳиятида уларнинг қарашлари ва қизиқишлари ётади. Психологик нуқтаи назардан қарашлар инсон хулқ-атвори ҳамда унинг мазмунини белгилайди. Шахснинг ўз олдига қўйган мақсадларини амалга оширишда фаоллигини таъминлашда намоён бўлади ва ўсмирларда жиноий хулқнинг келиб чиқишида иштирок этади. Бошқача айтганда, ўсмирни жиноий ҳаракатга йўналтирувчи ички куч вазифасини бажариб, жиноий хулқнинг пайдо бўлишига ва унинг амалга оширилишига хизмат қилади. Ўсмирларда юзага келган қонунбузарлик хулқи ўз навбатида унинг жиноий ҳаракатни амалга ошириш даврида қандай нуқтаи назарни эгаллаганлиги, ўсмирнинг ҳуқуқий, ахлоқий меъёрлари, умумжамият манфаатларини мустаҳкамлаш ва ҳимоялашга бўлган муносабатини белгилайди. Бир хилдаги позиция (нуқтаи назар) ташқи, ахлоқий, ҳуқуқий талаб ва меъёрларни, умуминсоний

¹Қаранг: *Тўлаганова Г.К.* Тарбияси қийин ўсмирлар. – Т., 2005. –19-б.

²Қаранг: *Умаров Б.М.* Ўзбекистонда вояга етмаганлар жиноятчилигининг ижтимоий-психологик муаммолари. –Т., 2008. – 71-б.

қадриятларни ҳамда мақсад ва вазифаларни менсинмаслик, муқаррар ахлоқий ва маънавий эътиқоднинг мавжуд эмаслиги ҳамда муайян салбий ҳиссиётларнинг ҳукм суриши билан жиноий хулқ-атворнинг пайдо бўлишига хизмат қилади.

Ўсмирлар томонидан содир этилган жиноий хатти-ҳаракатларнинг ихтиёрий ёки бошқа таъсирлар асосида амалга оширилганлиги ўрганилганда ўсмирларнинг 56,48 фоизи жиноий ҳаракатларни ўз ихтиёри билан содир этганлигини, 10,64 фоизи тенгқурлари таъсири натижасида, 8,24 фоизи катталарнинг таъсирида 4,39 фоизи яқин қариндошлари, 11,84 фоизи илгари судланган криминал хулқли кишилар таъсири натижасида содир этилганлиги кузатилган¹.

Жиноий ҳаракатларни содир этиш нияти ўсмирларда муайян вазиятларнинг таъсири натижасида тўсатдан пайдо бўлиши кузатилган. Бунда ўсмирларнинг ёш хусусиятлари, қатъий ҳаётий қарашларининг мавжуд эмаслиги, ахлоқий ва ҳуқуқий меъёрларнинг шаклланмаганлиги сабаб бўлади. Ўсмирлик ёшига хос бўлган ҳиссий беқарорлик, кўзғалувчанлик, тез таъсирланувчанлик хусусиятлари ва юзага келган муаммоли вазиятларни тўғри баҳолай олиш қобилиятининг етишмаслиги, ўйлаган ниятларини амалга ошириш ҳиссининг кучлилиги уларда ғайриқонуний ҳаракатларни амалга ошириш тўғрисидаги ниятларнинг пайдо бўлишига олиб келади.

Ўсмир нима учун жиноятчи бўлиб қолганлигини англаб етиш учун энг аввало уни қуршаб олган ижтимоий муҳит, шарт-шароит ва унинг ўсмир шахсига қандай таъсир этганлигини таҳлил қилиш лозим. Ички психологик сабаблар, салбий шахс сифатлар, яъни ноқонуний хулқ, қатъий ҳаётий мақсадларнинг мавжуд эмаслиги, ташқи салбий муҳит ва оилада тарбиянинг яхши эмаслиги ўсмирда жиноий хулқнинг шаклланишига қулай имконият яратади.

Ўсмирларда жиноий хулқнинг келиб чиқишига таъсир этувчи бир қатор ижтимоий-психологик омиллар мавжуд бўлиб, улар қуйидагилар:

– ота-оналар, педагогларнинг болалар ва ўсмирларнинг ёш ҳамда индивидуал-психологик хусусиятларини ҳисобга олмасликлари ёки психологик саводсизлик;

¹ Қаранг: *Умаров Б.М.* Ўзбекистонда вояга етмаганлар жиноятчилигининг ижтимоий-психологик муаммолари. – Т., 2008. – 163-б.

– оилада ноахлоқий муносабатлар ва носоғлом психологик муҳитнинг мавжудлиги, оилавий низоларнинг кўплиги ҳамда оилада болага нисбатан эътиборнинг пастлиги.

– мактаб жамоасининг, педагогларнинг ўсмирлар ўртасида юзага келган низоли, муаммоли вазиятларга барҳам беришда номақбул усулларни қўллашлари;

– референт гуруҳларнинг болалар ва ўсмирларга салбий таъсир этиши;

– ўсмирларнинг бўш вақтларини тартибсиз ва мазмунсиз ўтказишлари¹.

Шу сабабли, ҳар бир ёш даврида ноахлоқий ёки жиноий хулқ мотивлари ўзига хос тарзда бир-биридан фарқланишини ҳисобга олиш керак бўлади.

Ўсмирларнинг жамиятга зид хулқ-атвор тушунчасини таҳлил қилар эканмиз, унинг қуйидаги кўринишларига алоҳида эътибор беришимиз керак:

1) жамоат тартиби ва ахлоқий талабларни бузиш (ноахлоқий хулқ-атвор);

2) турли хилдаги майда қонунбузарликлар (қонунга хилоф хатти-ҳаракат);

3) қонуний талабларни бузиш, жиноят содир этиш (жиноий хатти-ҳаракат) кабилар.

Жамиятга зид хулқ-атворнинг барча турлари бир-бири билан узвий боғлиқлигини кузатиш мумкин. Шунинг учун ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш самарадорлигини ошириш, унга шароит яратаётган, жамиятга зиён етказаётган сабаблар билан курашни кучайтириш давр талабидир.

Вояга етмаган жиноятчи шахси шаклланиш йўлининг биринчи босқичи тарбиясининг оғирлигидадир. Тарбияси оғирликнинг ижтимоий илдизларини боланинг оиласидан ва уни ўраб турган муҳитда излаш лозим. Тарбияси оғир ўсмир ўз қилмишларни ташқи таъсир остида амалга оширади. Унинг хатти-ҳаракатлари ўзгариши муҳитга боғлиқ. Бу ерда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишнинг умумий субъектлари (ўқув муассасалари, маҳалла, кенг жамоатчилик) тарбиявий таъсирининг ўз вақтида бўлиши муҳим аҳамият касб этади.

¹ Қаранг: *Алемаксин М.А.* Психолого-педагогические проблемы предупреждения педагогической запущенности и правонарушений несовершеннолетних. – Воронеж, 1982. – С. 94.

Вояга етмаган шахслар нафақат дарс жараёнида, балки дарсдан ташқари вақтларда ҳам ота-оналарининг назорати ва тарбия таъсири остида бўлишлари керак. Таҳлил этилган ижобий натижалар шундан далолат берадики, қаерда педагогик жамоалар бундай жавобгарликни ўз зиммаларига олиб, ўқувчиларнинг бўш вақтларини тўғри ташкил этган бўлса, ўша ерда қонунбузарликлар жуда кам содир этилади.

Оила ҳамда ўқув-тарбия муассасаси назоратидан четда қолиш ёшларда жавобгарлик ҳиссини сезмаслик ва бебошликни юзага келтиради. Вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликларининг олдини олишнинг замонавий шароитида асосий диққат-эътибор улар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олувчи дастлабки профилактика масалаларига қаратилган бўлиши керак.

Вояга етмаганлар билан амалга ошириладиган профилактик чоралар умумтарбияий, жиноий ва қонуний чоралар таъсирини бирлаштирувчи омил ҳисобланади. Вояга етмаганлар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишнинг бош мезони шахснинг ёшлигидан бузилмаслигини таъминлашда ва ундаги айрим салбий кўринишларни ўз вақтида тўғрилаб, келгусидаги содир этилиши мумкин бўлган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишдан иборатдир.

Ҳозирги пайтда вояга етмаганлар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш долзарб муаммолардан биридир. Чунки келажакнинг давомчилари айнан ўсиб келаётган ёш авлоддир, улар давлатнинг келажagini белгилайди. Вояга етмаганлар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш учун, аввало, уларнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш ва бартараф этиш мақсадга мувофиқдир. Буни амалга оширишда жойларда умумий профилактикадан унумли фойдаланиш ва ёшлар тарбиясига бевосита масъул шахслар ва ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликни яхши йўлга қўйиш ижобий натижаларни беради.

Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик – назоратсиз, қаровсиз қолдириш демакдир. Аксарият вояга етмаганлар назоратсизлик оқибатида жиноят йўлига кириши маълум. Вояга етмаганлар назоратсизлигининг олдини олиш учун, биринчи навбатда, улар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг ижтимоий ва психологик томонларини мукамал ўрганиш талаб этилади.

Вояга етмаганларга хос хусусиятлар мавжуд бўлиб, бундай хусусиятлар уларнинг ахлоқида, хатти-ҳаракатларида ва жамоа ўртасидаги муносабатларида яққол кўзга ташланади. Улар томонидан

турли кўринишдаги ҳуқуқбузарликлар содир этилишида вояга етмаганларнинг психологик тузилиши ҳам асосий ўринни эгаллайди.

Ҳар бир профилактика инспектори ўз ҳудудида вояга етмаганларнинг сони, улар ҳақидаги маълумотларга эга бўлишлари учун фуқаролар ва ота-оналар билан ҳамкорликдаги ишларни яхши йўлга қўйганларида натижалар ҳам ижобий бўлади. Вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликларининг олдини олишда профилактика инспекторлари тарбиянинг турли усул ва шакллардан фойдаланадилар. Профилактика инспектори умумий ва якка тартибдаги профилактик ишларни норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга биноан ва алоҳида режа асосида амалга оширишлари керак.

Умумий профилактикада оғзаки, кўргазмали ва оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш, шунингдек ўқув юрти жамоалари, ёшлар билан ишлашга масъул ташкилотлар билан ҳамкорлик яхши самара беради. Бу борада ички ишлар органлари ходимлари ташкилотлар билан ўзаро фикр ва маълумотлар алмашишлари, шунингдек профилактик фаолиятни олиб боришда талаб ва эҳтиёжларни инобатга олишлари мақсадга мувофиқдир.

Якка тартибдаги профилактика фаолияти асосан аввал жиноят, ҳуқуқбузарлик содир этган ва жиноят содир этишга мойил бўлган вояга етмаганлар онгида ижобий хислатларни шакллантиришга қаратилади, бу жараёнга психологларни жалб этиш мақсадга мувофиқдир.

Вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда якка профилактик чоралар тарбияси оғир ва ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил вояга етмаганларга, вояга етмаганлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи ёши катта шахсларга ва вояга етмаган фарзандларининг тарбияси билан шуғулланмайдиган ота-оналар ҳамда уларнинг ўрнини босувчи шахсларга нисбатан олиб борилади. Уларга нисбатан вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўлимларида профилактик ҳисоб юритилади, профилактика инспекторлари эса улар ҳақидаги маълумотларни йиғади ва МТП паспортига уларнинг рўйхатини киритади.

Вояга етмаганлар, уларнинг тарбияси билан шуғулланмайдиган ота-оналарни профилактик ҳисобга олишда ИИБ бошлиғининг қарори, суд органлари ажрими, тергов органлари қарорлари, ҳокимликлар қошидаги «Вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссиялар»нинг қарорлари асос бўлади.

Вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликларининг олдини олишда профилактика инспекторлари ижобий натижаларни қўлга киритишлари ва самарадорликка эришиш учун вояга етмаганлар билан бевосита тарбиявий ишларни юритишга масъул бўлган бошқа субъектлар билан ўзаро ҳамкорликни яхши йўлга қўйишлари керак.

Таҳлилларнинг кўрсатишича, вояга етмаганлар томонидан содир этилаётган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва унга қарши курашда, биринчи навбатда, оила ахлоқини қадриятларимизга мослаштириш керак бўлади.

Тадқиқотлар натижасига кўра, вояга етмаганлар ҳуқуқбузарлигининг 47% ота-онанинг салбий таъсири ёки бефарқлиги натижасида, 14,8 % оилада ҳамжихатликнинг йўқлигида ва 23,5 % катталарнинг лоқайдлиги туфайли содир этилиши кузатилган¹.

Вояга етмаганлар ҳуқуқбузарлигининг олдини олиш муаммоси нафақат республикамизда, балки дунё миқёсида ҳам долзарб бўлиб турибди. Содир этилган қилмишнинг сабаб ва мотивини, унинг вужудга келиш шарт-шароитларини, шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасини аниқлаш ҳуқуқбузарликларни тўғри квалификация қилиш учун муҳим аҳамият касб этади. Чиқарилган адолатли ҳукм айбдорни қайта тарбиялаш ва ижтимоий жихатдан тuzалишида алоҳида аҳамиятга эгадир.

Вояга етмаганлар томонидан содир этилаётган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда самарали усулларни қўллаш, яъни уларнинг бўш вақтларини унумли ўтказишларини таъминлаш, касбга ўргатиш, ўқув муассасаларига жойлаштириш, ҳунар ва билим эгаллашларини таъминлаш ишларини ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар жамоат ташкилотлари, мактаб, ўқув муассасалари ва бошқа давлат органлари билан ҳамкорликни тўғри ташкил этиш, профилактик чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш зарур.

Вояга етмаганлар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда қуйидаги сабаб ва шароитларни бартараф этишга эътибор қаратиш лозим:

1) ўсмир шахсининг шаклланишига салбий таъсир қилувчи сабабларни бартараф этиш;

¹Қаранг: Душанов Р.Х. Жиноятчи шахс психологияси: Ўқув қўлланма. – Т., 2011. – 37-б.

2) вояга етмаганлар томонидан жиноят содир этилишига имкон берувчи сабаб ҳамда шарт-шароитларни бартараф этиш;

3) вояга етмаганлар жиноятчилиги рецидивлашишининг олдини олиш.

Республикамизда ёш авлодни тарбиялаш масаласига ҳуқуқий тартибни мустаҳкамлаш соҳасидаги асосий вазифалардан бири сифатида алоҳида эътибор қаратилади.

Вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликлари умумий профилактикасида тарбиявий чоралар, якка (индивидуал) профилактикасида эса бошланғич профилактика чоралари етакчи ўринда туради. Вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликлари умумий профилактикаси тўртта асосий субъект томонидан, яъни оила, мактаб, меҳнат жамоаси ва турар жойда олиб борилади. Бу субъектлар профилактикасининг мазмуни доимий равишда бир-бири билан узвий боғлиқ бўлиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Жиноятчиликка қарши кураш бўйича ИИБ профилактика хизмати ролини кучайтириш тўғрисидаги» ҳамда «Милиция таянч пунктлари инфратузилмасини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорлари профилактика инспекторларининг вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш фаолиятида туб ўзгаришларга олиб келди. Масалан, ҳар бир маҳалла фуқаролар йиғини қошида милиция таянч пунктлари (МТП) ташкил этилди, уларнинг инфратузилмаси такомиллаштирилди, МТПлар қошида вояга етмаганларнинг бўш вақтларини унумли ўтказишларини амалга ошириш мақсадида касб-ҳунар, спорт тўғараклари ва стадионлар ташкил этилди. Профилактика инспекторлари томонидан вояга етмаганларни турли тўғаракларга жалб этиш, улар ўртасида спорт мусобақаларини ташкил этиш каби ишларни йўлга қўйиш вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олишда самарали натижаларни беради.

Қонун умумтаълим ўрта мактабларига асосий вазифа сифатида ўқувчиларда юксак ахлоқий фазилатларни шакллантириш ва тарбиялашни юклайди. Бундай вазифани бажариш замирида ҳуқуқий тарбия ётади. Ҳуқуқий тарбия мураккаб жараён бўлиб, ёшлар онгида фақат жавобгарлик ҳиссини эмас, балки қонунларни тушуниб етиш ва уларни ҳурмат қилиш руҳини шакллантиришни тақозо этади. Бу борадаги ишларни амалга оширишда умумтаълим муассасалари асосан профилактика инспекторларининг кўмагига суянадилар.

Меҳнат жамоасида эса ёш авлодни меҳнатга, жамоага бўлган меҳрини кучайтириш, унинг тўлақонли аъзоси эканлигини ҳис этишига кўникма ҳосил қилдириш жуда муҳимдир. Бунда меҳнат жамоалари маъмуриятининг ўрни беқиёсдир. Уларнинг вояга етмаганларга меҳнат қонунчилигига биноан имтиёзлар яратиши, ўқиш учун шароитини етарли таъминлаши ёшларнинг жамоага бўлган ишончини кучайтиради ва қонунларга ҳурматини янада оширади. Бу борадаги ишларда ҳам меҳнат жамоалари профилактика инспекторларининг кўмагига суянишлари мақсадга мувофиқдир. Чунки баъзи ҳолатларда меҳнат жамоалари билан профилактика инспекторлари ҳуқуқбузарлик ёки муқаддам жиноят содир этган вояга етмаганларни ишга жойлаштириш, касбли қилиш борасида ҳамкорлик қиладилар.

Шунингдек, профилактика инспекторлари «Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказлари», барча манфаатдор ташкилот ва муассасалар, жумладан таълим, меҳнат ва бандлик, оила ва ёшлар, ижтимоий ҳимоя, соғлиқни сақлаш, маданият, спорт кўмиталари, прокуратура, суд, адлия, васийлик ва ҳомийлик органлари, наркологик диспансерлар билан алоқаларини янада яхшилаши ва ҳамкорликдаги фаолиятларини самарали амалга оширишлари вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликларининг олдини олишда муҳим омил саналади.

**ВОЯГА ЕТМАГАНЛАРНИНГ НОРМАДАН ОЎУВЧИ ХУЛҚИ БЎЙИЧА
ЗАМОНАВИЙ ПЕРВЕНТИВ-КОРРЕКЦИОН (ОЛДИНИ ОЛИШ
ВА ТУЗАТИШ) АМАЛИЁТ**

Вояга етмаганлар орасида жиноятчиликнинг олдини олиш ва уларни қайта тарбиялашда психология ва педагогика фанларининг ўрни ва роли беқиёс. Психологик-педагогик тадқиқотлардан маълум бўлишича, профилактик чора-тадбирларни яхшилаш орқали ҳар 10 та жиноятдан 7 тасининг олдини олиш мумкин экан. Жиноятчиликнинг олдини олиш, айниқса, вояга етмаганлар жиноятчилигининг олдини олиш масаласига ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ эътибор қаратилишини даврнинг ўзи талаб қилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги 1991 йил 20 ноябрь ва «Вояга етмаганлар назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарликларининг профилактикаси тўғрисида»ги 2010 йил 7 январь

қонунларида вояга етмаган ҳуқуқбузарларга махсус тарбия муассасаларида ижтимоий ёрдам кўрсатиш зарурлиги ўз аксини топган.

Шу маънода вояга етмаганлар жиноятчилигининг олдини олишда энг аввало жиной хулқнинг ижтимоий-психологик, педагогик ва криминологик хусусиятларини ҳисобга олиш талаб этилади.

Вояга етмаганларда илк маротаба жиной хулқ оғишларининг келиб чиқиши ҳақида атоқли психолог олим Л. В. Выгодский жуда тўғри фикрни билдирган. Унинг фикрича: «Тарбияси қийин ўсмир шахси тузилишининг мураккаблиги табиий равишда берилмаган, аксинча, ижтимоий турмуш воқеа-ҳодисалари, шахслараро муносабатлар носоғломлигидан келиб чиқади. Шахс ва жамият ўртасидаги низолар, таълим-тарбия тизимида йўл қўйилган камчиликлар тарбияси қийин ўсмирларни шакллантиради»¹.

Тадқиқотчи Т. И. Короткова вояга етмаганларда жиной хулқ ҳамда ушбу хулқнинг психологик механизмлари ўртасидаги боғланишни аниқлашга ҳаракат қилади ва вояга етмаганлар жиноятчилиги мотивларини қуйидаги гуруҳларга бўлиб кўрсатади:

1) ёш даври хусусиятига хос бўлган жисмоний фаолликнинг ўсиши (ҳар нарсани уруш-жанжалга тақаш);

2) салбий характерга эга бўлган вазиятли ҳиссий кечинмалар ва шу кечинмаларга боғлиқ ҳолда намоён бўладиган ва унинг йўқолиши билан барҳам топадиган бошқа ҳолатлар;

3) салбий ҳаётий шароитларнинг узок муддатли таъсир этиши натижасида пайдо бўладиган салбий кечинмалар.

Ғайриижтимоий хулқнинг психологик манбалари сифатида тадқиқотчи болалар ва ўсмирларда иродавий ва ахлоқий сифатларнинг қатъий шаклланмаганлиги туфайли ўзларининг ҳиссиётини жиловлай олмасликларини келтириб ўтади².

Вояга етмаганларнинг жиноят йўлига кириб қолиш сабабларини ўрганиш бўйича ўтказилган тадқиқот сўрови натижаларига кўра, «мумий ҳисобда тахминан 30 фоизи ота-она, 25 фоизи мактаб, 20 фоизи ички ишлар органлари, 25 фоизи телевидение, видеони айбдор деб жавоб берганлар»³. Ваҳоланки, «51,1 фоиз ҳолатларда вояга етмаганларнинг ота-оналари, дўстлари, 27,2 фоиз ҳолатларда

¹ *Выготский Л.С.* Развитие высших психологических функций. – М., 1967. – С. 169.

² *Короткова Т.И.* К вопросу о причинах антиобщественного поведения людей и подростков. – М., 1988. – С. 367.

³ *Тоҳир Малик.* Жиноятнинг узун йўли (Ким айбдор?). – Т., 2004. – 14-б.

ўқитувчилар, 22,4 фоиз ҳолатларда кўни-кўшнилари уларнинг ёмон ишлар билан шуғулланаётганликларини билганлар. Аммо уларга қонуний чора кўриш юзасидан ҳеч қандай иш олиб бормаганлар»¹.

Вояга етмаганлар орасида салбий ахлоқий сифатларни шакллантирувчи кўйидаги омиллар мавжуд:

1) оиланинг таъсири (муҳит, кўполлик, ичкилик ичиш ва ҳоказо);

2) атрофдагиларнинг таъсири (ўқишига, турмуш тарзига ва ҳоказо);

3) бўш вақтнинг кўплиги, фойдали меҳнат билан шуғулланишни хоҳламаслиги;

4) Ғарб маданиятининг турмуш-тарзига таъсири.

Вояга етмаганлар орасида криминоген вазиятларни шакллантиришга таъсир қилувчи омиллар:

- назоратнинг узоқ вақт йўқлиги;

- балоғат ёшига етмаганлар назоратидаги сусткашлик;

- ўқув-тарбиявий ишлардаги эътиборсизлик;

- ишга жойлаштириш ва тарбиядаги сусткашлик;

- ички ишлар органлари ходимларининг балоғат ёшига етмаганлар орасида олиб борадиган ишларидаги камчиликлар.

Шу нуқтаи назардан вояга етмаганлар жиноятчилигининг олдини олишга қаратилган профилактик чора-тадбирлар табиатини тушуниш учун аввало уларнинг бошланиш даврини, унинг объектини ҳамда жиноий хулққа эга бўлган шахсга қандай таъсир кўрсатиш кераклигини билиб олиш талаб этилади. Ушбу масалани ечиш учун табиий равишда шахснинг кўрсатаётган важига алоқадор бўлган маълумотлардан фойдаланишга тўғри келади. Жиноий хулқ қайсидир маънода шахснинг умумий йўналиши ва вазият ўртасидаги ўзаро алоқага боғлиқ бўлади. Вояга етмаганлар шахсларда хулқ оғишлари ва жиноятчилик ўз мотиви мазмунига кўра «англанмаган мотив», «моддий-маиший шароитга ўчлик ва очкўзлик», «дўстлар олдида обрў орттириш», «қасос ва ўч олиш», «ўзини кўрсатишга интилиш» асосида содир этилаётганлиги кузатилади.

Ўз навбатида, вояга етмаганларда нормадан оғувчи хулқ жараёни шахс хусусиятлари билан ташқи муҳит воқеа-ҳодисалари ўртасидаги

¹ *Зарипов З.С.* Вояга етмаганларнинг гуруҳий жиноятчилиги ва унинг олдини олишга қаратилган айрим чоралар // Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши кураш фаолиятини такомиллаштириш: Илмий-амалий конференция материаллари. – Т., 2001. – 18–21-б.

мураккаб боғланишли ҳолат ҳисобланади. Бу жараёнда ўсмир шахси субъект сифатида ташқи муҳит ахборотларини қабул қилади ва қайта ишлайди. Объект сифатида эса ташқи муҳит воқеа-ҳодисалари шахсга таъсир этувчи элемент сифатида ифодаланади.

Вояга етмаганларда нормадан оғувчи хулқ-атвор деганда, жамиятда ўрнатилган тартиб-интизом, қонун нормаларига риоя этмасдан ўзи англаган ва англамаган ҳолда бу тартиб-қоидаларни бузиш тушунилади.

Вояга етмаган шахсларда нормада оғувчи хулқнинг намоён бўлиши:

- 1) бошқалар олдида ўзининг кучлилигини намоёиш этиш (жисмоний жиҳатдан);
- 2) ўзгаларни (тенгқурларини) камситиш;
- 3) ўзларини салбий томонларини, «мен»лигини атайлаб намоёиш этиш;
- 4) жамоат ишларида қатнашмаслиги ва ўқимаслигини кўз-кўз қилиш.

Вояга етмаганлар орасидаги нормадан оғувчи шахслар спиртли ичимликларга, чекишга, оиладан чиқиб кетишга, оилавий жанжалларга мойил бўладилар. Бундай шахсларни тарбиялашда профилактик ишларни ташкил қилиш шарт, бу қуйидаги профилактик тадбирлар шаклида бўлиши мумкин:

- хулқида нормадан оғишга мойиллиги бор шахсларни мактабда, жамоат жойларда ўзини намоён қилишига йўл қўймаслик;
- профилактика инспектори билан мактаб, лицей маъмурияти ўртасидаги ҳамкорлик бир тизимга эга бўлиши;
- нормадан оғишга мойиллиги бор шахслар доимо назорат остида бўлиши;
- хуқуқбузарликка мойиллиги бор, маъмурий назоратдаги шахслар билан профилактик ишлар олиб бориш;
- якка тартибда профилактик-тарбиявий ишларни олиб бориш;
- ишонтириш ишларини мажбурлаш ишларидан устун қўя олиш;
- хулқида оғишни юзага келтирадиган омилларни ўрганиш ва бартараф этиш зарур.

Жиноятчилик хулқига эга бўлган вояга етмаганлар ўртасида олиб бориладиган тарбиявий тадбирларнинг самарадорлигини оширишда уларда фаол ҳаётий нуқтаи назарларни шакллантириш, тарбиячи ва тарбияланувчи ўртасида ўзаро яқинлик ва соғлом психологик муҳитни яратиш лозим. Чунки хулқ оғишининг келиб чиқишида

шахснинг индивидуал-психологик хусусиятларининг ўрни каттадир.

Шу маънода жиноий хулқ хусусиятларига эга бўлган вояга етмаганлар билан олиб бориладиган прихокоррекция (тузатиш) ишларни уларнинг онги ва маънавий дунёқарашини ўзгартиришдан бошлаш мақсадга мувофиқдир. Яъни, унинг хулқ-атворидаги салбий иллатларга нисбатан мустаҳкам иммунитетни шакллантириш зарур. Бу ўсмирни онгли равишда салбий хатти-ҳаракатлардан тияди.

Профилактик тадбирлар ҳуқуқбузарликнинг ижтимоий хавфли-лигига қараб олиб борилади ва шунга қараб педагогик таъсир этиш усуллари танланади. Масалан, ҳуқуқбузарлик йўналишини ўзгартириш мумкин. Бунинг учун турли тарбиявий воситалардан фойдаланилади, мақсад уларнинг хатти-ҳаракатида ижобийликни юзага келтиришдир. Ҳуқуқбузарлик йўналишини ижобий томонга йўналтиришда гуруҳдагилар ўртасидаги муносабат ўзгартирилмайди, балки аста-секин жавобгарлик ҳисси шаклланади, қўполлик аста-секинлик билан йўқолиб боради.

Вояга етмаган ҳуқуқбузарларга таъсир кўрсатишнинг қуйидаги тўртта асосий усули мавжуд:

- 1) гуруҳ етакчисига таъсир қилиш орқали;
- 2) гуруҳга таъсир қилувчи сўзга устомон шахс орқали;
- 3) жамоа орқали;
- 4) жамоадаги хурматли, обрў-эътиборли шахслар орқали.

Вояга етмаганларда нормадан оғувчи хулқнинг олдини олишда якка тартибдаги тарбиявий ишларнинг, айниқса, ҳуқуқий, ахлоқий, меҳнат, ватанпарварлик ишларининг роли катта. Хулқида оғиш бўлган шахсларда кўпроқ гуруҳ-гуруҳ бўлиб ҳуқуқбузарлик содир этишга мойиллик кучли бўлади. Шунинг учун бу гуруҳлар орасида «етакчиларни» аниқлаш ва уларнинг сохта «обрў»лиларини фош қилиш керак.

Вояга етмаганлар орасида якка профилактик суҳбатлар олиб боришда уларнинг психологиясига хос қуйидаги фазилатларга эътиборни қаратиш керак: тез хафа бўлиб қолиши, хавотирга тушиб қолиши, қасос олишга мойиллиги, ўжарлиги, бошқаларга ўхшашга ҳаракат қилиши ва ҳоказо.

Вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда қуйидаги чора-тадбирлар амалга оширилади:

- 1) вояга етмаганлар жиноятчилиги асосан 14–17 ёшга тўғри келаётганлигини инобатга олиб, айнан шу ёшдаги шахслар ўртасида

ҳамда улар ўқийдиган таълим муассасаларида профилактик чора-тадбирларни кучайтириш;

2) вояга етмаганлар жиноятчилиги асосан тунги соат 22–23 ва ундан кейинги вақтларда амалга оширилаётганлигини инобатга олиб, назоратни кучайтириш.

3) нормадан оғиш, жиноий хулққа эга бўлган вояга етмаган шахсларда руҳий беқарорлик, ўзгарувчанлик, аффе́кт ҳолатига мойиллик хусусиятларининг яққол ифодаланганлигидан келиб чиқиб, улар шахсини соғломлаштириш мақсадга мувофиқдир. Бунда улар яшаётган оила ва ижтимоий муҳитни соғломлаштириш, шахслараро соғлом муносабатни вужудга келтириш ишларини олиб бориш;

4) криминоген хулқли оилаларни аниқлаш, уларда тарбияланаётган болалар ва ўсмирлар аҳволидан хабардор бўлиш;

5) профилактика инспектори орқали кўчадаги муҳитга таъсир қилиш.

Юқорида таъкидлаганимиздек, вояга етмаганларда мулоқотга иштиёқ баланд бўлади. Бундай ҳолатда вояга етмаганларга обрўли одамларнинг таъсири юқори бўлиши мумкин.

Профилактик тадбирларда энг қийини вояга етмаган шахсларда ўзини ўзи тарбиялаш ҳиссини уйғотишдир. Чунки ўзини ўзи тарбиялаш олдинги салбий хатти-ҳаракатига қарши боришдир. Ўзини ўзи тарбиялаш вақт, энг асосийси, ирода талаб қилади.

Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «бизнинг келажагимиз, энг катта ишончимиз, мадад таянчимиз – бу ўсиб келаётган ёш авлоддир. Мен ўзим тақдиримни ҳам, мамлакатимиз ва мустақиллигимиз тақдири ва келажагини ҳам ана шу ёшлар қиёфасида, уларнинг пок қалби, эркин тафаккури, мустаҳкам иродаси ва дунёқарашида кўраман»¹, деган сўзлари алоҳида аҳамият касб этади.

ОИЛАВИЙ НОТИНЧЛИК ВА УНИНГ ЖИНОИЙ ХУЛҚ ШАКЛЛАНИШИГА ТАЪСИРИ

Оиладаги носоғлом ижтимоий-руҳий муҳит нафақат зўравонликларнинг, балки оғир ва ўта оғир жиноятларнинг содир этилишини таъминловчи асосий омил ҳисобланади. Зеро, «ҳеч ким онадан

¹ Каримов И. А. Миллат қудрати –ҳамжихатликда // Халқ сўзи. – 1999. – 27 март.

жиноятчи бўлиб туғилмайди. Жиноятчилик номаъқбул ижтимоий-иқтисодий, маънавий-ахлоқий муҳитдагина илдиз отиши мумкин»¹.

Маълумки, оиладаги носоғлом ижтимоий-руҳий муҳит сабабларини ўрганиш борасида турли даврлардан бошлаб ҳар хил соҳа мутахассислари томонидан қатор тадқиқотлар олиб борилган. Бу муаммога бағишланган илмий изланишлар эса, асосан, ҳар бир миллат менталитети, ўша жамиятда устувор бўлган оилавий қадриятлар, урф-одатлар ва маросимлар доирасида турли тадқиқотларнинг предмети бўлиб келган. Зеро, оилада тарбияланаётган фарзандларнинг шаклланиши оила аъзолари ўртасида вужудга келадиган барқарор, соғлом ижтимоий муносабатларга боғлиқ.

Профессор Ғ. Б. Шоумаров илмий изланишларида оила ва оилавий муносабатлардаги носоғлом психологик муҳитнинг бола хулқи-атворида таъсири, хулқ оғишининг келиб чиқишида шахснинг индивидуал-психологик хусусиятлари, руҳий танглик ва аффектив ҳолатларнинг болалар ва ўсмирларда хулқ оғишининг келиб чиқишига таъсири масаласи батафсил ёритилган. Олимнинг таъкидлашича, оиладаги носоғлом психологик муҳит нафақат эрхотин ўртасидаги низоларни, балки болалар руҳиятидаги, хулқ-атворидаги ўзгаришларни ҳам келтириб чиқаради. Оилада ота-оналарнинг ўз ҳаёт ташвишлари билан бўлиб, болалар фаолиятини назорат қилмасликлари ҳамда уларни ижтимоий фойдали фаолиятга йўналтирмасликлари болаларда хулқ оғишининг келиб чиқишига сабаб бўлади. Шунингдек, оилавий тарбиянинг таъсирчанлик роли, ота-онанинг шахс сифатида ибрат кўрсата олмаслиги, уларнинг ноахлоқий хулқ-атворга эга бўлишлари болалар ва ўсмирларда хулқ оғишининг келиб чиқишига сабаб бўлади².

Таъкидлаш жоизки, шахснинг маънавий шаклланиши, инсон шахсининг пойдевори оилада қурилади. Инсон ўзини ўраб олган дунё тўғрисидаги дастлабки билимни, яхши ва ёмон ахлоқ нормалари ҳақидаги дастлабки тасаввурни, биринчи тарбиявий сабоқни оилада олади, шахс сифатида дастлабки қадамни оилада қўяди. Шунинг учун инсон тарбияси у туғилган кундан бошланмоғи лозим. Чунки оила болага муайян ғоявий-сиёсий қарашлар асосларини сингдиради, бола оилада ахлоқ нормаларини билиб олади ва уларни ўзлаштиради,

¹ Каримов И. А. Бунёдкорлик йўлидан. Т.4. – Т., 1996. – 147-б.

² Қаранг: Шоумаров Ғ.Б. Вояга етмаган жиноятчилар билан ишлашнинг психологик масалалари // Таълим тизимида психологик хизмат: муаммолар, ечимлар. –Термиз, 2002. – 7–9-б.

ундаги дастлабки кўникмалар ва хулқ-атвор намуналари оилада шаклланади ҳамда боланинг характери, табиати ва дунёқарашини белгилайдиган маънавий мезон ва қарашлар — яхшилик ва эзгулик, олижаноблик ва меҳр-оқибат, ор-номус ва андиша каби муқаддас тушунчаларнинг пойдевори оила шароитида қарор топиши табиийдир. Шундай экан, тарбиянинг асосий ўзагига оилада пойдевор қурилади ва бу тарбия унинг бутун умри давомида берилган бошқа таълим-тарбияга ўз таъсирини ўтказди. Тадқиқотчи М. Ёўлдошевнинг фикрича, «тарбиядан гап очишдан илгари оила ва ундаги руҳий муҳит ҳақида гап юритиш лозим бўлади»¹.

Маълумки, оиладаги муҳит шахснинг шаклланишида ўзининг ижобий ёки салбий таъсирини кўрсатади. Буни ортиқча изоҳлашга ҳожат йўқ, чунки ҳаёт синовлари буни кўрсатиб турибди. Оиладаги носоғлом ижтимоий-руҳий муҳит нафақат оилада тарбияланаётган фарзандларнинг, балки оила аъзоларининг ахлоққа зид хатти-ҳаракатлар содир этишига ва улар ўртасида вужудга келадиган ижтимоий муносабатлар жараёнига таъсир этади. Статистик маълумотларга қараганда, ҳуқуқбузарлик содир этган вояга етмаганларнинг 42–45 фоизи ота-онаси ичкиликбозликка берилган, мунтазам равишда жанжал ва низолар келиб чиқадиган носоғлом оилада яшаган².

«Ота-оналар томонидан зулм кўрсатилган болалар ва ўсмирлар» дастури асосида ишлаган бир гуруҳ америкалик психиатрлар томонидан 76 та солим ота-она шахси ўрганилганда уларнинг фақат 7 фоизи руҳий соғлом бўлиб, қолганлари, яъни 25 фоизи ичкиликка ружу қўйганлар, 68 фоизи эса жамиятга зид турмуш тарзи юритувчи шахслар эканлиги аниқланган.

Ҳаёт тажрибаси ва кузатишлар шуни кўрсатадики, нафақат оилада содир этиладиган ҳар қандай ғайриижтимоий ҳодисаларнинг, балки ҳар қандай жиноятнинг содир этилишида оила муҳитининг таъсири бўлади. Айниқса, ота-онанинг салбий ахлоқи оила муҳити ва фарзандлар тарбиясига жиддий таъсир кўрсатади. Оиладаги бундай носоғлом муҳит жинорий хатти-ҳаракатлар содир этилишига олиб келади. Шу ўринда бир мисол келтирамиз, А. М. Ходжимухамедов 2009 йилнинг 9 сентябрь куни соат тахминан 12⁰⁰ларда ўз уйида ўғли

¹ Ёўлдошев М. Оилада руҳий муҳит ва унинг тарбияга таъсири. –Т., 2004. – 5-б.

² Қаранг: Исмаилов И. Вояга етмаганлар жиноятчилигига қарши кураш чоралари ҳақида // Мустақил Ўзбекистон: фалсафа ва ҳуқуқ фанларининг долзарб муаммолари. –Т., 1994. – 275-б.

А. А. Ходжимухамедов билан ўзаро жанжаллашиб қолади. Ўғли «менга ақл ўргатманг» деб отасини кўкрагидан итариб, жаҳлини чиқаради, А.М.Ходжимухамедов ўғлини кўрқитиб кўйиш мақсадида ошхона пичоғи билан унинг кўкрак қисмига уриб, ҳаёт учун хавфли бўлган оғир тан жароҳати етказган.

Таъкидлаш жоизки, ижтимоий шарт-шароитнинг жиноий хулқ-атвор билан алоқаси мураккаб хусусият касб этади¹. Баъзи ҳолларда бундай хулқ-атвор жиноят содир этилишига олиб келади.

Носоғлом оила муҳитининг таъсири у ерда ўсиб келаётган вояга етмаганлар тарбиясига таҳдид солувчи хавф десак, муболага бўлмайди. Чунки ҳар қандай жиноятнинг ижтимоий хавфи, Ч. Беккариянинг машҳур «Жиноят ва жазо» асарида ёзилганидек, миллатга етказган зарари билан белгиланади. Жиноятнинг ижтимоий хавфи фақат муайян шахсга ёки бошқа бир объектга етказилган моддий ёки маънавий зарар билан эмас, балки бутун жамиятга таъсир қиладиган салбий оқибатлари билан ўлчаниши лозим. Оила ҳаётига зўравонликнинг, айниқса, унинг жиноий кўринишларининг кириб келиши оила тарбиясининг ахлоқий, инсонпарварлик асосларини бузади, болалар қаровсизлиги ва назоратсизлигини кучайтиради, вояга етмаганларнинг спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари истеъмол қилишга олиб келади, фоҳишабозликка ва жиноий фаолиятга жалб этилишини фаоллаштиради.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, оилада зўравонлик содир этилишини тақозо этувчи ва уни таъминловчи криминоген омиллар бир-бири билан узвий боғлиқ бўлиб, оиладаги носоғлом турмуш тарзи оқибатида вужудга келган салбий одатларнинг натижасидир. Маълумки, инсон ижтимоийлашуви жараёнида оила индивидга ижобий ёки салбий таъсир кўрсатиши, унинг муайян ижтимоий қиёфасини шакллантириши лозим. Оиладаги муҳит шахс шаклланишида ўзининг таъсирини ўтказиши билан бирга, унда маънавий-ахлоқий фазилат ва хусусиятларнинг ривожланиш жараёнини таъминлайди. Олима Қ. Р. Абдурасулова таъкидлаганидек, «инсоннинг ҳис-туйғулари ва фикрлари, ақлий ва маънавий хусусиятлари унинг ривожланиш ва яшаш шароитлари билан белгиланади»².

Ўтказилган таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, оила шахсни ижтимоий ҳаётга тайёрлаш, маънавий ва ахлоқий тарбиялаш,

¹ Қаранг: Абдурасулова Қ.Р. Профилактика – тарбиявий чора-тадбирлар асоси // *Вола ва замон*. – 2008. – №14. – 24-б.

² Ўша жойда.

шахслар билан бўладиган ижтимоий муносабатлар жараёнида ўзини тутиш каби инсоний сифатларни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади. Маълумки, оилада қанчалик иноқлик, бир-бирини тушуниш каби хислатлар мавжуд бўлса, у оиладан маънавий баркамол инсонлар етишиб чиқади. Инсоният тарихи қайси жамиятда, миллатда, оилада ота-онага, болаларга ҳурмат кўрсатувчи урф-одатлар мавжуд бўлса, шу ерда жинойтчилик даражаси паст эканлигидан далолат беради. Чунки оила ўзининг тарбия қилиш, ишонтириш ва жазолаш, ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш тизимига эга.

Ш. М. Ҳикматов таъкидлаганидек, қонунга ёки қонун ижросига путур етказадиган, унга риоя қилишга тўсқинлик қиладиган омилларни оилалардан излаш лозим¹. Зотан, ҳар қандай ҳуқуқбузарликнинг келиб чиқишида оиладаги носоғлом ижтимоий-руҳий муҳит муҳим рол ўйнайди.

Олим Ю. М. Антоняннинг таъкидлашича, ҳар томонлама соғлом оилаларга нисбатан носоғлом оилаларда жинойтчилар 9–10 марта кўп етишиб чиқади. Бундай оилалардаги носоғлом муҳит оилада оила аъзолари ўртасида жанжал, келишмовчиликлар ёки шахсда ғайриижтимоий қарашларни шакллантиради. Шахсда тажовузкорликнинг шаклланиши оилада зиддиятлар (уруш-жанжаллар, можаролар), зўравонликлар, зўравонлик билан жинойт хулқ-атвор борасида ибрат кўрсатиш (ичкиликбозлик, шафқатсизлик) ва бошқаларга олиб келади.

Агар зўрлик эр-хотинлар (бирга яшовчилар) ўртасида мавжуд бўлса, у, одатда, ҳақиқий ёки сохта рашк, ўч олиш билан боғлиқ ҳолатлар натижасида шаклланади². Шахсда зўравонликни шакллантирувчи, салбий маънавий-руҳий хусусиятлар ривожланишини таъминловчи омиллар кўпинча оиладаги шахслар таъсирида вужудга келади.

Шунингдек, оиладаги носоғлом ижтимоий-руҳий муҳит криминоген вазиятларни келтириб чиқаради. Хусусан, тадқиқот давомида ўрганилган жинойт ишлари таҳлилига кўра, 42 фоиз жинойт содир этган шахсларнинг оиласида носоғлом муҳит ҳукмрон бўлган, 27 фоиз оиладаги шахслар ўртасида адоватнинг мавжуд бўлганлиги

¹ Қаранг: *Ҳикматов Ш.М.* Аёл, оила ва жамият: Илмий-амалий конференция материаллари. – Т., 2007. – Б. 29.

² Қаранг: *Ҳамидов Ф.А.* Оилада содир этиладиган оғир жинойтларнинг олдини олиш масалалари // *Ҳуқуқ–Право–Law.* – 2002. – № 2. – 40-б.

ва фақатгина 14 фоиз ҳолатда бу жиноятлар тасодифий содир этилганлиги маълум бўлди. Ушбу оилаларда носоғлом муҳит оқибатида юзага келган низо ёки адоватнинг жиноий йўл билан ҳал этилиши натижасида оилаларда жиноий зўравонлик жиноятлари содир этилган. Бу шундан далолат берадики, бу оилаларда носоғлом ижтимоий-руҳий муҳит ҳукмронлик қилган, шахслар ўртасидаги ижтимоий муносабатлар самимий бўлмаган, айниқса, келишмовчилик ва жанжаллар уларнинг кундалик оила-турмуш жараёнида одатий ҳолга айланган.

Оилалардаги ғайритабиий, ахлоққа зид бўлган муносабат, низо, жанжал ва келишмовчиликлар, оила аъзолари ўртасида бир-бирига нисбатан кўполликнинг мавжудлиги носоғлом муҳитнинг вужудга келишини таъминлайдиган омиллар саналади. Ушбу ҳолатлар ташқаридан аҳил кўринган оилаларга ҳам хос бўлиб, уларни ўз вақтида аниқлаш ва кучсизлантириш чораларини амалга ошириш лозим.

Таъкидлаш жоизки, оилада содир этиладиган жиноятлар ўзига хос сабабларга эгаллиги билан бошқа жиноятлардан ажралиб туради. Ҳозирги кунда оилада содир этилаётган зўравонликларнинг асосий қисми мунтазам равишда ичкиликбозликка ружу қўйган шахслар ва ишсизлар томонидан содир этилмоқда. Бундай нохуш ҳолатларга чек қўйиш, тўғрироғи уларнинг олдини олиш учун, аввало, оила мустаҳкамлиги ва барқарорлигига, унинг тўлиқ ва мукамал бўлишига эришиш, оилада соғлом маънавий муҳитни шакллантириш лозим. Зеро, оиладаги соғлом маънавий муҳит, одамийлик, инсонпарварлик муносабатлари унда тарбияланаётган фарзандларнинг ижтимоий руҳиятига ижобий таъсир кўрсатиб, оила мустаҳкамлигини таъминлашга хизмат қилади.

Оила мустаҳкамлиги биринчи навбатда оила муҳитига боғлиқ. Оила муҳити асосини унинг ядроси бўлмиш эр-хотин муносабатлари ташкил этади¹. Оилада эр-хотин ўртасидаги муносабатлар бола тарбиясида муҳим ўрин эгаллайди. Шу боис, боланинг камолотга етишишида ота-онанинг бу ишга масъул эканлиги халқаро ва миллий қонунчилигимизда белгилаб қўйилган. Хусусан, «Бола ҳуқуқлари тўғрисида»ги конвенциянинг муқаддимасида: «боланинг шахси, соғлом ва ҳар томонлама уйғунлашган ҳолда камолоти учун у оила ғамхўрлигида, бахт, меҳр-муҳаббат ва онгни тушуниш вазиятида

¹ Қаранг: *Буриева М.* Оила ва унинг вазифалари. – Т., 1998. – 7–8-б.

ўсиши зарурлиги»¹ эътироф этилган. Бу борада Президентимиз Ислон Каримов айтганидек, «болаларимизнинг қалбида гўзаллик ва эзгуликка интилишни кучайтириш ва шу асосда жамиятимизнинг маданий савиясини ошириш биз учун устувор вазифалардан бири ҳисобланади»².

Оилада носоғлом турмуш тарзи шаклланишида оиладаги шахслар ўртасида вужудга келадиган ижтимоий муносабатларнинг ўрни беқиёс. Оиладаги носоғлом муҳитнинг шаклланиш шарт-шароити унинг қуйидагилар билан чамбарчас боғлиқлигида намоён бўлади:

- 1) оила муҳитига ташқи салбий омилларнинг таъсири;
- 2) қариндош-уруғлар ўртасида меҳр-оқибат туйғуларининг йўқлиги;
- 3) оилада оила аъзоларининг спиртли ичимлик, гиёҳвандлик воситалари ёки тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишга одатланганлиги;
- 4) оила аъзолари ўртасида доимий жанжал ва келишмовчиликларнинг мавжудлиги ва ҳоказо.

Номатқбул турмуш шароити таъсирида шаклланган шахснинг салбий ахлоқий-руҳий сифатлари ва ташқи объектив ҳолатларнинг ўзаро таъсири жинойий хулқ-атвори вужудга келтиради, бунда салбий ахлоқий-руҳий сифатлар ҳал қилувчи рол ўйнайди³. Салбий ахлоқий сифатлар шахснинг жиноят содир этишига кўмаклашувчи ва унга шарт-шароит яратувчи муҳим омил ҳисобланади. Масалан, 1976 йилда туғилган фуқаро М. турмуш ўртоғи Ж. томонидан доимий равишда зулм кўриб, ҳақоратланиб келинган. Ушбу муносабат оқибатида келиб чиққан ўзаро келишмовчилик натижасида фуқаро М. ошхона пичоғи билан қуролланиб, эри Ж.нинг кўкрак қисмига жисмоний куч ишлатиш орқали пичоқ билан оғир тан жароҳати етказган⁴.

¹ Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция ва унинг Факультатив протоколлари / Ўзбекча нашри учун масъул муҳаррир А.Х. Саидов. – Т., 2009. – 12-б.

² Қаранг: *Каримов И.А.* Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш – бизнинг олий мақсадимиз. Т.17. – Т., 2009. – 55-б.

³ Қаранг: *Бабаяров М.А.* Ёшларни ҳуқуқий тарбиялаш муаммолари // Мустақиллик йилларида юридик фан ва амалиётнинг ривожланиши: Илмий-назарий конференция материаллари. – Т., 2002. – 49–51-б.

⁴ Қаранг: Жиноят ишлари бўйича Наманган шаҳар суди архивининг 1|271-сонли жиноят иши.

Айрим криминологик адабиётларда оиладаги носоғлом муҳит таъсирида ҳуқуқбузарлик содир этувчи шахслар қуйидагича тавсифланади: 1) шахснинг умумий йўналтирилганлигига зид бўлган, яъни ҳаётий вазиятлар билан тасодифий (25–30%); 2) умумий шахсий йўналтирилганлик беқарорлигини ҳисобга олиб башорат қилинадиган, бироқ сабаб ва вазият нуктаи назаридан тасодифий (25–30 %); 3) шахснинг умумий-салбий йўналтирилганлиги билан, аммо жинойий йўналтирилганликка бориб етмаган (30–40 %); 4) шахснинг жинойий йўналтирилганлиги натижаси билан (10–15 %).

Носоғлом оиладаги ижтимоий-руҳий муҳит таъсири остида зўравонлик қуйидаги криминоген низоли ҳолатларда акс этади:

- узоқ давом этган ва кучли низонинг жиноятчи шахс ташаббуси билан ҳал этилишида;
- жабрланувчининг низо келтириб чиқарувчи хатти-ҳаракати натижасида;
- жиноятчи ва жабрланувчининг ахлоқсиз ҳаёт тарзи оқибатида;
- жабрланувчининг ҳуқуққа хилоф қилмиши натижасида тўсатдан вужудга келган стресс ҳолати оқибатида;
- жиноятчи шахснинг ички шахсий низосини ҳал этиш жараёнида.

Маълумки, инсон ҳаёти давомида ўзини ўраб турган ижтимоий муҳит таъсири остида бўлади. Шу боисдан ҳам унинг шаклланиши жараёнида маълум криминоген омиллар унга ижобий ёки салбий таъсир қилиб, инсон шахсида ижобий ёки салбий хусусиятлар шаклланади ва ривожланади. Оиладаги муҳитнинг салбий таъсири вояга етмаган ёшларнинг мавжуд муносабатларга ўта таъсирчан бўлиши оқибатида жинойий ишлар содир этиш эҳтимоли билан характерлидир.

Шахснинг салбий шаклланишини таъминловчи ахлоққа зид омилларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- 1) биологик (наслдан-наслга ўтувчи хусусиятлар);
- 2) оиладаги маънавий-руҳий муҳитнинг заифлиги;
- 3) оила аъзолари ўртасидаги муносабатлар;
- 4) ахлоққа зид бўлган хатти-ҳаракатлар;
- 5) оиладаги шахслар ўртасида ғайриижтимоий муносабатларнинг мавжудлиги;
- 6) доимий равишда низо, жанжал ва келишмовликнинг мавжудлиги;

7) оилада ота-онанинг ёки бошқаларнинг ғайриижтимоий қарашлари;

8) оилада тарбиянинг йўқлиги;

9) миллий қадрият ва анъаналарга ҳурматсизлик билан муносабатда бўлиш ва ҳоказо.

Бундай оилалардаги носоғлом муҳитнинг таъсири оилавий ажримларнинг кўпайиши, болалар тарбиясида камчиликлар, шахслараро ўзаро муносабатлар замирида турли хил низо ва можароларни келтириб чиқаради. Ҳолбуки, қачонки оилада осойишталик ва бир-бирини тушуниш, эр-хотин ва болалар ўртасидаги тенглик ва ўзаро бир-бирини ҳурмат қилиш ҳукмрон бўлса, буни табиатнинг дурдонаси дейиш мумкин¹.

Олимларнинг таъкидлашича, оила муҳитга хос бўлган шарт-шароитлар орасида шахс шаклланадиган муҳит алоҳида аҳамият касб этади. Масалан, олим Ю. М. Антонян оиладаги зўравонликнинг сабабини ота-онанинг фарзандга меҳр қўймаганлиги, уларнинг тарбиясига эътиборсизлиги билан изоҳлайди. Муаллифнинг фикрича, шахснинг болаликда меҳр-мурувватдан маҳрум қилиниши унинг руҳиятида безовталиқ, кўрқинч, нафрат каби ҳиссиётларни шакллантиради. Бу ҳиссиётлар онгсиз равишда қайд этиб борилади ва муросасиз хулқ-атворнинг, жумладан унинг энг ашаддий кўриниши – зўравонликнинг шаклланишига олиб келади². Бунинг асосий сабаби оиладаги носоғлом ижтимоий-руҳий муҳит ҳисобланади.

Аслида, оилада ота ёки онанинг ўз фарзандига бемеҳрлиги ёки эътиборсизлиги ёхуд назоратсизлиги улар ахлоқидаги нуқсонларнинг бир кўринишидир. Назоратсиз қолиш салбий муҳит билан қўшилиб, жинойий хулқини вужудга келтиради, натижада вояга етмаганлар томонидан жиноятлар содир этилади³. Вояга етмаганларнинг жиноят оламига кириши жиноят ёки ҳуқуқбузарликлар содир этиш каби салбий иллат пайдо бўлишига олиб келади.

Оилавий ҳаёт давомида ота ёки онанинг фарзанд тарбиясига бўлган эътиборсизлиги ҳам оилада бир қанча муаммоларни келтириб чиқаради. Буни таърифлаш, тушунтириш ёки изоҳлашга ҳожат йўқ.

¹ Қаранг: *Горниченко И. И., Хакимов Ш. Ш., Закирходжаев Ш. А.* Откровенно о сокровенном. – Т., 1991. – С. 57.

² Қаранг: *Антонян Ю. М.* Причины преступного поведения. – М., 1992. – С. 114.

³ *Каюмов А. А.* Вояга етмаган қонунбузарлар ва уларнинг географик тавсифи // Конференция материаллари (2002 йил 14 ноябрь). – Т., 2003. – 187-б.

Шубҳа йўқки, жамиятда юз берадиган барча ўзгаришлар оилага, оиладаги маънавий муҳит, унинг ижтимоий-иқтисодий, маданий даражаси эса жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ва маънавий тараққиётига таъсир қилади¹. Табиийки, бундай носоғлом ижтимоий-руҳий муҳит мавжуд бўлган оилаларда мунтазам жанжал бўлиб туради. Бунинг оқибатида шахснинг ҳаёти ва соғлиғига қарши қаратилган оғир жиноятлар содир этилади.

Мамлакатимизда «Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши ҳам бежиз эмас. Чунки вояга етмаганлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш давлатимиз сиёсатининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Ушбу қонунга асосан давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат: боланинг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилиш; боланинг камситилишига йўл қўймаслик; боланинг шаъни ва кадр қимматини ҳимоя қилиш; болаларнинг жисмоний, интеллектуал, маънавий ва ахлоқий камол топишига кўмаклашиш; болада ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни шакллантириш; болаларнинг ижтимоий кўникмасига, вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларни камайтиришга кўмаклашиш.² Шундай экан, оилада соғлом ва маънавий-руҳий муҳитни шакллантириш ҳар бир ота-онанинг бурчидир.

Оиладаги ижобий муҳит боланинг ҳам физиологик, ҳам руҳий эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилади. Уларнинг маънавий эҳтиёжи оилада қанча тўлиқ қондирилган бўлса, шахсда келажакда девиант хулқ-атворнинг шаклланиш эҳтимоли шунча кам бўлади³. Боланинг табиати ва дунёқарашини белгилайдиган маънавий мезон ва қарашлар – яхшилик ва эзгулик, олижаноблик ва меҳр-оқибат, орномус ва андиша каби муқаддас тушунчаларнинг пойдевори оила шароитида қарор топиши табиийдир⁴.

¹ Қаранг: *Oila pedagogikasi*. – Т., 2007. – 22-б.

² Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг «Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида»ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис палаталарининг ахборотномаси. – 2008. – №1. – 1-м.

³ Қаранг: *Қорахўжаева М.Х.* Ёшларни баркамол инсон қилиб тарбиялашда бой маънавий меросимиздан фойдаланиш // Соғлом турмуш тарзини шакллантиришнинг илмий-услубий асослари: Илмий-амалий ва услубий конференция материаллари. –Т., 2007. – 75–78-б.

⁴ Қаранг: *Каримов И.А.* Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т., 2008. – 52-б.

Қ. Р. Абдурасулова шахсда салбий хусусиятлар шаклланишига олиб келувчи оиладаги нотўғри маънавий ва ахлоқий тарбия беришнинг бир қанча объектив ва субъектив ҳолатлар билан белгиланишини тавсифлаб, унинг энг кўп тарқалган қуйидагилари объектив омиллар қаторига киришини таъкидлайди: 1) оиладаги моддий қийинчиликлар; 2) ота-онанинг иш ёки рўзғор юмушлари билан қаттиқ бандлиги. Бу болаларни назорат қилишни объектив тарзда қийинлаштиради; 3) оила тўлиқ эмаслиги (ота ёки онанинг йўқлиги); 4) ота-она маълумот даражасининг пастлиги, педагогик билимларнинг йўқлиги; 5) оилада конфликтли вазиятнинг мавжудлиги¹.

Оила тарбиясидаги педагогик камчиликлар ижтимоий-психологик ва криминологик соҳада батафсил таҳлил қилинади. Хусусан, фарзандларни лозим даражада тарбиялай олмайдиган муайян турдаги оилаларни ажратиб кўрсатишга турлича ёндашувлар учрайди. Фарзандларини тарбиялашни билмайдиган, тарбиялаш билан шуғулланмайдиган ёки объектив сабабларга кўра уларни тўғри тарбиялай олмайдиган оилалар ажратиб кўрсатилади². Оилада носоғлом турмуш тарзи вужудга келишида асосий сабабчи ота-она деб таъкидлаш мумкин.

Латвиялик олим И.Э. Клотниекс ўзининг «Оиладаги психология» китобида оиладаги носоғлом муҳит оқибатида юзага келадиган низолар орасидан боланинг кўз ўнгида ва унинг иштирокида рўй берадиган низолар хусусида ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирган. Унинг фикрича, «оилавий жанжаллар, низолар салбий эмоционал реакцияларни келтириб чиқаради ва оиладаги психологик муҳитни бузади»³. Нафақат оилада содир этиладиган низо ёки жанжал, балки оила аъзоларининг барча хатти-ҳаракатлари шахсга психологик таъсир этиш орқали оила муҳитининг бузилишига сабаб бўлади.

Буюк мутафаккир Абу Наср Форобий: «Одамларга нисбатан уларни бирлаштирувчи бошланғич асосий куч инсонийликдир. Шунинг учун ҳам, одамлар инсоният туркумига кирганликлари ту-

¹ Қаранг: Криминология: Дарслик / Масъул муҳаррир проф. М.Ҳ. Рустамбоев. – Т., 2008. – 71-б.

² Қаранг: *Антонян Ю.М.* Социальная среда и формирование личности преступника. – М., 1975. – С.37–106; *Бабаева М. М.* Причины преступности и меры борьбы с ней. – М., 1974. – С.29–35; *Сахаров А.* Правонарушения подростка и закон. – М., 1987. – С. 60–103.

³ *Клотниекс И.Э.* Психология в семье. – М., 1991. – С 30–31.

файли, ўзаро иноқ, тинчликда яшамоқлари лозим»¹, дейди. Ахлоқий-маънавий тарбиянинг мақсади шахсда ахлоқий фазилатларни шакллантириш ва уни ривожлантириш, яхши хулқ-атворга ўргатиш ҳамда ижобий хатти-ҳаракатлар, кўникма ва одатларни вужудга келтиришдан иборат.

Психолог М.К. Фюгнерова ўзининг «Боланинг ахлоқий тарбияси» мақоласида эр-хотиннинг бола кўз ўнгидаги обрў-эътибори нималарга боғлиқ эканлиги борасида фикр билдириб, «тўғри тарбия ота-онанинг обрў-эътиборисиз рўй бермайди»², деб таъкидлайди.

Атоқли педагог Абдулла Авлоний таъкидлаганидек, «тарбия бизлар учун ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидир»³. Шундай экан, оилада маънавий-руҳий муҳитни соғломлаштиришнинг энг асосий омили бу тарбия масаласидир. Шу боис, ота-она оилада тарбияланаётган фарзандларни ёшлигидан бошлаб маънавий-ахлоқий сифатларга эга бўлиб тарбияланишига алоҳида аҳамият бериши керак. Бу эса, ўз навбатида, оилада оила аъзолари ўртасидаги ижтимоий муносабатларга ўзининг ижобий таъсирини кўрсатиб, шахсда жамиятга нисбатан ғайри-ижтимоий хулқ-атвор ва муносабатлар шаклланишининг олдини олишни таъминлайди.

НОСОҒЛОМ, МУАММОЛИ ҲАМДА ҲУҚУҚБУЗАРЛИК СОДИР ЭТИШГА МОЙИЛ БЎЛГАН ОИЛАЛАР БИЛАН ИШЛАШНИНГ ПЕДАГОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Оилашунос мутахассислар, педагог-психологлар, қолаверса, ҳар бир ота-она оиланинг ижтимоий тарихий келиб чиқиши, оилада юзага келиши мумкин бўлган ўзгаришлар ҳақида билиши; оиланинг мустаҳкамлигини таъминловчи билим ва малакаларга эга бўлиши; оилавий ҳаётни ўзига хос хусусиятларини илмий асосланган тарзда талқин эта олиши; муаммоли вазиятлардан психологик жиҳатдан оқилона (оила ва унинг мустаҳкамлигига таъсир этмаган ҳолда) чиқа олиши; оилани ўрганувчи психологик ташхис методикалари билан ишлаш ва улар ёрдамида олинадиган натижаларни тўғри талқин эта олиши керак.

¹ *Абу Наср Форобий*. Фозил одамлар шаҳри. – Т., 1993. – 187-б.

² Қаранг: *М. К. Фюгнерова*. В кн.: Хрестоматия по этике и психологии семейной жизни: Учеб. пос. / Сост. И.В. Гребенников, Л.В. Ковинько. – М., 1986. – С. 261–271.

³ Қаранг: *А. Авлоний*. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. – Т., 1992. – 14-б.

Давлатимиз томонидан оилани мустаҳкамлаш борасида бир қатор амалий ишлар қилинди ва қилинмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг бутун бир боби (24-боб) оилага бағишланганлиги бунинг яққол мисолидир. Конституциясининг 63-моддасида: «Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга» дейилади.

Зеро, ҳар бир оқил инсоннинг ва жамиятимизнинг муқаддас вазифаси, айтиш мумкинки, ҳаётнинг маъноси қобил фарзандлар ўстириш, уларни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан мукамал қилиб тарбиялаш, камолини кўриш, ота-онасига, Ватанга садоқатли кишилар этиб вояга етказишдан иборатдир. Лекин таажжубланиб айтмоқчиманки, бу масалалар билан оилалар самарали тарзда шуғулланмаяпти. Биз инсон улғайиб, фаол турмушга киришиб, жиноят қилганда ёки қонунни буза бошлагандагина у содир этган ҳуқуқбузарликларнинг оқибатлари билан «муваффақиятли» кураша бошлаймиз¹.

Носоғлом, муаммоли, ҳуқуқбузарликка мойил бўлган оилаларнинг педагогик-психологик хусусиятларини бир қатор олим (Э. Ғозиев, Ғ. Шоумаров, Б. Қодиров, Ш. Баратов, Н. Соғинов, Р. Махмудов, Х. Йўлдошев, М. Очилов, С. Нормуродова, М. Исмоилов ва бошқ.)лар илмий жиҳатдан тадқиқ қилганлар. Ўтказилган тадқиқотлар вояга етмаганлар жиноятларининг келиб чиқиш сабаблари оиладаги тарбияга, ота-оналарнинг фарзандлар тарбиясида нотўғри тарбия усулларидан фойдаланганликларига, оилавий тарбиядаги нуқсонларга, ижтимоий муҳитга, жумладан мактаб, маҳалла, тенгқурлари даврасида носоғлом муҳитнинг мавжудлигидан далолат беради.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, жамиятда оилаларнинг ажралиши натижасидан энг кўп руҳий азият чекадигани болалардир. Ажралиб кетаётган оилаларда тарбияланаётган болаларга салбий таъсир кўрсатувчи омилларнинг пайдо бўлиши ёки ташқи салбий омиллар таъсиридан ҳимояланиш имкониятларининг йўқолиши эҳтимоли катта бўлади. Чунки ажрашишган оилаларда ота ёки онанинг йўқлиги баъзан боланинг камроқ назорат остида бўлишига, моддий ва маънавий муаммоларга дуч келишига ҳамда боланинг манфаатлари, қизиқишлари ва дунёқарашининг кескин ўзгаришига сабаб бўлади. Бу илмий тадқиқотларда ҳам ўз аксини топган бўлиб,

¹ Қаранг: *Каримов И.А.* Адолат – қонун устуворлигида // Халқ сўзи. – 2001. – 31 авг.

ажрашишган оилалардаги болаларнинг гиёҳвандлик воситаларини истеъмол қилиши, ҳуқуқбузар шахслар сафига қўшилиш эҳтимоли юқори бўлиши аниқланган.

Шу маънода ота-оналар ўртасидаги доимий жанжал болага салбий таъсир кўрсатади. Сержанжал оилаларда ўсаётган болалар дарсни ўзлаштира олмайди, оқибатда уларда руҳий тушкунлик кайфияти пайдо бўлади. Табиийки, мунтазам жанжал бўлиб турадиган оилаларда тарбияланаётган болалар асабий, руҳан заиф бўлиб қолади. Улар ғайритабиий, ҳатто ғайриқонуний ишларга қўл урушдан кўрқмайдилар¹. Вояга етмаганлар шахсларнинг 36,8 фоизи носоғлом оилаларда тарбия кўргани, носоғлом оилаларда жиноятчилар соғлом оилаларга нисбатан 10 маротаба кўп етишиб чиқиши тадқиқотларда келтирилган². Шунини алоҳида қайд этиш лозимки, бу маълумотлар ҳақиқий ҳолатни кўрсатмайди, чунки унинг профилактик ҳисобга кирмай қолган латент қисми ҳам мавжуд. Аксарият ҳолларда ҳуқуқбузарлик содир этган ўсмирларнинг ота-оналари билан суҳбат ўтказилганда, улар айбнинг барчасини жабрланувчининг ўзига юклаб қўядилар, бу эса, ўз навбатида, ўсмирнинг носоғлом оилада тарбияланганлиги ва оилада ота-онанинг бола тарбиясига етарли даражада эътибор бермаганлигини кўрсатади. Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 64-моддасида ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурлиги белгилаб қўйилган. Бироқ, бу қоида: болаларни меъеридан ортиқ эркалаш; инжиқликлари ва тантиликларига эрк бериб қўйиш; меъеридан ортиқ қулайликлар яратиш; ижтимоий фойдали бўлган муайян бурчларни бажаришдан, ҳатто кучи етадиган меҳнатдан ҳам озод қилиш; эҳтиёжларини чексиз равишда қондириб бориш; шахсиятпараст, дангаса қилиб тарбиялашни истисно этади. Зеро, «фарзанднинг яшаши, камол топиши учун оила бирдан-бир макон ва табиий муҳит ҳисобланади. Оилада фарзандлар тарбиясини тўғри

¹ *Исмаилов И., Маҳмудов Р.* Баркамол инсон – баркамол жамият гарови // Тафаккур. – 1997. – № 1. – 76–79-б.

² *Зарипов З. С.* Вояга етмаганларнинг гуруҳий жиноятчилиги ва унинг олдини олишга қаратилган айрим чоралар // Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши кураш чораларини такомиллаштириш. –Т., 2001. – 18–21-б.

йўлга қўйиш, уларни умуминсоний қадриятлар, ахлоқий нормалар руҳида тарбиялаш ота-онанинг муҳим вазифаси ҳисобланади»¹.

Ватандошимиз Абдурауф Фитрат ёзганидек, «қаерда оила муносабати кучли интизом ва тарбияга таянса, мамлакат ва миллат ҳам шунча кучли ва тартибли бўлади»². Ҳолбуки, жамиятнинг асосий бойлиги ҳисобланган инсон биринчи навбатда оилада шаклланади. Оила қандай кишини шакллантириши жамият учун бефарқ эмас.

Шундай экан, оиладаги носоғлом муҳит вояга етмаганлар хулқида ахлоққа зид сифатларнинг шаклланишига олиб келади. Оиладаги носоғлом муҳит ва оилавий ажралишлар болаларда жиноий хулқнинг келиб чиқиши учун асосий омиллардан бири сифатида намоён бўлади. Ажралишлар натижасида юзага келган нотўлиқ оилаларда вояга етган болалар ва ўсмирлар табиатида ўзига хос салбий одатлар шаклланади. Оилада отанинг бўлмаслиги болада жасурлик, мардлик, матонатлилик сифатларининг суст ривожланишига олиб келади. Кўрқоқ, тортинчоқ, журъатсиз болаларда мустақил фикрлаш, ўз хатти-ҳаракатларининг оқибатини англаб етиш жараёни яхши кечмайди. Бундай тарбия олган болалар кўпинча гуруҳий жиноятларни амалга оширадилар. Онасиз ўсган болаларда эса, бемехрлик, шафқатсизлик, тажовузкорлик ривожланган бўлади. Бундайлар кўпинча босқинчилик, зўравонлик, ўғирлик жиноятларини содир этадилар.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, вояга етмаганлар ўртасида содир этиладиган жиноятларнинг олдини олишда педагогик-психологик қонуниятларнинг ўрни беқиёсдир. Вояга етмаганларни тарбиялашда уларнинг индивидуал-психологик хусусиятларини инобатга олиш жуда муҳим, шунингдек, ота-оналар, ўқитувчилар ва кенг жамоатчиликнинг вояга етмаган шахс тарбиясини назоратга олиши муаммонинг асосий ечимларидан биридир.

Мавзу юзасидан савол ва топшириқлар

1. *Вояга етмаган шахслар жиноятчилигининг сабаблари ва шарт-шароитларини педагогик-психологик жиҳатдан таҳлил қилинг.*

2. *Тарбиявий ишлар самарадорлигининг тарбияланувчилар умумий ва касбий ривожланишини, ёши ва индивидуал хусусиятларини ҳар томонлама ҳисобга олишга боғлиқлиги нималарда намоён бўлади?*

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига шарҳ. – Т., 2001. – 325-б.

² *Фитрат А.* Оила ёки оила бошқариш тартиблари. – Т., 2000. – 8- б.

3. *Ички ишлар идоралари ходимларининг вояга етмаганлар билан олиб борадиган мулоқотининг психологик жиҳатларига нималар киради?*

4. *Асосий профилактик таъсир этиши объектларига умумий педагогик тавсиф беринг.*

5. *Нотинч (низоли) оилалар ва тарбияси қийин ўсмирлар билан тарбиявий-профилактик ишларни олиб боришнинг ўзига хослиги нималарда намоён бўлади?*

6. *Вояга етмаганлар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда оилавий тарбиянинг ўрни қандай?*

7. *Оилавий тарбияда йўл қўйиладиган хато ва камчиликлар бартараф қилиш йўллари айтиб беринг.*

8. *Ички ишлар идоралари ходимлари фаолиятида нотинч (низоли) оилалар билан ишлашнинг психологик муаммолари нималардан иборат?*

7-мавзу
САЛБИЙ ИЖТИМОЙ ҲОДИСАЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ
ФАОЛИЯТИНИНГ ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИ

- *Нормадан оғувчи хулқнинг педагогик тавсифи ва турлари.*
- *Салбий-ижтимоий ҳодисалар тарқалиш сабабларининг педагогик таҳлили.*
- *Салбий-ижтимоий ҳодисаларни олдини олишнинг педагогик муаммолари.*

НОРМАДАН ОҒУВЧИ ХУЛҚНИНГ ПЕДАГОГИК
ТАВСИФИ ВА ТУРЛАРИ

Инсон хулқи мураккаб ва кўп қиррали ҳодиса бўлиб, уни ўрганишда тизимли ёндашув ва эҳтимол тутилган жараёнлар ҳақидаги замонавий тасаввурларга эга бўлиш талаб қилинади. Ҳар бир ахлоқий ҳодисанинг моҳияти унинг шахс хулқининг умумий тузилишидаги ўрни билан боғлиқ. Индивидуал ривожланиш жараёнида ахлоқий тизимлар индивидуал ахлоқий стратегиянинг мураккаб мажмуига айланади ва шахснинг ахлоқий типини ҳосил қилади.

Анъанага кўра, нормадан оғувчи ижтимоий хулқ сабаблари икки гуруҳга – ижтимоий ва биологик сабабларга ажратилади. Бироқ, ахлоқ-одоб меъёрлари (қоида)дан оғувчи хулқнинг кўплаб кўринишларини таҳлил қилиш мазкур муаммони бошқачароқ, яъни тизимли-интеграциялашган (бирлашган) ҳолда ўрганиш зарур, деган хулосага олиб келади.

Ижтимоийлик ёки биологиклик омилларига «руҳийлик» номли тизим ҳосил қилувчи омилни киритиш ҳамда инсон хулқининг сабабий боғланишлари (детерминацияси) билан боғлиқ барча муаммолар мажмуини ижтимоий-психологик-биологик сабаблар деб аташ зарур. Бунда «психологик» жиҳатнинг ўртада жойлашгани унинг ҳам ижтимоий, ҳам биологик омил учун бирлаштирувчи функцияга эгаллигини англатади.

Нормадан оғувчи ижтимоий хулқ сабаблари ҳақида сўз борар экан, аввало муаммони таҳлил қилишнинг асосий принципларини келтириб ўтаемиз.

1. Ғайриижтимоий хулқ, нормадаги хулқ каби, кўп омиллидир, у бир ёки ҳатто бир қанча сабабларнинг оқибати эмас. Бироқ, алоҳида олинган индивидуал ахлоқий кўринишнинг кўп омиллар билан боғлиқлиги ва эҳтимолли хусусияти уни ўрганиб бўлмаслигини билдирмайди. Бу ўринда шахснинг типик индивидуал-психологик хусусиятлари ва ахлоқий қарашларини аниқлаш устун аҳамиятга эга. Ижтимоий ва биологик омиллар ўз-ўзича эмас, балки жиноятчи хулқининг типини ҳосил қилувчи унинг шахсий-психологик хислатларида бирлашган ҳолда ғайриижтимоий хулқнинг аниқловчиларига айланади.

2. Ғайриижтимоий хулқ ижтимоий ижобий хулқдан йўналишининг мазмуни бўйича ҳам, психорегуляцион хусусиятлари бўйича ҳам ажралиб туради. Шахс хулқи унинг эҳтиёжлари, анланган ва анланмаган майллари тизими, олдига мақсад қўйиш ва унга эришиш хусусиятлари билан ажралиб туради. Агар уни схема тарзида тасвирлайдиган бўлсак, қуйидагича кўриниш ҳосил қилади.



Аксарият жиноятчиларнинг хулқига ижтимоий қадриятларга мослаша олмаслик (дезадаптация) ва ўзини ўзи бошқаришдаги нуқсонлар ҳосилдир. Индивиднинг ўзини ўзи бошқариш имкониятлари паст даражада бўлганида, ғайриижтимоий майллари, одатлари нафақат назорат қилинмайди, балки уларнинг ўзлари хулқнинг мақсад ҳосил қилувчи механизмларига айланади.

3. Ғайриижтимоий хулқ индивиднинг ўз ижтимоий масъулиятини ҳимоя қилиш (ўзини оқлаш) мотиви, умум қабул қилинган ижтимоий қадриятларнинг қадрсизланиши асосида амалга оширилади. Инсон хулқи унинг эҳтиёжлари ва йўналганлик соҳаси, қабул қилган қадриятлар тизими, умуминсоний маданиятдан баҳрамандлик даражага боғлиқдир. Инсон ҳайвондан фарқли равишда қандайдир ягона хулқ тизимларига маҳкум эмас, у кўп функциялидир. Унинг хулқини аниқ инстинктив (туғма) майллари эмас, балки ижтимоийлашув даражаси юзага келтиради.

4. Ғайриижтимоий хулқ – можароли хулқ бўлиб, доимо жамиятда, ижтимоий гуруҳларда, шахс билан ижтимоий гуруҳ, айрим шахслар ўртасида ва, ниҳоят, шахснинг ўзидаги ички зиддиятларга асосланган. Инсон хулқидаги ташқи ҳолатлар тизими унда шаклланган ички руҳий шарт-шароитлар тизими орқали намоён бўлади. Ушбу ички руҳий шарт-шароитларга қуйидагилар киради:

- қадриятлар тизими;
- ахлоқий йўналганлик;
- хатти-ҳаракатнинг умумлашган усуллари;
- ўзини ўзи тартибга солишнинг психодинамик хусусиятлари.


5. Инсон хулқида на объектив, на субъектив омилларни алоҳида ажратиш мумкин. Ижтимоий омиллар одамлар хулқида бевосита ички шахсий, индивидуал-психологик ҳодисалар орқали таъсир кўрсатади (ва бу, баъзан «жиноий табиат» иллюзиясини юзага келтиради).

6. Шахс қанчалик кам ижтимоийлашган бўлса (бу, одатда, жиноятчи шахснинг ўзига хос хусусиятидир), биологик омилларнинг устун (доминанта) бўлиш эҳтимоли шунчалик юқори бўлади. Инсон онгининг ривожланиши қанчалик чекланган бўлса, унинг хулқида иерархик жиҳатдан қуйи турадиган мотивация даражалари шунчалик катта роль ўйнайди.

Криминолог олимлар З. С. Зарипов ва И. Исмаилов жиноий хулқ шаклланиш жараёнини қуйидаги тоифаларга ажратишади: а) шахс эҳтиёжи ва манфаатлари бузилиши билан боғлиқ жиноий хулқ шаклланиш жараёни; б) шахс эҳтиёжи (манфаати) ва имконияти ўртасидаги фарқ (карама-қаршилиқ) билан боғлиқ жараёнлар; в) шахс маънавий ва ҳуқуқий тасаввурининг, қадриятлар ва ижтимоий йўналишининг бузилиши билан боғлиқ жараёнлар; г) қарор қабул қилиш ва амалга оширишдаги нуқсон ва камчиликлар билан боғлиқ жараёнлар¹.

Жиноий хатти-ҳаракат жараёни қуйидаги асосий қисмларни ўз ичига олади: мотивация, қарор қабул қилиш ва уни амалга ошириш. Ҳар қандай ижтимоий аҳамиятга эга бўлган хатти-ҳаракат бу шахсдаги ўзига хос хусусиятлар билан ташқи муҳит ўртасидаги алоқанинг натижаси деган фикрга асосланган ҳолда муайян жиноий хатти-ҳаракат жараёнини қуйидагича тасвирласа бўлади:

¹ Қаранг: *Зарипов З.С., Исмаилов И.* Криминология. – Т., 1996. –130-б.



Рус олими Г. А. Аванесов инсон хатти-ҳаракатига салбий таъсир этувчи қуйидаги биологик шарт-шароитларни ажратади:

– жинсий бузилиш ва жиноятларнинг сабабига айланадиган биологик эҳтиёжлар патологияси;

– асаб тизимининг қўзғалувчанлигини кучайтирадиган, ноадекват реакцияни келтириб чиқарадиган ва ҳаракатларни ижтимоий назорат қилишни қийинлаштирадиган асабий-руҳий касалликлар (психопатиялар, невротениялар, касаллик ва соғлиқ чегарасидаги ҳолатлар);

– турли хил психосоматик, аллергия, захарвандлик билан боғлиқ касалликларга олиб келадиган ва қўшимча жиноий омил бўлиб хизмат қиладиган психофизиологик зўриқишлар¹.

Руҳий аномалия (нормадан оғиш)лар эса ирсий (генетик) илдизларга эга бўлиб, асабий-руҳий бузилишлар фақат ноқулай муҳит таъсиридагина жиноий хулқнинг сабаби бўлиши мумкин.

XX асрнинг 20-йилларидаёқ психиатрлар (Антонян Ю.М., Бородин Ц. А., Виноградов М. В., Голуб Ц. А. ва бошқ.) жиноий хулқ тури билан руҳий аномалия ўртасида боғлиқлик мавжудлигини таъкидлаганлар. Масалан, рус олими Ю.М. Антоняннинг фикрича, «...ақли ожизлар, кундалик ҳаётга мослаша олмайдиганлар ўзларининг тубан эҳтиёжларини қондириш мақсадида ўғрилик, баъзан эса қотиллик жиноятларини содир этадилар. Беқарор ва ташқи муҳит таъсирига тез берилувчан ихтиёрсиз психопатлар одатдаги ўғрилар сафини осон тўлдирадидилар; маъносиз руҳий ҳис-туйғулар ва кучли тубан майлларга эга бўлган психопатлардан эса бандитлар, ғаразли қотиллар бошқаларга қараганда осонроқ ҳосил бўлади;

¹ Қаранг: Аванесов Г. А. Криминология и социальная профилактика. – М., 1999. – С. 226–230.

патологик қўзғалувчанлиги билан ажралиб турадиган психопатлар арзимаган нарса туфайли атрофдагилар билан осон айтишиб қоладилар, жамоат тартибини бузадилар»¹.

Рухий аномалиялар (оғиш)га чалинган шахсларнинг улуши (коэффициенти) барча жиноятчиликларнинг тахминан 70 % ини ташкил қилади.

Маълум бўлишича, рухий аномалия ҳолатида шахслар томонидан жисмоний куч ишлатиш (одам ўлдириш, номусга тегиш, тан жароҳати етказиш) ва безорилик жиноятлари содир этилган. Масалан, ақли расо деб тан олинган ва одам ўлдириш, номусга тегиш, тан жароҳати етказиш жиноятларини содир этган вояга етмаганлар суд-психиатрия экспертизасидан ўтказилганда уларнинг ҳар беш нафаридан уч нафарида ақли расо бўлган ҳолда ўз жиноий қилмишларига йўл очувчи турли аномалия ҳолатлари борлиги аниқланган. Ички ишлар органларининг тегишли хизмат соҳалари ҳисобида турган вояга етмаганлар содир этган ҳуқуқбузарлик²ларнинг 23–43 % ни руҳиятида турли даражадаги рухий камчиликлар мавжуд бўлган ёшлар амалга оширганлар. Жисмоний куч ишлатиш орқали оғир турдаги жиноят³ содир этганларнинг умумий миқдорида аномалия ҳолатларининг мавжудлиги таҳлил этилганда 33 % шахсларда аномалия ҳолатлари, 19 % да марказий асаб тизимининг органик жароҳати, 18 % да бош мия жароҳати, 17

¹ Қаранг: *Антонян Ю. М.* Преступность и психические аномалии. – М., 1990. – С. 67.

² Ҳуқуқбузарлик – жамиятда ўрнатилган ва қонун асосида белгиланган тартиб ёки умуман ижтимоий яшаш қоидаларини бузиш. Ўз хусусиятларига кўра ҳуқуқбузарлик – жиноят, ножўя ҳаракат, интизомни бузиш шаклида бўлади. Кўп ҳолларда ҳуқуқбузарлик қонунбузарлик сўзи билан ҳамоҳанг баён этилади. Барча ҳуқуқбузарликлар жиноят эмас. Шу билан бирга, қонунбузарликларнинг барчаси ҳам жиноят бўлмаслиги мумкин. Жиноят деб айтиш учун унинг ўзига хос белгилари бўлиши зарур // *Юридик энциклопедия / Проф. У.Таджихановнинг умумий таҳрири остида.* – Т., 2001. – 652-б.

³ Жиноят – ЎзР ЖКнинг 14-моддасига асосан, ЖК билан тақиқланган айбли, ижтимоий хавfli қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) жазо қўллаш таҳдиди билан жиноят деб ҳисобланади. Жиноят бошқа қоидабузарликлардан ўзига хос жиҳатлари билан ажралиб туради. Бу қилмишнинг ижтимоий хавfliлигидир. Чунки жиноят натижасида жамият ва шахс учун ҳам моддий, ҳам маънавий зарар етказилади. Шунинг учун жиноятнинг ижтимоий хавfliлик даражаси жиноий оқибатда акс этади // *Юридик энциклопедия / Проф. У.Таджихановнинг умумий таҳрири остида.* – Т., 2001. – 156-б.

% да сурункали алкоголизм аломатларининг мавжудлиги аниқланган¹.

Шу маънода, аксарият жиноятчи шахсларнинг хулқида жанжалкашлик, тез таъсирланиш, салбий майлларнинг ўз-ўзидан пайдо бўлиши, ўз хулқини ижобий қадриятлар ва мотивлар билан бошқариш механизмининг сустлигини кузатиш мумкин. Мазкур ахлоқий кўринишларнинг бари генетик аномалиялар – Клайн Фельтер синдроми (ортиқча Х-хромосома – 47/XXY синдром ёки ортиқча Y-хромосома – 47/XYY синдром) деб номланади. Бунда ортиқча Х-хромосома ҳаддан ташқари тажовузкорлик билан, ортиқча Y-хромосома эса мақсад қўйиш ва унга эришиш соҳасидаги оғиш (аномалия)лар, хулқнинг иродавий бошқарувидаги бузилишлар билан изоҳланади².

Ҳозирги генетиканинг ютуқлари индивид психикасининг фақат «муҳит» билан боғлиқлиги ҳақидаги илгари шаклланган тасаввурларга ўзгартишлар киритмоқда. Биологик ва ижтимоий жиҳатлар инсон хулқининг мураккаб тизимли биоижтимоий омилини ҳосил қилади.

Шундай қилиб, инсон хулқи ягона биоижтимоий омил билан боғлиқдир. Биологик жиҳатдан мерос сифатида олинган инсон хислатлари муайян ижтимоий шароитларда унинг руҳий хислатлари ривожланиши учун шарт-шароит ҳисобланади.

САЛБИЙ-ИЖТИМОЙ ҲОДИСАЛАР ТАРҚАЛИШ САБАБЛАРИНИНГ ПЕДАГОГИК ТАҲЛИЛИ

Бугун мамлакатимизда катта ўзгаришлар рўй бераётган бир пайтда айрим иродаси суст фуқароларимиз гиёҳвандлик, захарвандлик ва спиртли ичимликларга мубтало бўлишаётгани барчани ташвишга солмоқда. Айниқса, гиёҳвандлик воситаларини ёшлар ва вояга етмаганлар орасида тарқалиши катталарга қараганда хатарлироқ кечади. Зеро, улар келажакдаги раҳбарлар, олимлар, мутафаккирлар, сиёсатчилар, иқтисодчилар ва ҳоказолардир. Аҳолининг бу қатлами захри қотилга нечоғли кўп берилса, жамият шу даражада хавф остида қолади.

¹ Криминология: Дарслик / Проф. З.С.Зариповнинг умумий таҳрири остида. – Т., 2007. – 91-б.

² Қаранг: *Еникеев М.И.* Юридическая психология. – СПб., 2005. – С. 55.

Оғу инсон жисмини қанчалик хароб қилса, шахс ва жамиятнинг мол-мулки, бойлигига ҳам мислсиз даражада зарар етказди. Аср вабоси деб аталаётган бу иллат тинч-тотув яшаётган оилаларни бузади, болаларни етим қилади, мухтожлик, қашшоқликка мубтало этади.

Гиёҳвандлик ўзи нима?

Биринчи навбатда бу иллат киши организмида оғир асоратлар қолдирувчи хавфли касалликдир. Чунки гиёҳвандлик моддаларига берилган одамнинг ҳаёти ва фаолияти бундай моддаларни мунтазам равишда истеъмол қилишига мойил бўлиб, шахсни ҳам жисмонан, ҳам руҳан ҳолдан тойдиради.

Гиёҳвандлик жамиятга ва инсонларга ниҳоят даражада кўп зарар етказадиган офат ҳисобланади. Гиёҳвандлик моддалари шахснинг физиологияси ва руҳиятига салбий таъсир кўрсатади. Тиббий хулосаларга кўра гиёҳвандлик моддаларини истеъмол қилувчи шахсларнинг организми, ичкиликбозлик билан шуғулланувчи шахслар организмига нисбатан 15–20 маротаба тезроқ ишдан чиқади ва бузилади.

Гиёҳвандлик ва гиёҳвандликка чалинган шахсларда бўладиган салбий ўзгаришлар ҳақида сўз юритишдан аввал ушбу сўзнинг луғавий маъносини ва гиёҳвандлик моддаларга нималар киришини аниқлаштириб олиш зарур. *Гиёҳвандлик* – юнонча «наркотикос» сўзидан олинган бўлиб, маъноси бир лаҳза бўлса-да ҳаёт ташвишларидан, муаммоларидан йироқлашиш ёки физиологик роҳатланиш хоҳишидир¹, деган маънони билдиради.

Гиёҳвандлик моддаларга наша, қорадори, героин, кўкнори, опиум, кокаин феномин каби таркибида кишининг марказий асаб тизимини кўзғатувчи, ухлатадиган моддаларни киритиш мумкин. Бу моддаларни истеъмол қилиш унга ружу қўйишига, яъни физиологик ва психологик боғланиб қолишга олиб келади.

Гиёҳвандлик моддаларини истеъмол қилиш гиёҳвандлар томонидан турли усуллар орқали, жумладан чекиш, ичиш ёки игна орқали қон томирларига укол қилиш йўли билан амалга оширилади. Гиёҳвандлар ижтимоий меҳнатдан йироқлашиб, руҳан ва маънавий қашшоқлашиб, дангаса, хаёлпараст, ҳаётга бефарқ қарайдиган бўлиб қоладилар. Шу сабабли шахснинг гиёҳвандликка мубтало бўлиши бир қанча салбий оқибатларни келтириб чиқаради. Жумладан:

¹Қаранг: Юридический энциклопедический словарь. – М., 1987. – С. 236.

– гиёҳвандлик ниҳоят қийин даволанадиган касалликлар турига киради;

– гиёҳвандлик моддаларини истеъмол қилувчи шахс ишлаш қобилиятини йўқотади; оила қура олмайди, ижтимоий жиҳатдан фойдали ишларни бажара олмайди;

– шахснинг психикасида жиддий ўзгаришлар содир бўлади (шахс ўз ҳаракатларини англаш қобилиятини йўқотади, пул топиб гиёҳвандлик моддаларини сотиб олишга эҳтиёжи ортади);

– гиёҳвандлик моддаларини истеъмол қилувчилардан ногирон фарзандлар туғилади, уларнинг ҳам гиёҳвандлик моддаларига эҳтиёж пайдо бўлади;

– гиёҳвандлик пул ва молга ҳирс қўйиш иллатини вужудга келтиради;

– ҳар бир гиёҳванд бошқа шахсларни бу ишга жалб қилишга ўз ҳиссасини қўшади (ўрта ҳисобда ҳар бир гиёҳванд бир йил ичида 7–8 кишини бу ишга жалб қилади).

Гиёҳвандлик моддалари истеъмол қилинишига қарши кураш олиб боришда энг аввало гиёҳвандлик моддалари истеъмол қилинишининг сабабларини аниқлаш мақсадга мувофиқдир. Адабиётларда қайд этилишича, ушбу оғуни истеъмол қилувчиларнинг 64,8% қизиқиш орқали, 11,7% касаллик туфайли, 14,6% ўз ўртоқларидан орқада қолмаслик учун, 2,5% оғир кечинмалар туфайли, 2,4% гиёҳвандлик моддаларнинг зарарини билмаслиги оқибатида, 1,3% бошқа шахслар томонидан мажбурлаш оқибатида, 1,1% тиббий ходимлар кўрсатмасига мувофиқ, 1,6% эса бошқа сабаблар бўйича истеъмол қилишлари аниқланган.

Ҳозирги кунда гиёҳвандлик моддаларини истеъмол қилувчиларнинг ижтимоий таркиби таҳлил этилганда, уларнинг 2,2% ни қишлоқ хўжалигида банд бўлган ишчилар, 2,3% ни фермерлар, 14,3% ўқувчи ва талабалар, 17,8% ишчилар, 37,3% ни доимий таъминот манбаига эга бўлмаган шахслар, 26,2% бошқа тоифадаги шахслар ташкил этиши кузатилмоқда.

Гиёҳвандлик моддалари инсон соғлиғига алкоғолдан, яъни спиртли ичимликлардан бир неча баробар тез, жиддий ва зарарли таъсир этади, агар мунтазам ичкиликбозликка берилиш 7–15 йил оралиғида доимий ичкилик ичиш билан юзага келса, гиёҳвандликка бир ярим-икки ой мобайнида бутунлай боғланиб қолиши билан хатарлидир. Гиёҳвандлик моддаларини мунтазам равишда истеъмол қилувчи шахсларнинг касаллигини шартли равишда уч босқичга

бўлиш мумкин: 1-босқич – рухий боғланиш босқичи (бу босқичда организмнинг реактив ҳолати ўзгаради, психик боғланиш пайдо бўлади); 2-босқич – жисмоний боғланиш босқичи (бунда абстинентив синдром пайдо бўлади); 3-босқич эса толерантлик (реактивлик)нинг пайдо бўлиши, кучайиши ва мустаҳкамланиши билан тавсифланади¹.

Гиёҳвандлик моддаларини истеъмол қилиш кўпгина ҳолатларда ўзига хос бўлган рухий ҳолат – эйфорияни келтириб чиқаради. Бунда шахс кайфиятининг яхшилангани, тетиклашгани, кучига куч қўшилганини ҳис қилади, ўзини чексиз имкониятларга эгадек сезади.

Шу маънода рухий боғлиқлик рухий фаолият соҳасини қамраб олади ва ҳар хил кўринишларда намоён бўлади. Биринчидан, у гиёҳвандлик моддалари мунтазам истеъмол қилинган барча ҳолатларда вужудга келади. Иккинчидан, шахсда гиёҳвандлик моддасига ноёб нарса сингари ижобий муносабат мустаҳкамланиб боради. Учинчидан, боғлиқлик дастлаб эпизотик равишда, кейинчалик эса мастлик ҳолатини ҳис қилишга бўлган турғун истак-хоҳишда ифодаланади. Тўртинчидан, у шахснинг рухий ҳолати ва бошқа шахслар билан бўладиган муносабат йўналишини ўзгартиради. Бешинчидан, рухий боғлиқлик узоқ вақт мобайнида сақланиб қолиб, у гиёҳвандлик моддаларидан ўзини тийишга бўлган ўринишлардан сўнг шахснинг уларни истеъмол қилишга қайтишида ҳал қилувчи ўринни эгаллайди.

Жисмоний боғлиқлик деганда, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ВОЗ)нинг таърифига кўра, организмнинг гиёҳвандлик моддаларига мослашуви тушунилади. Бундай ҳол тегишли воситаларнинг қабул қилиниши тўхтатилганда содир бўладиган интенсив жисмоний касалликларда намоён бўлади. «Тўхтатиш» синдроми ёки абстинентив синдром деб аталадиган бу касалликлар (бош оғриши, безгак тутиши, кўл-оёқлар суягидаги қакшатувчи оғриқ) гиёҳвандлик воситасининг моддалар алмашувида иштирок этиши ва ушбу восита организмга киритилмаса, органларнинг бир меъёрда ишлай олмаслиги туфайли вужудга келади.

Гиёҳвандликнинг сўнги босқичи одатда шахснинг ахлоқий ва маънавий таназзули (оиладаги муносабатларнинг бузилиши, жамият ва қонунда белгиланган қоидаларга риоя қилмаслик) ҳисобланади.

¹ “Толерантлик” сўзи чидамлик деган маънони билдиради.

Шахсда бундай таназзул алкоғолли ичимликларни истеъмол қилишдан 15–20 баробар тезроқ вужудга келади¹.

Тахлиллар шуни кўрсатмоқдаки, гиёҳвандликка ўсмирлар илк бор 11–17 ёшида берилишади. Шу даврда улар жиловланса, фожианинг олди олинади. Сўнг иккинчи давр бошланади. Бунда ёшлар бир ёки бир неча маротаба гиёҳвандлик моддасини истеъмол қилиб кўрадилар. Кўплари кейин давом эттиришмаса-да, 25–30 фоизи унга ўрганиб қолишади. Уларнинг фикри ҳар қандай йўл билан, ҳатто жиноят содир этиб бўлса ҳам, эҳтиёжларини қондириш учун оғу топиш бўлиб қолади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маълумотларига кўра, бугунги кунда дунё бўйича 13,5 миллион киши героин истеъмол қилади. Уларнинг бир миллиондан ошиғи ўзига ОИВ-ОИТС касаллигини юқтирган. Ҳар йили оғуни меъёридан кўп истеъмол қилиш оқибатида 10 мингдан ортиқ киши ҳаётдан кўз юмади².

Оғу савдоси билан шуғулланиш оғир жиноят, шундай бўлса-да, бундай нопок ва разил иш билан шуғулланувчи кимсалар ҳар қандай замонда ва маконда учраб туради. Хусусан, МДҲ давлатларининг статистик маълумотларига қараганда, 2011 йил мобайнида Қозоғистонда 4360 та жиноят содир этилган бўлса, бу кўрсаткич Қирғизистонда 1924 тани, Тожикистонда 16864 тани, Ўзбекистонда эса 8171 тани ташкил этган. Аниқланган жиноий ҳолатлар натижасида Қозоғистонда жами 33 тонна 998,4 кг, Қирғизистонда 45 тонна 730, Ўзбекистонда 5 тонна 404 кг гиёҳвандлик воситалари қўлга олинган. Биргина Қозоғистоннинг ўзида 2010 йил мобайнида 2939 нафар вояга етмаган гиёҳвандликка чалинган бўлса, 2011 йилда бу кўрсаткич 2613 нафарни ташкил қилган. Шулардан 14 ёшгача бўлганлар 2010 йилда 523 нафарни, 2011 йилда эса 442 нафарни ташкил қилган. 15 ёшдан 17 ёшгача бўлганларга эътибор қаратсак, 2010 йилда 2416 нафар, 2011 йилда эса 2171 нафар вояга етмаган гиёҳвандлик касалига чалинган.

Гиёҳвандликка чалинишнинг сабаблари таҳлил қилинганда, ҳозирги даврда фуқароларнинг ушбу касалликка чалиниб қолишининг асосий сабабларидан бири сифатида ижтимоий-иқтисодий

¹ Қаранг: *Матчанов А.А., Ахмедов О.Т., Матлюбов Б.Б., Таджибоев У.Т., Тургунов У.Т.* Гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний муомаласига қарши кураш. – Т., 2011. – 13–14-б.

² Қаранг: *Хасанов Ж.* Фақат яхши амалларни бажарайлик! // POSTDA. – 2012. – №5. – 3-б.

муаммоларни келтириб ўтиш мумкин. Буни, *биринчидан*, мамлакатимизда эркин бозор муносабатларига ўтилиши, ишчи ўринларига бўлган рақобатнинг кучайиши натижасида аҳоли кўпчилик қисмининг ишсиз қолиши, *иккинчидан*, наркобизнес орқали даромад ортиришга мослашган уюшган жиноий гуруҳларнинг бу ҳолдан фойдаланишга интилиши, яъни бекорчи қолган аҳолини гиёҳвандликка ўргатиш орқали «товар»ларини ўтказиш ҳамда катта даромад ортиришга интилиши билан изоҳлаш мумкин. Чунки улар гиёҳвандликка қанча кўп одамлар мубтало бўлса, шунчалик кўп фойда оладилар.

Жаҳон миқёсида олиб борилаётган кузатишлар вояга етмаганлар ва ёшлар гиёҳвандлиги сонининг ортиб боришига таъсир қилувчи омиллар турли давлатларда, қолаверса, бир мамлакатнинг ўзида турлича эканлигини кўрсатмоқда. Лекин улар орасида умумий жиҳатлар ҳам йўқ эмас. *Биринчидан*, ўсмирлар оқибатини ўйламаган ҳолда аввал тамаки чекиши, сўнгра гиёҳвандлик моддасини истеъмол қилиши орқали улғайиб қолганликларини кўрсатишга уринишади. *Иккинчидан*, гиёҳвандлик моддасини истеъмол қилишга ўрганиб қолган ёшлар ўз тенгдошларини давралар, дискотекалар ва бошқа жойларда камситиб, калака қилиб, уларни сафларига кўшилишига ундашади. *Учинчидан*, гиёҳвандларнинг пайдо бўлишига оилавий муҳит ҳам катта таъсир кўрсатади. Хонадондаги сурункали жанжаллар, ичкиликбозликдан безор бўлган ўсмир кўчадан «паноҳ» топишга ҳаракат қилади. *Тўртинчидан*, ёшлар айнан балоғат даврида бекорчи бўлиб қолиши, уларни ўзларига ёқмаган иш билан боғлаб қўйиш гиёҳвандлик кўчасига кириб қолишни юзага келтиради.

Вояга етмаганларни гиёҳвандлик моддаларига ружу қўйишининг асосий субъектив омиллари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин, булар:

- бошқа фаолиятда ўзини намоён қила олмаслик;
- ёшга нисбатан берилувчанлик;
- тенгдошлари орасида ўзлигини намоён қилиш;
- зарарли оқибатларни олдиндан кўра билмаслик.

Бу борадаги объектив омиллар сифатида эса қуйидагиларни келтириб ўтиш мумкин ҳисобланади:

– вояга етмаганларда бекорчи вақтнинг кўплиги ва ота-она томонидан унинг назорат қилинмаслиги;

– вояга етмаганларнинг гиёҳвандлик воситаси ёки психотроп моддаларни истеъмол қилиб кўришга бўлган қизиқиши, унинг таъсирини ўзида синаб кўришга интилиши;

- вояга етмаганлардаги стрессга чидамлилиқнинг пастлиги, тортинчоқлик, итоаткорлик ёки унинг акси – тез асабийлашиши;
- ота-онанинг гиёҳвандлик моддаларини истеъмол қилиши;
- вояга етмаганларнинг турли норасмий ўсмирлар гуруҳларининг таъсирига тушиб қолиши, уларга тобе бўлиб қолиши;
- вояга етмаганларнинг чекиш, сурункали ичишнинг мантиқий давоми сифатида гиёҳвандлик моддаларини истеъмол қилиши;
- ота-онанинг вояга етмаганларга хаддан зиёд меҳр қўйиши натижасида унга керагидан ортиқ ишониши;
- ота-онанинг вояга етмаганларга эҳтиёжидан ортиқ кўп пул бериши ва вояга етмаганлар томонидан унинг сарфланишини назорат қилмаслиги ва бошқалар.

Гиёҳвандлик воситалари билан ноқонуний савдо қилувчи шахслар ва гиёҳвандлар вояга етмаганларни гиёҳвандликка ўргатишда, асосан, моддий томондан яхши таъминланган оилаларнинг вояга етмаган фарзандларини кўпроқ ўзларига ўлжа сифатида жалб қилишга ҳаракат қиладилар.

Олиб борилган умумий ва яқка тартибдаги ишларга қарамасдан 2011 йил бўйича Ўзбекистонда жами 18197 нафар гиёҳвандлик моддаларини истеъмол қилувчи шахслар аниқланган бўлиб, шундан 2104 нафарининг иши фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузуридаги «Яраштириш комиссиялари» томонидан кўриб чиқилган.

Бугунги кунда республикада кенг жамоатчилик кўмагида Ички ишлар вазирлиги тизими ходимлари томонидан ҳар йили «Қорадори» тадбирининг ўтказилиши анъанага айланиб, гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олиш ҳамда уларга қарши аёвсиз курашиш яхши самаралар бермоқда.

Мамлакатимизда гиёҳвандлик моддалари билан боғлиқ жиноятларга қарши кураш давлат сиёсати даражасига кўтарилган бўлиб, наркотрафик ва наркотик моддаларнинг ғайриқонуний айланишига қарши кураш энг долзарб вазифага айланган. Айни пайтда Ўзбекистоннинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, шунингдек, АҚШ, Германия каби ривожланган ва МДҲ давлатлари билан гиёҳвандлик моддаларига оид жиноятларга қарши курашишда кенг ҳамкорлиги йўлга қўйилган.

Сурункали ичкиликбозлик, гиёҳвандлик ва захарвандлик касаллик бўлиб, хатарли ижтимоий-психологик ҳодиса ҳисобланади.

Сурункали спиртли ичимликларга ружу қўйиш деганда, шахснинг спиртли ичимликлар (арак, коньяк, вино ва бошқалар)га муккасидан

кетиши, ичмасдан тура олмаслиги ва унга физиологик боғланиши тушунилади. Ушбу иллатнинг олдини олиш учун, биринчи навбатда, шахснинг нима сабабдан спиртли ичимликларга боғланиб қолганлигини ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Ана шу сабабларни бартараф этиш муҳим аҳамият касб этади.

Қуйидаги сабабларга кўра шахс сурункали ичкиликбозликка берилади:

Социал-психологик мотивлар:

- анъаналар;
- бошқа шахсларнинг таъсирига тушиш.

Шахсий мотивлар:

- кайф қилиш учун;
- ёмон эмоционал ҳолат ва кечинмаларни йўқотиш учун;
- бекорчилик сабабли ёки ўз руҳий ҳолатини яхшилаш мақсадида.

Патологик мотивлар:

- дори сифатида ичиш;
- организмни биологик эҳтиёжини қондириш учун;
- ҳаёт мазмунининг йўқлигини англаган ҳолда қасддан ичиш.

Шахс спиртли ичимлик истеъмол қилишининг уч даражаси мавжуд бўлиб, улар шахснинг хатти-ҳаракатларини белгилайди. Булар: енгил даражадаги мастлик; ўртача даражадаги мастлик (нерв фаолиятида тормозланиш вужудга келади ва у бузилади); оғир даражадаги мастлик (марказий вегетатив марказлар ишдан чиқади, паралич бўлади).

Заҳарвандлик ҳам узоқ даврлардан бери мавжуд бўлиб, инсоннинг ўткир ҳидли заҳарли моддаларни ҳидлаш орқали кайф қилиши ва маст бўлиши тушунилади. Ушбу касаллик ҳам ижтимоий хавфли ҳодиса бўлиб, унга чалинган шахс мастлик ҳолатида жиноят содир этишга мойил бўлади. Энг ёмони ёшлар ва вояга етмаганларнинг тарбиясига салбий таъсир кўрсатишидир. Заҳарвандликка чалинган шахслар организмнинг функцияси, заҳарвандлик моддалари (бензин, керосин ва бошқа турдаги ўткир ҳидли химикатлар)га мослашади ва усиз яшай олмайди. Заҳарвандликка ўрганишнинг ҳам сабаблари юқоридагиларга ўхшаш бўлиб, қизиқиш, кайф қилиш ёки бирор салбий ҳолатни унутиш мақсадида қилинади.

Гиёҳвандлик ва заҳарвандлик моддаларини истеъмол қилишнинг асосий психологик-педагогик сабаблари:

- турмушдаги қийинчиликларни эсдан чиқариш учун;

- интизомнинг йўқлиги ва шахс характерининг заифлиги сабабли;
- ўз-ўзини назорат қилишнинг заифлиги;
- номаълум таассуротларни ҳис қилишга қизиқишнинг мавжудлиги;
- оилавий жанжаллар ва оиладаги носоғлом муҳит;
- тарбиядаги камчиликлар.

Юқорида кўрсатиб ўтилган салбий иллатлар жамиятга жуда катта зарар етказди, айниқса, вояга етмаганларнинг бундай салбий иллатларга жалб этилиши жамият ҳаётига катта хавф туғдиради. Шунингдек, ушбу модда ва воситалар таъсирида жинойтлар содир этилиши ўта хавфли тус олади. Кўплаб оғир ва ўта оғир жинойтлар, жумладан ўзганинг мулкани талон-торож қилиш, ўғрилик, босқинчилик, қотиллик ва ҳоказолар содир этилади.

Гиёҳвандлик, сурункали ичкиликбозлик ва захарвандликнинг олдини олиш фаолиятини ташкил этишда мавжуд шахсий ва ижтимоий омилларни инобатга олган ҳолда профилактик усулларни қўллаш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон давлати мамлакат аҳолисининг соғлигини сақлаш ва улар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш борасида кўплаб кўзга кўринарли амалий ишларни олиб бормоқда. Бозор иқтисодиётига асосланган жамиятга ўтиш жараёнида сурункали ичкиликбозлик, гиёҳвандлик ва захарвандликнинг олдини олиш ва оммалашшига қарши курашиш муҳим аҳамият касб этади.

САЛБИЙ-ИЖТИМОЙ ҲОДИСАЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛИШНИНГ ПЕДАГОГИК МУАММОЛАРИ

Сурункали ичкиликбозлик, гиёҳвандлик ва захарвандликнинг олдини олишда ва профилактик фаолиятни ташкил этиш жараёнида, биринчи навбатда, унинг сабаб ва шароитларини аниқлаш ва бартараф этиш муҳим аҳамият касб этади. Сурункали ичкиликбозлик, гиёҳвандлик ва захарвандлик салбий иллатлардан ҳисобланади, жамият ҳаётига ижтимоий хавф солиб, кўп зарар етказадиган офатдир.

Бундай шахслар меҳнат қилиш қобилиятини йўқотади, соғлиғига путур етади, энг ёмони, бу иллат уни жамиятга зид хатти-ҳаракатларни содир этишга ундайди, айрим ҳолатларда эса жинойтлар содир этилишига олиб келади.

Шу маънода, ушбу касалликка мубтало бўлган шахсларни мажбурий даволашга юбориш, Ўзбекистон Республикасининг 1992

йил 9 декабрдаги «Сурункали алкоголизм ҳамда гиёҳвандликка мубтало бўлган беморларни мажбурий даволаш тўғрисида»ги қонуни ва Ўзбекистон Республикаси ИИВ ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 1994 йил 27 декабрдаги 326/599-сонли «Сурункали алкоголизм ҳамда гиёҳвандликка мубтало бўлган беморларни мажбурий даволаш тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қўшма буйруғи профилактика инспекторларининг сурункали ичкиликбозлик, гиёҳвандлик ва заҳарвандликнинг олдини олиш фаолиятини ташкил этишни белгилаб беради. Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 186-моддасида эса фуқароларнинг хонаки усулда ўткир спиртли ичимликларни сотиш мақсадида тайёрлаши ёки сотиши ҳуқуқбузарлиги учун жавобгарлик белгиланган. Умуман, бу борадаги ишларнинг туб моҳияти фуқароларнинг соғлиғини, аввало, ёшлар ва вояга етмаганларни сурункали ичкиликбозлик, гиёҳвандлик ва заҳарвандлик каби иллатларнинг зарарли таъсиридан, шу билан боғлиқ ижтимоий ва бошқа салбий оқибатлардан ҳимоя қилишга, шунингдек, жамиятда соғлом турмуш тарзини шакллантириш ҳамда қарор топтиришнинг ташкилий ва ҳуқуқий шарт-шароитларини яратишга қаратилгандир.

Шу маънода профилактика инспекторлари асосан ушбу иллатларга йўлиққан шахсларни нормал турмуш тарзига қайтариш чораларини кўриш билан бирга, спиртли ичимликлар ва гиёҳвандлик воситаларини ноқонуний савдоси билан шуғулланувчи, уларни тарғиб қилувчи шахсларга нисбатан таъсир чораларини қўллаш орқали ҳам амалга оширади.

Бу жараёнда профилактика инспекторлари биринчи гиёҳвандлик, сурункали ичкиликбозлик ва заҳарвандликка мубтало бўлган шахслар ҳақидаги маълумотларни тўплашлари, олинган маълумотлар асосида текширув ишларини амалга оширишлари, беморларни эса тиббий муассасалардан текшириш ва шундан сўнг тиббий муассасаларнинг хулосалари асосида мажбурий даволашга юбориш чораларини кўришлари лозим.

Профилактика инспекторлари биринчи навбатда сурункали ичкиликбозликни тарғиб этувчи ёки ушбу маҳсулотларни ноқонуний савдоси билан шуғулланаётган фуқароларни аниқлашлари ва уларни жавобгарликка тортиш чораларини кўриши энг зарур вазифалардан биридир. Албатта шахсга бўлган ташқи таъсир натижаси уни сурункали ичкиликбоз ёки гиёҳвандга айлантириши мумкин. Зеро, ноқонуний спиртли ичимликларнинг сотилиши ўз навбатида тарғиб

қилиш билан баробардир. Шунингдек, маҳаллада ўтказиладиган тўй ва бошқа тадбирларда ичкиликбозликни камайтириш борасида маҳалла фаоллари ва бошқа жамоатчилик вакиллари билан тушунтириш ишларини олиб боришлари мақсадга мувофиқдир.

Гиёҳвандлик, сурункали ичкиликбозлик ва захарвандликни яқка профилактикасида биринчи навбатда ушбу модда ва воситаларга мубтало бўлган шахсларни аниқлаш ва уларни назоратга олган ҳолда қуйидаги яқка тартибдаги профилактик ишларни ташкил этиши лозим:

биринчидан, гиёҳвандлик, сурункали ичкиликбозлик ва захарвандликка чалинган шахсларни аниқлаш мақсадида улар ҳақидаги ахборотларни олиш;

иккинчидан, ушбу касалликка мубтало бўлганлик даражасини аниқлаш учун наркологиya диспансерлари текширувидан ўтказиш, у ерда ҳисобга олинишини таъминлаш ва хулосалар олиш;

учинчидан, маъмурий ҳудуди бўйича наркологиya диспансеридан даволаниш учун мурожаат этган ва у ерда касаллиги учун ҳисобга олинганлар ҳақидаги маълумот ва хулосаларни олиш;

тўртинчидан, касалликка чалинган шахсларни ички ишлар идоралари профилактик ҳисобига олиш;

бешинчидан, профилактик таъсир чоралар наф бермаса, охириги чора сифатида касалликка мубтало бўлган беморларни мажбурий даволашга юбориш чораларини кўриш.

Шунингдек, профилактика инспекторларининг гиёҳвандлик, сурункали ичкиликбозлик ва захарвандликнинг яқка профилактикаси жараёнида фақатгина касал бўлганлар эмас, балки жамоат жойларида мунтазам спиртли ичимликлар истеъмол этувчи ва шунга мойил шахсларни аниқлаш ва уларга нисбатан тегишли равишда таъсир чораларини қўллаш фаолиятини ҳам кўрсатишимиз мумкин.

Шахсининг гиёҳванд моддалар ва ичкиликбозликка берилишининг олдини олишнинг педагогик ва психологик жиҳатларини аниқлаш ва улар билан ҳар томонлама профилактик ишларни олиб бориш, уларга педагогик таъсир ўтказиш, уларда мавжуд бўлган бундай иллатларга қарши кураш олиб бориш йўлида ишлатиладиган педагогик ва психологик томонларни аниқлаб олиш бугунги куннинг энг долзарб муаммоларидан биридир.

Педагогика фанининг асосий мақсади уларни педагогик жиҳатдан тавсифлаб, тарбиялаш йўлларини кўрсатиб беришдан иборат. Ушбу фан бундай зарарли иллатларнинг олдини олиш, улар билан

профилактик ишларни ўтказиш, ҳар хил чора-тадбирлар кўриш, уларни ҳар томонлама ўрганишни тақозо этади.

Маълумки, вояга етмаганларнинг гиёҳвандликка мубтало бўлиши асосан назоратсизлик оқибатида келиб чиқади. Бу борада вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи органлар, муассасалар ҳамда ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларнинг умумий ва яқка тартибдаги профилактик фаолиятни амалга оширишдаги функция ва вазифалари аниқ ва равшан белгилаб қўйилган.

Агар вояга етмаган ёки ёшлар гиёҳвандликка чалинса, у ҳолда ота-она ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар фуқаролар йиғини ҳузуридаги Ёшлар билан ишлаш комиссиясига, мактаб маъмуриятига муаммонинг сабабларини аниқлаш ва ҳал этишда ёрдам беришни сўраб мурожаат қилиши ҳамда бамаслаҳат ва ҳамкорликда қўйидаги ишлар амалга оширишлари талаб этилади:

– биринчи навбатда, зарур деб ҳисобланса, психолог мутахассис иштирокида боланинг эҳтиёжи, қизиқиши, ўзи ва ҳаёти билан боғлиқ муаммолар аниқланади¹;

– шахснинг эҳтиёжи, қизиқиши ҳамда муаммоларини ҳисобга олган ҳолда у билан яқка тартибда тарбиявий-профилактик суҳбатлар ўтказилади;

– шахснинг гиёҳвандлик моддасини истеъмол қилиш учун моддий маблағни қаердан олиши, таъминотчиси ким эканлиги аниқланади;

– шахснинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишни ташкил этиш ва назорат қилиш учун устоз-мураббий ёки жамоатчи тарбиячи бириктирилади;

– шахс наркология диспансер кўригига олиб борилади;

– зарур ҳолларда ижтимоий, ҳуқуқий, тиббий, психологик ва бошқа амалий ёрдам кўрсатиш ҳамда аниқланган муаммоларни ҳал этиш бўйича ваколатли идораларга мурожаат қилинади.

Ушбу тадбирларни амалга ошириш бўйича иштирокчилар фаолиятларини мувофиқлаштириш масъулияти мактаб маъмурияти вакилига юклатилиши мақсадга мувофиқ.

Агар вояга етмаганнинг ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар ёхуд мактаб маъмурияти томонидан амалга оширилган чора-

¹ Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Вояга етмаган болалар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олишга ўрнатилган (Ар-Риёд) дастурий принципларининг 1-моддаси.

тадбирлар ўз самарасини бермай, вояга етмаганлар сурункали равишда гиёҳвандлик ва захарвандлик моддаларини истеъмол қилишни давом эттирса, у ҳолда улар туман (шаҳар) ИИБнинг ҳудудга бириктирилган Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси инспекторига мурожаат қилиши шарт.

Ички ишлар идораларининг вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси инспектори сурункали равишда гиёҳвандлик ва захарвандлик моддаларини истеъмол қилаётган вояга етмаганларнинг ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар, фуқаролар йиғини ҳузуридаги Ёшлар билан ишлаш комиссияси, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи, мактаб маъмурияти, синф мураббийси ёки бошқа педагоглар билан бамаънаҳад ва ҳамкорликда қуйидаги тадбирларни амалга ошириши лозим:

– вояга етмаганларнинг эҳтиёжи, қизиқиши ҳамда муаммолари қанчалик тўлиқ ва мукамал аниқланганлиги ва у билан яқка тартибда тарбиявий-профилактик суҳбатлар қанчалик ўтказилганлигини, бунда вояга етмаганлар манфаатлари қанчалик ҳисобга олинганлигини ўрганиш;

– вояга етмаганлар билан ўтказилган яқка тартибдаги тарбиявий-профилактик суҳбатлар, унга бириктирилган устоз-мураббий ёки жамоатчи тарбиячи фаолияти, кўрсатилган ижтимоий, ҳуқуқий, тиббий, психологик ва бошқа амалий ёрдамлар, унинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш бўйича амалга оширилган ишлар нима учун самара бермаётганлигининг сабабларини аниқлаш;

– аниқланган сабабларни бартараф этиш мақсадида вояга етмаганларга нисбатан амалга ошириладиган белгиланган тарбиявий профилактик ишларни олиб бориш, унга амалий ёрдам кўрсатиш учун масъул шахсларга ўз вазифаларини бажармаётганликларини маълум қилиш, зарур ҳолларда бу ҳақда прокурорга белгиланган тартибда мурожаат қилиш;

– мажбуриятларини бажармаётган, вояга етмаганларнинг сурункали равишда гиёҳвандлик моддаларини истеъмол қилишига шарт-шароит яратиб бераётган ота-она ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларни, мансабдор шахсларни аниқлаш ва ҳужжатларни ҳокимликлар ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияларга тақдим қилиш;

– вояга етмаганларни тиббий кўриқдан ўтказиб, мутахассис шифокорнинг ёзма ҳулосасига кўра мажбурий даволанишга юбориш.

Айтиб ўтилган ушбу тадбирлардан ташқари, яна қуйидаги чораларнинг кўрилиши ҳам талаб этилади:

– вояга етмаганларни гиёҳвандлик моддаларини истеъмол қилишга ундаётган шахсларни аниқлаш борасида тегишли хизмат соҳалари билан биргаликда тадбирлар ўтказиш;

– гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар вояга етмаганларнинг қўлига қандай етиб бораётганлигини аниқлаш;

– ички ишлар идораларининг бошқа хизматлари билан биргаликда, гиёҳвандлик касаллигига дучор бўлган ота-оналарнинг муомала лаёқатини чеклаш, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ҳақидаги ҳужжатларни расмийлаштиришда кўмаклашиш;

– соғлиқни сақлаш муассасаларига келишдан бош тортган мажбурий даволанишга муҳтож, сурункали равишда гиёҳвандлик моддаларини истеъмол қилувчи вояга етмаганларни тиббий кўрикдан ўтказишга олиб келишга ёрдамлашиш;

– мутахассис шифокорнинг ёзма хулосаси асосида конунда кўрсатилган тартибда тегишли ҳужжатларни тиббий муассасалар ёрдамида расмийлаштириб, суд қарори асосида вояга етмаганларни мажбурий даволанишга жўнатиш;

– соғлиқни сақлаш муассасалари томонидан «гиёҳванд» ташхиси қўйилган ва мажбурий даволаш муассасасидан қайтган вояга етмаганларга нисбатан профилактик ҳисоб иши юритиш;

– вояга етмаганларнинг профилактик ҳисобга олинганлиги ҳақида унинг яшаш, ўқиш ва иш жойларига хабар бериш.

Ушбу тадбирларни амалга ошириш бўйича иштирокчилар фаолиятларини мувофиқлаштириш учун масъул туман (шаҳар) ИИБ вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси инспектори ҳисобланади.

Таъкидлаш керакки, гиёҳвандлик оқибатида кўплаб жиноятлар ва ҳуқуқбузарликлар содир этилади. Шунинг учун гиёҳвандликнинг олдини олишда ҳар бир фуқаро ўзининг масъулият ва бурчини ҳис этиши керак. Ўз вақтида ички ишлар органларига гиёҳвандлик билан шуғулланувчи шахслар тўғрисида ва гиёҳвандлик воситаларини тарқатувчилар ҳақида хабар қилишлари лозим бўлади. Мамлакатимизда гиёҳвандлик қарши курашнинг турли шакл ва усулларидан фойдаланилмоқда, лекин бу иллатларни олдини олишда самарали натижага эришиш учун барча профилактика субъектлари ва давлат органлари, фуқароларнинг ўзаро ҳамкорлиги борасида керакли чоратадбирларни ишлаб чиқиш ва амалда қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Сурункали ичкиликбозлик, гиёҳвандлик ва заҳарвандлик каби иллатлар, ўз навбатида, жиноятларни келтириб чиқарувчи сабаб ва шароитлардан ҳисобланади. Бу муаммо ва камчиликларни бартараф этишда ички ишлар органларининг бошқа давлат органлари ва жамоатчилик билан ҳамкорлиги муҳим аҳамиятга эгадир.

Сурункали алкоголизм, гиёҳвандлик ва заҳарвандликнинг олдини олишда профилактика инспекторларининг тиббий муассасалар билан ҳамкорлиги асосий ўринни эгаллайди. Бу жараёнда профилактика инспекторлари наркологик диспансерлар билан ҳудуд бўйича қанча фуқаро ҳисобга олинганлиги, даволанганлиги, тузалганлиги, уларнинг касаллик даражалари ҳақидаги маълумотлар олиш билан бирга, айрим фуқароларнинг касалликка чалинганлигини аниқлашда ва уларни диспансер кўригидан ўтказишда ҳамкорлик қилади.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва унинг жойлардаги тизимлари томонидан гиёҳвандлик ва ичкиликбозликнинг олдини олишда олиб бориладиган чоралар қуйидагилардан иборат:

- сурункали ичкиликка ружу қўйган, гиёҳванд, заҳарвандларни аниқлаш, даволаш ва ҳисобга қўйиш;
- тиббиёт учун зарур дориларнинг миқдорини аниқлаш;
- махсус даволаш муассасаларини кенгайтиришни таъминлаш;
- бу турдаги беморларни даволовчи тиббиёт ходимлари малакасини ошириш;
- илмий изланишлар олиб бориш;
- турли дориларни ишлаб чиқишда, хомашёдан фойдаланишда қатъий ҳисоб юритиш.

Сурункали ичкиликбозлик, гиёҳвандлик ва заҳарвандликка мубтало бўлган шахсларни мажбурий даволашга юбориш бўйича профилактика инспекторларининг тиббий муассасалар билан ўзаро ҳамкорлиги қуйидаги жараёнларда амалга оширилади:

- бу касалликка дучор бўлган беморлар бошқа фуқароларнинг ҳуқуқларига хавф солганда мажбурий даволаш муассасасига олиб келиниши жараёнида;
- аниқланган беморлар билан профилактик суҳбатлар ўтказиш жараёнида;
- беморларнинг оила аъзолари, қариндошлари билан тушунтириш ишлари олиб бориш жараёнида;
- ичкиликбозлик, гиёҳвандлик ва заҳарвандликнинг салбий оқибатлари ҳақида фуқаролар олдида тарғибот-ташвиқот, умумий профилактика ишларини олиб бориш жараёнида.

Республикамизда сурункали ичкиликбозлик, гиёҳвандлик ва заҳарвандликнинг олдини олиш жараёнида амалга оширилаётган тарғибот-ташвиқот ишларини янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш бугунги куннинг энг долзарб вазифаларидан биридир.

Бугунги кунда республикамизда сурункали ичкиликбозлик, гиёҳвандлик ва заҳарвандликнинг олдини олишда турли тадбирлар амалга оширилмоқда. Айниқса, бу турдаги модда ва воситаларнинг ноқонуний тарқалиши ва уларни сотиш, сотиб олиш қарши курашиш борасида бир қатор чора-тадбирлар белгиланган.

Сурункали ичкиликбозлик, гиёҳвандлик ва заҳарвандликка вояга етмаганларнинг кириб кетиши ачинарли ҳолдир. Ёшлар ва вояга етмаганлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилувчи профилактик ишларни ташкиллаштириш энг муҳим вазифалардан биридир. Ушбу иллатларнинг аксарияти кечаси ишлайдиган кафе ёки ресторанларда ташкил этилиши инobatга олиниб, Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 17 майда қабул қилган «Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги кодексига 188²-модда киритилди. Унда «Вояга етмаган шахснинг кўнгил очиш (дам олиш) жойларида тунги вақтда бўлишига йўл қўйиш» ҳуқуқбузарлиги учун жавобгарлик белгиланди ва «Ресторанлар, кафелар, барлар, клублар, дискотекалар, кинотеатрлар, компьютер заллари, Интернет тармоғидан фойдаланиш хизматларини кўрсатиш учун жиҳозланган хоналар ёки бошқа кўнгил очиш (дам олиш) жойларининг раҳбарлари ёхуд бошқа масъул шахслари томонидан вояга етмаган шахснинг тунги вақтда ота-онасидан бири ёки унинг ўрнини босувчи шахснинг кузатувисиз кўрсатилган муассасаларда бўлишига йўл қўйиш энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади», деб кўрсатиб ўтилди. Ушбу модда сурункали ичкиликбозлик, гиёҳвандлик ва заҳарвандлик каби салбий иллатлардан ёшлар ва вояга етмаганларни асраш йўналишларидан биридир.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 7 октябрда қабул қилган «Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида»ги қонуни сурункали ичкиликбозлик ва гиёҳвандликнинг олдини олиш ва уни тарғиб этувчи ҳолатларга қарши кураш йўналишларини белгилаб берди. Қонуннинг 3-моддасида бир қатор таърифлар берилган. Жумладан: *алкогол маҳсулоти* – «коньяк спирти ёки тозаланган этил спиртидан,

вино материаллари ва (ёки) таркибида спирт бўлган озиқ-овқат маҳсулотидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқарилган, ҳажмидаги этил спиртининг улуши бир ярим фоиздан ортиқ бўлган озиқ-овқат маҳсулоти», *алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишнинг салбий таъсири профилактикаси* – «алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилиш билан боғлиқ фуқаролар соғлиғига, аввало, ёшлар соғлиғига, уларнинг жисмоний, маънавий ривожланишига, жамиятнинг маънавий-ахлоқий негизларига таҳдидларнинг ҳамда бошқа таҳдидларнинг олдини олишга ва уларни камайтиришга қаратилган ижтимоий, ҳуқуқий, тиббий чора-тадбирлар ҳамда бошқа чора-тадбирлар мажмуи», *алкоголга қарамлик* – «алкоголь маҳсулотига патологик ружу қўйиш, алкогольдан сурункали захарланишнинг психосоматик (руҳий ва жисмоний) ҳамда ижтимоий оқибатлари билан тавсифланадиган сурункали кучайиб боровчи касаллик (сурункали алкоголизм)», *тиббий огоҳлантириш* – «алкоголь маҳсулоти идишининг ёрлиғида ҳамда тамаки маҳсулотининг қутисида (ўровида) жойлаштириладиган, алкоголь ёки тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишнинг инсон соғлиғига салбий таъсири тўғрисидаги ахборот», деб кўрсатиб ўтилган.

Қонунинг 4-моддасида алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш, уларнинг салбий таъсири профилактикаси соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагича кўрсатилган:

– фуқаролар соғлиғини сақлаш, алкоголь, тамаки маҳсулотларининг зарарли таъсиридан ҳимоя қилишга қаратилган ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий ҳамда бошқа чора-тадбирлар мажмуини амалга ошириш;

– фуқароларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялашга, аҳоли, аввало, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга, уларнинг соғлиғига алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилиш билан боғлиқ таҳдидларнинг олдини олиш ҳамда бундай таҳдидларни камайтиришга қаратилган профилактика, маърифий фаолиятни ташкил этиш ва амалга ошириш;

– алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг ишлаб чиқарилиши ҳамда реализация қилиниши соҳасидаги давлат назоратини таъминлаш, шунингдек бундай маҳсулотларнинг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклашга, уларнинг салбий таъсири профилактикасига, жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга қаратилган давлат дастурларини амалга ошириш;

– алкоголь ва тамакига қарам бўлиб қолган шахсларга тиббий-санитария ёрдами кўрсатишнинг самарали тизимини яратиш;

– алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишнинг салбий таъсири профилактикаси, шунингдек алкоголь ва тамакига қарамлик диагностикаси ҳамда уни даволаш соҳасидаги илмий тадқиқотларни ривожлантириш;

– соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишда ҳамда алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ва истеъмол қилинишини чеклаш ва уларнинг салбий таъсири профилактикаси соҳасидаги давлат сиёсатини рўёбга чиқаришга қаратилган профилактика, маърифий тадбирларни амалга оширишда оммавий ахборот воситаларининг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг кенг иштирок этиши учун ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратиш.

Сурункали ичкиликбозлик, гиёҳвандлик ва захарвандликнинг олдини олишда умумий профилактика ҳам алоҳида ўринга эга. Бу жараёнда аҳоли ўртасида ушбу иллатларнинг салбий оқибатлари, ижтимоий хавфи ҳақидаги учрашувлар, маърузалар ўқиш билан бирга, тарғибот-ташвиқот ишларини ташкил этиш самаралидир. Фуқаролар билан тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришда кўриб чиқиладиган иллатнинг салбий оқибатларини тасвирловчи лавҳалар, плакатлар, кинофильмлар, оммавий ахборот воситаларида чиқишлар орқали профилактик чора-тадбирларни олиб бориши мумкин.

Ичкиликбозликни тарғиб этувчи ёки ушбу маҳсулотларни ноқонуний савдоси билан шуғулланаётган фуқароларни аниқлаш ва уларни жавобгарликка тортиш чораларини кўриш ҳам профилактика инспекторларининг асосий вазифалардан биридир. Ташқи таъсир натижаси ҳам шахсни сурункали ичувчи ёки гиёҳвандга айлантиради.

Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 187-моддасида жамоат жойларида спиртли ичимликларни истеъмол этиш ҳуқуқбузарликлари учун маъмурий жазо чораларини қўллаш кўрсатиб ўтилган. Профилактика инспекторлари маъмурий ҳудудда жамоат жойларида, мактаб ёки боғчалар ҳудудларида, хиёбонларда ушбу ҳуқуқбузарликни содир этувчиларни аниқлаб, уларни маъмурий жавобгарликка тортишлари ва ушбу шахслар билан тушунтириш ишларини амалга оширишлари ҳам яқка профилактиканинг йўналишларидан бири ҳисобланади.

Суд мажбурий даволашга юбориш ҳақидаги масалани бемор ва унинг қариндошлари иштирокида кўриб чиқиб, қарор қабул қилади. Агар бемор судга сабабсиз келмаса, ички ишлар органлари

томонидан мажбурий равишда олиб келинади. Мажбурий даволашга юбориш тўғрисидаги суд қарори устидан қарор чиқарилган шахс ёки унинг ҳимоячиси етти кунлик муддат ичида юқори турувчи судга норозилик билдириши мумкин.

Суднинг мажбурий даволашга юбориш тўғрисидаги қарори 10 кунлик муддат ичида худуд профилактика инспектори томонидан ижро этилиши керак. Мажбурий даволаш муддати эса, даволаш муассасасида ташкил этилган комиссия томонидан бемор даволашга жойлаштирилгач, 5 кун ичида ҳал этилади. Бундай беморларни мажбурий даволаш жараёни даволаш муассасаларида уларни меҳнатга жалб этиш орқали амалга оширилади.

Мавзу юзасидан савол ва топшириқлар

1. *Салбий ижтимоий ҳодисалар тушунчаси ва туркумлари. Уларнинг намоён бўлиши ва ривожланиши омилларини айтиб беринг.*

2. *Гиёҳвандлик, заҳарвандлик ва ичкиликбозлик тушунчаларига таъриф беринг ва уларни истеъмол қилишнинг педагогик-психологик сабаблари айтинг.*

3. *Гиёҳвандлик, заҳарвандлик ва ичкиликбозлик каби салбий ижтимоий иллатларни олдини олишнинг педагогик муаммолари нималардан иборат?*

4. *Психотроп моддалар ва ичкиликбозликка патологик-психологик мойиллик қандай кечади?*

5. *Заҳарвандлик, ичкиликбозлик, гиёҳвандлик моддаларининг шахс психологиясига салбий таъсири натижасида, уларда гайриижтимоий хулқ-атворнинг намоён бўлиши. Бундай салбий ҳодисаларнинг тарқалишига кўмаклашувчи омиллар ва уларни бартараф этиш йўллари айтиб беринг.*

8-мавзу
ЖИНОЯТ СОДИР ЭТГАН ШАХСЛАР ОРАСИДА ЖИНОЯТЛАР
ПРОФИЛАКТИКАСИНИНГ ПЕДАГОГИК ЖИХАТЛАРИ

- *Жиноят содир этадиган шахслар турмуш тарзининг педагогик тавсифи.*
- *Турли тоифадаги ҳуқуқбузарларга тарбиявий таъсир кўрсатишида уларнинг индивидуал хусусиятларини инобатга олиш.*
- *Жиноятлар профилактикасининг педагогик жиҳатлари.*

ЖИНОЯТ СОДИР ЭТАДИГАН ШАХСЛАР ТУРМУШ
ТАРЗИНИНГ ПЕДАГОГИК ТАВСИФИ

Жиноятчи шахсини илмий жиҳатдан ўрганиш ўз мазмун-моҳиятига эга бўлиб, бу муаммога педагогика фани ўз эҳтиёжи нуқтаи назаридан ёндашади.

Биринчидан, жиноят содир этувчи шахслар дейилганда, ақли расо шахслар тушунилади. Бошқача айтганда, ақли расо шахслар қаторига ижтимоий хавфли қилмиш содир этиш вақтида руҳий бетоблиги ёки вақтинчалик руҳий тушкунлиги оқибатида ўз хатти-ҳаракатларига жавоб бера олмайдиган шахслар киритилмайди. Бу борада ҳуқуқ-шунослик фанида ҳам ўзига хос ёндашув мавжудлиги барчага яхши аён.

Иккинчидан, жиноятчилар ўз ҳаракатлари билан жиноят қонунида жиноят тариқасида қайд этилган ижтимоий хавфли қилмишни қасддан ёки эҳтиётсизлиги натижасида содир этадилар. Бу қилмишлар қонун асосида, яъни зарурий мудофаа, охириги зарурат ёки таваккалчилик ҳолатлари ссифатида фарқланиши лозим.

«Жиноятчи шахси» тушунчаси эса ўзига хос равишда жиноятчининг ижтимоий белгиларини ифодалайди, яъни шахсининг «ижтимоий қиёфаси»ни очиб беришга хизмат қилади.

«Жиноятчи шахси» ва «жиноятчи» атамалари хусусида фикр юритилганда «шахс» ва «одам» тушунчалари ўртасида мавжуд фарққа эътиборни қаратиш лозим. Чунки «одам» – нисбатан кенгрок тушунча, «шахс» эса унинг фақат ижтимоий хусусиятларини ифодалайди ва одамнинг ривожланиши давомида аста-секин шаклланади.

Қисқача қилиб айтганда, одамнинг «шахси» туғилганидан сўнг шакллана боради.

Шунга кўра, шахс нафақат ижтимоий хислатларни ўзида мужассамлаштиради, балки ушбу мужассамлашган хислатлар ўзаро боғлиқ ва бир-бирини тўлдириб туради. Кўриниб турибдики, шахс ижтимоий тушунча ва, табиийки, унинг шаклланишида ижтимоий ҳаёт бирламчи ўринни эгаллайди.

Шахснинг жиноий хатти-ҳаракатлар содир этиш жараёни ҳам ўзига хос боғланишлар асосида кечади. Яъни, жиноий фаолият жисмоний ва руҳий боғланишлар ҳосиласидир. Шунинг учун ҳам жиноят содир этувчи шахс ўз жисмоний имкониятларидан келиб чиққан ҳолда жиноий фаолиятни амалга оширади.

Масалан, талончилик, қароқчилик каби жиноятларни содир этишга кўп ҳолларда ўз кучи ва имкониятларига ишонган ёшлар жазм қиладилар. Бироқ, бу ҳолат шахснинг мақсади билан ҳам узвий боғлиқдир. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, жиноятчилик руҳий-психофизиологик қилмиш сифатида бирор-бир тоифага киритилмаслиги лозим.

Жиноят содир этадиган шахсларни оддий фуқародан фарқлашда уларнинг мақсадлари, мослашишлари, эҳтиёжлари, қизиқишлари, нуқтаи назарлари, ижтимоий кўникмалари кабилар инобатга олинади. Бир сўз билан айтганда, ижтимоий ҳаёт тарзи туфайли юзага келган кўникмалар шахснинг асосий хусусиятларини ифодалайди.

Шунинг учун ҳам умумлашган ҳолда айтиш мумкинки, криминоген шахслар жамиятда яшаш жараёнида белгиланган меъёрий тизим талабларига мос бўлмаган онг ва хатти-ҳаракатларни ўзида мужассамлаштирган одамлардир.

Жиноят содир этувчи шахслар ўзига хос шаклланган турмуш тарзига эга, ижтимоий шарт-шароитларга мослашган бўладилар. Шунинг учун ҳам уларни «зарар келтирувчи шахслар» деб айтиш ноўриндир. Шу билан бирга, уларга «ўтмиш қолдирган иллат» деб қараш ҳам нотўғридир. Чунки бу каби иллатлар шахс руҳиятида у яшаётган ижтимоий шароит орқали шаклланишини унутмаслик зарур. Бинобарин, шахс ижтимоий ҳаёт давомида шаклланади.

Педагогика, криминология ва бошқа фанларда жиноятчининг шахсига ўзига хос томондан ёндашилади. Зотан, шахс жамиятда мавжуд умумий турмуш тарзи билан узвий боғлиқ ҳолда ривожланади. Ижтимоий ҳаётнинг бир бўлаги бўлган шахс қарашларида жамиятига бўлган муносабат ўзига хос тарзда кечади. Жиноятчининг

жамиятга бўлган муносабатида ўзига хос салбий жиҳатлар мавжудлигини кўриш мумкин.

Масалан, иш жойида жамоа аъзолари билан муносабатида келиш-мовчиликларнинг мавжудлиги, меҳнатга муносабати ва қадриятларни (моддий, маънавий, маданий) менсимаслиги, атрофдагиларга нисбатан муносабатидаги номутаносибликлар шулар жумласидандир.

Умуман олганда, жиноят содир этадиган шахс жамият аъзосига хос бўлган одамийлик белгиларига мос келмаган хатти-ҳаракатлари билан ажралиб туради. Жиноятчи шахсига хос бўлган белгилар ва хусусиятларнинг ўзига хос руҳий ёки биологик ҳолатлари, ирсий ҳамда яшаш даврида юзага келган касалликлар оқибатлари натижа-сида шаклланган хатти-ҳаракатлари бир қатор ижтимоий ва табиий фанлар томонидан атрофлича ўрганилади.

Маълумки, жиноий фаолият жиноятчининг шахси ва ижтимоий шароит ўртасидаги ўзаро сабабий боғланиш асосида юзага келади.

Жиноят содир этадиган шахсларни ўрганишдан асосий мақсад – жиноятчиликни юзага келтирувчи сабаб ва шароитларни, шунингдек, жиноятчиликнинг олдини олишда зарур бўладиган усул ҳамда воситаларни илмий жиҳатдан асослаш ва зарур тавсиялар беришдан иборат.

Шахснинг у ёки бу салбий хатти-ҳаракатларни содир этишдаги имкониятлари ижтимоий шароит билан боғлиқ. Шахс мавжуд шароит ва имкониятидан фойдаланган ҳолда ўз мақсадини амалга оширишга жазм қилади.

Шахсга оид хусусиятлар тизими қуйидаги тартибда белгиланган:

- ижтимоий-демографик ва жиноий-ҳуқуқий белгилари;
- ижтимоий ҳолатлар (ижтимоий яшаш тарзидаги юзага келувчи ўзаро муносабатлари);
- маънавий-руҳий ва тарбиявий хусусиятлари.

Ушбу белгилар бир-бири билан ўзаро боғлиқ ва бир-бирини тўлдириб боради. Хусусан, шахснинг ижтимоий-демографик белгилари (ёши, маълумоти, касби, яшаш жойи кабилар) унинг жамоатчилик ҳаётида тутган ўрнини белгилаш ва маънавий шаклланиши билан узвий боғлиқ ҳолда кечади.

Маънавий-руҳий ва тарбиявий хусусиятлари эса унинг шаклланишига таъсир этган ижтимоий ҳолатлар қандай кечганлигини ифодалайди, қолаверса, шахснинг ижтимоий ҳаётда тутган ўрни ва унинг тарбияси билан боғлиқ вазифаларни баҳолашга ҳам имкон яратади.

Шахс ижтимоий ҳаётдаги салбий ҳолатлар, сабаблар туфайли жиноят йўлига киради, таъсир этувчи ташқи шароит (баъзида шахс бу каби салбий ҳолатларга ўзининг ақлий даражасининг пастлиги туфайли ҳам тушиб қолиши мумкин) оқибатида жиноят субъекти бўлиб қолади.

Бундай таъсир доирасига тушиб қолиш ва унга нисбатан қаршилик кўрсатиш ҳар бир шахсда унинг маънавий қарашлари, тарбияси, билим ва ҳиссиёт даражаларига боғлиқ равишда кечади.

Бу ўринда гап шахснинг комплекс белгилари хусусида эмас, балки жиноятчи шахсининг шаклланишида ўзига хос ўрин тутган тизим тўғрисида бормоқда. Шунинг учун ҳам айнан шахсга хос бўлган белгилари тизим ва уларнинг ўзаро алоқадорлиги алоҳида кўриб чиқилади.

Жиноят содир этадиган шахсга хос бўлган турли хусусиятлар ва типик белгиларни ўрганиш *ҳуқуқий, ижтимоий-руҳий ва тарбиявий* йўналишлар орқали олиб борилади.

Шунинг учун ҳам шахсда жиноий хатти-ҳаракатларни юзага келтирувчи, жамият манфаатларига ёт бўлган қарашлар, кўникмалар, одатлар ва мойилликлар, ўз моҳиятига кўра ўзгача тус олган салбий эҳтиёжлар, уларнинг қасди ва мақсадларини атрофлича таҳлил этиш катта аҳамиятга эгадир. Шу орқали жиноятчининг шахсида мавжуд бўлган салбий ижтимоий муносабатларни аниқлаш имконияти юзага келиши мумкин.

Ҳар бир жиноий ҳолат шахснинг тарбияси, билим даражаси, ҳиссиёти, иродаси ва маънавий сифатларига боғлиқ равишда кечишини инobatга олиш зарур. Айнан шу асосида ижтимоий ҳаётда жиноятчининг шахси ва жиноий фаолият ўртасидаги боғлиқликни аниқлаш мумкин.

Маънавий ҳамда ҳуқуқий дунёқараши ва содир этган аниқ жинояти асосида жиноятчи шахси бошқа шахслардан фарқланади. Жиноятчини жамият ва давлат ўртасида мавжуд узвий боғлиқлик ришталаридан айримларини «ихтиёрий узган» шахс, деб таърифлаш мумкин.

Жиноят содир этган шахсни ўрганиш, уни шакллантирувчи ижтимоий-ташкилий тизимнинг хусусиятларини ҳисобга олиш давр талабидир. Ушбу ижтимоий тизим қуйидагилардан иборат:

- ижтимоий-демографик;
- жиноий-ҳуқуқий;
- ижтимоий-руҳий;

– ижтимоий-маънавий ва тарбиявий.

Санаб ўтилган ҳар бир йўналишда қуйидаги омилларни эътиборга олиш мақсадга мувофиқдир:

1. Ижтимоий-демографик (яъни аҳолишунослик) йўналиши ўз ичига шахсининг жамиятда тутган мавқеи, аҳолининг маълум бир қатламида ўзига хос ўрин эгаллашини билдиради.

Ижтимоий-демографик хусусиятлар асосида, яъни шахсининг жинси, ёши, ижтимоий ва оилавий аҳволи, маълумоти, касби ва ҳоказолар орқали фуқароларнинг қайси қатламида жиноят турлари ошганлиги ёки камайганлигини аниқлаш мумкин.

Баъзан жиноят содир этган шахсларнинг маълумот даражаси ўртача эмаслигини ҳам кўриш мумкин. Иқтисодий ёки ҳарбий соҳада жиноят содир этувчи шахсларда олий, ҳатто махсус тайёргарликдан ўтганлик даражалари мавжудлиги кузатилади. Кўриниб турибдики, бундай вазиятларда шахсининг шаклланишида биринчи галда биологик эмас, балки ижтимоий омиллар таъсир қилмоқда.

Шахсининг оилавий ва ижтимоий келиб чиқишини ўрганиш орқали унинг бир қатор криминоген ҳолатларини ҳам идрок этиш мумкин. Чунки айрим жиноятларни содир этувчи шахсларнинг шаклланишида айнан шу ҳолатлар катта ўрин тутади. Табиийки, бундай боғланишни илмий жиҳатдан тўғри англаш жиноятларнинг олдини олишдаги чора-тадбирлар режасини тўғри ишлаб чиқишга имкон яратади.

2. Жиноятчининг шахси жиноий-ҳуқуқий жиҳатдан ўзига хослиги ва шахс ҳаракатларида қайси турдаги жиноят содир этганлиги, иштирокчилик шакли, рецидив жиноят ҳамда тайинланган жазо тури ва ҳажми кабилар мавжудлигини эътиборга олган ҳолда таърифланади.

3. Ижтимоий-руҳий томондан таъриф беришда жиноятчи шахсига хос бўлган «жиноятчи ва унинг яшаш тарзи» қондаси асосида хулоса чиқариш мумкин. Бунда жиноятчи шахсининг шаклланишига бевосита алоқадор, яъни шахсининг инсонийлик хислатларига салбий таъсир этувчи номақбул шароитни эътироф этиш лозим. Зотан, бундай номақбул шароит инсонни жиноий йўлга киришга катта таъсир кўрсатади. Агар шахс «жиноятчилар олами» таъсирига тушиб қолса ва иродаси заифлиги туфайли ушбу шароитдан чиқиб кета олмаса, оқибатда жиноят йўлига киришга мажбур бўлади.

4. Шахснинг ижтимоий-маънавий, тарбиявий хусусиятлари ҳам ўзига хос шароит таъсирида шаклланади. Шахснинг ўзини тутиши, хулқи, тарбияланганлик даражаси, шу жумладан жиноят йўлига кириши маълум бир мазмун ва моҳиятга эга, яъни шахснинг ички маънавий олами унинг хатти-ҳаракатларида ифодаланади. Бинобарин, шахснинг ҳаракатлари руҳиятининг кўзгусидир. Шахснинг тарбияланганлиги унинг хулқига оид сифатларида мужассамлашади, яъни шахснинг ички дунёси, одоб-ахлоқи яхшилиқни ёмонликдан ажратиш, бурч ва садоқат, виждонан ёндашув каби вазиятларда тўғри йўл тутиши билан баҳоланади. Шахснинг шаклланишида ушбу хислатлар бевосита таъсир кўрсатади.

Жиноят содир этувчи шахсларнинг барқарор йўналганлиги уларнинг муҳим типик хусусияти ҳисобланади. Шу асосга кўра, қуйидаги жиноий типларни ажратиш мумкин:

1) ахлоққа зид хатти-ҳаракатлари устунлик қиладиган жиноятчилар;

2) жиноий хатти-ҳаракат мотивлари устунлик қиладиган жиноятчилар;

3) муайян ҳодисалар, муайян шахслар, гуруҳлар, ҳуқуқ билан муҳофаза этиладиган қадриятларга барқарор ёмон муносабатда бўлган жиноятчилар;

4) жиноий хатти-ҳаракати ғазабланиш ҳолати (дисфория), юқори руҳий ҳаяжон (аффектация), жамиятдан бегоналашув (аутиклик), ижтимоий бегоналик ҳисси туфайли юзага келадиган жиноятчилар.

5) утилитар эҳтиёжлари ҳаддан ташқари ортиб кетган шароитда уларни қонуний йўл билан қондириш мумкин бўлмаганида гедонистик (содда-лаззатланиш) жиноятларни содир этувчи жиноятчи;

6) барқарор ғайриахлоқий майллар, ижтимоий салбий эҳтирос ва интилишларга эга бўлган маниак жиноятчилар. Кўп ҳолларда улар алкоголизм ва наркотикларга боғлиқликка, психопатологик хусусиятлар ва жинсий бузуқликка чалинган бўладилар.

Жиноятчи шахсининг барча оғир мотивацион йўналишлари унинг жиноий хатти-ҳаракатига хос барқарор усуллар, тегишли уқув ва кўникмалари билан боғлиқ бўлади.

Шундай қилиб, шахснинг жиноий хатти-ҳаракати муайян жиноий аҳамиятга эга бўлган қуйидаги хусусиятлар тизими орқали ҳосил бўлади:

– шахснинг жиноятга берилганлик даражаси;

- жиноий хатти-ҳаракатлар қаратилган объект;
- жиноий мотивларининг устунлиги;
- жиноят содир этишнинг барқарор, яхши ишланган усуллари;
- руҳий ўзини бошқаришнинг умумий нуқсонлари (аномалиялари).

Жиноятларнинг барча таркибий қисмлари, гарчи келиб чиқиши турлича бўлса-да, ўзаро боғлиқдир. Индивиднинг жиноий ҳаракатлари учун асосий туртки вазифасини умумижтимоий (макромуҳит) ва микромуҳитдаги шароитлар бажаради. Микромуҳит шароитлари орасида эса шахснинг жамиятда тарбия олаётган дастлабки даврларидаги жиноятчилар муҳити, жиноий субмаданият энг катта аҳамиятга эга. Жиноятчининг жиноий муҳитга, жиноий субмаданиятга «мослиги» ҳам унинг муҳим типологик хусусиятларидан биридир.

Жиноий субмаданият нафақат жиноятчиларнинг жиноий жипслиги омили, балки жиноий тажрибани янги авлодларга бериш, салбий ижтимоийлашув воситаси ҳамдир.

Енгиш қийин бўлган жиноий субмаданиятнинг ижтимоий хавфи жиноятчилар муҳитининг жипслигида, жиноий романтика муҳитининг яратилишида бўлиб, у ёшларнинг ижтимоий беқарор қисмини ўзига тортади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, жиноий йўналганлик ижтимоий бошқарув ва ижтимоий назоратдаги камчиликлар, жиноий тажовуз объектларининг кўпайиши, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятидаги жиддий нуқсонлар, ҳокимият тепасидаги амалдорларнинг коррупцияга берилганлиги, умумижтимоий ва ҳуқуқий ижтимоийлашувнинг камчиликлари билан боғлиқ. Барча жиноий типлар жиноятчиларнинг асосан учта «классик» типи – *зўравонлик билан, заразли ниятда* ҳамда *гараз ва зўравонлик билан* жиноят содир этадиган шахслар типларига мос тушади. Уларда жиноятчи шахсининг жиноий қадриятлари ва ахлоқий хусусиятлари бирлашади.

ТУРЛИ ТОИФАДАГИ ҲУҚУҚБУЗАРЛАРГА ТАРБИЯВИЙ ТАЪСИР КЎРСАТИШДА УЛАРНИНГ ИНДИВИДУАЛ ХУСУСИЯТЛАРИНИ ИНОБАТГА ОЛИШ

Ички ишлар идоралари фаолиятида педагогика фани мақсади ва вазифаси, ўзининг тарбиявий моҳиятидан келиб чиқиб, турли тоифадаги ҳуқуқбузар шахслар билан ишлашнинг педагогик жиҳатлари, методикасини ўрганади. Шахслар қонунбузар бўлиб туғилмайдилар,

балки қонунбузар бўлиб шаклланиб, жиноятчи шахсга айланиб қолишлари мумкин. Шахсинг қонунбузар бўлиб шаклланишга кўп ҳолларда уни ўраб турган муҳит, шароит мажбур қилиши мумкин. Унда нега жуда кўпчилик шахслар қонунбузар бўлиб қолмаяптилар, деган савол туғилади. Бунга ҳам жавоб битта, яъни иродаси бўш, бошқа шахсларнинг таъсирига тез бериладиганлар шахслар қонунбузарлик, жиноят кўчасига кириб қоладилар.

Турли тоифадаги қонунбузар шахслар деганда кимлар назарда тутилади? Жамиятда ўрнатилган қонунларга зид хатти-ҳаракат қилувчи, барча тоифадаги қонунларни бузувчи шахслар қонунбузар шахслардир. Қонун бузилишининг катта-кичиги бўлмайди, балки унинг оқибати ҳар хил бўлиши, давлатга, шахсларга ҳар хил даражада моддий ва маънавий зарар етказилиши мумкин. Қонунбузар содир этган қилмишнинг моҳиятидан келиб чиқиб, турли жазолар белгиланади, масалан, биринчи марта маъмурий жазо тури қўлланилиши мумкин.

Ҳуқуқбузарликлар ва уларга нисбатан кўриладиган жазо турларини давом эттириш мумкин, лекин бунинг барчаси маъмурий ҳуқуқ фанининг ўрганиш объекти ва предмети дир. Шу ўринда қуйидагиларни айтиб ўтиш жоиз, яъни турли тоифадаги қонунбузар шахслар қонунбузарликни турли вақтда, турли об-ҳаво шароитларида, турли усуллар орқали амалга оширадилар. Агар балоғат ёшига етмаган ўсмирларнинг ҳуқуқбузарлигини олиб кўрадиган бўлсак, улар ўртасида асосан буюмларни ўғирлаш, спиртли ичимликлар истеъмол қилиб жанжал чиқариш, спорт анжомлари, магнитофонлар, гиламлар, пул ўғирлаш жиноятлари анча кенг тарқалган, безорилик ва номусга тегиш жиноятлари ҳам учраб туради.

Ёшлар ўртасида одам ўлдириш, шахсларга тан жароҳати етказиш камроқ учрайдиган жиноят турлари ҳисобланади, баъзида эса автоуловларни олиб қочиш ҳолатлари ҳам учрайди.

Балоғат ёшига етмаган шахслар турли ҳуқуқбузарликларни аҳоли яшаш, ишлаш жойларида, кўпинча ёз ойларида, кўпчилик меҳнат таътилида бўлганда, кечки соат 22⁰⁰ дан кейин содир этадилар. Ўсмирлар орасидаги ҳуқуқбузарликларнинг асосий қисми спиртли ичимликлар ичиш натижасида келиб чиқади. Улар содир этадиган майда безорилик, уйдан қочиш, спиртли ичимликлар истеъмол қилиб жанжал қилиш, мактабдан қочиш кетиш, ишдан эртароқ кетиб қолиш каби ҳуқуқбузарликларнинг баъзида жазоланмай қолиши катта-катта

жиноятлар содир этилишига олиб келади. Тажрибалардан маълумки, ҳар қандай катта жиноят майда, арзимайдигандек туюлган жиноятлардан бошланади. Кўпчилик шахслар ёшлигида қандайдир майда ўғрилиқ қилиб кўрган (қўшнисининг товуғи ёки тухумини ўғирлаган), ота-онаси, кўни-қўшнилари буни билиб қолиб, жазолаганларидан кейингина катта ўғрилиқлар ёки жиноятларнинг олди олинган.

Ҳуқуқбузар шахслар ҳам барча каби аслида оддий шахслар, фақат улар салбий хусусиятлари устун бўлган бошқа шахсларнинг таъсирига тушиб қолган ёки нотинч оилада тарбияланган бўлишлари, масалан, оиласида доимо жанжал, ахлоқсизлик авж олган, ота-оналарининг оғзи ёмон ёки ичкиликка берилган муҳитда тарбияланган, отаси йўқ ёки онаси ўғай ёки унинг акси бўлиши ҳам мумкин. Криминология, педагогика ва психология фанлари тадқиқотларининг натижалари шуни кўрсатадики, ўсмирлардаги ялқовлик, кўполлик, ёлғончилик, масъулиятни ҳис қилмаслик, худбинлик, қизғанчиқлик, меҳнатдан атайлаб бўйин товлаш, ўзининг меҳнатининг натижасидан қувонмаслик, ҳайвонларга нисбатан бераҳмлиқ, бешафқатлик, яхши кийинишга ҳаддан ташқари берилиб кетиш, инсонга чўнтагидаги пулига қараб муомала ва мансабига қараб хушомадгўйлик қилиш – буларнинг барчаси шахс тарбиясидаги салбийликни шакллантиради.

Жуда кўпчилик ота-оналар фарзандларидаги салбий иллатларни сезмайдилар, сезсалар ҳам эътиборсизлик қиладилар, бунинг оқибатида фарзандлар ёмон йўллارга кириб кетмоқдалар. Баъзи ота-оналар эса вақти келса, биз ундан (ўғлидан ёки қизидан) бу нарсани кутмовдик, англашилмовчилик содир бўлибди деб ўзларини, фарзандларини оқламоқчи бўладилар. Тарбия шундай бир оғир жараёнки, унинг натижаси бир неча йиллардан кейин билинади, кўринади ёки ўз таъсирини кўрсатади.

Шахсни тарбиялаш ҳар кимнинг ҳам кўлидан келавермайди, ҳатто ўта зиёли ота-оналарнинг ҳам фарзандлари нобоп чиқиб қолишлари мумкин, чунки фарзанд ота-она тарбиясидан кўра, бошқа шахсларнинг таъсирига тез берилувчан бўлишади. Ҳаётда баъзи бир педагогларнинг «бир умр ўзгаларнинг болаларини тарбияладим, аммо ўзимникига келганда кучим етмай қолди», деган гапларини ҳам эшитганмиз. Аслида эса ўша педагогнинг ўз фарзандлари тарбияси билан шуғулланишга вақти бўлмаган. Лекин, барибир, фарзанд тарбияси энг улуғ вазифа ҳисобланади, агар ўша ўқитувчининг

фарзанди нобоп чиқса, жиноят содир этса, у ҳеч нарса билан жамият олдида ўзини оқлай олмайди.

Фарзандлар тарбиясида отадан ташқари онанинг ҳам ўрни катта. Чунки она кўпроқ оилада, фарзандлари олдида бўлиб, улар учун энг яқин инсон ҳисобланади. Она фарзандини ҳаммадан, ҳамма нарсадан устун қўйиб яшайди, лекин ҳамма оналарни ҳам шундай деб айта олмаймиз. Шундай оналар борки, ўз фарзандининг тақдирига бефарқ, ўзи бош бўлиб фарзанди билан бирга спиртли ичимлик истеъмол қилади, уларни ўғрилиқка ўргатади, ўз қизини бегона эркаларга қўшиб қўйиб, эвазига олган пулига ичади ёки кийинади. Баъзи она-оналар фарзандларининг айтганини қилиб, уларнинг керак-нокерак эҳтиёжларини қондиришга ҳаракат қиладилар, натижада фарзанд жуда ҳам эрка, тантиқ бўлиб ўсади, ҳар нарсага осонлик билан эришишга ҳаракат қилади, ота-она эса кейинчалик бу эркаликнинг азобини тортишларига тўғри келади.

Криминология, педагогика, психология фанлари тадқиқотлари ҳамда ички ишлар органлари амалиётини ўрганиш натижасида шундай хулосага келиш мумкин: ҳар қандай жиноят ўз-ўзидан содир бўлмайди, жиноятлар содир этилишининг объектив ва субъектив сабаблари мавжуд. Масалан, ўғрилиқ жиноятини олайлик. Ўғрилиқ қилган шахс ўғирлаб олган буюмларини сотади, пулига спиртли ичимлик олиши, карта ўйнаши, яхши кўрган қизига ёки жазманига турли совғалар сотиб олиши мумкин, бундай хатти-ҳаракатлар асосида фақат нафс балоси ётади.

Вояга етмаганлар тарбиясида оила ўзига хос ўрин тутишини айтиб ўтдик. Лекин баъзида ота-оналар томонидан оилавий-ҳуқуқий тарбия, оилавий-ҳуқуқий тарғибот ишлари қай даражада олиб бориляпти, деган савол туғилади. Биринчидан, оилавий тарбиянинг жамиятимиз келажаги учун нечоғли зарур эканлигини биз кундалик турмуш тарзимизда кўриб турибмиз, чунки соғлом оилада тарбияланган фарзанд соғлом жамиятни барпо этишда бевосита ўз ҳиссасини қўшади. Оилада бериладиган тарбиянинг аҳамиятини, ҳаттоки, энг яхши муассасалардаги тарбия билан ҳам тенглаштириб бўлмайди, чунки оила ўзига хос кичкина Ватан ҳисобланади. Оилада тарбия, ҳуқуқий тарғибот ишлари кейинги вақтларда бир оз сусайгани сезилмоқда. Энг асосийси, ички ишлар органларининг ходимларининг ҳам бу борадаги ишлари кўнгилдагидек дея олмаймиз.

Жамиятимизда бугунги кунда фарзанд тарбияси борасида ҳаммага ўртак бўладиган оилалар кўп. Айниқса, бундай оилалар

тиббийёт соҳаси вакиллари, ўқитувчилар, олимлар сулоласига мансуб оилалар орасида кўплаб учрайди. Шундай оилаларнинг турмуш тарзи барчага ўрнак бўлиши учун тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш керак.

Оиладаги маънавий заифликнинг яна бир кўриниши носоғлом маънавий-руҳий муҳит бўлиб, ундаги ғайритабiiй муносабатлар, низолар, жанжаллар, келишмовчиликлар, кўполлик, ўзаро бирликнинг, бир-бирига ғамхўрликнинг йўқлиги фарзандлар тарбиясига жиддий салбий таъсир кўрсатади. Бу муаммолар ҳеч қачон ўз долзарблигини йўқотмаган. Статистик маълумотларга қараганда, қонунбузарлик содир этган вояга етмаганларнинг 42–45% ота-оналари ичкиликбозликка берилган, мунтазам жанжал ва низолар бўлиб турадиган носоғлом оилада яшар экан¹.

Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда ота-онанинг ўрни ҳақида юқорида тўхталиб ўтдик, лекин айтиш мумкинки, баъзи ота-оналар ҳатто ўзларининг конституциявий бурчларини ҳам бажармаяптилар ёки бажаришдан бўйин товляптилар, натижада балоғат ёшига етмаган шахслар тарбияси ўз ҳолига ташлаб қўйилмоқда.

Афсусланарли томони шундаки, назоратсиз қолган ўсмирлар ўқишни ташлаб, мактаб тарбиясидан маҳрум бўлиб, ёмон шароит ва кўча-кўйдаги салбий ҳолатлар таъсирида жиноят кўчасига кириб қолмоқдалар. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, вояга етмаганлар томонидан содир этилган бешта жиноятдан тўрттаси назоратсизлик, салбий хулқ-атворга эга шахслар таъсири остида юз берган².

Турли тоифадаги қонунбузар шахсларни педагогик нуқтаи назардан шартли равишда икки гуруҳга бўлиш мумкин: биринчи гуруҳ – жиноят содир этадилар ва унинг ривожига ўз хиссаларини қўшадилар, натижада ўта хавфли жиноятлар содир этилади. Иккинчи гуруҳ – қонунбузарлик содир этадилар, лекин уларнинг ҳаракатлари бошқа шахслар учун ўта хавфли даражада бўлмайди.

«Ҳар қандай криминоген вазият ўз ҳолича, мустақил ҳолда шахсни жиноят содир этишга олиб келмайди»³. Кўп ҳолларда, юқорида айтиб ўтганимиздек, турмушдаги вазиятлар шахсларни ҳуқуқбузарлик содир этишга мажбур этади, масалан, атайлаб низо чиқариш; фавқулодда вазият; бошқаларнинг оиласи ҳақида ҳар хил иғволар тарқатиш; атайлаб жаҳлини чиқариш ва ҳоказо.

¹ Қаранг: *Исмаилов И. ва бошқ.* Криминология: Дарслик. – Т., 2007. – 257-б.

² Қаранг: Кўрсатилган манба. – 301-б.

³ Ўша жойда.

Ҳар қандай шахснинг муайян хатти-ҳаракати бир қанча босқичлардан иборат бўлади ва ўзига хос мураккаб ижтимоий-руҳий жараёни қамраб олади. Ҳар қандай ҳуқуқбузарлик асосида, шахсий манфаатдан ташқари, маънавий-руҳий вазиятларнинг таъсирига берилиш ҳолатлари ҳам ётади. Шахснинг эҳтиёжи, манфаатлари, қарашлари, мақсадлари у содир этган жиноий хатти-ҳаракат билан бевосита боғлиқ. Ҳуқуқбузарлик содир этишида шахсга ижтимоий муҳит, ҳаёт ва тарбияланган шароит ҳамда муайян аниқ вазиятлар таъсир қилади.

Ҳуқуқбузарлик содир этилишида шахснинг ўзига хослигини билиш педагогикада нафақат назарий, балки амалий нуқтаи назардан ҳам муҳим. Назарий жиҳатдан ҳуқуқбузар шахсда мавжуд салбий руҳий хусусиятлар ва жиноятга сабаб бўлган ташқи муҳитдаги салбий ҳодиса ва жараёнлар очиб берилса, амалий жиҳат эса уларнинг олдини олиш чора-тадбирларини белгилашга ёрдам беради.

Шахс манфаати бошқа манфаатлардан устун турар экан, албатта, бу ҳуқуқбузарликнинг келиб чиқишига олиб келиши, табиий. Шунинг учун ҳам шахсий манфаат жамият манфаатига тўғри келиши ҳуқуқбузарликнинг камайишига олиб келади.

Маънавий педагогик заифликнинг оғир кўринишлари, айниқса, энг хавфлилари оилада катталарнинг кичикларни жиноий фаолият, ичкиликбозлик, талончилик, фоҳишабозлик ва бошқа ғайриижтимоий машғулотлар билан шуғулланишга тўғридан-тўғри жалб қилишларидир. Бундай ҳолатлар ҳаётда етарли даражада учрайди ва улар жуда ҳам хавfli ҳисобланади.

Кейинги вақтларда айрим ота-оналар томонидан оиладаги моддий қийинчиликларни енгиш мақсадида фарзандларини савдо-сотик билан боғлиқ бўлган ва қонунга хилоф хатти-ҳаракатлар содир этишга жалб қилаётган ҳолатлар кўпайиб бормоқда. Ташқаридан қараганда унча хавfli кўринмаган бундай ҳолатлар шахснинг салбий шаклланишига таъсир қилувчи криминоген омиллардан бири ҳисобланади, яъни инсонда, айниқса, вояга етмаганларда қонунни менсимаслик, уни четлаб ўтиш мумкин ёки унда қонунни бузганини ҳеч ким билмаса бўлди, деган руҳият шаклланади.

Криминоген йўналишга эга шахс оила аъзоларига тўғридан-тўғри, бевосита салбий таъсир қилмаса-да, уларни жиноят содир қилишга ундамаса-да, салбий хатти-ҳаракатлари, жиноят оламининг одатлари (жаргон, ўзини тутиши ва ҳоказо) билан оиладаги умумий руҳиятга катта таъсир қилади.

Ҳуқуқбузар шахслар шаклланишида жиноий жазони ўтаб қайтган, ғайриижтимоий қарашларга эга бўлган шахсларнинг ҳам ҳиссаси катта. Масалан, узоқ вақт жамиятдан ажралган ҳолда ва кўп вақт жиноятчилар орасида бўлиб қайтган шахсларнинг хатти-ҳаракатлари бошқа шахсларга тезроқ таъсир қилади. Криминоген йўналишга эга бўлган шахслар ўзларининг хатти-ҳаракатлари билан, бошидан кечирган ҳар хил криминал воқеаларни ҳикоя қилиш билан вояга етмаганларнинг руҳий ҳолатларига тез таъсир қиладилар. Фуқароларнинг, айниқса ёшларнинг бундай таъсирларга тез берилишларининг асосий сабабларидан бири – ҳозирги даврда умумий таълим тизимида турли кўринишларда намоён бўлувчи педагогик йўналишнинг кучсизлиги ҳисобланади.

Педагогик йўналишнинг кучсизлиги, аввало, мактабда ёш авлод билан олиб бориладиган меҳнат тарбиясидаги хато ва камчиликларда кўринади. Ушбу муаммони чуқур ўрганган олим Ҳ. Қ. Йўлдошев таълим вазирлиги қошида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ташкилий-методик марказини очиш ташаббуси билан чиқди. Бу марказ таркибига педагоглар, методистлар, психологлар, ҳуқуқшуносларнинг жалб қилинишини таклиф этади. Бу таклифда жон бор, чунки ҳуқуқшунослар, психологлар, педагогларнинг ўзаро ҳамкорлиги, уларнинг режа асосида ишлашлари ҳуқуқбузарликка қарши курашнинг энг қулай усуллари билан биридир.

Турли тоифадаги ҳуқуқбузар шахслар ўзларининг салбий хатти-ҳаракатлари билан аста-секин рецидивист шахсларга кўшилиб фаолият олиб боришлари мумкин. Рецидивист шахслар ҳам ўз фаолиятларини ҳуқуқбузарликдан бошлашлари ҳеч кимга, айниқса, ички ишлар органларининг ходимларига сир эмас. Шахснинг илгари қасддан содир этган жинояти учун судланганидан кейин қасддан янги жиноят содир этиши суд томонидан рецидив жиноят деб топилади.

Рецидивист жиноятчининг тарбияси билан ким шуғулланади ёки уларни тарбиялаб бўладими, деган савол туғилиши мумкин. Ундан ташқари, қандай жиноятчи шахслар рецидивист деб белгиланади ёки топилади?

Биринчи саволга жавоб битта, яъни рецидивист шахсларни қайта тарбиялаш жуда қийин, шу билан бирга, жуда оғир педагогик жараён бўлиб, уларнинг ижтимоий хавфлилик даражасини камайтириш мумкин, бу ҳам қайта тарбиялашнинг ўзига хос тури ҳисобланади. Рецидивист жиноятчилар ўзларида қайта жиноят содир этмаслик ҳаракатларини кўрсата олсагина, уларни бутунлай тарбияласа бўлади.

Иккинчи саволга жавоб куйидагича: яъни, фақат суднинг ҳукми билангина шахс ўта хавфли рецидивист деб топилиши мумкин. Шахсни ўта хавфли рецидивист деб топиш тўғрисидаги масала ҳал қилинаётган вақтда унинг ўн саккиз ёшга тўлгунга қадар содир этган жинояти учун судланганлиги, шунингдек, қонунда белгиланган тартибда судланганлик муддатининг ўтиб кетганлиги ёки олиб ташланган судланганлиги инобатга олинмайди.

Рецидивист жиноятчи ёки рецидив жиноятчиликнинг хусусиятлари бир-бирига ўхшаса-да, лекин улар айнан бир нарса эмас, чунки рецидив жиноятчилик ижтимоий хавфлилик даражаси юқори жиноятчилик тури ҳисобланиб, ушбу жиноят ижтимоий хавфлиликнинг юқорилиги, биринчидан, аввал жиноий жавобгарликка тортилишига қарамасдан, муқаддам жиноят содир этган шахс икки ва ундан кўп марта жиноят содир этиб, жиноий фаолиятини давом эттиришга бўлган қатъий ҳаракати билан, иккинчидан, бундай тоифадаги шахсларнинг доимо қонун билан кўриқланадиган объектларга нисбатан тажовуз қилиш хавфининг ва бошқа шахсларга, айниқса, ёшларга салбий таъсирининг мавжудлиги билан ажралиб туради. Рецидив жиноятларни содир этувчи шахсларнинг ўзлари жиноий тажрибаларига асосланиб, биринчи марта жиноят содир қилаётган шахслар билан тил бириктириб, оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этадилар. Рецидивист жиноятчи ёки рецидив жиноятчиликнинг моҳиятини ўрганиш криминология фанининг объекти ҳисобланади, бизни эса рецидивист жиноятчиларни қайта тарбиялаш муаммоси қизиқтиради.

Барча жиноят турлари каби рецидив жиноят, жиноятчилик ҳам касбий педагогика ва ахлоқ тузатиш педагогикасининг ўрганиш объекти ҳисобланади. Рецидив жиноятчиликнинг сифат ва миқдор жиҳатидан ўзгариб бориши республикамиздаги ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларига тўсқинлик қилувчи ижтимоий ҳодиса ҳисобланади.

Шахсларнинг рецидивист бўлиб етишишларига куйидаги омиллар сабаб бўлади:

- шахс тарбияланган оилада юзага келган салбий педагогик-психологик муносабатлар;
- рецидивист шахс тарбияланган оиланинг тўлиқ эмаслиги ва оилада педагогик муҳитнинг йўқлиги;
- рецидивист шахс тарбияланган оилада ота ёки онанинг тарбиявий ўрнининг йўқлиги, бор бўлса ҳам уларнинг ўзлари спиртли ичимликлар ёки гиёҳвандлик моддаларини истеъмол қилишга берилиб кетганликлари;

– рецидивист шахслар билан оилавий алоқаларнинг мавжудлиги ва оила бошлиқларининг, айниқса, ота ёки онанинг рецидивист шахсларга тобе бўлиб қолиши оқибатида фарзандларнинг ҳам шундай тарбияланганлиги;

– рецидивист шахсларни қайта тарбиялашда жазони ижро этиш жойларидаги муҳит, озодликдан маҳрум этиш жойларида жазони ўтаётган маҳкумлар билан олиб бориладиган тарбиявий профилактик тадбирларнинг бугунги кун талабига жавоб бермаслиги;

– озодликдан маҳрум этиш жойларида жазони ўтаётган маҳкумларга нисбатан баъзан инсонпарварлик, адолат мезонларининг бузилиши;

– озодликдан маҳрум этиш жазосини ўташ жойларида жиноятчилар муҳитига хос одат ва анъаналарнинг ҳукмронлиги ҳамда жазони ўтаётганларнинг уларга риоя қилишга мажбур этилиши.

Рецидивист шахсларнинг қайта тарбияланишига салбий таъсир этадиган яна бир қанча омиллар бор. Масалан, шахс жиноят содир этганлиги учун жазони ўтаб қайтганида сўнг илгари ишлаган жамоасининг унга судланмасдан аввал қандай муносабатда бўлса, шундай муносабатда бўлмаслиги ҳам шахс психологияси ва тарбиясига қаттиқ таъсир қилади. Ундан ташқари, озодликдан маҳрум этиш жойларидан бўшаб келган шахсларнинг ўз вақтида мутасадди ташкилотлар, жумладан жойлардаги ҳокимиятлар ҳузурида тузилган ижтимоий мослашув марказлари томонидан маиший турмуш муаммоларининг ҳал этилмаслиги ва иш билан таъминланмасликлари, шунингдек, ижтимоий мослашув марказлари фаолиятидаги хато ва камчиликлар ҳам асосий омиллардан ҳисобланади.

Жиной жазони ижро этиш жойларидаги маҳкумлар, рецидивист шахсларни қайта тарбиялаш педагог, психолог олимлар томонидан ўрганиладиган алоҳида муаммо ҳисобланади. Касбий педагогика ўзининг моҳиятига кўра, шахсни тарбиялаш, қайта тарбиялаш муаммоларини ўрганади.

ЖИНОЯТЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИНING ПЕДАГОГИК ЖИХАТЛАРИ

Жиноятлар профилактикаси жиноятчиликка қарши курашнинг инсонпарварлик тамойилига асосланади. Профилактика чоралари нафақат жамият манфаатларига, балки профилактика қилинаётган шахснинг ҳам манфаатларига хизмат қилади. Ушбу ниҳоятда муҳим

қоиданинг профилактик таъсир кўрсатилаётган шахс онгига етказилиши у билан ҳиссий-руҳий умумийлик ўрнатишда боғловчи кўприк вазифасини ўтайди.

Мазкур талаб билан юқорида эслатиб ўтилган жинойтларнинг якка тартибдаги профилактикаси чораларини қўллашнинг асосланганлиги талаби ҳам чамбарчас боғлиқдир. Профилактика инспекторлари якка тартибдаги профилактик тадбирларни режа асосида вазиятдан келиб чиқиб, уларга ижодий ёндашган ҳолда, ташаббускорлик билан бажариши лозим. Масалан, маҳалланинг маърифий, диний, ахлоқий, тарбиявий ишлар бўйича маслаҳатчиси билан профилактика инспектори ҳамкорликда аҳолининг тарбиявий таъсирга муҳтож қатлами билан профилактик тарбиявий ишлар олиб бориш режасини тузади. МТПда шу йўналишларда амалга оширилган ишлар ҳақида йиғма жилд юритилиб, ҳужжатлар тикиб борилади.

Юқоридаги мавзуларда айтиб ўтганимиздек, ишонтириш, рағбатлантириш, мажбурлаш асосий профилактик таъсир усуллари ҳисобланади.

Сухбат ўтказиш. Профилактика қилаётган шахс билан ўтказилган сухбатнинг самараси унга нисбатан руҳий, педагогик усулларни қўллаш ва уларга бу усулларни қай даражада (ижобий ёки салбий) таъсир этишига боғлиқ бўлади.

Сухбат ўтказувчи ходим профилактика қилаётган шахснинг аввалги ва ҳозирги ҳаёти, ижобий ва салбий томонлари, унинг қизиқишларини инобатга олган ҳолда режа тузиб, уни қачон, қаерда ўтказишни белгилаб олиши шарт. Сухбатнинг асосий талаблардан бири профилактика қилинаётган шахс билан доимий равишда уни ўтказиб боришни таъминлашдир. Сухбат мавзуси профилактика қилинаётган шахснинг хулқ-атвори, ижобий ҳаракатлари, иш ва ўқишдаги натижалари ҳақида бўлиши мумкин¹.

Сухбатга жамоатчи тарбиячилар, ҳомийлар, оталиққа олган шахслар, мураббийлар ҳам таклиф этилиши мумкин, вояга етмаганлар билан ўтказиладиган сухбатда эса ўқитувчилар, ота-оналар, маҳалла фаоллари, хотин-қизлар кўмитасининг раисларининг таклиф этилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Мураббийлик профилактика қилинаётган шахс меҳнат қилаётган ишлаб чиқариш корхоналарида кўпроқ қўлланилади. Бунда профи-

¹ Қаранг: Педагогика и политико-воспитательная работа с осужденными. – Рязань, 1985. – С. 239–240.

лактика қилинаётган шахсни меҳнат ва маънавий-тарбиявий тадбирлар, анъаналар, касб-хунарга ўргатиш орқали тарбиялашга эътибор қаратилади.

Жамоатчилик фикридан фойдаланиш расмий равишда профилактика қилинувчи шахс меҳнат қилаётган меҳнат жамоасида ёки яшаш жойидаги маҳаллада бўлиб ўтадиган йиғилишларда унинг хулқ-атворини муҳокама этиш, деворий рўзнома ёки оммавий ахборот воситалари орқали муҳокама қилиш орқали амалга оширилади. Жамоатчилик фикридан норасмий равишда фойдаланганда, яъни профилактика қилинаётган шахс меҳнат қилаётган жамоадошлари, қариндош-уруғлари, яқинларининг фикри янада самаралироқ бўлиши мумкин. Таъкидлаш лозимки, якка тартибли профилактикада жамоатчилик фикридан фойдаланиш қонунчилигининг ижтимоий воқелик талабларига жавоб беради ва самарадорлигини оширишга хизмат қилади ҳамда муайян амалий аҳамият касб этади ¹.

Ёрдам кўрсатиш – профилактика қилинаётган шахсни иш билан таъминлаш, маиший муаммоларини ҳал этиш, ўқишга кириб олиши, бўш вақтларини банд этиш, ижтимоий-фойдали алоқаларини тиклаб олишида ёрдам кўрсатишдан иборат.

Жазони ўташ жойларидан қайтган шахсларни иш ва маиший турмушда мослашиб олишлари қийин кечади, профилактика ходими бундай шахсларнинг корхона ва муассасаларга ишга жойлашишида кўмаклашади, ишга қабул қилиш асосиз равишда рад этилганда корхона ва муассасалар маъмуриятига нисбатан таъсир чораларини кўради.

Якка тартибдаги профилактиканинг субъектлари ва объектлари. Юқорида таъкидланганидек, жиноятларнинг якка тартибдаги профилактик чоралари доимо жамиятнинг муайян аъзосига қаратилган бўлади, яъни аҳолининг ижтимоий таъсирга муҳтож қатламига мансуб шахслар билан профилактик-тарбиявий ишлар амалга оширилади.

¹ Қаранг: *Худойбердиев А.* Ижтимоий фикрнинг жамият ҳаётини либераллаштиришдаги аҳамияти // Ўзбекистон Республикаси Суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштиришнинг асосий йўналишлари: Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. –Т., 2007. – 107-б.

Якка тартибдаги профилактик чораларнинг бевосита ижрочилари қўйидагилар ҳисобланади:

- фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари;
- яраштириш комиссиялари;
- хотин-қизлар қўмиталари;

– давлат корхона, муассасалари раҳбарлари, ходимлари, жамоат ташкилотларининг аъзолари, жиноятлар профилактикасини ўз ижтимоий бурчи сифатида амалга оширадиган фуқаролар ташкил қилади.

Профилактик таъсирни йўлга қўя оладиган тарбиячи ижобий натижаларга эриша олади. Эътиборли томони шундаки, шаклланиб бораётган шахс билан психологик умумийлик ўрнатиш, бундай умумийликни топиш учун турли воситалардан фойдаланиш муҳимдир. Мунтазам равишда спиртли ичимликларни суиистеъмол қиладиган ва шу асосда оилада жанжал қўзғатадиган шахс ҳам, манфаатпарастликка мойил бўлган ва ишлаб чиқаришдаги майда ўғриликлар эвазига ўз эҳтиёжларини қондиришдан тонмайдиган шахслар ҳам профилактик таъсир чораларига муҳтождир. Ушбу вазиятда олдимизда ҳар икковидан ҳам жиноят содир этишларини кутиш мумкин бўлган икки қарама-қарши типдаги профилактика қилинувчилар турганлиги аниқ. Шу нуқтаи назардан, уларга нисбатан қўлланиладиган профилактик таъсир чоралари ҳам турлича бўлиши керак.

Таъкидлаш жоизки, профилактик чораларни индивидуаллаштириш, профилактик таъсир кўрсатилиши лозим бўлган шахсларни аниқлаш сингари, хулқ-атворни прогностлаш (башорат қилиш) асосига қурилади. Масалан, илгари фирибгарлик ҳаракатлари содир этган шахслар бундай ҳаракатларни яна содир этишга жуда мойил эканликлари аниқланган. Ўғирлик қилганлиги учун судланган шахс ушбу жиноятни яна содир этиши эҳтимоли жуда юқори. Жиноятлар профилактикаси субъектлари бундай қонуниятни билиб, ўз фаолиятини «умуман» эмас, балки муайян қилмишларнинг олдини олишга қаратишлари керак.

Жиноятларнинг якка тартибдаги профилактикаси чоралари қандай вазифаларни бажаришга қаратилганлиги ва уларнинг мазмуни бўйича уч тоифага бўлиниши мумкин:

- ахборот чоралари;
- таъсир чоралари;

- назорат чоралари.

Ахборот чораларига профилактик таъсир кўрсатилиши керак бўлган шахсларни аниқлаш ҳамда улар билан ишлашни тўғри йўлга қўйиш учун зарур бўлган маълумотларни тўплашга қаратилган чоралар киради.

Таъсир чоралари якка тартибдаги профилактиканинг ўзагини ташкил қилади, айнан улар профилактика қилинаётган шахс ижтимоийлашувидаги нуқсонларни бартараф этиш ва бу билан уни жиноят содир этишдан тўхтатиб қолишга қаратилган.

Назорат чораларининг вазифаси таъсир чоралари қандай натижа берганлигини аниқлаш ва шунга кўра кўрсатилган профилактик чораларни етарли деб топиш ёхуд қўшимча таъсир чораларини белгилашдан иборат.

Ҳар учала тоифа чоралари ўзаро алоқадор ва бир-бирига чамбарчас боғлиқ. Жиноятларнинг якка тартибдаги профилактикаси ўтказилиши лозим бўлган шахсларни аниқламай ва ҳар томонлама ўрганмай бундай таъсир кўрсатилишини режалаштириш ва амалга ошириш самара бермайди. Шунингдек, таъсир чораларининг самарадорлигини назорат қилмай ушбу чораларни ўзгартириб ҳам, профилактика қилинаётган шахс ҳақидаги мавжуд маълумотларни чуқур таҳлил этиб ҳам бўлмайди

Жиноятларнинг олдини олиш ишлари икки томонлама – умумижтимоий ҳамда криминологик, яъни махсус ташкил этилган тадбирлар орқали олиб борилади.

Якка тартибдаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда ва шахсларга психологик-педагогик таъсир этишда тарбия объекти доимо шахслар, уларнинг онги, психологияси, сезгиси ва ахлоқи бўлади. Бошқача айтганда, ички ишлар органлари ходимларининг тарбия объекти алоҳида шахслар, бир гуруҳ шахслар, меҳнат жамоалари, оилалар бўлиши мумкин. Шу ўринда айтиш мумкинки, қадим-қадимдан тарбиячилар ўртасида тарбиявий иш олиб бормоқчи бўлсанг, энг аввало, кимга тарбиявий таъсир этасан – ўшани билишинг керак, деган фикр мавжуд. Ушбу фикр жуда тўғри бўлиб, ҳалигача ўз долзарблигини йўқотмаган.

Ўтказилган профилактик тадбирларнинг натижаларини, биринчидан, шахснинг ижтимоий турмушида ижобий ўзгаришларнинг юзга келишида; иккинчидан, унинг ижтимоий фаоллигида; учинчидан,

шахсининг ўзи доимо фаол бўлиб, бошқаларни ҳам фаолликка жалб этишида кўриш мумкин.

Жиноятларнинг олдини олиш чора-тадбирлари мазмуни бўйича иқтисодий, сиёсий, мафкуравий, демографик, ташкилий-бошқарув, ҳуқуқий-маънавий, тарбиявий, маҳаллий ҳамда муайян объектда амалга ошириладиган чора-тадбирларга, таъсир қилиш механизми бўйича жиноятларнинг сабаб ва шароитларини бартараф қилувчи, уларни зарарсизлантирувчи, кучсизлантирувчи, уларга тўсқинлик қилувчи, қаршилик кўрсатувчи чораларга ажратилади.

Махсус тартибда жиноятларнинг олдини олиш жиноятчиликнинг олдини олишнинг махсус субъектлари томонидан алоҳида турдаги жиноятларнинг сабаб ва шароитларини, улар билан боғлиқ бўлган бошқа детерминантларни аниқлаш ва уларни бартараф қилиш, таъсирини йўқотиш, кучсизлантиришга ҳамда жиноят содир қилишга мойил бўлган алоҳида ижтимоий гуруҳга мансуб шахсларга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишдир.

Умумий профилактика деганда, жамиятга зид гайриижтимоий ҳодиса сифатида намоён бўладиган турли воқеа, ҳодиса, жараён ва ҳолатларнинг олдини олиш, уларни чеклаш, таъсир этишини кучсизлантиришга қаратилган профилактик фаолият тушунилади.

Жиноятларнинг умумий профилактикаси қуйидаги усулларда амалга оширилади:

– ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий мазмундаги ташвиқот-тарғибот ишларини олиб бориш (маҳалла фуқаролар йиғинида, яраштириш комиссиялари, хотин-қизлар кўмиталари, маҳалланинг диний, маърифий, тарбиявий ахлоқий ишлар бўйича маслаҳатчиси билан);

– оммавий ахборот воситалари орқали (газета, журналлар, радио, телевидение) жиноятларнинг олдини олиш мазмундаги чиқишлар қилиш;

– турли телевикториналар ташкил этиш;

– диний мазмундаги турли йиғинлар ташкил этиш (амру маъруф, яъни диний экстремистик оқимга мансуб шахсларга тарбиявий таъсир чораси сифатида).

Жиноятларнинг умумий профилактикаси ёзма, оғзаки, кўргазмали шаклларда бўлади.

Жиноятларнинг умумий профилактикасини амалга оширишда ҳамкорлик алоҳида аҳамият касб этади. Ҳамкорлик турли даражада ва доирада олиб борилади.

Умумий профилактика усуллари криминоген омилларга таъсир этиш доирасига қараб иқтисодий, ташкилий, ғоявий, ҳуқуқий, маъмурий, криминологик ахборот соҳаларига бўлиш мумкин. Шунингдек, умумий профилактика алоҳида жиноятлар тоифаси ёки алоҳида гуруҳдаги криминоген омилларни олдини олишга йўналтирилган ички хусусиятларга ҳам эга.

Ғоявий-мафкуравий усуллар орқали жиноятчиликнинг олдини олишда асосий эътибор ғоявий-мафкуравий ишларни самарасини оширишга қаратилади. Бугунги кунда мафкура майдонларидаги рақобат ва мамлакатимиздаги ҳаётий тажрибалар натижасига таяниб айтиш мумкинки, мафкуравий бўшлиқнинг пайдо бўлиши жамиятда салбий оқибатларни келтириб чиқарадиган асосий сабаблардан биридир (Ёшларимизни турли хил экстремистик оқимларга кириб кетиши, бу оқимлар таъсири остида жиноятлар содири этиши). Умумий профилактикада мафкуравий усул асосини мураббийлик, меҳнат, эстетик, ғоявий ва ҳуқуқий тарбия ташкил этади.

Умумий тартибда жиноятларни профилактика қилишда жамоатчиликни жалб этиш алоҳида ўрин эгаллайди. Жамоатчилик вакиллари, «Маҳалла посбони» жамоат тузилмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, қолаверса, кенг оммадан жиноятлар, уларни келтириб чиқарувчи сабаб ва шароитлар ҳақида маълумотлар олинганда ички ишлар органлари ходимлари томонидан бу маълумотлар ўрганиб чиқилиши ва ўз вақтида зарур чоралар кўрилиши керак. Таъкидлаб ўтиш жоизки, бугунги кунда «Маҳалла посбон»лари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг жиноятларни умумий профилактика қилишда роли ошиб бормоқда.

Умумий профилактика самарадорлигини ошириш ва уни баҳолашда ҳудудлардаги тезкор вазиятларни таҳлил этиш яхши самара беради. Таҳлил натижаларига кўра, қайси жиноят турлари ҳудудда кўпайганлиги, куннинг қайси вақти ва қайси жойларда содир этилиши, жиноятга дахлдор шахслар, уларнинг ёшлари, ижтимоий келиб чиқиши билан боғлиқ бўлган зарур ва фойдали маълумотлар аниқланади. Бу маълумотлардан тўғри фойдаланиш эса ишдаги хато ва камчиликларни бартараф этиш ҳамда жиноятчиликнинг олдини олишдаги профилактик тадбирлар самарадорлигини ошириш имкониятини яратади.

Мавзу юзасидан савол ва топшириқлар:

- 1. Бир неча бор судланган шахсларнинг психологик-педагогик тавсифланг.*
- 2. Рецидив жиноятлар содир этилишининг сабаблари ва шарт-шароитлари, уларнинг психологик-педагогик тавсифини айтиб беринг.*
- 3. Бир неча бор судланган шахслар билан тарбиявий-профилактик ишлар олиб боришининг мақсади ва вазифалари нималардан иборат?*
- 4. Муқаддам судланган шахслар билан тарбиявий-профилактик ишларни олиб боришга салбий таъсир этувчи омиллар нималардан иборат?*
- 5. Муқаддам судланган шахсларга табақалашган ва якка тартибда тарбиявий таъсир кўрсатиш қандай кечади?*
- 6. Маъмурий назорат чоралари ва педагогик самарадорликнинг шарт-шароитларига нималар киради?*
- 7. Жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатишган шахсларнинг ҳаёт тарзи ва қизиқишларини ўрганиш.*
- 8. Муқаддам судланган шахсларга нисбатан маъмурий назорат чораларини қўллашдаги қийинчиликлар ва камчиликларнинг педагогик таҳлили ва рецидив жиноятларнинг олдини олишда жамоатчиликнинг таъсирини айтиб беринг.*

ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР

Ўзбекистон Республикасининг “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги қонуни. – Т., 2010.

Ўзбекистон Республикасининг «Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида»ги қонуни. – Т., 2008.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш ҳақида»ги қарори. – Т., 2000.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига шарҳ. – Т., 2001. – 325-б.

Каримов И. А. Бунёдкорлик йўлидан. Т.4. – Т., 1996.

Каримов И. А. Жамиятимиз мафкураси халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин // Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т. 7. – Т., 1999.

Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т. 13. – Т., 2005.

Каримов И.А. Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш – бизнинг олий мақсадимиз. Т.17. – Т., 2009.

Каримов И. А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т., 2008.

Каримов И. А. Миллат кудрати –ҳамжиҳатликда. – Т., 1999.

Каримов И. А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. – Т., 2002.

Каримов И.А. Адолат – қонун устуворлигида. – Т., 2001.

Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Т., 2010.

Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. – Т., 2000.

Авлоний А. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. – Т., 1992.

Абдурасулова Қ.Р. Профилактика – тарбиявий чора-тадбирлар асоси. – Т., 2008.

Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. – Т., 1993.

Аванесов Г. А. Введение в курс профилактики правонарушений. – М., 1998.

Аванесов Г. А. Криминология и социальная профилактика. – М., 1999.

Алемаксин М.А. Психолого-педагогические проблемы предупреждения педагогической запущенности и правонарушений несовершеннолетних. – Воронеж, 1982.

Антонян Ю. М. Преступность и психические аномалии. – М., 1990.

Антонян Ю. М. Причины преступного поведения. – М., 1992.

Бабаяров М.А. Ёшларни ҳуқуқий тарбиялаш муаммолари // Мустақиллик йилларида юридик фан ва амалиётнинг ривожланиши: Илмий-назарий конференция материаллари. – Т., 2002.

- Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция ва унинг Факультатив протоколлари / Ўзбекча наشري учун масъул муҳаррир А. Х. Саидов. – Т., 2009.
- Буриева М.* Оила ва унинг вазифалари. – Т., 1998.
- Выготский Л.С.* Развитие высших психологических функций. – М., 1967.
- Горниченко И. И., Хакимов Ш. Ш., Закирходжаев Ш. А.* Откровенно о сокровенном. – Т., 1991.
- Душанов Р.Х.* Жиноятчи шахс психологияси. – Т., 2011.
- Еникеев М.И.* Юридическая психология. – СПб., 2005.
- Зарипов З.С.* Вояга етмаганларнинг гуруҳий жиноятчилиги ва унинг олдини олишга қаратилган айрим чоралар // Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши кураш фаолиятини такомиллаштириш: Илмий-амалий конференция материаллари. – Т., 2001.
- Зарипов З.С., Исмаилов И.* Криминология. – Т., 1996.
- Икромов Ш.Т., Зиёдуллаев М.З.* Милиция таянч пунктлари негизида ҳамкорликни ташкил этиш ва бошқариш. – Т., 2013.
- Исмаилов И. ва бошқ.* Криминология: Дарслик. – Т., 2007.
- Йўлдошев М.* Оилада руҳий муҳит ва унинг тарбияга таъсири. – Т., 2004.
- Каюмов А. А.* Вояга етмаган қонунбузарлар ва уларнинг географик тавсифи // Конференция материаллари (2002 йил 14 ноябрь). – Т., 2003.
- Клотниекс И.Э.* Психология в семье. – М., 1991.
- Короткова Т.И.* К вопросу о причинах антиобщественного поведения людей и подростков. – М., 1988.
- Криминология: Дарслик / Масъул муҳаррир проф. М.Х. Рустамбоев. – Т., 2008. – Б. 71.
- Криминология: Дарслик / Профессор З.С.Зарипов таҳрири остида.– Т., 2007.
- Манойло А.В., Петренко А.И., Фролов Д.Б.* Государственная информационная политика в условиях информационно-психологической войны. – М., 2006. – С. 203.
- Матчанов А.А., Ахмедов О.Т., Матлюбов Б.Б., Таджибоев У.Т., Тургунов У.Т.* Гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний муомаласига қарши кураш. – Т., 2011.
- Махмудов Р. М.* Касбий педагогика. – Т., 2003.
- Мухторов Ж. С.* Ички ишлар идоралари профилактика хизматлари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари. – Т., 2008.
- Пахрутдинов Ш.* Тараққиётга таҳдид: назария ва амалиёт. – Т., 2006.
- Солопонов Ю. В.* Основания профилактического воздействия. – М., 1999.
- Таджиханов У.* Ички ишлар идоралари фаолиятида ҳуқуқий маданият ва қонунга итоатгўйлик. – Т., 1995.
- Тоҳир Малик.* Жиноятнинг узун йўли (Ким айбдор?). – Т., 2004.
- Тўлаганова Г.К.* Тарбияси қийин ўсмирлар. – Т., 2005.
- Умаров Б.М.* Ўзбекистонда вояга етмаганлар жиноятчилигининг ижтимоий-психологик муаммолари. – Т., 2008.
- Фитрат А.* Оила ёки оила бошқариш тартиблари. – Т., 2000.

Худойбердиев А. Ижтимоий фикрнинг жамият ҳаётини либераллаштиришдаги аҳамияти // Ўзбекистон Республикаси Суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштиришнинг асосий йўналишлари: Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. – Т., 2007.

Шоумаров Ғ.Б. Вояга етмаган жиноятчилар билан ишлашнинг психологик масалалари // Таълим тизимида психологик хизмат: муаммолар, ечимлар. – Термиз, 2002.

Юридический энциклопедический словарь. – М., 1987.

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари ходимларининг касб маданият ҳақидаги кўлланма. – Т., 2011.

Қорахўжаева М.Х. Ёшларни баркамол инсон қилиб тарбиялашда бой маънавий меросимиздан фойдаланиш // Соғлом турмуш тарзини шакллантиришнинг илмий-услубий асослари: Илмий-амалий ва услубий конференция материаллари. – Т., 2007.

Ҳикматов Ш.М. Аёл, оила ва жамият: Илмий-амалий конференция материаллари. – Т., 2007.

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3
------------	---

1-мавзу

ПЕДАГОГИКА ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ, УНИНГ ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИДА ТУТГАН ЎРНИ

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИДА ПЕДАГОГИК ЖАРАЁН ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ ТАРКИБИЙ ЭЛЕМЕНТЛАРИ.....	5
ПРОФИЛАКТИК ФАОЛИЯТНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА ПЕДАГОГИК БИЛИМЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ.....	10
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ СИЁСАТИ.....	20

2-мавзу

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ПРОФИЛАКТИК ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА ТАРБИЯ ВА ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИНИНГ ҚОНУНИЯТЛАРИ ВА ПРИНЦИПЛАРИ

ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИ ФАОЛИЯТИДА ТАРБИЯ ЖАРАЁНИНИНГ ТИЗИМИ, ПРИНЦИПЛАРИ ВА ҚОНУНИЯТЛАРИ.....	29
ТАРБИЯВИЙ ПРОФИЛАКТИК ВАЗИФАЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШДА ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИНИНГ ЎРНИ ВА УНИНГ ПРИНЦИПЛАРИ.....	35
ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИ ФАОЛИЯТИДА ТАРБИЯВИЙ ИШЛАРНИ ОЛИБ БОРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ.....	44

3-мавзу

ХОДИМ ШАХСИ ВА УНИНГ КАСБИЙ МАҲОРАТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИ

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИНИНГ ПЕДАГОГИК МАДАНИЯТИГА УМУМИЙ ТАВСИФ.....	49
КАСБИЙ БУЗИЛИШЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШНИНГ ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИ.....	53
ХОДИМЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ ТАРБИЯЛАШИ – ШАХСНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН МАҚСАДЛИ ЖАРАЁН.....	61

4-мавзу

ЯККА ТАРТИБДА ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШДА ПСИХОЛОГИК-ПЕДАГОГИК ТАЪСИР ЭТИШ УСУЛЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИДА ПСИХОЛОГИК- ПЕДАГОГИК ТАЪСИР КЎРСАТИШ МЕХАНИЗМИ.....	64
ПСИХОЛОГИК-ПЕДАГОГИК ТАЪСИР КЎРСАТИШ УСУЛЛАРИ ВА ЙЎЛЛАРИ.....	68
ПСИХОЛОГИК-ПЕДАГОГИК УСУЛЛАРНИНГ ТАНЛАНИШИГА ТАЪСИР КЎРСАТУВЧИ ОМИЛЛАР.....	74

5-мавзу

ФУҚАРОЛАРНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРБИЯЛАШНИНГ ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИ ВА ҲУҚУҚИЙ ТАРҒИБОТ

АҲОЛИНИНГ СИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТИНИ ОШИРИШДА ҲУҚУҚИЙ ТАРБИЯНИНГ ЎРНИ.....	80
ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИ АҲОЛИ ОЛДИДА СЎЗГА ЧИҚИШЛАРИНИНГ ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИ.....	89
АХБОРОТ-ПСИХОЛОГИК ХАВФСИЗЛИК.....	97

6-мавзу

ВОЯГА ЕТМАГАН ҲУҚУҚБУЗАРЛАР БИЛАН ИШЛАШНИНГ ПЕДАГОГИК ЖИҲАТЛАРИ ВА ОИЛАВИЙ НОТИНЧЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ

ЎСМИРЛИК ЁШИ ВА ЎСМИРЛАР ЖИНОЯТЧИЛИГИНИНГ ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ.....	122
ВОЯГА ЕТМАГАНЛАРНИНГ НОРМАДАН ОҒУВЧИ ХУЛҚИ БЎЙИЧА ЗАМОНАВИЙ ПЕРВЕНТИВ-КОРРЕКЦИОН (ОЛДИНИ ОЛИШ ВА ТУЗАТИШ) АМАЛИЁТ.....	132
ОИЛАВИЙ НОТИНЧЛИК ВА УНИНГ ЖИНОИЙ ХУЛҚ ШАКЛЛАНИШИГА ТАЪСИРИ.....	137
НОСОҒЛОМ, МУАММОЛИ ҲАМДА ҲУҚУҚБУЗАРЛИК СОДИР ЭТИШГА МОЙИЛ БЎЛГАН ОИЛАЛАР БИЛАН ИШЛАШНИНГ ПЕДАГОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ.....	148

7-мавзу

САЛБИЙ ИЖТИМОИЙ ҲОДИСАЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ФАОЛИЯТИНИНГ ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИ

НОРМАДАН ОҒУВЧИ ХУЛҚНИНГ ПЕДАГОГИК ТАВСИФИ ВА ТУРЛАРИ.....	153
---	-----

САЛБИЙ-ИЖТИМОЙ ҲОДИСАЛАР ТАРҚАЛИШ САБАБЛАРИНИНГ ПЕДАГОГИК ТАҲЛИЛИ.....	158
САЛБИЙ-ИЖТИМОЙ ҲОДИСАЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛИШНИНГ ПЕДАГОГИК МУАММОЛАРИ.....	166

8-мавзу

ЖИНОЯТ СОДИР ЭТГАН ШАХСЛАР ОРАСИДА ЖИНОЯТЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИНИНГ ПЕДАГОГИК ЖИҲАТЛАРИ

ЖИНОЯТ СОДИР ЭТАДИГАН ШАХСЛАР ТУРМУШ ТАРЗИНИНГ ПЕДАГОГИК ТАВСИФИ.....	177
ТУРЛИ ТОИФАДАГИ ҲУҚУҚБУЗАРЛАРГА ТАРБИЯВИЙ ТАЪСИР КЎРСАТИШДА УЛАРНИНГ ИНДИВИДУАЛ ХУСУСИЯТЛАРИНИ ИНОБАТГА ОЛИШ.....	183
ЖИНОЯТЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИНИНГ ПЕДАГОГИК ЖИҲАТЛАРИ.....	191
ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР.....	199

МАХМУДОВ Рузмат Муродович,
педагогика фанлари доктори;
ДУШАНОВ Рустам Хўжанович,
психология фанлари номзоди, доцент

ПЕДАГОГИКА

Маърузалар курси

Мухаррир **Б. А. Яров**
Техник муҳаррир **Д. Х. Хамидуллаев**

Босишга рухсат этилди 22.10.2013. Нашриёт ҳисоб табағи 11,0
Адади 50 нусха. Буюртма №

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
100197, Тошкент ш., Интизор кўчаси, 68.